

# Муножот

Биринчи марта эълон қилинмоқда

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим. Зиҳи исминг азим, раҳмонлиг ва раҳимлигинг вожиб ут-таъзим. Исм сенинг исминг, ва раҳмонлиг ва раҳимлигинг — сенинг қисминг, сен ганж ва офариниш — тилисминг. Исмнинг жамъи сифоти асмон ҳусно, раҳмонлиг ва раҳимлигингга юз минг ҳамду сано. Раҳим ҳам сен, раҳмон ҳам сен, азим ҳам сен, субҳон ҳам сен. Субҳонлоҳ, не қибриёву азаматдурким, сендин ўзгага вужуд итлоқи бўҳтон ва тухматдур. Зотинг қайюми барҳак, вужудинг воқеъи мутлак. Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бевуд, балки нобуду номавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсуд. «Таоло шонука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука. Ё Вадуд ва Маъбуди вожиб ул-вужуд»<sup>1</sup>.

ҲАМД. Илоҳи, азамату жабарут<sup>2</sup> сенинг шонингдадур ва мулк малакут<sup>3</sup> сенинг ҳукму фармонингда. Азалиётингга бидоят йўк ва абадиётингга ниҳоят йўк. Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроғ сенинг ҳамдингга зокир ва спехр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ сенинг неъматингга шокир. Жамолиятинг бўстонида секиз учмоқ бир райҳони дилнавоз ва жалолиятинг зиндониди етти тамуғ бир самуми жонгудоз. Ҳашматинг боргоҳида шамма — меҳри мунир ва санъатинг коргоҳида бир лавҳа сипехри асир. Юз бу оламча мавжуд этай десанг, «қун-фаяқун»<sup>4</sup> иборати анга кофий ва минг анжомни маъдум этай десанг «хабаан мансура»<sup>5</sup> ишорати анга вофий. Ваҳдоният сифатида шарик вазиридин мубарро ва фардоният сийратиди волиду валаддин муарро. Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дурридин покрок, мулкунг шаҳросидин ҳар лола куёш машъалидин оташнокр. Бемонандлигингга «лайсака мислиҳи шайъун»<sup>6</sup> гувоҳи содиқ, бепайвандлигингга «лам ялид ва лам ювлад»<sup>7</sup> далили мувофик. Ҳар негаким, ташбих қилилса, ўхшамассен, яхши боқилса, ул сендурур ва сен ул эмассен. Ҳамдингда такаллум аҳли тили қосир, синосингда мутакаллимлар ажздин муҳаййир. Бу бобда «ло нуҳси саноан алайка»<sup>8</sup> мазкур бўлур, ҳар неча балоғат лофин урган дам урмаса маъзур бўлур.

НАЪТ. Улки, «қунту набийян ва Одаму байнал мон ваттин»<sup>9</sup> мазмуни билан анбиёга мукаддамдур, «рахматан лил-оламин ва хотам ун-набиййин»<sup>10</sup> мантиқи била аларга муаххар ва хотамдур, хабиби Ҳазрати Илоҳ Муҳаммад расуллулоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдур. Юз йигирма тўрт минг анбиёни мурсал хилқатидин мурод ул ва барча анга хайл ва ўн секиз минг олам ихтироъидин мақсуд ул ва офариниш анга туфайл. Нубувват тахтида ҳумоюн фарқи узра тож, анбиёву расул хайлида соҳибмеърож, аввалину охиридин ҳолки, анинг шафоатиға муҳ-

тож. Буруқи иноят анинг марқаби улви хироми ва Жабраили ҳидоят анинг пайки барққоми, лайлат ул меърож анинг шабистони ва «ли маъаллоҳи вақтун»<sup>11</sup> анинг мақоми. «Салавот-тулоҳи алайҳи ва ало алиҳит-тайибин ва асҳобиҳит-тоҳирин»<sup>12</sup>.

МУНОЖОТ. Илоҳи, акрам ул-акрамин сен ва мен — гунаҳкор.

Илоҳи, арҳам ур-раҳимин сен ва мен — тийра рўзгор.

Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўк, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўк.

Илоҳи, йўк эрдим, бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар жаргасиға коттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зухдум ниҳолин ушаттинг ва офиятим хайлин ёзуқ сипоҳи турктозидин таркаттинг.

Илоҳи, ёмон атворидин паршонлигим чўқтур ва шум нафсимдин пушаймонлиғ йўқтур, мундок балодин қутулурға уммидим сендин йўқтур.

Илоҳи, ўзлук ёмонлиғидин ўзлугум била ўта олмайдумен ва яхшиларинг этагин ёмонлиғим уятидин тута олмайдумен. Илоҳи, йиллар ибодат қилганим рад қилсанг, ҳеч ким даҳл қила олмас, ва қарнлар исён қилганим қабул қилсанг ҳикматин ҳеч киши била олмас.

Илоҳи, Одам хилофат тахтининг муставжиби ўзиму бўлди, сенинг такдиринг бўлмай, шайтон муҳолафатининг сўзиму бўлди?!

Илоҳи, бергувчисен ҳам фисқу фужурни, ҳам зуҳд, ҳам вараъни, аларнинг тухматин бир неча ожизға боғламоқ не яъни?! «Илоҳи, иноятингга уммидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингга сазоворменким, хатову саҳвум беададдур.

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимға айтсам рад қилса, сенга таважжух этгаймен ва агар сен рад қилсанг неткаймен ва кимға кетгаймен?

Илоҳи, сенинг йўлуида туфроғ етса тўтиёдур ва кесак йўлука кимидур, ғайрингдин қизил олтун қора туфроғдек бекадру камбаҳодр.

Илоҳи, ёмонлиғимдин агарчи кўп аламин бор, ғамхорим сен бўлсанг не ғамим бор.

Илоҳи, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният тийралиғида ҳидоят шамъи била ўзунг сари йўл кўргуз.

Илоҳи, ул узун йўл ва қатиг водийда иноятинг била йўлда ва анинг қатъида аёғим тойилса дастирлиғинг бирла қўлда.

Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни теграмға ёвутма, агар ул адув йўл урса зухлумдин не қолғай, иноятингни ўқсутма.

Илоҳи, тақвойи берки, нафси ғаддор анга забун бўлсун, вараъи насиб қилки, шайтони нобакор боши анинг аёғида бўлсун.

Илоҳи, ғафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидамен, ҳушёр қил.

Илоҳи, ул бедорлиғни огоҳликка еткур ва ҳушёрлиқни беиштибоҳликка улантур.

Илоҳи, душмандур шайтони ҳийланомай менга ва нафси худройдуру корфармой менга, бу варталарда дастгир бўлмасанг вий менга.

Илоҳи, агар хислатим эгридуру, ниятим туздур, бу жиҳатдин агар афъолимға боксам уят ўлтурурур ва сенинг карамингни соғинсам уммид танимға жон келтурурур.

Илоҳи, сендин ёмонлиғ келмас ва мендин яхшилиғ, сен яхшисен ва мен — ёмон. Ҳар кимға ўзига муносибдур қилиғ. Тикан иши санчилмоқ учун ани қуйдурмак муносибдур, баҳор файзи ом учун анга гул мушобихдур.

<sup>1</sup> Шонинг олий, эҳсонинг умумий, ўзингдин ўзга маъбуд (илоҳ) йўқдур. Эй Дўст ва қатъий мавжуд зот! (Арабча жумла ва иборатларни Абдулазиз Мансуров таржима қилган).

<sup>2</sup> Удуғлик ва қудрат.

<sup>3</sup> Подшолик ва коинот

<sup>4</sup> «Бўл», деса бўлади.

<sup>5</sup> Тўзиган чанг

<sup>6</sup> Унга (Оллоҳга) ўхшайдиган бирор нарса йўк.

<sup>7</sup> Тугмаган ва тугилмаган.

<sup>8</sup> Сенинг мактовингни айтиб тугата олмаймиз.

<sup>9</sup> Одам Ато сув билан тупрок таркибида ётган даврдаёқ мен (Муҳаммад) пайгамбар бор эдим.

<sup>10</sup> Бутун олам учун раҳмат ва пайгамбарнинг узуги.

<sup>11</sup> Менда оллоҳ билан бирга бўлмоқ учун вақт бор.

<sup>12</sup> Оллоҳнинг салом ва раҳматдари ул зотга, нок оила аъзолариға ва тоза саҳобаларига бўлсин!



Илоҳи, туфроғдин эл кўзига тийралиғ етар ва қуёш ашиъа била олам аҳли кўзин равшан етар.

Илоҳи, чун ҳар не қилидур сенга тақдирдур, қилғувчиға не тадбирдур.

Илоҳи, тақдир қилганингни қилурға не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳади бор.

Илоҳи, агарчи залолатқа тушубмен, аммо ҳидоятингга тадбирормен ва агарчи тамуғ ўтиға тушкали ёвушибмен, аммо раҳматингга уммидвормен.

Илоҳи, уммидимни қарамингдин маъдум қилма ва раҳматингни халойикқа ом қилғонда мени ҳам маҳрум қилма.

Илоҳи, агар дастгир сен бўлмасанг иш ё ҳамону ит гунжиси ҳамон ва агар пардапўш сен бўлмасанг ридо ҳамону эшак арғамчиси ҳамон.

Илоҳи тоатингга ҳавасим бор, аммо нафсқа забунмен, ибодатингга мултамасим бор, аммо гирифтори ишқу жунунмен.

Илоҳи, лаҳву ҳаво майиндин мастмен, ужбу риё жомидин май-парастмен, бу дастовизлар била шайтонга ҳамдастмен.

Илоҳи, паризурларға мени девона қилдинг ва шамъ-рухсорларға мени кўнглумни парвона қилдинг, бу сабаблардин расволиғ била оламға (афсона) қилдинг.

Илоҳи, неча мусалсал зулф савдосидин бўйнулда занжир бўлғай ва муанбар хол ҳаёлидин кўнглум асир. Сенга бу навъ тақдир эрса, менга не тадбир.

Илоҳи, кўнглум кишвари қора қирпиқлар ясоли яғмосидин бузуқдур ва сабрим уйи гулрангузорлар ҳўйи сайлидин йиқуқдур.

Илоҳи, ҳар оташин лаъл менинг ўт тушган жонимдин намулдор ва ҳар сероб кунжида менинг кўп пайқон кўнглум шакли шадидор. Бу офатларнинг илоҳи сенга осондур, менга душвор.

Илоҳи, шўхи чобукларға чевилаанда ҳар ён шитоб солурсен ва аларнинг ҳар ён шитобида менинг ошуфта кўнглумға ҳар дам изтироб солурсен.

Илоҳи, аларға ул шитобдин қарор йўк ва менга бу изтиробда ихтиёр йўк. Аларнинг дилраболиғи ҳам сендин ва ошуфта кўнглумнинг мубталолиғи ҳам сендин.

Илоҳи, бирав ҳусниға малаҳат берурсен ва анинг тузин менинг кўнглум жароҳатиға сепурсен.

Илоҳи, бирав мужаси нишин захролуд этарсен ва анинг нўғий менинг яралиғ бағримға санчарсен.

Илоҳи, шамъ ҳусни безанмағи ҳам сендин...

Илоҳи, гул узориға дилафрўзлук ҳам сен бердинг ва булбул фиғону зориға жигарсўзлук ҳам сен бердинг. Агар қайси шамъи гулрух ишки ўтинким, кўнглумға солдинг, парвона ва булбулдек сабру қароримни олдинг.

Илоҳи, агар ишқ суубатидин базм туздум ва сайл офатидин тақво ва зухдум уйин буздум. Ул не май ичмак ва аёғ тутмак эрдиким, аёғ-аёғ қон ютмак эрди.

Илоҳи, агар ҳажр шиддатидин туганлар ўртадим, дину исломим мазраъида хирманлар ўртадим.

Илоҳи, ҳар туган саводидин офиятим рухсорин қаро қилдим ва анинг дудидин имонин рўзгорин қаро қилдим.

Илоҳи, агар ҳавасдин бош-аёғ яланг ҳар ён югурдум, бошдин аёғим ямон эрканин халойикқа билдурдум.

Илоҳи, агар севги жунуниндин кўксамға тош урдум, ул тош била нангу номушим шишасин синдурдум.

Илоҳи, гоҳи бу жунуниндин атфол тошин бошимға ёғдурдум, гоҳи ахбоб маломати нишин кўнглумға етқурдум.

Илоҳи, қайси исён тийралиғи билаким, офиятим юзи қарормади, қайси бедод суубатиким, мен қаро юзлукка бормади.

Илоҳи, йигитлиғим бу навъ қатиг ўтти ҳам ачиг, қарилиғда юз қатла ўзумни ўлтурсам не асиг.

Илоҳи, энди ҳамким, барчадин кечмак ҳаёлин қилурмен, ўздугум била кеча олмон яқин билурмен.

Илоҳи, бу балоларға солдинг, қутқор ва андоқким, бу ибтилоларға киюрдинг, чиқор.

Илоҳи, мен банда тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба бергилки, ҳам таввобсен ва ҳам Маъбуд.

Илоҳи, намозеки, эл бўлмағунча қилмағаймен худнамолиғдур ва ул намоз учун хиркаву ридо худоройлиғ.

Илоҳи, ул намойишу оройишдин кўнглумни мубарро қилғил ва бу навъ шайтон либосидин пайқаримни муарро этғил.

Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг риёдин асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг, хатодин асра.

Илоҳи, ул тоатки, ужб келтурғай, кўнглумға ёвутма ва ул маишатким, узрга етқурғай, тилимдин йирок тутма.

Илоҳи, бенлож дардга алил қилма ва бемурувват номардга залил қилма.

Илоҳи, беашёлар мазаллатидин асра ва бедийнатлар тухматидин асра.

Илоҳи, жоҳил суҳбатига побанд этма ва арозил хашматига хожатманд этма.

Илоҳи, носипослар мулоиматидин йирок тут ва ҳақшунослар хусусиятидин кирок тут.

Илоҳи, кўнглумни дарду шавқинг муҳаббати била овут ва кўзумни надомат ашки себоби била равшан қил.

Илоҳи, тилимни неъмат беқиёсингга шоқир айла ва кўнглумни ҳамду сипосингга зоқир айла.

Илоҳи, қаламимға ҳамдинг рақамимға машғуллук бер ва рақамимға халойик кўнглиға мақбуллук бер.

Илоҳи, замиримға худписандлиғни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айбжўлугиға тутма.

Илоҳи, ҳаёлимни ниёз аҳлиға мойил тут ва ниёзинг кўзин дардмандлар аёғи туфроғиға била ёрут.

Илоҳи, Подшоҳи Исломни муслимин бошиға тутғил бардавом, яъни бандаларинг устиға кўланкангни қил мустадом, то шоҳу гадоға дуоғўйлик қилмиш бўлғаймен, вассалом.

## ЛУФАТ

(матн аввалидан сўнгига қараб)

Итлоқ — нисбат бериш

қайюм — абадий

мутлак — чексиз, шартсиз

намуд — кўриниш

бебуд — йўқлик, номавжудлик

жабарут — буюк, улуг, буюклик

малакут — эғалик, тасарруф, фаришталар олами

азалиёт — бошланиш, ибтидо

бидоят — бошланиш, ибтидо

дилнавоз — кўнглини овловчи, ёқимли

жалолият — улуглик, азамат

самум — ҳалокатли иссик шамол, қаттиқ гармсел

жонгудоз — жонни қийновчи, азоб берувчи

шамма — бир оз, бир қадар

коргоҳ — дунё

асир — баланд, сипеҳри асир — баланд осмон

кофий — етарли, кифоя қиларли

маъдум — йўқлик, номавжудлик

хабоан мансура — тўзондек соврилиб кетмак

вофий — етарли

мубарро — холи, озод, пок

валад — бола, авлод, фарзанд

валид — ота, падар

муъарро — бўш, холи

бепайвандлиғ — боғланишсизлик, уланмаганлик

сипос — мақташ, шукр айтиш

ажз — заифлик, бечоралик

муъаххар — издом, халаф

хатам — буюрувчи

мурсал — элчи, пайғамбар

хилкат — яратилиш

хайл — гуруҳ, тўда

офариниш — яратилиш, вужудга келиш

туфайл — сабаб, баҳона, восита, эргашиш

меърож — кўкка кўтарилиш



улвий хиром — юкори юрвачи; ўзини ерга урмовчи  
 Жабронл — худо билан пайгамбар ўртасида воситачи,  
 вахий — хабар келтирувчи фаршита  
 хидоят — тўғри йўл курсатиш; топиш  
 пайк — дабарчи  
 барқом — яшиндек тез юрадиган  
 шабистон — кечки ётоқхона; ички ҳарам доираси; қоп-қоронғу  
 кеча  
 мувожот — ялиниш; ёлвориш, узрхоҳлик  
 журм — гуноҳ; журму исён — қаттиқ айбдорлик  
 жарга — саф, қатор, мартаба  
 офият — соғлиқ, тинчлик, поклик  
 ёзуқ — гуноҳ, айб  
 турктоз — от қўйиб, тўсатдан босиб келиб, талон-торож  
 қилувчи  
 атвор — юриш-туриш, хулқ, одат, феъл  
 чўк, чўх — кўп, талай  
 муставжиб — лойик; муносиб, сазовор; сабаб, бонс  
 мухалифат — тескарилик, қарама-қаршилик  
 вараъ — манъ қилинган ишлардан чекиниш, парҳезкорлик,  
 тақводорлик  
 таважжух айламак — юзланмоқ, бурилмоқ  
 ғайр — ўзга, бошқа  
 адув — душман, ёв  
 тақво — диндорлик, парҳизкорлик  
 ғаддор — алдамчи, хиёнатчи, бераҳм, золим  
 побакор — яроксиз, ёмон, палид.  
 худрой — ўжар, қайсар, ўзбошимча  
 ворта — ҳалокатли жой, гирдоб, ҳалокатли ҳолат

ом — умумий, ҳос  
 мушобих — ўхшаш, монанд  
 залолат — адашишлик, гумроҳлик, йўлдан озишлик  
 ёвушмак — яқинлашмоқ, етишмоқ  
 мултмас — илтимос, сўров  
 лаҳву-хаво — ўйин-қулги, бехуда ишлар билан шуғулланиш  
 ужб — манманлик, худбинлик, шухратпарастлик, риёкорлик  
 дастовиз — кичкина, арзимас тухфа  
 ҳамдаст — қўлдош, орқадosh  
 мусалсал — занжирдек уланган  
 ясол — саф, қатор  
 яғмо — талон-торож, бузғунлик  
 хўй (хай) — тер  
 чобук — тез, чакқон, шўх, ўйноки  
 чевила — ўғрилган  
 мужа (мижа, кўплиги мужгон) — киприк  
 нанг — ор, уят, номус. Нангу номус — ор ва номус  
 асиғ — фойда, нафъ  
 ибтило — мубталолик; балога қолиш  
 таввоб — тавба қабул қилувчи  
 маъбуд — топиниладиган — тангри, худо  
 алил — иллатли, нуксонли  
 залил — хор  
 мазаллат — хўрлик, хорлик, тубанлик  
 побанд — бандга тушган  
 носинос — яхшиликни билмайдиган, ношукур  
 мулойимат — юмшоқлик, уйғунлик  
 ниёз аҳли — муҳтожлар, ёлбарувчи  
 айбжў — айб ахтарувчи, камситувчи  
 бардавом — доимий, ҳамиша  
 мустадом — давомли, доимий

## Алишер Навоийнинг «Муножот» асари

Суйима Ғаниева

«Муножот» ҳақида илк маълумот Огоҳ Сирри Лаванднинг «Туркия китобликлариндаки Навоий ёзмалари» номли «Турк тили аралаштирмалари йиллиги — Бюллетень» (Анқара, 1958)да босилган мақоласида берилган эди. Унда Истамбул, Тўпқоқи, Раван кутубхонасидаги Навоий қуллиётининг нафис нусхаси (котиби Дарвеш Муҳаммад Тақий, таърихи — 901—902 (1495-96—1496-97) ва Фотиҳ нусха (Сулаймония кутубхонаси)ларида қуллиёт аввалидан ўрин олган асар сифатида тавсиф қилинган эди.

1973 йил «Адабий мерос — 3»да Ҳ. Сулаймоннинг «Алишер Навоий қуллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан» номли мақоласи босилди. Муаллиф Навоийнинг жаҳон кутубхоналарида мавжуд бўлган 8 та мўътабар қуллиёти фотонусхалари, уларнинг кўчирлиш тарихи нуқтаи назаридан хронологик тартибдаги мухтасар тавсифини беради. Туркия нусхалари тавсифида эса Огоҳ Сирри Лаванд маълумотларига тўла таянади. Лекин ундан фарқли ўлароқ Ҳ. Сулаймон Дарвеш Муҳаммад Тақий кўчирган нусхани «шоирнинг ўзи тузган қуллиёт нусхаси бўлиб, унда қуллиёт учун Навоийнинг ўзи ёзган сўзбоши — Муножот бор», — деб ёзади.

Навоийнинг «Муножот» асари Огоҳ Сирри Лаванднинг 1965—68 йиллар жойида нашр этдирган «Алишер Навоий» номли 4 жилдли китобининг охири жилдида эълон қилинган эди. Сўзбошида ношир ёзган эдики: «Муножот мансур ёғариш (дуо, ўтиниш)ларнинг энг гўзалларидандир. Навоийнинг мансур асарлари орасида тил ва услуб боқимидан энг қусурсиз ҳисобланади». Муаллиф «Муножот» Тўпқоқи ва Фотиҳ китобхоналаридаги Навоий қуллиёти нусхаларининг бошида ер олмақдодур», — деб таъкидлайди.

«Муножот» мундарижасидан маълум бўладикки, у «Қуллиёт» учун махсус ёзилган сўзбоши эмас, Навоий «Қуллиёт»ни тасниф этар экан, ўзининг бутун ижодиётининг гуманистик мо-

ҳияти, дунёвийлик пафоси, ижтимоий, сиёсий ва фалсафий характери, маълум исёнкорлик руҳи, асарларида ўз аксини топган шахсияти, бир сўз билан айтганда, илғор жиҳатлар, давр мафқураси нуқтаи назаридан шаккоқлик саналган муд-даолар бирлашиб шоирда, ботиний бир ҳаяжон, руҳий изтироблар пайдо қилган ва у Оллоҳ наздида тавба-тазарруф қилиш эҳтиёжини сезган, десак хато бўлмагай. Лекин буюқ даҳонинг Оллоҳдан илтижолари ҳам унинг дунёқарошида ва шахсиятидаги умумбаршарий аҳамиятга молик илғор нуқталарни рўйи рост илғаб олиш имкониятини беради.

«Муножот» муқаддима ва 3 қисм: «Ҳамд», «Наът» ва «Муножот»дан иборат. «Ҳамд» ва «Наът»даги фикрлар Навоий дostonлари аввалидаги ҳамд ва наътлардаги қайдлар билан мутлақо ҳамоҳанг бўлиб, оллоҳнинг буюқлиги, азалий ва абдийлиги, ягоналик сифатлари, Муҳаммад пайгамбарнинг таърифини беради. «Муножот» қисми эса бевосита Оллоҳга мурожаат тарзида битилган. Муаллиф ундан афв илтижо қилиб, ўзини гуноҳкор, Оллоҳнинг қарамли эканини таъкидлайди ва пантеистик руҳдаги эътирофларга ўтади. Модомики, дейди Навоий, ҳар қандай мавжудот, унинг сифатлари, ҳар бир жонзод, унинг феъл-атвори, сатъ-ҳаракатлари Оллоҳ томонидан қисмат этилган экан, «тақдир қилганини қилурга не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор».

Маълумки, Навоий ҳаётининг охирида бирмунча йиллар аввал юраги тубидан ўрин олган ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 905 (1499—1500) йиллар давомида бир неча марта бевосита ва билвосита — яқинлари орқали Ҳусайн Бойқародан ҳаж сафарига изн сўради. Ҳар гал Султон аввалига ижозат беради, лекин дарҳол ўзи шахсан шоир ҳузурига таширф буюриб, сафарни қолдиришга кўндириб қайтар ёхуд энг нозик дўстларни орага қўйиб шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди. Навоийнинг «Вақфия»да ёзишча, «икки орзу риш-



тасидан (бири ҳаж, иккинчиси — ижод — С.Ф.) ўзгаким, гирихи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод гунчасидин ўзгаким, туғуни жоним гулшанидин очилмади...

Мениким бу савдо низо айлади,  
Ҳавас илгида бекарор айлади.  
Не имонки, топқай қарору сукун,  
Бировким, бу фикр этгай они забун».

Бу орзуси рўёбга чиқмаслигига кўзи етган чоғларида Навоий руҳий азоблар гирдобиди қолар, ҳар қандай расмий, норасмий давлат юмушларию мадад истаб келувчилардан ғоят толиқар эди, албатта.

«Муножот»даги «Илоҳи, энди ҳамким, барчадин кечмак ҳаёлик қилурмен, ўзлугум билан кеча олмон яқин билурмен. Илоҳи, андоқки, бу балоларга солдинг, қутқор ва андоқким, бу ибтилоларга кирдунг, чиқор», — дея илтижо қилиши шоирнинг юқорида ёдга олинган тушкун кайфиятидан дарак беради. Шу билан бирга ҳаммадан воз кечиш мумкин ва осон, лекин «ўзлугум»дан кечиш мутлақо мумкин эмас, бу аниқ. Бинобарин, «ўзлук»ни муқаддас сақламоққа, уни таҳлика ва лоқайдликлардан халос этмоққа интилиш ниҳоятда зарур деган шоирнинг юксак эътиқодини юзага чиқаради.

Диққатга сазовори яна шуки, Навоий илтижолари зимнида уни ижодиёти бўйлаб бош хат бўлиб ўтган давр, муҳитга йўналтирилган армон ва ўқинчи мулоҳазаларни уқса бўлади. Шоир илтижоларининг бир неча ўрнида нафсу ҳаво, дунё, бойлик маъносидидаги — С.Ф.) майли, ҳирсу риё кабилардан сақлашида мададорлик қилишни ўтганиши фикримиз далилидир. Шунингдек, тақво, зуҳд, ибодат сингари барча эл учун зарур бўлган фарзларни бажаришида тавфиқ тилайди: «Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг риёдан асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг хатодин асра» — деб ёзди у. Бу ҳол XV аср фарзанди, тасаввуф таълимотига дахлдор ижодкор учун табиийдир, албатта.

Навоийнинг қатор илтижолари унинг дидактик қарошлари билан боғлиқдир: «Илоҳи, беашиғолар! (қодўстлар — С.Ф.) мазаллатидин асра ва беданатлар туҳматидин асра. Илоҳи, жоҳил суҳбатига побанд этма ва арозил (разиллар — С.Ф.) ҳашматига ҳожатманд этма». Бу илтижолар «Маҳбуб ул-қуллуб»даги шоирнинг дидактик ўғитлари, бир қатор «танбех»ларидидаги ҳикматли пандлари билан ҳамоҳангдир.

Навоий ўзининг ижтимоий қарошларига оид фикрларини ана шу «Маҳбуб ул-қуллуб»да давом этдириб, уларни чуқурлаштирган, янги-янги тушунчалар билан бойитган. Унинг замона тескарчилиги, давр кажрафторлиги ҳақидаги ўқинчи нолалари, зулморлик, беҳаёликлардан малул бўлган дилидан отилиб чиққан аламли нидолари ўз аксини топган эди: «Давр бевафолари жавридин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд. То олам биносидур бу ўтга ҳеч ким менча ўртанмайду, то бевафолик ибтидосидур бу ёлинг ҳеч мекдек чурканмайду. Замон аҳли бевафолиғидин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар». Булар «Муножот»даги: «...гоҳи атфол тошин бошимга ёғдурдум, гоҳи аҳбоб маломати нишин кўнглумга еткурдум. Илоҳи, қайси исён тийралиги билаким, офиятим юзи қарормади, қайси бедод суубатиким, мен қаро юзлукка бормади» каби дардди армонларда ўз аксини топгандек кўринади.

Навоий «Илоҳи, замиримга худписандлиғни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айбжўлиғига тутма» — дея илтижо қилар экан, у ўз умри охирига қадар илғор инсонпарварлик заминидида ғоят мустаҳкам турганлигидан далолат беради. Хулоса тарзида айтиш керакки, Навоийнинг «Муножот» асари шоир куллиети учун ёзилган сўзбоши эмас, балки ҳаёти охирида эътиқодлари мустаҳкам, имони комил, ижодда ғоявий ниятлари юксак, ҳаёти ва орзу-умидлари пок ва холислигига ишонса-да, яна бир бор Оллоҳдан нотинч руҳиятига осудалик тилаб, авлодларини маънавий камолотга, эътиқодий устуворликка, ўзлигини қадрлаш ва уни муҳофаза этишга чорлаш мақсадида ёзилган, ўтмишга эмас, келажакка қаратилган дил сўзларидир.

## Тил сандиғи

Чижим — арқон ип.  
Хапамат — тақинчок.  
Терлик — дўппи устидан ўраладиган рўмол.  
Ҳавор — текис жой.  
Чўт — теша.  
Бўрта — кўкиш, кулранг.  
Сакалов — зина.  
Чия — ёввойи олча.  
Тоботош — нон пиширишда ишлатиладиган тош.  
Чор — қордаги из.  
Қазамизар — чорва озукаси, тиканли ўсимлик.  
Қатов — кичик қоя.  
Делагай — астарсиз чопон.  
Селасимок — камаймоқ (дўконда одамлар селасиб қолди).  
Чиқ-чиқ — гапдон.  
Сиринки — рангпар, касалманд киши.

Жумамуродов Назар,  
Қашқадарё вилояти.

Энчи — мерос.  
Бўпа — гўдак.  
Санжоб — тартибли.  
Ҳаҳсақ — қия.  
Дайравот — сувли жой.  
Зинқар — чопқир.  
Гўлас — тўла.  
Кимсиди — қистади, зўрлади.

Қиёл — ақлан паст.  
Улчи — ўрнак.  
Чувлатди — йиғлатди, ҳафа қилди.

Самарқанд вилояти, Нурота  
шевасидан тўпловчи:  
Мамадали Эронов

Хизанак — шум бола.  
Сўнақай — чапақай.  
Мўлбика — сахий, қўли очиқ аёл (хотин-қизлар нутқида хос ҳазил сўз).  
Милжинг — эзма киши.  
Хомраш — уйқуда босинқираш.  
Муқотиш — кесатиш.  
Уйдаш — териб олиш (майда нарсаларга нисбатан ишлатилади).  
Кептириш — қуриштиш.  
Жўнгарак — пахтаси олинган чаноқ.  
Олоқон — кафт.  
Сўбиқ — маккажўхори сўтаси.  
Тўқитқа — ўчоқ оғзи.  
Чўпоқ — калтакесак.  
Қонгилтир — юпка темир (тунука) тасма.  
Қориқ — ғунажин.

Қозоғистон ССР Чимкент вилояти  
Туркистон ноҳиясида яшовчи ўзбеклар  
шевасидан тўпловчилар:  
Султон Досметов, Гулсара Азимова



Ҳамроқул Асқар

# Ғанилдан ҳам хайрихоҳ тоғул



Бунда барча нотик, ақлли,  
Ошкора айтади ҳар ким сўзини.  
Маърузалар тағдор, нақллик,  
Арбоб санар энди барча ўзини.

Кимдир тош отади олис тарихга,  
Кимдир шу бугундан сўзлайди ёниб.  
Во ажаб, танг келса не улуг зотлар  
Берган ваъдасидан кетаркан тониб.

Нодонлар илкида ориф қисмати,  
Рухсиз сурат каби тебранар ҳаёт.  
Имон чўғи ўчган, юраклар беўт,  
Аҳли жамоани босмиш хурофот.

Минг хил нағмаси бор сўзамолликнинг,  
Оқиллар авомга боқар жовдираб.  
Устаси фаранглар файласуф юртда  
Ҳақиқат дарахти қолар қовжираб.

Ҳар кас муаммони ҳал этар ўзга,  
Гўё бўлмагандай ҳеч бир талофат.  
Гўё алдамаган ҳеч кимса бизни,  
Капалак бергандай филга кафолат.

Жаҳолат калтаги танламас одам,  
Ўзини билганга нажотдир узлат.  
Барча хоинликка кўниккан дамда  
Оддий одамлик ҳам буюк фазилат.

\* \* \*

Икки оралиқда чарчадим, толдим.  
Икки оралиқда қийналди жоним.  
Бир-бирин тан олмас бу икки тараф,  
Кимники бўлурсан энди, имоним.

## Шаҳар

Кездим —  
шаҳарларни сарсон, саргардон,  
Менга соғинмоқни ўргатди шаҳар.  
Мусофирман дея ҳайқирдим нолон,  
Она қишлоғимни кўрсатди шаҳар.



1959 йили Жиззах вилоятининг Фориш ноҳиясида туғилган. ТошДПининг филология факультетини битирган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилади. Илк китоби чоп этилиш арафасида.

Деди:

қишлоққа бор, юрма сарғайиб,  
Шудгор қил, экин эк, уйингда яша.  
Шаҳар улкан эди, қолдим мунғайиб,  
Жавоб қилолмадим унга яраша.

Балки,

мен ҳолимни билмасман аён,  
Томирда Машрабми, Фурқатнинг қони.  
Кўрдим, умри уйсиз ўтган шоирлар  
Номига қўйилмиш шаҳарлар номи.

\* \* \*

Сен мени эркала  
Дунёнинг энг гўзал сўзлари билан,  
Сен мени эркала,  
Сен мени қизғон  
Энг рашкчи аёлнинг кўзлари билан.

Бир сени севдим де, шивирла  
бул қовжироқ қулоқларимга.  
Сен мени қучоқла,  
Сен мени ўпгил.  
Сабодай сингиб кет қучоқларимга.

Ғариб бир титроқда вужуд ёнмоқда,  
Мени бағринга бос,  
Эркала, гулим.  
Мен ҳаётни севаман жуда,  
Мен меҳрга зорман, севгилим...



Энг тоза кўйлагинг эгнингда,  
Энг тотли сўзларни сўзладинг.  
Билмадим, не кечди кўнглингда,  
Ерними, фалакни кўзладинг?

Сен заминда туғилиб ўсган,  
Самоватда яйраган малак.  
Майли, жаҳон ҳажрингда куйсин,  
Чунки сенинг ўрнингдир фалак.

Фазоларни кезсанг ярашар,  
Боқма бу дунёнинг эркакларига.  
Кўлингни бер, олиб кетайин  
Муҳаббат мулкининг эртакларига.

Кунлар чиқсин кўнглиннга қараб,  
Ойлар ботсин кўнглиннга қараб.  
Шаббодалар қувончдан толсин  
Сенинг сунбул сочларинг тараб.

Кел, бир нафас ёнимда ўлтир,  
Кўзларингдан ўпайин суйиб.  
Воҳки, қалби тоза инсоннинг  
Дийдорига бўлмас ҳеч тўйиб.

## Топдим

Мавлон акага

Энг оғир чоғда ҳам бир паноҳ топдим,  
Ғанимлар ичра ҳам хайрхоҳ топдим.  
Дедим: қолдим дўстсиз, беимкон, ғариб,  
Шунда ҳам ҳолимдан бир огоҳ топдим.

## Отлиқ аёл

Отнинг туёқлари, қайроқдай сағринлари,  
от устидаги аёлнинг кибрли иякларига мос  
тик ва мағрур қомати,  
жиловни жаҳд ила тутган оппоқ қўллари,  
гўзал жуфт чўққи янглиғ кўкракларидан  
шавқ ила бежавотир ўрмалаётган нигоҳларим  
қуёшга топинаётган оташпарастдек  
унинг кўзлари соҳилида бенажот йиқилди...  
Мен уят ва ожизликдан ўгирилиб —  
от миниб бораётган аёлнинг кўзларига  
тикилишга ботинолмаётган минглаб  
одамларни кўрдим ортимда.

## Хотира

Уша тун барча ақллар  
юраклар ишлаб чиқарган изтироблардан  
унумли фойдаланиш ҳақида бош қотирар эдилар.

Уша тун  
беғамлик ва ишратда семириб кетган ҳилол  
мадҳиябоз юлдузлар исканжасида сармаст эди.

Уша тун  
қуёш қайлардадир шуғулланарди олтин савдоси билан,

Уша тун  
буткул оқариб кетди  
менинг қалбимдаги аёл сочлари...

Милтиқ ушламадик,  
осмадик қилич...  
қуролланиб қайтдик қошингдан.

Нега бунча фиғонинг фалак?  
Бу гапларинг одобдан эмас.  
У ўзини баланд олмади,  
Сен шаънингни паст тутдинг холос.

## Миртемир ўғити

...Яссавий мозорин зиёрат этдик,  
Юракни ғижимлар поёнсиз кадар.  
Аслида биз сенинг ушоғинг эдик  
Сени тан олмадик, эй буюк падар...

Адолат дунёнинг қибласи эрур,  
Бўғзимда жон берар ҳақиқат, оғриқ.  
Энди кўксимдаги музларим эрир,  
«Фалак боғчасининг гуллари сариғ...»

Сен асло гулларга тегмагин, ўғлим,  
Кўзларинг ҳамиша ҳайқариб турсин.  
Ғар шоир зотини кўрқитса ўлим,  
Уни қоғоз урсин, уни сўз урсин.

Менинг ҳам сочларим гуллади шу тоб,  
Илдизга айланди шу вужуд, шу тан.  
Яна кун чиқардан порлайди офтоб,  
Уйғона бошлайди қадим Туркистон.

Эй, сен шу Ватаннинг умиди, кўрки,  
Менинг болажоним, менинг тирноғим.  
Кимларга ишониб юрибсан ўзи  
Менинг Олтибегим, менинг Қарноғим.

Қайси иноятдан бунча шодмонсан,  
Кимларга бош уриб изларсан таскин.  
Қайси ғалабадан кўкси осмонсан,  
Қайси мусибатдан бунчалар ғамгин.

Дўстлар боши эгик, диллари синик,  
Синик кўнгилларга чега бўл, болам?  
Ортиқ топталмасин бу она тупроқ,  
Ўз элиннга ўзинг эга бўл, болам.


Эй, улуг Ватаннинг умиди, кўрки,  
Менинг болажоним, менинг тирноғим.  
Кимларга ишониб юрибсан ўзи,  
Менинг олтибегим, менинг қарноғим...





# ЖАМОЛ КАМОЛ

## ДУНЁНИНГ САВОЛЛАРИ



Пайдо бўлдимми, бас, қаршимда қатор  
Эшиклар тақа-так ёпилур фақат...  
— Одамлар, ҳой, шошманг, сизда гапим бор,  
Одамлар... бир нафас сабру қаноат!..

Мен пул сўрамайман, сўрамайман мол,  
Нон ҳам сўрамайман... Ошиқманг унча!..  
Бир савол сўрайман, фақат бир савол,  
Киши саволдан ҳам қўрқарми шунча?..

Уйқу — ўлим, деб бекорга айтишмайди, яъни ўлим машқи. Киши умр бўйи ҳар кеча ухлаб, ўлимни машқ қилади. Ва охир-оқибат бир кун уйқуга кетадигу бошқа уйғонмайди. Бу гапни бир ерда ўқиганманми ёки ўзим ўйлаб топганманми — билмайман. Лекин ақидада шунақа. Шунинг учун ҳар тонг уйқудан уйғонганимга шукр қиламан... Шукр қилиб, дунёга ва сарвари кинотга салом бераман:

- Ассаломмалейкум ва раҳматуллоҳ...
- Сўнг ўзимдан секин ҳол-аҳвол сўрайман:
- Хўш, ўзларидан сўрасақ?
- Шукр...
- Демак, насибада шу кун ҳам бор экан-да?
- Бор экан...
- Хўш, бу ёғи нима бўлди энди?
- Бу ёғи — қайта қуриш...
- Хўп, гапни айлантормасдан, ростини айт-чи, шу қайта қуришга ишонсанми ўзи?
- Ишонаман ҳам, ишонмайман ҳам...
- Ийе, бу қанакаси бўлди?
- Шунақаси, ишонмайман ҳам...
- Бундоқ тушунтириб гапирсанг-чи?...
- Тушунтириб гапирсам, оғайни, ўзинг бундоқ ўйлаб қара: қайта қуришнинг раҳбари — партия ва унинг йўлига ғов бўлиб турган куч—бутун мамлакат бўйлаб томир отган маъмурий-буйруқбозлик аппарати. Шундоқми? Балли. Энди шу бюрократик аппаратни синдириш ёки энг камида ундан ошиб ўтиш керак. Тўғрими? Баракалла. Хўш, ўша—маъмурий-буйруқбозлик аппа-

рати, дегани нима ўзи? Биринчи галда райком, горком, обком, яъни, партия органлари эмасми? Демак, бундан чиқдики, партия раҳбарлигида партиянинг маъмурий-буйруқбозлик аппаратини синдиришимиз, енгилшимиз керак... Бу — менинг раҳбарлигимда менга қарши қураш деган сўз... Хўш, менинг раҳбарлигимда менга қарши қурашга мен қўяримиди? Аҳволнинг нақадар жиддийлиги ва нозиклигини пайқаяпсанми? Қайта қуришга ишонмаслигим, маъюслигимнинг сабабини энди тушунгандирсан? Энди қайта қуришга ишонаман, дейшимга боис шуки, унга ишонгим келади, ишонмасам бўлмайди, негаки бўлак чорам йўқ... Ноумид шайтон, дейишадик-ку, зора, инсофга келишса...

- Ким?
- Ким бўларди? Бюрократлар-да.
- Содда экансан. Бир ривоят эшитганман. Ривоят — мажоз... Бировни бор дунёдан ажратиб, ўн йиллар чамаси камокда тутишибди. Атрофида қават-қават деворлар эмиш. Охири тутқуннинг сабри тугаб, эшикка ёпишибди. Бақириб — қақирибди, елкаси билан итариб, оёғи билан тепибди. Ногаҳон эшик очилиб кетибди... Қараса, қаршисида яна бир девор турганмиш, эшиги қулфлоглиқ эмиш... Уни ҳам бир бало қилиб очибди. Қараса — тагин бир девор ва тагин танбалаган эшик... Хуллас, ундан ҳам ўтиб, энг сўнгги деворга етибди, тепибди, боши билан урибди... Бефойда!.. Эшик очилмабди... Холдан тойиб, ўтириб қолибди. Бир пайт нафасини ростлаб, яхшироқ тикилиб қараса, қаршисида эшикмас, туташ девор турганмиш... Фақат унга...



эшикнинг суврати солиб қўйилганмиш... Шунда шўрликнинг кўксидан аччиқ бир фарёд отилиб чиқибди... «Дунё! — деб кичирибди у жони халқумига тикилиб. — Мени эшитяпсанми, дунё!..»

— Галати ривоят экан... Аммо мен бундан ҳам галатисини биланам. Мана, эшит... 1965 йил. Ўзбекистон ССРга навбатдаги Ленин орденини топшириш учун Брежнев Тошкентга келади. Кундузи — расмий тантаналар, чапаквозлик, кечқурун Олий Совет боғида олий меҳмон шарафига шоҳона банкет, зиёфат. Қадаҳлар, табриклар... Бир пайт Брежнев бир оз кайфи ошиб, ўрнидан турибди-да, тикка юриб, сахнага чиқибди... Ракс этаётган қизлар «дув» этиб тарқалишибди... Сахнада ёлғиз Брежнев эмиш. Ҳамма жим, ҳамма ҳайрон: «Не истайди?.. Нима қилмоқчи?..» Маълум бўлишича, у боя нутқ сўзлаганига қарамай, яна нутқ сўзламоқчи экан. Эндигиси — кайф устида... «Товариши,— дебди у дабдурустдан,— знаєте ли вы, сколько у меня карманов?» Бундай саволни кутмаган бизнинг казо-казолар жим қотиб туришаверибди... Шунда Брежнев чўнтақларини битта-битталаб санай кетибди: — Вот карман... вот карман... верхний карман... задний карман... Сўнг яна саволга ўтибди: — А знаєте ли вы, что, все мои карманы полным полно золота?». Яна ҳамма жим тураверибди, одамлар «знаем» дейишга ҳам, «не знаем» дейишга ҳам ҳайрон эмиш... «Откуда это золото? — сўрашда давом этибди нотик ва ўз саволига ўзи жавоб берибди: «Это — узбекистанское золото». Сўнг у кутилмаганда қизик яқун ясабди: «Узбекистан есть золотой карман Советского Союза!.. Давайте же, товарищи, выпьем за золотой карман Советского Союза!» Шунда ҳамма «гурр» этиб ўрнидан туриб, қадаҳларни жанг-журунг уриштириб: «За золотой карман Советского Союза!.. За золотой карман Советского Союза!» — дейишиб, баҳамжихатлик билан ичишибди...

«Ўзбекистон — Совет Иттифокининг олтин тўла чўнтагидир!».. Қойил!.. Бундан ошириб айтиб бўлмайди!.. Барака топгур Брежнев ўшанда мастлик-ростлик қилиб, гапнинг пўстқалласини айтиб қўя қолган эканда... Хўш, нега энди биз буни ҳаммага эшиттириб, баралла айтмадик? Халқдан, жамоатчиликдан яширдик? Балки, айтганимизда «Ўзбекистон — боқиманда, бировларнинг ҳисобига кун кўрувчи тирик тово» деган таъна-дашномларни эшитмасдик. Чала ҳақиқат — ёлғондан ёмон, деб шуни айтишади-да. Ҳа, чала ҳақиқат — ғафлатнинг уяси... Чала ҳақиқат эшитавериб, ғафлатга ботдик. Биз ҳалигача ўзимиз етиштираётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги асл нархларини билмаймиз. Тўғри, бир тонна пахта толаси жаҳон бозорида 5 минг доллар, яъни, 30 минг сўм туришини Одил Ёқубовнинг шу йил «Еш ленинчи» газетасининг 1 январь сониди босилган суҳбатидан билиб олдик. Лекин қоракўл-чи? Газ, олтин, мрамар-чи? «Давлат монополияси» деб қўлимиздан қоқиб олиб кетишяпти. Мева ва сабзавотнинг жаҳон бозоридаги нархи нечук? Мен тасодифан пилланинг нархини эшитиб қолдим: бир килограмми жаҳон бозорида 136 сўм баҳоланар экан. Жаҳон бозори нари турсин, бошқа распубликаларда пилланинг қиймати қанчалигини ҳам яқин-яқингача айтишмасди. Эшитиб ҳайрон бўлиб қолдим: бизники билан қиёслаганда, орадаги тафовут анча-мунча... «Мамлакатнинг етмиш фоиз пилласини бераётган Ўзбекистоннинг гуноҳи не экан?..» деб беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Мана, ўзинг солиштириб қаранг: бир килограмм аъло нав пилла: РСФСРда — 28 сўм 50 тийин, Украинада — 24 сўм 75 тийин, Грузияда — 15 сўм, Молдавияда — 22 сўм 50 тийин, Қозоғистонда — 18 сўм 80 тийин, Ўзбекистонда эса — 12 сўм 80 тийин.

Бир килограмм биринчи нав пилла: РСФСРда — 24 сўм 80 тийин, Украинада — 21 сўм 95 тийин, Грузияда — 13 сўм 50 тийин, Молдавияда — 19 сўм 50 тийин, Қозоғистонда — 15 сўм 50 тийин, Ўзбекистонда эса — 10 сўм 70 тийин.

Бир килограмм учинчи нав пилла: РСФСРда — 13 сўм 30 тийин, Украинада — 11 сўм 55 тийин, Грузияда — 7 сўм, Молдавияда — 10 сўм 50 тийин, Қозоғистонда — 7 сўм 50 тийин, Ўзбекистонда — 6 сўм...

Хуллас, чала ҳақиқат — ёлғоннинг акаси, бўхтоннинг укаси, деб беқорга айтишмаган. Чала ҳақиқат ғафлатга, дунёдан беҳабарликка бошлайди, ғофиллар дунёдан беҳабарлар эса чала ҳақиқатларга ишониб юришаверади.

Аҳмад Дониш ўтган асрнинг охирларида: «Ўзидан ҳам, дунёдан ҳам беҳабар, авомидан уламози, уламосидан авоми баттар бўлган бу халқнинг бошига ҳали не кунлар тушгай...» деб кўз ёши тўккан эди. Ундан бери орадан юз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бизнинг ўзимиздан ва дунёдан хабардорлигимиз не даражада? Ўзгариб қолдикми? Ўзимизни, ўзлимизни таниймизми? Тарихимизни биламизми? Дунёдан нечук хабардормиз?.. Ўзимизни танисак, тарихимизни билсак, икки турк — икки мусулмон Фарғонада қон тўкишармидик? Ва бу фожеанинг сабаб ва оқибатлари ҳақида айтилган ва айтилаётган чала ҳақиқатларга ишониб ўтирармидик?

Турклар билан ўзбеклар, қирғизлар билан тожиклар ўртасида кўзғалган низолар бировларга камлик қиляпти, шекилли. Яқинда Москвага «Билим» жамияти фаоллари иштирокида ўтказилиб, марказий телевидение орқали кўрсатилган бир суҳбатда Трапезников деган олим ўйламай-нетмай, Қирғизистонда қирғиз тилининг давлат тили деб эълон этилиши Ўш шаҳрида яшовчи ўзбекларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклайди, Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон этилиши эса Самарқанд ва Бухорода яшовчи тожикларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситади, деб айтди. Бу Ўрта Осиё халқлари орасига низо-нифок солиш, уларни бир-бирига қарши гиж-гижлаш эмасми? Ҳолбуки халқаро ҳуқуқда уч муқаддас тушунча бор: халқ ҳуқуқи, аҳоли ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи. Номидан ҳам кўриниб турибдики, уларни тенг қўйиб бўлмайди, бирининг қаноти остида иккинчиси яшайди. Улар четлаб ўтиларкан, жанжал, тўполок чиқади. Биздаги жанжал, низоларнинг кўпчилиги ана шу ҳуқуқларнинг четлаб ўтилиши туфайли юз бермаяптими? Фарғонада йиллар бўйи маҳаллий ёшларнинг шаҳар корхоналарига ишга олинмагани — халқ ҳуқуқини четлаб ўтиш эмасми? Ўзбекистонда бир миллион ишсиз қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Четдан келтирилган бир миллион ишчи ҳисобига эмасми? Ерли халқнинг ҳақ-ҳуқуқини назар-писанд қилмай, ҳадеб четдан ишчи кучи олавериб, бугун мисли кўрилмаган ишсизлик балосига дучор бўлиб ўтирибмиз-ку... Демократия ва қонун чинакам қарор топган мамлакатларда халқ ҳуқуқига ҳам, аҳоли ҳуқуқига ҳам, инсон ҳуқуқига ҳам қатъий риоя қилинади. Бу ҳуқуқларнинг доиралари бир-бирини қесиб ўтмайди. Шунга кўра, Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар — Қирғизистоннинг ўзбек халқи эмас, ўзбек аҳолиси саналади ва қирғиз халқининг манфаатларига мос тушувчи қонунлар мазкур аҳолининг ҳақ-ҳуқуқини чекламайди. Худди шунингдек, Самарқанд ва Бухорода яшовчи тожиклар — Ўзбекистоннинг тожик халқи эмас, тожик аҳолиси ҳисобланади ва ўзбек халқининг манфаатларига мос тушувчи қонунлар ушбу аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини камситмайди... Бу гаплардан москва-



лик олим нахот беҳабар бўлса? Шуниси ғалатики, Трапезниковнинг бу «хиргойиси»га «Озодлик» радиосида ишловчи баъзи бировлар жўр бўлишди. Мазкур радиостанциянинг русча бир эшиттиришида айтилишича, Самарқанд ва Бухоро тожикларники эмиш... Надоматлар бўлсинки, бу гапларга ишониб, лакиллаб юрувчилар бор. Табиийки, улар ўзларидан ҳам, дунёдан ҳам ғофил, беҳабар. Масалан, Самарқанд ва Бухоро фақат тожикларники, ёки бўлмасам, фақат ўзбекларники, дейиш учун камида тарихдан беҳабар бўлиш керак. Тарихдан озми-кўпми хабардор киши бу гапни айтмайди. Тарих эса, биламизки, роса чувалаштириб юборилган. Аммо фикри очик, ақлу идроки бутун киши учун унинг етакчи йўллари, асосий довлари «мана, мен!» деб кўзга ташланиб турибди.

Келинг, «Самарқанд, Бухоро аслида кимники?» деган масалани олиб қарайлик. Биламизки, Самарқанд — икки минг беш юз йилдан ортиқроқ тарихга эга бўлган шаҳар, Римнинг тенгдоши. — Айтинг-чи, унинг қайси халққа тегиш ёки тегишмаслигини тайин этганда ана шу узок ва худудсиз тарихини ҳисобга олмай бўладими? — У жаҳон тарихига илк бор Турон пойтахти сифатида кирган. Маълумки, Турон — турклар мамлакати дегани. Самарқанд ўшанда «Семизкент» деб аталган. Афросиёб — Алп Эртонгли (ёки Алп Эртўнга) подшо бўлган. Самарқандни шаҳар сифатида тарихга ва тарих орқали дунёга танитган биринчи маълумот — мана шу. Сўнг тизилишиб, замонлар кетидан замонлар ўтади. Навбат ўн тўртинчи асрга етади. Тарих сахнасига Амир Темур чиқади. У «Турон султони — Темур» деб ўзига муҳр ўйдиради, Самарқандни пойтахт қилади, шаҳарни бошдан-охир қайтадан қуриб, овозасини оламга таратади. «Самарқанд — сайқали рўйи замин» деган таъбир ўшанда пайдо бўлади. Темур ва темурийлар (масалан, Мирзо Улуғбек) тарих китобида Самарқандга иккинчи нафас бағишлайдилар. Улар қурдирган иморатлар ҳамон шаҳарга ҳусн ва ҳашамат бағишлаб турибди. Самарқанднинг учинчи бор 1924 йилда пойтахт бўлиши — бунга илова. Бу тарихий фактларни истисно этадиган бўлсак, у ерда биз талашадиган нима қолади? Хуллас, Самарқандсиз Турон тарихини тасаввур этиб бўлмайди. Лекин бу билан мен, Самарқанд — фақат туркийларники, ҳозирги таъбир билан айтганда, ўзбекларники, демокчимасман. Самарқанд — ҳаммамизники, туронийларники. Туронийлар — фақат туркийлар эмас, аслан форсийзабон бўлса-да, тарихий-жуғрофий шаклланиш эътибори билан тожиклар ҳам — туроний қавм, яъни, Турон замин фарзандлари, Эрондамас, Туронда шаклланган халқ. — Самарқандни боболаримиз елкама-елка туриб, баҳамжиҳат бунёд этишган: бири лой қорган бўлса, бири ғишт узатган. Ва елкама-елка туриб душманлардан ҳимоя қилишган. Бугун уни бўлишиб ўтиришга ҳожат йўқ...

Бухоро хусусида ҳам шундай. Ўзим бухоролик бўлганим учун бу тупрокнинг тарихини бир оз биламан. Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Муҳаммад Нишопурийнинг «Ҳазоин ул-улум» асарларида Бухорога доир қадим маълумотлар бор. Уларда айтиладики: Бухоро тупроғи бошда камишзор, тўқайзор ерлар эди, Туркистон томондан келган қавмлар бу жойларни обод айлаб, шаҳар барпо қилишди, турклар подшоши Қоражўрнинг ўғли Бухоро шахристонини бунёд этди. Араблар ҳужум қилганда Туркон хотун Бухорода подшо эди. Табарий уни «Қабаж хотун», эрини «Бидун» деб атади. Бидун ҳозирги арк устида Етти оғайни юлдузлари шаклида қаср қурдирди... Араблардан сўнг подшолик Сомонийларга ўтди. Тарихдан маълумки, сомонийлар ота томонидан — эроний, Сиёвush авлодига,

она томондан — туроний, Афросиёб қизининг зурёдига бориб туташади. Уларнинг салтанатига форсийлар қанча ворис бўлса, туркийлар ҳам шунча меросхўр. Сомонийларнинг сунячиғи — турк қўшини бўлгани, улар шу қўшинга суняиб, давлат бошига келгани ва мамлакатни идора этгани бежиз эмас. Сомонийлардан сўнг Бухорода минг йиллар давомида — то кеча кунга қадар салтанат қурган сулолаларнинг ҳаммаси туркий: ғазнавийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар... Хўш, айтинг-чи, халқсиз салтанат ёки салтанатсиз халқ бўладими? Шундоқ деб ўйлаш мантиқсизлик ёки анойлик эмасми? Бунинг устига, Бухорони жаҳонга машҳур қилган қадим иморатлар, осори атиқаларни қурдирганларнинг номлари тарих саҳифаларига битта-битта-лаб ёзиб қўйилган, уларни ўчириб бўлмайди. Масалан, Бухоронинг рамзи бўлмиш, ҳозир Минори Қалон деб аталаётган обиданинг асл тарихий номи — Арслонхон Қорабуғраҳон минораси... Чунки уни подшо Арслонхон Қорахоний қурдирган. Токи Заргарон, Токи Саррофон, Токи Телпақфурушон гумбазлари, кўплаб тим ва мадрасаларнинг бунёдкори — Абдуллахон Шайбоний. Бу рўйхатни яна давом этдириш мумкин. Тагин боягидек савол туғилади: ана шу тарихий қийматлар истисно этилса, Бухорода нима қолади? Тап-тақир ер... Маълумки, тап-тақир ернинг биринчи эгаси ўзбек ҳам, тожик ҳам эмас Одам Ато бўлган...

Энди Бухоро шаҳрида кўпроқ тожикча гапирилиши масаласига келсак, бунинг маълум сабаблари бор. Аввало бу ерда фақат тожиклар эмас, ўзбеклар ҳам тожикча гапиришади (Асрлар давомида Бухородаги юзлаб мадрасаларда таълим-тарбия анъанавий араб ва форс тилларида олиб борилганини унутмайлик). Кейин шаҳарда эронийлар, маҳаллий яҳудийлар, лўлилар ҳам яшайди, уларнинг тили ҳам тожиккий. Мана шулар тўғайли бу ерда тожикча сўз қулоққа бир қадар кўпроқ урилади. Энди ўзбекларнинг шаҳарда бир мунча камайиб кетиш сабабларини ҳам айтиш керак. Инқилоб йилларида ўн минглаб оилаларнинг Бухорони тарк этиб, хорижга кетишганини кексалар ҳали-ҳамон эслашади. Уларнинг авлодлари ҳозир Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Саудия Арабистони, Туркия каби мамлакатларда яшаб туришибди. 1937 йилда Файзулла Хўжаев «халқ душмани» деб эълон этилгач, ўрта ва қуйи табақаларга мансуб яна ўн минглаб кишилар унинг «думи» ҳисобланиб, машъум «тройка» воситасида қириб ташланди. Омон қолганларнинг бир қисми кишлоқларга қочди. Бу жабуру жафоларнинг асосий оғирлиги, маълум сабабларга кўра, яна ўзбекларга тушди...

Ўзбеклар билан тожиклар — азалдан эту тирнок, жону жигар. Утмишда қайсидир бувиси тожик бўлмаган ўзбекни топиш қийин. Ёки қайси бир бобоси ўзбек бўлмаган тожикни ҳам топиш маҳол. Қонимиз қонимизга, жонимиз жонимизга тутшиб, чагишиб кетган.

Инқилобдан олдин ҳеч ким «Бухоро ўзбекникими ёки тожикникими?» деб сўрамаган. Шундай савол бериш бемаънилик, уят, хаттоки, гуноҳ саналган. Зеро, халқ орасида «Ўзбекмисан ёки тожикмисан?» деган гапнинг ўзи бўлмаган. Ўзбеклар тожикча, тожиклар ўзбекча гапиришаверган. Ажралиш, ажралиш кейин пайдо бўлди. У ҳам кўпчилик халқ ўртасида эмас, бир ҳовуч қалтабин зиёлилар орасида. Сувни ҳозир лойқалатиб юрган ўшалар. Бухоролик бир қариянинг афсус-надоматлар чекиб, айтгани ёдимда:

**Буд замоне, мо ҳама муслим будем,  
Шуд замоне, ўзбегу тожик шудем...**



Яъни: бир замонлар ҳаммамиз мусулмонлар эдик, энди ўзбегу тожик бўлиб қолдик...

Гапнинг хулласи, Бухоро ҳам, Самарқандга ўхшаб — ҳаммаинизки. Эскичасига айтганда — туронийларники, янгичасига айтганда — Ўрта Осиёликларники. Бугун бу ёқ — Ўзбекистон, нариёғ — Тожикистон деб аталаётган экан, бу — замоннинг зайли. Ўзбеклар Тожикистонда ўз она юртида яшаётганидек, тожиклар ҳам Ўзбекистонда бегона тупрокда эмас, ўз она юртида яшайди. Юрт талашши бизга ярашмайди. Боболаримиз юрт талашмаган. Амир Темури ўзининг олий фармонларини ҳаммаша: «Менинг турк ва тожик умароларим!» деб бошлаган. Ана шуни эсга олайлик ва шунга содик қолайлик. Хушёр бўлайлик: арманлар билан озарбойжонларни Қорабоғда жиққамушт қилганлар бизни ҳам шунга ундамоқдалар, бу йўлда улар ҳаттоки «Озодлик» радиосини ҳам ишга солишяпти.

Маълуки, Қозоғистоннинг Чимкент ва Туркистон, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Ўзган, Тожикистоннинг Хўжанд ва Душанбе, Туркменистоннинг Чоржўй ва Тошовуз шаҳарларида ўзбеклар кўп яшайди. Фараз қилинг, шунга дастак қилиб, баъзи бировларга ўхшаб, орти-кетини ўйламай, биз ҳам «шу шаҳарлар сизникимас, бизники!» деб оёқ тираб олсак, оқибати нима бўлади? Бутун Ўрта Осиёни низо-нифок оловлари қуршаб олмайдимиз? Бу баъзи бировлар учун айни мудоао эмасми?.. Йўқ, биз бу йўлдан бормаймиз, қозоқлар ҳам, қирғизлар ҳам, тожиклар ҳам, туркманлар ҳам — бегона эмас, битта тупрокда азалий униб ўсган, ўз туғишган биродарларимиз. Улар билан ҳеч нарса ни бўлишмаймиз, ҳаммаша бирлашиб яшаганмиз, бирлашиб яшайверамиз. Биз дунёдаги барча инсонлар билан қўлни қўлга бериб яшашни хоҳлаймиз. Жумладан, чет эллардаги ўзбек мухожирлари билан ҳам яхши маданий-иқтисодий алоқалар ўрнатишни, борди-қелди қилишни истаймиз. Зеро, руслар, украинлар, яхудийлар, арманлар, эстонлар, латишлар, грузинлар шундай қилишмаяптими? Улар хориджадаги қавмлари билан самий, инсоний муносабатлар қуришяпти. Ҳаттоки, оқгардиячи генерал Деникиннинг кундалиқларию, Керенскийнинг китобини бостириб чиқаришга ҳозирлик қўришяпти. Бу — замон талаби, янгича тафаккур тақозоси, яъни, ўз-ўзича равшан бир ҳақиқат. Лекин...

Шу йил январь ойида «Совет Ўзбекистони» газетасида Дарвиш Али имзоси билан бир мақола босилди. Унда бултур сентябрь ойида Истамбул шаҳрида Туркистон мухожирларининг бутундунё қурултойи ўтказилгани хабар қилиниб, қурултой катнашчиларининг фикр-мулоҳазалари танқид этилади. Муҳолифлар билан баҳс-мунозара юритиш, уларнинг номаъқул фикр-мулоҳазаларини танқид этиш даркор. Бу — табиий. Зотан улар: «Туркистонни озод қилиш керак!» деб энди айтишаётгани йўқ. Бунга ўхшаш гапларни бугун мухожир руслар ҳам, мухожир украинлар ҳам, мухожир арманлар ҳам, мухожир эстонлар ҳам айтишяпти. Масала бунда эмас. Дарвиш Али ана шу баҳонада «пантуркизм» деган эски матоҳни яна майдонга сурибди. Масала шунда. Уқидиму сесканиб кетдим... Пантуркизм — биз учун, тарихимиз учун — қонли сўз, қора тамға!.. Бу — туркий халқларнинг бирлашиб, келажакда бутун дунёга ҳукмронлик қилиши, деган маънони билдиради. Мактаблар, олий ўқув юртларида бизга шундай деб ўргатишган. Ўнинчи, йигирманчи йилларда баъзи бировлар шу сўз билан дунёни қўрқитмоқчи бўлишган. Ўттинчи йилларда шу тамғани босиб, шу айбонма билан минглаб, ўн минглаб инсонларнинг ёстиғини қуриштишган. Ўша жиноятлар учун ҳали жавоб беришгани йўқ, ҳали жазо ҳам олишгани йўқ. Шуниси ғала-

тики, ўшанда ҳам матбуотда — «Туркестанские ведомости» ва «Туркестанский курьер» саҳифаларида «Дарвиш Али» деган кимса фаоллик кўрсатган. Ҳозирги Дарвеш Али ўшанинг набираси эмасмикин? Майли, гап бунда эмас. Масала, боя айтганимдек, пантуркизмда, яъни, туркий халқларнинг бирлашиб, келажакда дунёга ҳукмронлик қилиши хусусида. Хўш, айтинг-чи, ҳозир ақлга сиғадиган гапми шу? Магар Туркия билан Туркистон халқлари, бошқа халқларга ўхшаб, ўзаро яхши муносабатлар ўрнатишса, бу нарса дунёга таҳдид соладими? «Араб дунёсида нима гап?» деб ёзамиз, бу «панарабизм» саналмайди, лекин «Турк дунёси» десак, бу «пантуркизм» бўладими? «Панславизм» деган сўз-ку, кўпдан ишлатилмайди. Кечаги кунга қадар «Сионизм — бугунги фашизм» дейиш одат эди, энди бу сўз ҳам оқланди, Москвада сионистларнинг ташкилоти тузилиб, кўплаб маданият арбоблари унга аъзо бўлиб киришди, бу ҳақида «Правда» газетаси хабар берди. Хўш, шундай шароитда, бутун дунё халқлари қўлни қўлга бераётган ҳозирги кунда «пантуркизм»ни яна ўртага солиш жоизми? Панславизм, панарабизм, панэронизм, ва ниҳоят, панисломизм эскирганда, пантуркизм эскирмадими? Такрор айтаманки, бу сўз бировлар томонидан тўқиб чиқарилган ўлик тушунча, кўп йиллар давомида туркий халқларни бир-бирдан айиришга хизмат қилган қурол. Баъзи кимсаларнинг номаъқул гаплари учун уни тағин яланғочлаш халқаро дўстликка, мамлакатлар ўртасидаги яхши муносабатларга хизмат қилармикин?.. Табиатда тош тошга, қуни қушга интилади. Жамиятда инсон инсонга, халқ халққа талпинади. Бутун дунёда руслар — русларга, арманлар — арманларга, яхудийлар — яхудийларга, эстонлар — эстонларга интилаётган шу кунларда туркий халқлар ҳам бир-бирига интилса, не ажаб... Газеталарда «пантуркизм» деб ёзаверсак шу сўз билан ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам қўрқитаверсак, халқимизни бундан ҳам кўпроқ маҳдудликка, дунёдан беҳабарликка маҳкум этмаймизми? Шусиз ҳам дунё илгарилаб кетди, биз орқада қолдик. Умр бўйи чала ҳақиқатларни айтиб келганимиз учун орқада судралиб юрибмиз. Бугун иқтисодий тараққиёт бўйича — 69 ўринда, узок умр кўриш бўйича — 59 ўриндамыз. Мана, йиллар бўйи хар турли «изм»ларни такрорлайвериш, биз қўлга киритган натижа!..

Дунёнинг саволлари мени қуршаб олади...

Дунёнинг саволлари мени қийнайди...

Улар бутун мамлакат устига ёпирилган...

Айниқса, Туркистон устида уларнинг булути қуюк... Қорайган, қўрқинч булутлар — аламли, аччиқ саволлар... Улар — менинг юрагимда. Мана, эшитинг: Зулфия — тоғамнинг тўнғич кизи эди. Эрталаб сигир соғаётганда самолёт устидан захар қуйиб ўтди. Уч кун деганда сиғири, уч ой деганда ўзи ўлди. Олти бола, олтига жўжа-бирдай жон чиққиллаб, етим бўлиб қолди... Аэропортда ўлим телеграммасини қассир хотинга узатсам, «Менга нима!» деб юзини тесқари ўгирди... Не машаққат билан кишлокка етиб борсам, қариндошлар айтиб беришди: Зулфияни чиқаришаётганда обкомда ишлайдиган бир аямалдор тасодифан айланб, келиб қолди. Бир оз кайфи бор экан... «Одамлар иш пайтида нега далада эмас, бу ерда тўпланишиб турибди?» деб дўқ урибди... Мен буни қандок унутай?.. Бу — жиноят, бу — қабоҳат, бу — ҳақорат эмасми?..

— Эй, майда-чуйдасини қўйиб, катта-каттасидан гапирсанг-чи...

— Майли! Аввалги ўн йиллар давомида устимизга ёпирилган ҳақсизликларни айтмай қўя қолай, сўнг-



ги ўн йилликда чекилган кулфатларни айтай... Майда-чуйдасинимас, катта-каттасини... Мана, улар: Орол денгизининг қуриши... Болаларнинг ялпи ўлими... Хотин-кизларнинг ўз-ўзини ёқиши... Халқимиз устига аёвсиз сепилган заҳар-заққумлар... Ер усти ва ер ости сувларнинг заҳарланиши... Қасалликлар... Беҳисоб майиб-ногиронлар... Ҳазон бўлган саноксиз умрлар... Емирилиб бораётган обидалар... Тарихимизга доир тўқиб-пичилган ёлгонлар... «Ўзбеклар иши» кабилидаги бўхтонлар... Гдлян, Иванов гуруҳи томонидан халқимизнинг ялпи қирғин — геноцид қилиниши... Фарғонада икки қардош халқ орасида шармандалари хунрезликнинг ташкил этилиши... Бу ҳам етмагандек, «Боқиманда» деб камситишлар, «боласи кўп» деб айбиситишлар... Гўё бошқа жойларда порохўрлар йўқдек, Москва телевидениеси орқали «порахўр ўзбеклар»ни дунёга дoston этишлар... Бир халқнинг бошига озмунча офат, озмунча фалокатми бу!..

Тилимга сўнгги савол келади:  
— Бу офат, бу фалокатлар учун ким жавобгар?..  
Ҳеч кимдан садо чикмайди...

— Айтинг, бу савдолар учун ким жавоб беради?..  
Ҳеч ким чурк этмайди, кимдир томоқ кириб, й та-  
лади, яна жимжитлик.

— Ким жавоб беради, деяпман?!  
Биров гулдурайди, яна сукунат...

Тушунаман, одамларга бу гаплармас, гўшт, картош-  
ка, совун керак. Аммо менинг ҳам бошқа иложим  
йўқ. Беихтиёр бошимни деворга уриб, кичқиргим, фарёд  
солгим келади:

— Хой, дунё!.. Мени эшитяпсанми?.. Мен ҳам ин-  
сон — умид билан келган халқман!.. Бу кабохатларнинг  
чеки борми?.. Инсоф борми ўзи?.. Мени эшитяпсан-  
ми, дунё!..

## Дилшоода



АШЛИК

## Вақт

Тарқалар булутлар, тарқайди туман,  
Тарқар юракдаги алам ва қайғу,  
Ўтар шодлик, ўтар — тарқар ёмон кун,  
Фақат тарқамасдан қотиб қолар у  
Лаблар, чеҳраларда, нафасимизда,  
Кўзёшда, кулгуда, қадамимизда,  
Хатода, ютуқда, бепарволикда,  
Шафқатсизлик, меҳрибонликда...

• • •

Мен сени гулларга буркамоқчийдим,  
Бахтдан энтикишинг этгандим орзу.  
Хаёл гулин тиккан эдим палакка,  
Хонамизга сочилмади зар-ёғду.  
Деворларда қотган орзу ҳайкали,  
Очилмасдан сўлган ғунча — умидим  
Менга мудом совуқ-совуқ тикилар,  
Гўёки дер: кутганларим шумиди...



## Нортуянинг ҳаваси

Одам гавжум. Фурсат қисқа,  
Барча суратга тушар.  
Нортуяни нарвон эзар,  
Тинмай чиқиб тушишар.

Кўп замонни кўрган туя,  
Ўйлаб-ўйлаб чарчайди:  
Минорага қандай маза,  
Ажнабийлар минмайди...

## Ёлғизлик

Тоғларга, тошларга  
Раво кўрмасдан,  
Гулларга, қушларга  
Бўлиб бермасдан,  
Менга эп кўрдингми  
уни, табиат...

• • •

Биз ҳали кўп учрашамиз,  
Таниш қувонч, қадрдон қайғу.  
Бевақт учрашмасак бўлгани.

• • •

Кун узун, йўл узун, хаёллар узун,  
Кутавериб толди-ку кўзим.  
Висолинг гўшаси бунчалар олис...

• • •

Қадам ташла, ўзганинг эмас,  
Ўз одиминг излари қолсин,  
Фақат бир бор ўтишар бундан.

• • •

Товушлардан из қолди,  
Излардан товуш қолди.  
Севгимиздан-чи?..



Ёқутхон



Яна бошланди... Аъзойи бада-нида титроқ уйғониб, тўлқиндек тарқалиб борар, юраги гурсиллаб урарди.

— Болам, болажоним! — Сочлари ёйиқ, рангпар аёл ўз ҳайкириғидан ўзи чўчиб бурчакка сакраб тушди. Шу заҳоти жим қолди. Тиззаларини маҳкам қучоқлаганча жимиб қолди. Кўзи эса олазарак, бесаранжом. Нигоҳи дам эшикда, дам... Йўқ, у ёққа қарамаслик керак, нигоҳи дераза ромидан, кейин ойнадан қоқила-сирғалиб ташқарига интилди. Узоқда, жуда узоқда кўк гумбазнинг сочларига оқ оралабди.

— Вой, болам! — Эшикнинг ғийқиллаб очилиши ҳам чақалоқ йиғисига ўхшарди. — Болам... Қани болам?

— Ҳозир...

Ким бу? Бу ҳам анавиндан чиқиб келдими? Нега унда эшик рафига суяниб, елкаларини селкиллатади? Кўзлари бўғчада, олиб қўйса-я?

— Онангман, болам. Мени танимай қолдингми? Тинчлан, болам!

— Аям? Аяжон!.. — Бежо кўзларидан ёш сизди энди. — Аяжон, боламни ҳеч олиб келишмаяпти.

Аясининг сочлари узун эди. Қопқора эди, энди унга ҳам анави булутлар қўнибди.

— Утиринг, аяжон, — деди у энди ўз бурчагидан жой ажратаркан.

— Ёнимда ўтиринг.

— Хўп, болам. — Кампир бесўнақай ҳаракатланиб ерга чўккалади. Итоаткорлиги ҳам аясига ўхшаркан. Балки чиндан аясидир.

— Сиз мендан қўрқманг, хўп! Шунақа дейди-ю, кўзлари ҳамон бўғчада.

— Улар, ўз боламдан ҳам қўрқсам.... — Она нуқул оёқларини қўй-

# ОҚ БУЛУТГА ЎРАЛГАН ГУНОҲ

Ҳикоя

лаги ичига яширмоқчи бўларди.

— Тисси! — Қизи кўрсаткич бармоғини қонсиз лабига босганча белаловат нигоҳини унга қадади. — Аяжон, секин гаплашиб ўтирамин, хўп! Фақат секин гаплашамиз. Боламни уйғотворманг тағин.

— Хўп, болам.

— Аяжон, менга совчилар келганда қаерга бекинганимни айтайми?

— Айта қол. — Онасининг товушида изтироб.

— Таҳмонга беркиниб олгандим,

— Қизи елкасини қисиб, ҳиринглади. Кейин енгига юз-кўзи, бурнини қўшиб артиб, яна кулди:

— Сизлар бўлсангиз излаб тополмагансиз...

— Опанг топувди, шекилли? — деб ўсмоқчилади она.

— Ҳо-о, совчилар кетгандагиси ҳисобмас... — дея қийқирди қизи.

Энди онаси ҳам «кулди». Кўзида эса дард.

— Барибир тегдим-а, аяжон?

— Яхши-да... Ҳи-ҳи...

— Нега куласиз, нимаси яхши?

Қизи ўрнидан сапчиб туриб кетди. Хонанинг нариги бурчагидаги бўм-бўш китоб жавони устидан бўғчасини олди. Сўнг бағрига босиб, кўзларини юмди. Ана роҳат!..

Она ортиқ чидаёлмади. Лапанглаб ўрнидан туриб чиқиб кетаётганди, қизи қўлидан тутди.

— Жим, аяжон. Жим туринг. Ҳозир сизга каттакон сирни очаман, — дея қизи бўғчани авайлаб китоб жавони устига қўйди. Кейин бориб, яна ўша бурчакка чўккалади.

— Аяжон, анавини олиб чиқиб ташлаш керак.

— Қайсини яна?

Қизи кўзгуга ишора қилди.

— Қўйсанг-чи, болам. Китобларни-ку йўқот дединг...

— Тўғри-да. Китобга ишонмагандан кейин сақлашдан нима ҳожат? Ё сиз ўша китоблардаги му-

ҳаббат ҳаётда ҳам борлигига ишонасизми?

— Билмасам... — Онаизор ўзини қандай тутишни билмасди. — Лекин китобларда нима айб?

— Йўқ нарсани бор деганларидал! Мен-чи, мен китоб эмасман. Тўғрисини айтаман, муҳаббат йўқ! Тамом-вассалом! — Қизи қўлларини ёзганча анча туриб қолди. Шу деганига эшик очилиб, кутгани кириб келармиди бир.

Онаси тусмоллаб сўради:

— Нима, кўзгур ҳам: «Муҳаббат бор», деяптими?

— Э, қўйсангиз-чи, — дея кулди қизи. Кейин бирдан ваҳимага тушиб, деди: — Унда-чи, битта опала яшайди. Уша боламни мен билан талашмоқчи.

Онанинг умидлари яна сўна бошлади:

— Хўп, болам. Бугуноқ ўша опалани ҳайдайман... — Вой, бу қизига меҳри қандоқ эди-я... Чиндан ҳам кўз ёмон экан. Доно қизи шунақа бўлиб ўтирса-я...

— Энди сен бирпасгина ухлагин. Мен ишимни қилай.

— Секин гапиринг, ая. Сиримни-чи, эшитмайсизми?

— Эшитарман, сен дам олгин, кейин...

Яна эшик инграб очилди. Бояги титроқ анча енгиллашганди. Аёл сал нарида ётган болишни судраб, ўз бурчагига қўйди. Аста ёнбошлади. Фақат ёмғир ёғмасин-да. У ёмғирдан қўрқадди. Тўйлари куни ҳам ёмғир хўп ёққан-ей... Кейин... гуноҳи куни ҳам...

Болиш ўлгур қаттиқ экан, бир итқитган эди, эшикка тегди. Эшик яна ғирчиллаб очилиб, хонага эри кирди. Кирди-ю, эшик олдида сўроқ белгиси бўлиб тураверди.

— Ҳа, кириңг! — Зардасидан эри чўчиб тушди.

— Тузукмисан? — дея олди ба-зўр. Кейин бурчакка ҳадик-ла яқин-



лашар экан, кўйиб кўйди:— Узингни тут! Утиб кетади!

«Утиб кетади?.. Албатта ўтиб кетади. Сизнинг эр, менинг хотин бўлганимга ўн бир йил тўлибди-ю, ўтмайдими? Ҳаммаси ўтади. Биз ҳам ўтдик», дегиси келди-ю, демади. Эрига ачинди. Ичкиликка берилмасидан аввал қандоқ эди-я. «Яхши яшаймиз. Бойиймиз, болаларимиз кўп бўлади», деб ишхона ўлгурда жонини фидо қилганда, ҳеч ким айтмабдики: «Ҳой, инсон, бу «ёпиқ» заводда ишласанг битта тирноқли ҳам бўлолмайсан», деб.

Эри елкасини қисиб, бурчакка келиб ўтирди. Кейин иккилана-иккилана хотинининг бемадор қўлларини силади.

— Жуда кўрқитвординг. Агар билсанг... — «Эри ҳўнграятими?» — Агар билсанг, жонимдан ортиқ кўрарканман сени.

— ...

— Кел, қийнамайлик ўзимизни, ҳаммаси яхши бўп кетади. Белим тўла бола ҳали... — У ёғига эрининг мадори етмади. Тамом! У ёғини ҳеч ким айтолмайди...

Яна бошландими? Бутун аъзойи баданида титроқ уйғониб...

— Чиқинг! Чиқинг, деяпман! — Узини ушлаёлмай, бақирди аёл. Эри ранги қочганча ўрнидан турар экан, эшикка шошилди: «Ҳе, онасини бу ҳаётнинг».

— Жўнанг! Ароғингизни ичаверинг, келиб қолишар белингиздаги болалар шу сиз сўкаётган дунёга...

Эшикни онаси очди. Югуриб келиб зорланди:

— Кўй, болам. Тинчлан, болам. Қандоқ қиламиз, эринг шўрлик ҳам ичкиликсиз яшолмайдиган бўлиб қолди, шўр пешонагинам.

— Боласиз-чи, яшаяпти-ку?

— Кўй, болам...

— Хўп! Лекин нега унга чиққан ҳукм менга жорий, ая?

— Нима деганинг бу? — Онаси унинг тўзғиган сочларини йиғиб, зорланди.

— Ун йилдан бери ҳар ой такрорланади. Тақдиримга ҳукм ўқилади. Менинг тақдиримга, ая!

— Вой, уят-э, онаг ўлсин, болам. Эшитганлар нима дейди, — Юзини асабий тимталаётган онасининг аҳволига ачинибми, аёл жаҳлдан тушди. Яна бурчакка бориб, тиззаларини қучоқлаганча хаёлга толди. Ҳатто бу гал эшик эмас, онаси инграганини ҳам пайқамади. Тоғларни эслагиси келди. Уларнинг салобати яхши кунларга кўриқчи. Яхши кунлар?.. Бўлган, албатта. Эрининг ишдан қайтишини кутиб, кўзлари киртайганда ҳам, нигоҳи

армонга айланган эри тонгда ҳорғин умидсиз кириб келганда ҳам не сабабдир ишонарди яхши кунларга.

— Дод! — Хонанинг шифтигача лорсиллаб кетди. Ўз бақирғидан бағри чок-чокидан сўкилди. — Дод! Боламни беринглар! — Қаршисида қўққайиб турган китоб жавони бўм-бўш. Йиғлайвериби ёши қолмаган бақалоқдек бакрайган. Устида эса... Болажониси?

Ҳомиладорни уриб бўлмасмиди?

Нега экан? Уни-чи, уришди-ку... Жуда катта гуноҳ эвазига жуда катта савобга нойил бўлаётган кунлари эди. У одам учун бировни фарзандли қилиш — савоб. Аёл учун бировдан фарзанд кўриш...

— Просто.— Дўхтирнинг бамайлихотир насиҳатини эслади. — Найдди севги! Сделай бола!

Айтишга осон. Ер уни қандай кўтаради, кейин... Яна бир томони: ер уни кўтармаса ҳам, балки у туққанини кўтарар...

Ана ўшанда... Ишхонасида янги уста пайдо бўлди. Йигитни зимдан кузатган кўзлари аёл эзмига кирмади. Дафъатан пайдо бўлмас экан, кейин ҳеч қачон уйғонмайдиган бу ҳисни у ўшанда туйди.

Кунлар ўтди. Бу вақтинча дунё йилдиримсифатлигини фоз этиб, тусини ўзгартираверди. Ҳали оппоқ мулла қиш бўлиб, ҳали кўм-кўк гўр баҳор бўлиб, ҳали қип-қизил ёздак бетсиз бўлиб, ҳали сариқ куздак армон бўлиб ўтаверди. Энди у нуқул ўша бахтли одамни ўйлайдиган бўлиб қолди. Ёмғир ёғса бас, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди.

Тавба, янги устага ўзича «бахтли одам» деб ном қўйганини-чи? Қўш ўғилли одам бахтли бўлмаса, ким унда? Худди ана шу «бахт» уларнинг ҳаловатини бузди.

Ёмғир шивири боис уйғониб қолган япроқлар узилган сарҳуш тушларини эслаб, эзмаланганда шунақа бўлади. Узини танимади қолди-я. Гапирса куладиган, кулса эзмаланадиган бўлиб қолди. Тутқун, аммо озод эди ўшанда. Хаёллари ўзгалар айтадиган кўшиқдек эди ўшанда.

Эрини, маза-бемаза ғийбат-дашонмларни унутди.

Кейин ишхонадан тоққа чиқишди. Қий-чув. Олов кўйлақлари ҳилпираган бир гала аёллар. Бахтли одам бир чилдирма чаларкан-ей. Тоғлар томошабин, тераклар гулдурос қарсақчилар, паға-паға оқ булут — раққоса... Оқ булутга шерик бўлганди ўзи. Бир ўйнаган-ей ўшанда...

Эшик ғирчиллаб, хаёли узилди.

Хонага бошдан оёқ оқ кийимли кишилар киришди.

Онаси кирди. Қўлида чойшаб. Кўзлари қизарган. Чойшабни шифокорларга узатди. Улар иккаласи унга томон яқинлашишди!

— Ая, жон ая! Боламни шулар ўлдиришди. Вой, дод! — устига чойшаб тушди. У жиққа ҳўл экан. Эти сесканди-ю, бир зум жим қолди. Чойшаб устидан аллақандай боғич билан боғлаб олгунларича анграйиб қараб қолди. Обро...

У боғланганча тураверди. Барзангилар онасидан шажарасини суриштиришди. Лекин ўз шажарасини билмаслик айб бўлмай қолганини айтмаса, юраги шумликни сезаверди. «Энди жиннихонага олиб кетишади. У ер туғруқхонадан ҳам баттар...»

Туғруқхонани эслади. Аччиқ дори иси. Қовуғидаги аламли дард. Бели зирқирайди. Ҳаво йўқ.

Ўшанда ҳаётдан ҳаёт ажраётганди.

— Кесерево сечение! — Бу дегани нима эди? Қорнимни ёрадиларми? Нега экан? У «йўқ» дея қичқирганди, оқ либослилар баб-бараварига шанғиллай кетишди:

— Йилига туғавермай, эслаб юрасан шу оғриқни...

— Узини аяшини-чи!

Оппоқ булут қани? Бахтли одам қани! Ҳаммадан азиз — болажони қани?

Боласига аталган кийимларни бўғчага ўраб, қўлига туттишди...

Вой-дод! Йилига туға олса эди, дод... Доялар қайдан билишсинки, бу болага етишиш учун нима ишлар қилиб қўйганини... Умрида бола эмизмай, дод...

— Аяжон, жон ая. Кесерево қилишса, мукофот пули олишармиш. Шунга ҳаммани тилимлашяпти, аяжон!

Онаси унинг бошини бағрига олмақчи бўлди, бош бўйсунмади.

Яна бошландими? Бутун аъзойи баданидан...

Эшик? Наҳотки келди... Бахтли одамми? Йўқ, ҳиқчоқдан бўғилганча ғирт маст бахтсиз эри кирди. Кирдию:

— Ие? Ҳиқ! Сарполар мубо-рак? — деди.

Вой, бу қандай кўргулик? Гуноҳи қолиб, болажони кетса-я...

Оёқларида мажол қолмади. Барзангилар кўмагини кутмаёқ ерга гурсиллаб тушди.

Ўлиб қўя қолса гўрга эди-я. Болажони олдига кетиб қўя қолса эди-я.

Ҳеч нарса кўринмасди. Фақат булут. Оппоқ булут...



Аъзам Ўктам



1960 йил Фарғона вилоятининг Бувайда ноҳиясида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетининг битирувчиси. «Чўлпон» нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. «Кузда кулган чечаклар» илк шеърлар тўплами шу йил нашрдан чиқади.

Гарчи бўлса ҳамки дўппидек бир ер,  
Қишлоғим дунёларча кенг туюлар.  
Баъзан аҳволини ўйласам бир-бир,  
Негадир кўзимга ёшлар қуюлар.

Чўпон йўқ, боғбон йўқ —  
Гўшт оз, мева оз.  
Касал кўп,  
Тобора болалар камдир.  
Ўттиз ёшли жувон қилмайди пардоз,  
Алпдай йигитларнинг бошлари ҳамдир.

Тонгдан шом — иш вақти.  
Эллик сўм — маош.  
Ҳар қалб тирикчилик дея ўртанар.  
Боқчалар эскирган,  
Болалар юввош:  
«Биз — бахтиёр!» деган қўшиқ ўрганар.

Жигар оғриси ҳам,  
Нафас қисса ҳам  
Шукр қилиш керак,  
Бахт — тирик юриш.  
Туғилиш — бир ташвиш.  
Темирмас одам,  
Катта саодатдир — олтишга кириш.

Болаларнинг камроқ туғилгани соз,  
Нон, кийим-бош керак,  
Ҳовли-жой даркор.  
Барчасин эплашга  
Умр етмас, оз,  
Жой бермас,  
Қизғанчиқ чиқди пахтазор.

*Отаси бўлмаган болалар*

Рост гапга чидамас амалдор зоти,  
Бир сўз десанг,  
Сапчир бўйнинг узгудек —  
«Яккаҳоким» бўлса пахтаинг оти,  
Унинг кими бўлар, кимидир ўзбек?

Беш йилки,  
Нотинчдир кўплаб хонадон.  
Беш йилки,  
Миш-мишлар серавж қишлоқда.  
Келди-ю,  
Ишлашга арзирли замон,  
Уста деҳқонларнинг  
Кўпи қамоқда.

Ишлаши шарт  
Кучи етмаса-етса,  
Аёлу болага яна гал етди.  
Йигитлари ҳарбий хизматга кетса,  
Оталар мажбурий хизматга кетди.

Биз эккан жиноят, кин уруғлари  
Бирини ўлса,  
Бирини ҳануз гуркирар.  
Мен борсам қишлоққа —  
Дўст, уруғлари  
Қамоқдаги Эркин акани сўрар.

Қарашга ҳолим йўқ кўзларига тик,  
Улар ҳам бошларин қуйи соларлар.  
Кўзларда ғазабми, уятми, ҳадик,  
Жим юрар отаси бадном болалар.  
«Яхши» дейман,  
Аммо зил кетар ичдан  
Уҳ тортиб қўйганда кампиру чоллар.  
Якшанба тушдан сўнг  
Озод у ишдан,  
Гоҳ келар,  
Гоҳида бир жойга чорлар.

Рухсат текканда ҳам  
Бормас қишлоққа,  
Душманим ҳолимдан кулмасин дейди.  
Токи саналгунча  
Номимиз оққа,  
Қайдалигим биров билмасин дейди.

У ҳалол зот эди.  
Ишларди тинмай,  
Катта бир қишлоққа ишбоши эди.  
Тўйда жим турмасди нимадир қилмай,  
Мотамларда элнинг дарддоши эди.

Бас, етар,  
Ўзимни мақтовдан тияй,  
Ўйласам чимиллаб оғрир жонларим.  
Мен унинг таърифин қандоқ келтирай,  
У бир ўзбек эди, қадрдонларим.



У кетар.  
Гапларин эслаб тун бўйи  
Ўртаниб чиқаман, ўйларим оғир:  
«Зерикдим,  
Умримда якшанба кун  
Ишламаган одам эмасман ахир.

Бобом Сибирь бўлган ўттиз еттида,  
Қирқ учда Курскда жон берган отам.  
Изларини босиб келар эдим-да,  
Ўша тарафларга жўнатмади ҳам.

Синфбошиликка сайланса ўғлим,  
Тўғрилаган бўлиб кўпнинг хатосин —  
Бир қизча айтибди:  
«Наҳот бу мумкин —  
Ахир қамоқда-ку унинг отаси?!»

Энди меҳнатсевар бўлгин демасман,  
Ўзингни аяма, демасман энди.  
Алдасам,  
Адашсам одам эмасман, —  
Ишчанликдан бошга шу кунлар келди.

«Зангори экран»  
Газет сўзидан  
Рухланиб кетибман  
«Замон келди» деб.  
Бошлабман  
Раиснинг шундоқ ўзидан,  
Ҳамма айбларини ташлабман очиб.

Бизлар-ку, ўшандан  
Бир йил аввал ҳам  
Сотганмиз пахтамас, ғўзапўчоқни.  
Министр сўзлашдан тинмасди бир дам,  
Йўқ деганга  
Рўқач қилиб қамоқни.

Мен нодон:  
«Ҳаммамиз айблимиз, асли  
Ўзим ҳам ёмон иш қилганман», дебман.  
Ҳамма тавба қилар,  
Дебманми ёки,  
Ўзимча виждоним ғамини ебман.

Иқрор бўлди дея  
Ўз оғзи билан,  
Бўйнимга уч йилни қўйишди илиб.  
Ёз бўйи юришди  
Жим, индамасдан,  
Ишни қўзғатишди  
Кеч кузга келиб.

Хирмон кўп чўнг бўлди,  
Оёқ-қўл толди.  
Балки айтишар деб, кутибман раҳмат.  
Мени излаб келди,  
Адашмай топди —  
Қамоққа олишга берилди рухсат.

Мен худбинлашибман:  
Газет ўқисам  
Биров қамалганин  
ўқиб, куламан:  
Йўқ экан жиноят қилмаган одам,  
Наҳот гуноҳсиз йўқ —  
Хайрон бўламан.

Кимдир озод бўлар  
«Гуноҳи йўқ» деб.  
У шўрлик уйига шамолдек елар.  
Мен эса кутаман,  
Шу дамда ҳадеб  
Фарзандларим кўзим олдига келар.

«Янглиш қамабсан-ку?» —  
Демайди ҳеч ким,  
Қалбнинг туброғига чўқар нолалар.  
Ажаб шодланишар —  
Йиғлагандек жим —  
Отаси оқланиб келган болалар.

Аммо бир ёмоннинг  
Бир яхисиси бор —  
Бекорга кетмади Тошкент келганим.  
Бермабман қанчалаб  
Ишга эътибор,  
Жуда ҳам оз экан ҳали билганим.

Илгари  
Шаҳарни кўрардим ёмон,  
Олғирга ўшарди ҳамма одами.  
Ҳар жойда  
Бир хилда яшаркан инсон,  
Асли буларнинг ҳам кўп экан ғами.

Талвасага тушиб  
Зир чопар шаҳар,  
Унутиб қўйганча ҳис-туйғуларни.  
Бизнинг далаларга  
Пуркалса заҳар,  
Завод, машиналар бўғар буларни.

Гоҳо иложи йўқ ҳалол юрмоқнинг,  
Ҳар ким ўз эгнига мослаб тўн бичар —  
Ешлари билмайди салом бермоқни,  
Аёллари чекар,  
Эрлари ичар.

Дафни ҳам,  
Тўйи ҳам чалкашган элнинг,  
Ҳар ким хоҳишича тўқийди ўлан.  
Ўрганиб олмасанг  
Икки-уч тилни,  
Чиқишиб бўлмайти қўшнилар билан.

Бироз итоатгўй,  
Бироз бепарво,  
Гўлроқми дейман-да қишлоқ халқини.  
Не айтсанг, хўп дейди,  
Жилла қурганда  
Талаб қилолмайди ҳалол ҳаққини.

Шаҳар аҳли эса  
Шошқин, бесабр,  
Табиатдан йироқ,  
Тор жойга кўнган.  
Ўйламас —  
Юрт нима,  
Миллат нимадир,  
Ер ишқи қалбларда  
Ё суст, ё сўнган.

Қўрқаман, —  
Яхшийди доғда қолмасак,

Тобора сўнмоқда  
Шиддат ва журъат.  
Агар боболарга  
ўхшай олмасак,  
Қардош халқ —  
Руслардан олайлик ибрат.

Улар ҳамма ерда  
Ўз сўзин айтар,  
Ўтмишин ардоқлар,  
Келгусин ўйлар.

Ўҳ, яна дам олиш,  
Илоё, ўлмай  
Баҳорга етказса  
бу қора қишлар.  
Қишлоққа қайтсайдим —  
Бир лаҳза тинмай  
Ишлардим, ишлардим,  
ишлардим, ишлардим...

...У кетар  
Гапларин эслаб тун бўйи  
Ўртаниб чиқаман,  
Ўйларим оғир.  
Ҳаммаси кетмас-ку  
доим шу кўйи,  
Бир авфи умумий  
бўлар-ку охир.

У ҳам оқланади,  
Оқланар албат,  
Эркин ака  
Зарин, озод, шод бўлар.  
Ўзимча куламан.  
Аммо шу фурсат  
Фарзандлари кўзим  
олдига келар.

«Нега қамоқдинлар?» —  
Демайди ҳеч ким,  
Қалбнинг туброғига  
чўқар нолалар.  
Ажаб шодланишар —  
Йиғлагандек жим —  
Отаси оқланиб  
келган болалар.

Бод чалган оёқнинг  
таъсири урган  
Юрак ўйнар.  
Қизиқ, кўзим ҳам нам-ку?  
У бола — мен ахир —  
жилмайиб турган,  
Анов одам ахир  
менинг отам-ку?!





## Зумрад пошшо

— Ер ютгур Асқад, ергина ютгур Асқад! — Улусликлар бу тонг одатдагидай хўрозларнинг қичқиригидан эмас, Зумрад кампирнинг юракни ларзага солувчи чинқиригидан уйғониб кетишди.

Маълум бўлишича, ер ютгур Асқад онасининг охиратини куйдириб, укаларининг ризқини қийиб, етмиш сўмнинг ҳаммасини ўғирлаб, шаҳарга кетиб қолибди. Энди Зумрад кампир нима қилади? Бошида эри бўлмаса, болаларини қандай боқади? Ҳа ер ютгур Асқад, ергина ютгур Нортоев. Зумрад кампир неча марта худонинг зорини қилди:

— Асқаджонга иш топиб беринг, акажониси. Шаҳарга иш излаб кетсамми, деб юрибди. Мабодо кетиб қолса, мен шўрлик нима қиламан? Уйдаги олти бирдай гул етимни қандай боқаман? — деди шўрлик зорланиб.

— Иш йўқ, — деди ер ютгур гумгурсдай бўлиб, — менинг ўрнимдан бошқа иш йўқ. Чиқинг, кампир, хонани бўшатиб қўйинг!

Зумрад кампир хонадан ломим демай қикди, албатта. Хонадан чиқди-ю, йўлакда овозини ванг қўйиб шанғиллади:

— Ҳа ер ютгур, гов калла! Бойбойга боқар, сув сойга оқар замон экан-да. Сенинг оғайниларингга иш бор, менинг Асқаджонимга иш йўқ экан-да? Қараб тур, сенгинанинг бир кўзингни ўймасам юрган эканман Зумрад пошшо бўлиб.

Зумрад кампир йўл-йўлакай Нортоевнинг «кўзини ўйиб», учраганга дардини дoston қилиб кетди.

Ҳар бир даврнинг ўз оҳанглари, ўз ранглари, ўзига хос изланишлари бўлади. Кейинги йиллар ёшлар ижодида услуб изланишлари, тасвир, ифода изланишлари кўзга ташланыпти. Бу — табиий жараён. Лекин, нима бўлганда ҳам бадий ижоднинг бош мақсади — инсонни кашф этиш. Менимча, бу йўлдан борган қаламқаш хато қилмайди.

Муҳаммад Ражабнинг ҳикояларида одам бор. Ўз тақдири, ўз феъл-атвори билан бошқалардан ажралиб турадиган ва айни пайтда, қайсидир жиҳатлари билан атрофдагиларга ўх-



Ҳикоялар

## Муҳаммад Ражаб



— Кечагина малимликини битириб кеган куёвингни рабчоком қилиб қўйдинг, мактаб кўрмаган қайсинглингни қишлоқ Советига раис қилиб қўйдинг, синглингни боғчага мудира, хотинингни синглиннинг боғчасига ошпаз қилиб олдинг, тоғдаги жиёнларингни битта қолдирмай буғалтир, дўхтир қилиб олиб келдинг, сен зolimнинг дастингдан шўринг қурғур улусликлар кун кўрадим, йўқми?! Сенинг жиловингни тортиб қўядиган эркак Улусда қолмаган бўлса, мана, мен — Зумрад пошшо энди энангни етти қўрғондан кўрсатаман!

Зумрад кампир вайсай-вайсай тўғри куёви Халилжонникига йўл олди. Улус қанчалик катта қишлоқ бўлмасин, Нортоев тўғрисида айтилган игнадай гап шу дақиқада унинг қулоғига етиб борарди.

Зумрад кампир Халилжонникига етар-етмасдан, Нортоевнинг котибаси боғчага кетди.

У ёқда Зумрад кампир куёви билан тортишаётган бир пайтда, Нортоев ўз ишонасида Зумрад кампирнинг холаваччаси Холида билан бир қарорга келишиб олишди.

шаб ҳам кетадиган характер бор. Бу жиҳатдан улусликларга онд ҳикоялар айниқса ажралиб туради. Қишлоқ кишиларининг жиндай содда, жиндай қув оламини қаламқаш табассум билан тасвирлайди. Эҳтимол, айрим мутахассислар [ўқувчилар эмас] буни маълум маънода В. Шукшинга тақлид деб ўйлашар. Мабодо, шундай бўлган тақдирда ҳам, бунга ранжимаслик керак. Узбек ҳаёти шу қадар катта хазинаки, ҳали унинг бир бурчи ҳам очилгани йўқ... Шу жиҳатдан ёш адибнинг изланишлари мени қувонтиради.

Яна бир гап: назаримда, Муҳаммад Ражаб ҳозир айнан ўша — улусликлар, ўзи яхши билган, яхши кўрган одамлар ҳақида кўпроқ ёзиши керак. Оддий ҳақиқат бор: аниқ билган нарсангни аниқ ёзасан, майдалашмайсан... Умидим шуки, Муҳаммад Ражабда истеъдод бор, ҳаётим мавзулар бор, ёзса бўладиган «хом ашё» бор. Бу машаққатли йўлда ёш адибга сабот ва омад тилайман.

Ўткир ҲОШИМОВ



Холида холасини излаб Халилжонларни келганда, Зумрад кампир куёвига ҳамон зуғум қилаётганди:

— Ёз, нима, сенинг қўлингни кесиб олишармиди?.. Кўксингдаги юракми, пўстак?.. Иккита гапни элаб ёзолмайсанми? Унда нимага олти йил шаҳарда ўқидинг?.. Юрагинг ёрилса менинг номимдан ёз, ер ютгур! Олса, фаррошлигини олади... Қасам ичиб келяпман, ёз!

Халилжон зўр бериб ўзини олиб қочарди:

— Қўйинг, опа, шу говғаларни бошламай туринг. Узи зўрға икки йилда қўй бериб, эчки бериб, касбим адабиётчи бўлса-да, меҳнатдан дарс беришга рози бўлиб мактабга илиндим. Бир-икки йил тинчгина ишлай.

— Сен бу ёқда тинчингни ўйлаб, елкангни қисиб юр, Асқадинг у ёқда тинчини ўйлаб, қочиб юрсин, Нортоев Улусда ошна-оғайнилари билан даврини сурсин. Биз бечораларнинг дардини сўровчи марду мардум борми ўзи бу дунёда, ер ютгурлар! — Зумрад кампир ҳамон куёвига захрини сочарди. Шу пайт эшик очилиб, Зумрад кампирнинг қизи Салтанат бошини сукди.

— Опа, сизни Холида хола излаб келди, — деди шивирлаб. Зумрад кампирнинг юраги ҳаприқиб кетди. «Шипиён», деган ўй ўтди кўнглидан. Бирдан юзи ёришиб куёвига гап қотди:

— Ёз, айланай Халилжон, ҳеч бўлмаса манави конверт ўлгурнинг устига Ўзбекистоннинг энг каттасига деб ёзиб бер!

Халилжон шуни ёзсам қутуламанми дегандай, катта-катта ҳарфлар билан шоша-пиша «ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП МК БОШ СЕКРЕТАРИГА», деб ёзди. Зумрад кампир куёвининг қўлидан конвертни оларкан, қизига қараб сирли шивирлади: «Чақир ер ютгурни!».

Холида хонага кирганда Зумрад кампир сўлакайини оқизганча конвертни елимлаётганди. Ишини тугатгач, хатни дастурхоннинг кўринарли жойига ташлаб ўрнидан турди. Холаваччаси билан қуюқ кўришди. Холидани конвертнинг нақ рўпарасига, ундаги ёзувлар аниқ-тиниқ кўринадиган жойга ўтқазди. Ўзаро мулозаматдан сўнг Холида холасидан ҳол сўраган киши бўлди:

— Тинчликми, холажон, хотинлардан эшитдим, Асқад шаҳарга кетиб қолибди. Зумрад холаңг кимнидир қарғай-қарғай куёвиникига ўтиб кетди дейишди, ишқилиб

тинчликми, холажон? — дея қуюниб сўради Холида. Зумрад кампирнинг юзи бирдан маъюс тус олди, мунгли овозда ҳасрат қила кетди:

— Гўрдами, айланай, Асқад бўланг мен шўрликни қон қақшатиб кетиб қолгани рост. Мен анаву ер ютгур гов каллага неча марта худонинг зорини қилдим, боламга тайинли иш топиб беринг, деб. Йўқ, дейди ер ютгур. Мана оқибати,



Рассом О. Ҳолиқов

бўланг холаңгни қон қақшатиб кетиб қолди. Мен шўрлик нима қилай? Қариганда гуноҳга ботиб, шикоят ёзиб ўтирибман. Бахтимга Халилжон бор экан, мен айтиб турдим, у битта-битталаб ёзиб берди. Мендай муштипар онаизорнинг ҳолини тушунадиган бирорта ҳалол бошлиқ бордир бу шўро ҳукуматида!

Зумрад кампир қўйилиб келган кўз ёшларини артиш учун гапдан

тўхтади. Холида холасининг дардига шерик бўлаётгандек, ҳасратли оҳангда пишанг бера кетди:

— Ёзинг, хола, сиздай етти етимнинг онаси, оддий фаррош хотиннинг гапига қулоқ солмаса кимнинг кунига ярайди бу ҳўкимат. Ёзинг ҳаромини, сурув-сурув моллари давлатнинг текин хашагини еб семираётганини ҳам, улусликларнинг ҳақидан уриб, икки ўғлига шаҳардан иккита данғиллама уй олиб берганини ҳам қўшиб ёзинг! Улар яна анчагача ҳасратлашиб ўтиришди. Кетишида Холида холасига яна бир бор меҳрибонлик кўрсатди.

— Вой ўлмасам, мен ишга борай, анча ўтириб қопман, — деди ўрнидан тураётиб. — Сиз кўпам қуйинаверманг, бўлам барибир қайтиб келади, киндик қони томган жойдан безиб қаерга ҳам борарди, — деди таскин бериб. Хайрлашишда: — Хатингизни беринг, йўлда почтага ташлаб кетаман, — деди холаига меҳрибон овозда.

— Йўқ айланай, — деди Зумрад кампир останада конвертини маҳкам ушлаб. — Агар менга чиндан яхшилик қилмоқчи бўлсанг, юз сўм қарз бер. Эртага Асқадни излаб Тошкан бораман. Ана шунда шахсан ўзим топшираман бу хатни. Бу ерларда Нортоевнинг агинти кўп, почтада ушлаб қолишади. Бу хат — жуда муҳим хат!

— Майли, хола, агар куёвингиз бугун ойлик олиб келса, эртага пича пул олиб чиқарман, — деб омонлашиб чиқиб кетди Холида.

Эртасига эрталаб, улусликлар одатдагидай хўрозларнинг қичқирғидан эмас, Зумрад кампирнинг дарвозаси олдида чўзиб-чўзиб сигнал бераётган Нортоевнинг машинаси овозидан уйғониб кетишди. Зумрад кампир уйдан чиққанда, Нортоевнинг шофёри унинг қўлига бир парча қоғоз тутди:

— Бу Ҳошимжонга йўлланма, — деди ёнидан яна бир парча қоғоз чиқариб узатаркан, — буни-си эса боқча учун буюрилган муҳрининг ишонч қоғози. Муҳрни олиб келаркан. Бир йўла Асқадбекни ҳам олиб келсин. Келгач, қоғозларни расмийлаштириб совхоз кассасидан йўл кирасини олади, — деди ҳисси овозда. Қоғозларни бергач, Зумрад кампирга бироз гина қилди: — Янга, Асқадбек шаҳарга иш излаб кетибди, кеча борганда хўжайинга мундай тушунтириб айтмасиз. Улуслик ёшларнинг ҳар жойда иш излаб дайдиб юриши Нурхон Нортоевдек директор учун



минус бўлади. Эшитган кулоққа уят. Асқадбек учун хўжайин райондагилар билан талашиб-тортишиб боқчага эликтириклик ундирди.

— Раҳмат,— деди Зумрад кампир юзи ёришиб астойдил.— Илойим ўртоқ Нортоевнинг мартабасини берсин.

— Бугун Нурхон ака районга мажлисга боради, мабодо Асқадбекка хат-пат ёзган бўлсангиз берар экансиз, хўжайин ўзи шу ёқдан ташлаб юборар экан,— деди майин овозда шофёр. Зумрад кампир шоша-пиша уйига йўл олди. Бир пайт кўлида конwert билан чиқди. Лекин уни Нортоевнинг шофёрига бермай, ундан ҳам кўра мулойимроқ овозда шундай деди:— Нурхонжонга айтсангиз, овора бўлиб юрмасин, Асқаджон келиб ишга киргач, ўқиб кўрар.

Шофёр лом-мим демай машинасига қараб юрди. Кечиккан хўрозлар чўзиб-чўзиб қичқиришди. Машриқда кип-қизил қуёш бош кўтарди. Улусда яна бир тонг отди.

## Малакали муҳаббат

Абдурахмоннинг ҳаёти алғовдалғов бўлиб кетди. Қаерданам малака оширишга борди-я. Боришга-ку борди, қаерданам қўқонлик дўндиқ қизчага ёрдам берди. Жимгина ўз йўлига кетаберса бўлмасмиди? Йўқ. Ҳамма жим кетса кетади-ку, Абдурахмон индамасдан кетолмасди. Унинг табияти шунақа, оққўнги. Бировнинг кўнглига озор етказгиси келмайди. Бировни ноҳақ хўрлашса, индамай кетолмайди. Ушанда қўқонлик дўндиққина қизчани шилқим таксичидан қўтқариб олдию унга қаттиқ боғланиб қолди. Бир ой ўқиш давомида бир кун ҳам кўздан қочирмади. Абдурахмон дунёда ҳали гўзал, меҳрибон, оққўнги қизлар йўқолиб битмаганига иқрор бўлди. Умрида илк бор кўнглининг туб-тубида ўз ҳаётига қарши исёнми, норозиликми ҳиссини туйди: «Худойимнинг мен учун яратган бандаси бу ёқда экан-ку, мен қаёқларда юрибман».

Абдурахмон қизни севиб қолди дейишимиз қийин. У муҳаббатни илоҳий тушунча деб ҳисоблайди. Бунинг устига оилали йигит. Қуйиб қўйгандек ўзига ўхшаш бир яшар ўғилчаси бор. Абдурахмон дунёда

ҳаммадан кўра кўпроқ ўғлини севади. Ҳатто малака оширишга борганда ўғлининг суратини ҳам олиб кетганди. Уша қўқонлик қизчага унинг суратини кўрсатганди ҳам. «Вуй, мунча ширин бу кичкинтой, Раҳмонжон, илойим бахтли бўлсин», деганди у қиз суратни меҳр билан силаб.

Абдурахмон малакасини ошириб келдию у қизни, унинг гапларини қўмсайдиган бўлиб қолди.

Мана, ҳозир ҳам кўрпани кўкрагигача тортиб, юлдуз тўла осмонга боқиб хаёл суриб ётибди. «Илойим бахтли бўлсин».

Умуман, бахт ўзи нима?!

Ўз уйинг, кўкраккача тортилган кўрпанг, ёнингда беозоргина ухлаётган хотининг, бешиқда пишиллаб ухлаётган болангнинг товушини эшитиб ётиш, осмон тўла юлдузларни кўриш, онда-сонда хўраётган итларни, бемаҳал қичқирган хўрозларни, катта йўлдан ўтаётган машиналар овозини эшитиб, томирларинг оқаётган қонни ҳис этиб, жимгина хаёл суриб ётиш бахт эмасми?

Кўрадаги икки қўю бир эчкинг, ҳовли адоғига боғланган, ёмонлигидан думи чўлтоқ ўғри сигирининг борлиги, кассадаги бир юзу йигирма тўрт сўм пулинг бахтми?!

Қисқаси, Абдурахмон у қизни тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Айниқса, унинг хайрлашувдан олдин айтган бир оғиз сўзини умрининг охиригача ёдидан чиқармаса керак. «Сиз барибир яхши одамсиз, Раҳмонжон ака».

Шу бир оғиз сўзда меҳр, ҳурмат, ачиниш, миннатдорлик, яқинлик, яна қандайдир англаб бўлмас туйғуларни ифодаловчи оҳанг борлигини мана энди англаб турибди Абдурахмон. Ҳали ҳеч ким Абдурахмонга яхши одамлигини бундай оҳангда айтмаганди. Тўғри, унинг яхшилигини тез-тез таъкидлаб туришарди. Лекин ҳеч ким, ҳеч қачон бир оғиз сўз билан бундай оҳангда айтмаганди. Ҳатто хотини ҳам.

Дарвоқе, хотини. Абдурахмон хотинини севадими? Хотини-чи?

Уйланганига уч йил бўлибди-ю, бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрмабди. Малака оширишга бориб келгач бир нарсани англади, хотинининг унга кўнгли йўқ. Азбаройи яхши одам бўлганлиги учун ҳам бирга яшаб келмоқда. Абдурахмон бунинг англади-ю, ўша қизчани тез-тез эслайдиган, ҳатто тушларида ҳам кўрадиган бўлди. Доимо бир хил алпозда тушига киради: оёғида ихчамгина кўкиш этик, эгнида ёқасиз кулранг пальто. Яланғош. Сочла-

ри китобларда ёзилгандай тим қора, билакдай эмас, елкадан кесилган. Шамолда майин-майин ўйнайди. Меҳрибон кўзлари жигарга мойил, қуралай. Ингичка терилган қошлари беозор чимирилган. Ҳеч ерида холи ҳам, доғи ҳам бўлмаган таранг юзлари оппоқ ва силлиқ. Елкасига осиб олган кўкиш сумкасининг боғичидан чап қўли билан маҳкам ушлаб олган. Ўнг қўлида Абдурахмоннинг қичқирлаб қулаётган қип-яланғоч ўғилчаси. Ўғилчасини Абдурахмонга тутар экан, кўзларида филт-филт ёш айланиб, кулиб туриб шундай дейди: «Сиз барибир яхши одамсиз, Раҳмонжон ака». Шундай дейди-ю, ғойиб бўлади. Ҳавода муаллақ қотган, чинқириб йиғлаётган чақалоқ қолади. Абдурахмон чўчиб уйғонади. Уйғонади-ю, ёнида пишиллаб ухлаётган хотинини, бешиқда биғиллаб йиғлаётган ўғлини кўради. Секингина хотинининг оёқ томонидан айланиб ўтиб бешикни тебратади. Бешикни тебрата туриб хаёл суради. Муҳаббат нима?

Жуфти ҳалолнинг бўла туриб, тушингда номаҳрамни кўриш муҳаббатми?

Ширингина ухлаётган хотинининг уйғотишни кўзинг қиймасдан, ярим тунда туриб бу дунёда ёлғиз суйганинг — ўз фарзандининг бешигини тебратиш муҳаббат эмасми?!

Наҳотки бир пайтлар ўзи дарсдан ҳайдаб чиқарган ўқувчиси ҳақ бўлиб чиқса. «Муҳаббат бу — романтик туйғу, реал нарса. Фақат юрагида жасоратга журъати йўқ кимсалар уни илоҳий тушунча, деб ўйлашади. Муҳаббат реал. У инсонни ўзлигини англашга ундовчи олий туйғу», деб дарсда Абдурахмон муаллимнинг гапларини инкор этганди уста Мадийрнинг ўжар кенжаси. Абдурахмон ўша ўжар ўқувчисининг гапларини тез-тез эслайдиган бўлди. Умуман, Абдурахмон малака оширишга бориб келди-ю, кўнглида нимадир ғалаён рўй берди. Гоҳ ўзича узоқ-узоқ хаёл суриб қолади. Гоҳ кўнглида кечаётган ўйларини шеърга солгиси келади. Қийналади. Шунда умри бино бўлиб бирор марта шеър ёзмаганлигига афсусланади...

Ҳатто бир марта ўша ўжар ўқувчисини ўқитувчилар хонасига чақириб очиқчасига гаплашди. Барибир натижаси Абдурахмонни қониқтирмади.

Ҳамма дарсга кириб кетганда Х-«А» синфида ўқиётган уста Мадийрнинг кенжа боласини Абдурахмон муаллим ўқитувчилар хо-



насиға қақриб келди. Нима айб қилганлигини англаёлмаган ўқувчи муаллимига жим — ҳайрат тўла кўзларини тикиб жимгина ўтирар эди. Гапни бошлаш олмаётган муаллим ўқувчисига бир стакан чой қуйиб берди. Стаканга икки чақмоқ қанд солиб, кумуш қошиқча билан яхшилаб аралаштиргач, меҳрибонлик билан ўқувчисига тутди: «Ич, дўстим». Бундай мулозаматни кутмаган ўқувчи очилиб-сочилиб, жойлашиб ўтирди. Сўхбат ўз-ўзидан қовушиб, ундан-бундан гаплашишгач, Абдурахмон секин мақсадга яқинлашди:

— Мана, сен шеър ёзиб турасан, шоирсан, — деди Абдурахмон ўқувчисига хушомад оҳангида. Йигитча ўқитувчисини яхши кўриб кетди. Шу пайтгача ҳеч ким уни шоир демаганди. Уялиб кўзини ерга олиб қочди. Абдурахмон эса мақсадга яқинлашган сайин овози майинлашиб борарди:

— Сендан бир нарсани илтимос қилсам йўқ демайсанми, — деди Абдурахмон ўқувчисига ёқиш учун илтижо билан. — Менинг кўнглимда бир шеърнинг ғояси юрибди. Ҳеч тинчлик бермайди. Шеърга солай дейман-у, барибир чиқмаяпти. Сен шуни шеър қилиб бермайсанми, дўстим?

— Майли, агар қўлимдан келса. Қани, айтинг-чи ғоянгизни, — деди ўқувчи ўқитувчисига астойдил ёрдам бергиси келиб.

— Раҳмат, — деди Абдурахмон ўқувчисига яна чой қуйиб узатаркан. — Уша шеърнинг сўзлари тахминан шундай бўлади. — Абдурахмон кўзини деворга осиглиқ дунё харитасига тикиб гап бошлади: Абдурахмоннинг кўзлари худди кўлдан буён кутиб юрган кишисини кўриб тургандек қувонч билан порларди. Овозига соғинч, мунг, қувонч оҳанглари аралашиб донадона сўзларди: — Қаердасан, э, мени қийнаётган куч? Нега мени қийнайсан, нега қалбимга азоб соласан? Нега оромимни ўғирлайсан? Сен қандай рўёсанки, сени излай-излай топганимда яна йўқотдим? Сени излай-излай шу нарсага амин бўлдимки, мен ўзимни топдим. Энди сени топиш учун нима қилиш керак. Менга йўл кўрсат, э, мени қийнаётган рўёкор куч!

Абдурахмон чуқур хўрсиниб ўқувчисига қаради. Йигитча ичдан қайнаб келаётган кулгусини яшириш учун зўр бериб чой ҳўпларди. Бурнининг усти терлаб кетган, ғалаба нашидасини сураётгани кўзида ўйнаётган қув табассумидан яққол сезилиб турарди. Стаканни

қўяр экан, ошкора табассум билан сўради:

— Сарлавҳаси муҳаббат бўлсинми?

— Нега энди муҳаббат? — деб астойдил ранжиди муаллим. — Бу ерда муҳаббат ҳақида сўз йўқ-ку?

— Барибир, — деди йигитча ишонч билан. — Уша сизни қийнаётган рўё — романтик кайфият бор, энг муҳими, сизни олға ундовчи куч — реал куч бор. Муҳаббат эса инсонни олға ундовчи олий туйғудир. — Уста Мадийёрнинг ўжар кенжаси бир пайтлар ўзини дарсдан ҳайдалишига сабабчи бўлган фикрларини муаллимга такрорлаш имкониятидан фойдаланиб қолди. Ҳозир у баҳслашадиган кайфиятдамасди.

Абдурахмон ўқувчисининг шъмасини илғади. Шундай бўлса-да, неча йиллардан бери тўтидай такрорлаб, ўқувчиларнинг қулоғига қуйиб келаётган, ўзи ҳам бир пайтлар қайсидир ўқитувчисидан эшитган фалсафани такрорлашдан ўзини тиёлмади:

— Адабиёт — бу ҳаёт. Совет адабиётининг асосий йўналиши социалистик реализмдир. Ҳар қандай романтика иккиламчидир.

— Барибир мен сиз айтган ғоя бўйича шеър ёзсам, сарлавҳасини «Муҳаббат» деб қўяр эдим. — Ўжарлик билан такрорлади йигитча.

Абдурахмон ўқувчисига жавоб берар экан, шу нарсани таъкидлаб илтимос қилди:

— Мен сени шоир, кўп нарсани тушунади, деб кўнглил сиримни изҳор этдим. Энди биз дўст бўлиб қолдик, сенга ишонсам бўлади-я!

— Албатта, малим. Менга ишона беринг, сиздаги ҳолат менда тез-тез бўлиб туради. Бу яхшилик аломати. Мана кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мен эса барибир сизга шеър ёзиб келиб бераман, — деди маҳмадона ўқувчи ўқитувчисига хайрхоҳлик билдириб.

Уста Мадийёрнинг ўжар боласи ваъдасига вафо қилиб эртасига Абдурахмонга шеър ёзиб келиб берди. Шеърнинг сарлавҳаси «Муҳаббат» эди. Табиийки, бу шеър Абдурахмонга ёқмади. Абдурахмоннинг боши қотди. Уйлай-ўйлай, охири малака оширишда ўқиб юрганида учрашувга борган қорачадан келган, лўлига ўхшаш шоирга хат ёзишга қарор қилди. Абдурахмонга бу шоир ёқиб қолганди. Уша учрашувда Абдурахмон қўқонлик қизча билан энг олдинги қаторга ўтирганди. Учрашувда қўқонлик қиз шоирнинг бешта шеър

рини ёддан ўқиб берганди. Шунда шоир бир даста гул билан саҳнадан тушиб келиб, қизнинг қўлини қисиб, самимият билан шундай деган эди:

— Раҳмат сизга синглим. Халқимизнинг сиздай нозиктаъб қизлари бор экан, ўзбек халқи ҳеч қачон шоирга зор бўлмайди.

Кейин қизнинг ёнидаги Абдурахмоннинг қўлини ҳам олиб: — Сизга ҳам раҳмат, дўстим. Сиздай баҳодир йигитларнинг вазифаси шундай гўзал қизларни кўз қорачиғидай асраш, қадрига етиш, — деганди дўстона оҳангда.

Абдурахмон дангалчилиги учун ёқтириб қолган ўша шоирга қуйидаги мазмунда хат ёзиб юборди.

«Салом, ҳурматли Муҳаммад Юсуф. Сизга хат ёзаётган олис Улус қишлоғидан адабиёт ўқитувчиси Абдурахмон Пратов бўламан. Сиз балки мени эсларсиз. Эсингизда бўлса шу йил баҳорда ўқитувчиларнинг бир ойлик малака ошириш курсига учрашувга борганингизда сизнинг шеърларингизни ёддан ўқиб бериб, ҳаммани қойил қолдирган чиройли қиз бор эдики, шу кишининг ёнида ўтирган йигит мен эдим. Бу гапларни шунчаки ёзаяпман. Сизга хат ёзишдан мақсад, мени қийнаётган иккита саволга жавоб топишда ёрдам берарсиз, деган умиддаман.

Яқинда, адабиёт дарсида, эркин темада бир ўқувчим билан тортишиб қолдим. У ўқувчи ҳам шеърпеър ёзиб туради. Мен: «Муҳаббат илоҳий тушунча», десам, у зумраша: «Йўқ, малим, муҳаббат реал куч, у инсонни ўзлигини англашга ундовчи олий туйғу», дейди.

Умуман, муҳаббат ўзи нима? Оилалик киши бошқа бировни севиб қолишга маънавий ҳаққи борми? Сиз бунга нима дейсиз, ҳурматли Муҳаммад Юсуф ака?!

Илтимосимни ерда қолдирмаслигингизга ишонгим келади. Ишончимни оқласангиз, содиқ мухлисингизнинг қалбига қувонч улашган бўлар эдингиз.

Сизга ҳурмат сақлаб, мактубига жавоб кутувчи улуслик Абдурахмон Пратов».


Орадан ўн беш кун ўтиб, Абдурахмон Тошкентдан мактуб олди. Конверт устига шундай ёзилган эди: ШОИР АБДУРАХМОН ПРАТОВга.





# ОСТОНА

Ражаббой Ота Турк



## Қисса

Хуқуқ муаллими Исоқ МАРДОН ўғлига бағишланади.

**Ниятим: қулларни, тошларни  
уйғотиб — ўлиш!  
— Алвидо, қуллар!**

Йўлдош Эшбек.

Бугун — иккинчи кун у кекса чўпоннинг ўгитларини эшитгиси йўқ қизиқ-қизиқ эртақлар ҳам жонига тегди. Бобо уни шу кунгача «Муроду мақсадларига етишди» деб тугайдиган эртақлари билан алдади, овутди.

Энди у эртақ эшитмайди. Эртаққа ишонмайди. Энди у таёқ тутиб Хайри (Хайридин)нинг қўйини боқмайди.

...Кун ботар томонда, қадрдон барханлар ортида бир қишлоқ бор, ўша қишлоқ Йўлдошнинг қишлоғи — Остона. Туб аҳоли яшайдиган жойнинг қадим номи Чақар, кейинчалик «Чўлқишлоқ» дейилса-да, аждодларимиз бу манзилни Остона деб номлашган. Остонадан юқорига қадам боссангиз — Қизилқум.

Хайри остоналикка ўхшамайди, ёт. Гап-сўзи ёт, кўриши ёт, номи ёт — етти ёт бегона у...

\* \* \*

Қуёш қирлар ортига ботиб, чўл узра қоронғилик ёйилганида Йўлдош бархан панасида ёнбошлар, ўйларга фарқ бўлиб, марҳум отаси билан хаёлан сўхбатлаша бошлаганида елкасидан бир меҳрибон қўл беозор тутиб турғазар, чодирга бошлаб борар эди. Шунда, тунда у сўзсиз Мурод чўпоннинг ортидан эргашар, то қора уйга киргунича бошини силаган қўлларни итдек тишлаб ташлагиси, бор алам-аччиғини сочгиси келар, ҳар гал шундай ўйласа-да, нечундир ўйи ўйлигича — журъати сўниб, чолнинг омонат меҳмонига айланиб қолаверар эди.

Мурод чол, Мурод чол... Унинг ажин босган пешонаси, юзлари, бўйни худди тўлқинли барханлару ёшини яшаб қумга ёнбошлаган қари саксовулга монанд. Уйчан, эгикбош қарияни яқундан кузатган киши, ҳатто унинг ёш, йигит чоғини тасаввур қилолмасди. Гўё у чўл-барханлару сарғайган ўт-ўланларга қўшилиб униб чиққан, қўлидаги таёғи ҳам ўзи билан бир вақтда бино бўлгану унинг

абадул-абад макони кенглик — сахро. Мурод чўпон ўлмайди, яна юз, минг йилдан сўнг ҳам у худди бугунгидек офтобга қоришган юз-кўзларини ердан узмай қўй боқади. Қўй бошлаган йўлдан юради... Шомда у сув қайнатиб, қоп-қора чойхалтасига қоп-қора қўлини суқиб, кафтини тўлатиб қуруқ чой олади-да, қумфонга ташлайди. Сўнг чала ювилавериб сарғайган косага туз, данакдек сариеғ, қайноқ чой солиб кечлик тайёрлайди. Қотган нон тўғралган косани дастурхон чети билан бостириб, худди палов дамлагандек ноннинг ивишини кутади...

Эрталаб, Йўлдош уйғонганида чол ўтовда бўлмайди. Ҳар эрта одат шу. Сўнг ётган жойида кўзини юмиб, бундан икки йилча аввал Хайри уни айна баҳорда Мурод чўпонга ўнта қўй билан топширганини эслайди. Ушанда Хайри:

— Жўрангиз Ҳаким чолнинг зурёди, — деб таништирган уни. — Эшитгандирсиз, мен бу болага ҳам отаман, ҳам она. Буни билган билади, билмаган... э, нимасини айтай...

— Раҳмат, минг қуллуқ сизга, Хайрибой, — деган ўшанда чол иккала қўлини баробар қўксига қўйиб эгилиб. — Етимнинг бошини силабсиз, сизни худо сийласин!

— Э... худо дейсиз-а, яхшилиқни бандаси билсин, Мурод ота! — деган у чолнинг миннатдорчилигига қўл силкиб. — Мен остоналикка қилган савобимни ўзим биламан! Улар одамнинг қадрига етармиди? Гапнинг ройиши келди, сизга айтяпман-да, дардимни. Куйиб-пишиб юрганамни шу, — Хайри қўли билан Йўлдошни кўрсатди, — билармиди? Билса-ку, берган тузимга, меҳнатимга розиман, йўқса эрта бир кун ёқамдан тутмаса деб қўрқаман!

— Ҳай-ҳай, ундай деманг, Хайрибой, билади. Биладиган бола бу! Асли тоза.

Хайри Йўлдош баҳона остоналикка бўлган қаҳрини чолга тўкиб солди:

— Тўртта тирриқ қўй бўлса — бас, эртаю кеч шунинг гамида, боласидан тортиб то каттасининг оғзигача молнинг гап-сўзи. Гўё дунёни қўй сақлаб тургандай! Эй, ота, ачинаман бу элга! — Хайри уф тортиб бош чайқади. —



Баъзида қоним қайнаб, Остонадан кечгим келади-ю, яна шайтонга ҳай бераман. Юртчилик дейман. Хайриятки, Остонада якка-ярим бўлса-да, сизга ўхшаш мурувватли, мўмин-мусулмон киши топилади. Йўқса...

— Ундай деманг, Хайрибой. — Чолнинг овози титраб чиқди, гўё эрта-индин Хайри Остонани тарк этади-ю, сўнг бутун қишлоқни фалокат босади. — Остонада оққорани танийдиган, паст-баландни фаҳмига этадиган бутун одам — сиз. Сизга шак келтирган кўр бўлади.

Судхат шу ерга етганда Хайри томоқ қириб йўталди, қаддини ғоз тутиб, чолнинг сўзларига диққат қилди.

— Куш уясида кўрганини қилади. Минг қилса ҳам бизнинг остоналик нодон, сиз шаҳар кўрган, ўқиган мулласиз. Гуноҳидан ўтинг уларни Хайрибой, сиз пирсиз!

— Яшанг, Мурод ота! Вақт-соати билан сизга бир яхшилик қилгим бор, омон бўлсак кўрасиз ҳали.

— Қуллуқ-қуллуқ, Хайрибой! Менинг пишмаган ошим қолдими, мени десангиз, яхшиликни мана бу болага, остоналикка қилинг, рози кетай...

— Дуруст, шунинг учун келдим-да, Йўлдошбойни етаклаб. Келинг, биргалашиб етимнинг бошини силайлик, улғайганда ўксимасин. Ана, ўнта қўйи, ўзи сизга ёрдамчи, кетмайди, қолади.

— Яхши-ку-я, лекин ўқиши нима бўлади, мактаб дегандай?...

Хайри чолнинг савол тўла кўзларига маккорона тикилиб турди-да, сўнг унга томон бир қадам босди:

— Тушундим, Мурод ота, тушундим, — деди ўқисиб, — садағаси кетай, эгамнинг ҳукмига шак йўқ товба, боланинг эси сал... нақароқ. Муаллимлар болалардан олисроқ юрсин деган.

— Ёлғон! — Йўлдош жовдираб қарияга термулди. У кўзини олиб қочди. Шунда ҳимояга маҳтал Йўлдош Мурод чолни Хайридан ҳам баттар ёмон кўриб қолди. — Тек!!!

Йўлдош Хайрининг овозидан чўчиб бошини эгди, тирқираб чиққан кўз ёшларини билаги билан сидирди.

— Ана, кўрдингизми, — деб Йўлдошга ишора қилди Хайри, гўё шу билан боланинг эсипастлигига кафолат бергандай; яна хотиржам давом этди: — Зора чўл ҳавоси шифо бўлиб, соғайиб кетса. Ахир эрта бир кун бунга ҳам ҳовли-жой, хотин керак, уч-тўрт йил қўй боқса зарари йўқ, ўзига фойда...

Хайрининг сўнги сўзларини тинглар экан, чолнинг жиддий кўзларига табассум учқунлади.

— Муштдай болага хотин дейсиз, ҳовли-жой дейсиз, — Йўлдошнинг соғ-сўқаллигига ҳамон ишонқирамай турган Мурод чол тилига келганини яширмади. — Ахир бунинг ҳовли-жойи тайин-ку, отасидан мерос.

— Э, Мурод ота, мен куйсам сиз куласиз, агар шу муштдай боланинг оғирлиги тушади, деб кўрқсангиз, айтинг, чўл кенг, бошқа ошналаримни кўрай. Мен сизни тушунасиз деб...

— Хўп-хўп, Хайрижон, куйинманг, — дея чол қўлини кўксига қўйиб ўтинди. — Оқсоқолнинг ҳурмати ўн қўй эмас, мен у кишини арзон олиб, қиммат сотмайман, юз қўйлари бўлса ҳам текин боқаман. Унинг боласи — менинг ҳам болам, рост айтдингиз, чўл кенг. Йўлдошбой билан гангир-гунгур қўй боқамиз. Зерикса, уйига кетар.

— Уйда пишириб қўйибдими, зерикмайди!  
Шу билан Йўлдошнинг ихтиёрини чолга топшириб, Хайри ортига қайтди.

Уша кеча — чодирда чол билан ёлғиз қолган биринчи тун Йўлдош тонггача йиғлаб чиқди. Чол уни овутолмади. Эртасига у чол билан баробар уйғонди. «Хўжайин»нинг: «Ҳали эрта, сен ухлайвер!», дейишига қарамай, тўнини кийиб ортидан эргашди.

Улар кўрага етганда тўхтадилар.

Кўра — қишда ҳам, ёзда ҳам бир хил, шимол томони чим, шох билан тўсилган сям тўрли усти очиқ айвон.

Ҳали тонг отмаса-да, атроф яланглик-очиқ бўлгани учун кўз тушган нарсани илғаш қийин эмасди. Бир-бирининг пинжигга тикилиб ётишган қўйлар чолнинг сасини сезиб, бирин-кетин оёққа туришди. Эшик ёнига биринчи бўлиб қўнғироғини жаранглашиб пода бошловчи серка етиб келди.

— Бу бизнинг каттамиз, — деди чол Йўлдошга серкани кўрсатиб, — хўп ақлли жонивор-да!

Йўлдош индамади. Қўй, серка, кўра ҳақида у чолдан кам билмас, болагидан қўй боқиб, кўзи қотган Йўлдошга чўпонлик юмушлари янгилик эмас эди.

Чол боланинг гап-сўзсиз ўзига эргашгани, тонг қоронғисида ёнига келиб, мўмин-қобил бўлиб буйруқ кутаётганига хўрлиги келди. У бир кун олдинги Йўлдошга сира ҳам ўхшамас, йиғи, аччиқни унутган, гўё узоқ йиллардан бери чол билан бирга қўй боқиб, чўпонлик ҳадисини олган содиқ ёрдамчидек, юмушга шай турар эди.

Чол кўра эшигини очмай, бирпас ўй суриб қолди. Бехос Хайрининг Йўлдош ҳақида айтган гапи ёдига тушди: «Боланинг эси сал... нақароқ. Муаллимлари болалардан олисроқ юрсин деган...» «Ёлғон!»

«Ёлғон» — сокин тонг қоронғисида тағин Хайрини рад этгандек эди у. Макрга қарши ёлғиз ўзи... «Э, худо, ёш жонига раҳм қил». Чолнинг эти жимирлаб, қулоқлари битди. Йўлдош қарай олмади. У боланинг эсипастлигига ишонмаса-да, буни Хайрига очоқ-ойдин айтолмади. Кўрқди. Йўлдошнинг ҳимоясига ярамади. Шундай ўйла-са-да, у болани синаб кўргиси, ўзининг ҳақлигини исботлагиси келиб, кўра эшигини очди, эшикка кўндаланг туриб, Йўлдошга:

— Кир, — деди.

Йўлдош иккиланмай кўрага кирди.

— Болам, — деди шунда чол, — хув, анави калташоҳ кўчқорнинг ортидаги тўқлини ушла-чи.

Йўлдош қўйларни ҳуркитмай секин юрди.

Чол: «Агар Хайрининг гапи чин бўлса, бола ўзини тўқлини устига ташлайди-да, қочиради, тутолмайди, — деган ўйга борди. — Аввало, тўқлининг фаҳмига бормайди, танимайди...»

Йўлдош ғуж қўйлар орасини ёриб ўтиб, тўқлидан икки қадам нарида тўхтади. Бўйинини букиб энгашди-да, узалиб тўқлининг орқа оёғидан ушлади, ортга тортди.

— Қўйвор, қўйвор, — деди Мурод чол, — сени жинни деганнинг ўзи жинни!

Ой ўтиб, қўйлар кўзилагач, Хайри Йўлдошдан хабар олиш баҳонасида «Ҳазор нур»<sup>1</sup>га келди. Йўлдош қўй боқаётган яйлов «Ҳазор нур» деб номланса-да, асл «Ҳазор нур» чўлга келган биринчи куниданоқ эътиборини тортган, ўтовдан анча олисда кўзга гўё туман қоплагандек зўрға чалинадиган тепалик чўлнинг, Мурод чолнинг бирдан-бир мақтанса арзигулик мулки «Ҳазор нур» эди.

Чол «Ҳазор нур» ҳақида бот-бот сўйлар, унинг муқаддас қадамжоллигини ошириб-тоширар, юмушлар тайсалласа албатта борамиз, ўз кўзинг билан кўрасан, деб ваъда берганди.

Хуллас, чол ёшланган кўзларини енги билан артиб, «хўжайин»нинг сўроғига «Шукр-шукр» деб турди.

Йўлдош эса олиб кетармикан деган илинжда Хайрининг оғзини пойлади. Садо чиқмагач, секин ундан узоқлашди-да, бархан ортига ўтиб, «Ҳазор нур»га тикилиб ўй сурди.

<sup>1</sup> Араб лашкарлари қўним топган жой.



Хайрининг сафари қисқа кечди. Узи билан олиб келган нон, туз, қанд ва бир жуфт кирза этикни Мурод чолга қолдириб, қайтишда:

— Қўйлар нечтадан туғди? — дея сўради. Чолнинг эса энсаси қотди, ичида: «Шукр. Йўлдошбой соғ-омон юрибди», деб жавоб топди.

Чолнинг бақрайиб жим турганини Хайри эшитмаганга йўйди шекилли:

— Нечта кўзи қолдирдингиз? — деб тағин сўради.

Чол унга жавобан Йўлдошнинг ўша кунги инкорини ичида такрорлади: «Елғон!»

Ниҳоят, Хайри Мурод чолнинг тирсагидан тутиб, қулоғига бақриб сўз қотди:

— Нима, тобингиз йўқми дейман? Карахтсиз?

Чол тағин индамади, тескари қараб, ичида: «Ўзинг жиннисан! Йўлдошни жинни деганининг ўзи жинни!» деди. Сўнг унга қарагиси келмай ерга тикилиб:

— Қўлимни сиқманг, Хайрибой, отдекман, — деди. — Йўлдошбой ҳам соғ-омон юрибди.

— Қулоққа том битибди-ку, ота? — Хайри хо-холаб кулди. — Ёрдамчингизга айтинг, қулоғингизга қўй сути томизсин.

— Менга ҳаққингиз керак эмас, Хайрибой, ана, гувоҳингиз кўз-қулоқ, — деди у Йўлдош томонга қўл чўзиб. — Тўхтанг, кетмай туринг. — Чол чодирдан бир даста териб кўтариб чиқди.

\* \* \*

Йўлдош отасини эслармикан?

Хайри кўрғон қурган жой аслида Йўлдошга тегишли, шунга ақли етармикан унинг?

Остона Йўлдошнинг ота юрти, киндик қони тўкилган замин.

Чол сўнги кунларда мотам тутгандек хун бўлиб, Йўлдошга айтажак савол-сўроғини ўз-ўзидан сўрайди. Бирини «Ҳа», бирини «Йўқ», деб жавоб топади, ўйлайди, ўйи охирига етмайди.

Саратон. Қуёш осмондан, барханлар ердан олов пуркайди. Қўйлар илгаригидек ўтламайди, ҳалиқиб соя-салқин жой излайди, дуч келган бута, саксовул остига бош суқиб ётиб олади.

Мурод чолнинг қўлида бир таёқ. Йўлдошнинг қўлида бир таёқ.

Чолнинг дили куяди — гапирмайди,

Йўлдошнинг боши қизийди — гапирмайди.

Баланд-баланд сарҳадларда бургут пайдо бўлади. У ўз осмонида ўз қўшиғини айтиб, мулкани синчков кузатади. Остида бир катта, бир кичик одам боласи ташвишларига кўмилиб ғимирлайди.

Бургут ўқдек пастга шўнғийди-ю, Йўлдошга етай деганида яна юқорига кўтарилади.

У яқиндан бери яйловда бегона одам зурёди пайдо бўлганидан норозилик эълон қилиб: «Чағғ, чағғ!» этиб қанот қоқарди. Йўлдош кўркув ва ҳавас билан бургутга термулиб ўйлайди: «Қанотим бўлганда бургутга қўшилиб учардим».

Чол эса бургутга парвосиз ўз ўйи билан банд: Итга ҳам битга ҳам ўй битган қодир, нечун болагинани сарситдинг! Нечун Йўлдошдан кўз юмдинг? Ахир Остона уники, ер-жой унинг мулки. Ватани-ку!»

Кун оғиб, соя қиялаганда қўйлар яна оёққа туриб, ёйилади, бош кўтармай емиш излайди.

\* \* \*

Кун ботиш олдидан остоналик Хайридиннинг дарвосаси ёнида қаторлашиб машина келиб тўхтади.

Хайрининг ўзи пешвоз чиқиб меҳмонларни кутиб олди. Улар ичкари киришга ошиқмай, сув сепаб қотирилган қумга из қолдириб, у ёқ-бу ёққа юришди: оёқларининг чигалини ёзиб, сигарет чекишди. «Чўлқишлоқ»нинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб симиришди. Хуллас, ўзларини тунги зиёфатга ҳозирлашди.

Хайри қўлларини белига тираб, виқор билан меҳмонларга қараб турди. Устида беқасам тўн, оёғида тулки терисидан тикилган махси-калиш — булар жоннинг ҳузуридан ташқари Хайрига алоҳида салобат, кўрк бағишлаган.

Кўҳна гужум дарвозасининг бир табақаси очик. Йўлдош ҳовли ўртасида — темир ўчоқ ёнида куймаланаётган ошпазга парвосиз, виғиллаб қайнай бошлаган самоварга тикилиб, хомуш ўтиради. Дарвоза ортидан меҳмонларнинг қийқириғи, ҳазил-ҳузул сўзлари эшитилади. У гоҳида кўзга ташланиб, ҳамон уйга кирмаётган меҳмонларга ҳам, улар миниб келган тўриқларга ҳам қарагиси келмай зўр бериб самоварга саксовул қалайверди.

Йўлдошнинг қулоғига шундай гап-сўзлар чалинди:

— Уй эмас — қошона бу!

— «Чўлқишлоқ» деган номингдан айланай-а! Худди курорт, курортнинг ўзгинаси!

— Сизни-ку билмадим, мен Хайриникига келсам — яйрайман...

— Ҳа, энди, бу қишлоқнинг эгаси Хайрибой-да! Ўзимизнинг Хайрибой!

— Ноҳиядаги уйдан минг карра афзал!

— Э, нима деяпсиз? Ноҳиядаги уйи бир ётоқхона-да, вақтичоғликка ярайди.

Мезбон улфатларидан эшитажак ушбу мақтов-таърифни ҳар гал зориқиб кутади.

У қулоғига хуш ёқиб, кўнглига ҳузур бахш этувчи, шаънини осмон қадар кўтарувчи сўзларни топиб айтганлари учун ҳам ошноларини ойда бир эмас, икки марта чақириб, зиёфат беришга тайёр. Ана, шундай ёнгинасида Остонанинг жамики катта-кичик эркак-аёли: «Хайрибойникига марказдан катталар келди, эрталабгача кўноқ бўлишадилар», деб ҳайрат билан кузатиб туришибди. Э, унга бундан бўлак яна нима керак? Уруғ-аймоғи кўрмаган иззат-икром, ҳовли-жой, кўра тўла қўй. Тағин «гаҳ» деса, қўлга қўнадиган содда остоналиклар. Айтишларига қараганда, раҳматли отаси бировга оғзидаги ошини, қўлидаги нонини олдирувчи бўш-баёв киши ўтган. Остоналиклар уни билмайди. Умуман, улар кўп нарсани билишмайди, фарқига боришмайди. Бир ҳисобда уларнинг шундай бўлгани тузук. Дунёда макр, ёлғон борлигини ётиб тушида ҳам кўрмаган бу халқ. Тўрт калима сўзни жуфтлаб, баракалла, сен яхшисан, десангиз бўлди — ётган тўшагигача беради. Остоналикни қўрқитиш учун мушт, қурол шарт эмас, оддий пўписа лозим. Ёки бирини бирига қайраб қўйсангиз — олам гулистон, уйига ёв бостириб кирсин — иши йўқ, ёв — ёв эмас, ўзи-ўзига душман, олишаверади, олишаверади, то бирбирининг пайини қирмагунча тинчмайди. Каттасини катта десангиз, болалари ҳам шундай. Хайри буларни хўб синади, ўрганди.

У боши оғиб, Остонага келиб қолдию... Мана, нони бутун экан, кун кўрди, кўрғон қурди. Ҳам ўзиникига, ҳам ўзганикига эга чиқди. Буюрган-да, буюрган! Буюрган деб шунга айтади! Барига марҳум оқсоқол сабабчи. Шу тобда оқсоқол ёдига тушдию кўнгли ғашланди, ўзини камситилгандек сизди. Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас, Хайрининг кўнгли димоғчоғлик истади, улфатларига қўшилиб Остонани бир хурсандчиликка кўмсин, яйрасин. Қолгани бир гап бўлар. У шундай ўйласа-да,



бугун тушдан сўнг Йўлдош сабаб, кўнглига хижиллик ўрнашди. Бу нонкўр бола «Ҳазор нур»дан қочиб келди. Сўроқсиз, сабабсиз яна қочди.

Чанг қоплаган машиналар атрофини бирпасда болалар ўраб олишди. Хайрининг эркатойлари кўшни болаларни ҳайдаб, ўзлари хўжайинлик қила бошлашди. Тўнғич ўғил ҳеч кимдан ҳайиқмай рулга ўтириб, сигнални бир-икки босди.

Қизлари машина ойнасига бармоқлари билан шакллар солиб, дугоналарининг ҳавасини кўзғашди.

Хайри болаларининг ўйинини мамнун кузатар экан, уларга шунчаки пўписа қилди:

— Ҳа, шайтонлар, туш машинадан!

Болалар отасининг феълени яхши билишади: у ҳеч қачон бировнинг нарчасини деб ўғил-қизларини хафа қилмаган. Синса синибди-да! Йўқолса йўқолар...

Хайрининг ҳар бир боласи туғилиб, оёқ босиши биланоқ уйидаги тўкин-сочинлик, бутунлик, кўшни болаларга нисбатан ўзни бошқача тутиш — хўжайинлик руҳини англаб, сингдириб улғаяр, отанинг бирдан-бир кўзлаган нияти ҳам шу эди. Токи, Хайридан сўнг ҳам улар — зур-ёдлари шундай яшасин. Хайри ўзиники қилган, меҳнати сингган Остонага бош бўлсин, уни бировга бермасин. Омонлик бўлса, бу бағри кенг одамлар Хайрининг невараларига, улардан қолажак авлодига боқади. Бутун Остона Хайрининг насл-насаби билан тўлажак. Сўнг уни отам, бобом асос солган Остона деб эслашади...

Ўғли меҳмонларни ҳовлига бошлаб кирди. Улар гирди чамбарак билан ўралган кенг дарахтзор боғни, боғ ўртасида ёғочдан тикланган кўшкни томоша қилишди. Ёз кунлари ана шу баланд кўшкда базм қилишади. Хайрининг Хайрилиги шундаки, у «Чўлқишлоқ»да ягона боғ ҳовлининг эгаси. Қўшнлари эплаб, тузукроқ бир туп кўчат кўкартиролмаган ерда у боғ қилди, анордан тортиб беҳигача ўз қўли билан узади.

Ошпаз меҳмонларни кўриб, капкирни қозонга шарақлатиб урди.

— Йўлдош, қайнаган сувдан опке!

Хайри бугунги ўтиришга атайлаб ноҳиядан ошпаз чақирган, ошналари меҳмоннавозлик қанақа бўлишини бир кўриб қўйишсин. Йўқса, бир уй меҳмонни хотинининг ўзи ҳам эплайди, энди бу ҳам бир ишқибозлик, сурсур-да! Хайри улоқни осонликча бировга бермайди...

Ошпаз оппоқ халатининг энгларини намойишкорона шимариб, кўрага кўмир чўғини терди. Йўлдош меҳмонларга қўшилиб уйга кириб кетган Хайрининг ўғли ортидан қараб қолди.

Бугунгидек маъракаларга Йўлдошни унча тиқиштиришмайди. Йўлдош бунчалигини сезади. Ўзининг ҳам хуши йўқ бутун давра аҳли, Хайри бошлиқ хонадон юзидаги ҳуррамлик унга малол келади, қўл-оёғини боғлайди, сўнг у ўзининг ошхона ёнидаги хўжрасида қамалиб, болагидан ёдгор китобларини варақлаб ухлаб қолади.

Отаси тушига киради. Оқсоқолга севиб ёд олган «Она тили дарси» шеърини айтади:

**«Энг аввал «Ватан» сўзини битамиз юракка ва кейин дафтарга.**

**Юракка ва кейин дафтарга**

**энг аввал «Ватан» сўзини битамиз, Ватаним.**

**Ватан, бу — озодлик дегани.**

**Ватан, бу — она тилингда ўйламоқ,**

**Ватан, бу — она тилингда сўйламоқ.**

**Қани, болалар, биргалашиб ҳайқиринг:  
«Ўзбекистон, ме-нинг Ва-та-ним».**

...«Отанг қишлоқнинг оқсоқоли эди. Остонада жамоа хўжалиги тузилгач, узоқ йил бригадир бўлиб ишлади. Ер очди, пахта экди...» — Бирда Мурод чўпон отаси ҳақида шундай эслатган. Отасининг сўнгги кунлари эсидан чиқмайди. Айниқса, қазиси ёдида.

Оқсоқол тўшақда узоқ ётмади. Учинчи кун у Йўлдошни сабоқдан олиб қолди.

Хайри одатдагидек далага кетди. Оқсоқол бригадир билан келишиб, уни ҳисобчиликка қўйган, ўн-ўн беш чоғли эркагу аёл — бригада аъзоларининг ҳисоб-китоби Хайрининг бўйнида.

Бир пайтлар Остонани шитоб билан ўзлаштиришга тушишган. Оқсоқол ўша йилларни «Урра-уррачилик замони» деб эслайди. Ҳар қанча чиранишмасин, барибир Остонадан юқорини ўзлаштиришолмади. Сув муаммоси қийнаб шудгорланган ерларни қайта қум босди.

Улкан қум денгизи — саҳро этагида жойлашган Остона аҳли — пахта етиштиришдан кўра кўпроқ чорва-мол боқишга ўч: шароит тақозоси бу. Одамлар қадимдан шу жойни мол боқишга қулайлиги учун макон қилишган, кўпайишган.

Остоналиклар атиги бир бригаданинг пахтасини териш, ишлов бериш учун Қорадарахтдан<sup>1</sup> ёрдамчи сўрашади. Бошда Хайри ҳисобчиликка қизиқиб, жон куйдириб ишлади. Кўрдик, пахта экиш, ўстириш осон эмас. Бунинг устига аъзоларининг уқуви йўқми ёки иссиқда боши қайнаб, пахтага ишлов бериш малол келади-ми, ишқилиб, далага чиқ десанг, остоналикка ёқмайсан. Тирикчилик дегани-ку, пахтасиз ҳам ўтади. Аслида пахтани қорадарахтликка чиқарган. Йил ўн икки ой тер тўкиб ишлайсан — оладиган маошинг бола-чақани боқишга етмайди...

Хайри барини вақтида англаб етди, тушунди. У оқсоқолнинг кўнгли учун далага бориб-келиб юрса-да, аллақачон ҳисобчиликдан совуган, яқин орада бошқа юмушни мўлжаллаб юрар, агар иложи етса, юртига қатнаб ишлагиси бор. Бу учун Хайрига улов керак, пиёда ноҳия марказига қатнашнинг ўзи бўлмайди.

Оқсоқолдан сўроқсиз, ўз билганича иш туттишга эса вақт эрта. Минг қилса ҳам Ҳаким оқсоқол тирик, ер-жой шунинг қарамоғида, Хайрининг бошини силаган ҳам шу — оқсоқол. Уни шундай такаббуруна андиша тутти турар, сезардики, ғамдан чўкиб, қартайиб қолган чолнинг сўнгги куни яқин.

Оқсоқолнинг эса бор умиди Хайридан эди...

Йўлдош сабоқдан қолган ўша куни уйда зерикиб, отасининг ёнига кириб-чиқиб юрди. Отаси кўрпа-тўшак қилиб ётса-да, унга беморман, деб айтмади. Вақт ўтган сайин ўша кунни фавқуллодда аниқ-тиниқ, зориқиб хотирлайди у. Оқсоқол тушгача кимнидир кутгандай, гоҳ-гоҳида хўрсиниб ётди. Тушдан сўнг у Йўлдошни чақириб, бир пиёла сув сўради. Ўғлининг қўлидан сув ичгач:

— Шукр, минг қатла шукр, — деб пешонасидан ўпди, бошини силаб ёнига ўтқазди, юз-кўзларига узоқ термулди. Дийдаси эриди. Йўлдош отасининг кўзида ёш кўрмаган, унинг нега йиғлаётганига тушунмади.

Оқсоқол ўлим ҳақ эканини билар, тан олар, шу дамда ўғлининг юрагига ўлим даҳшатини солиб қийнагиси, ўзидан сўнг қолажак зурёдининг кўнглини ярим қилиб, бўзлатгиси келмас, бунинг учун ўзини қўлга олиши, юрагининг туб-тубидан қалқиб юзага чиққан мангу ай-

<sup>1</sup> Остоналиклар суғориладиган, пахта экиладиган ерни Қорадарахт дейишади.



рилиқ азобига чидаши шарт эди. Ундан бир тирноқ қол-  
яптими — тақдирнинг марҳамати бундан ортиқ бўлмас!

У қисқа хайрлашув чоғида ўғли борлигига, номи Йўл-  
дошга кўчиб, давом этишига қайта-қайта шукрона қил-  
са-да, якка-ёлғиз фарзандини ташлаб кетиш — ёруғ  
дунёдан кўз юмиш оғир эди. Йўлдошга қараб тўймас,  
қараган сари қарагиси келар, ўғли эса остонада пойлаб  
турган ажал қаршисига парвосиз, болаларча бефарқ,  
таъсирсиз ўтирар, ҳеч нимага тушунмас, хотиржам эди.  
Бола учун бир маромда ўтиравериш зерикарли, ниҳоят,  
у сирғалиб отасининг бағридан чиқди.

— Эшикни очиқ қолдир, ёпма, — деди оқсоқол. —  
Югур, Хайрини чақир, — у сўнгги сўзларини кучаниб  
айтди...

Айтишларича, оқсоқол ўлими олдидан Хайрига васият  
қилган: ёлғиз ўғли, мол-давлатини унга топширган.  
Кечга томон уйга одам тўпланди. Остонанинг ярми  
кўчиб келди. Хайри барчага бош-қош бўлиб, дафн учун  
зарур нарсаларга пул санаб берди.

Йўлдош отасини кўрмоқчи эди, уйга киритишмади.  
Уша кеча уни қўшни кампир уйига олиб кетди. Сахарлаб  
уйғотди. Ювингач, кампир:

— Бандалик ўғлим, отангдан ажралдик, — деб бағ-  
рига босди. Узига лойиқ тўн кийдириб, белини белбоғ  
билан боғлади.

Олдинда бели боғлиқ, ҳасса тутган Йўлдош, Хайри ва  
яна тўрт-беш остоналик «отам»лаб боришди, орқада  
тобут, эркаклар марҳумни навбат билан елкаларида кў-  
тариб, сўнгги йўлга кузатдилар.

Оқсоқолни Чақарота қабристонига дафн этишди...  
Марҳумнинг яқин маросимлари ўтиб, уй қўни-қўшни-  
дан бўшагач, Хайри енгил тортди. Узоқ-яқинда оқсоқол-  
ни таниган, нон-туз бўлган ошналари кўп эди. Қазосини  
эшитса, албатта фотиҳага келишларини ўйлаб, Йўлдош-  
ни уйда сақлашди, у яна уч-тўрт кун сабоқча қатнамай  
якка-ярим келган кишиларнинг таъзиясини қабул қилди.  
Бир пайтлар Хайри билан остоналикларни мурсага  
келтирган Файзи бобо бола билан бирга бўлди. У тўқ-  
сондан ошса-да, ҳали тетик, усиз остоналикнинг тўй-  
маърақаси фэйсиз, айниқса, унинг таъзияли хонадон-  
дан бир ойгача хабар олиб туриш одатини қадрлашар  
эди.

Файзи бобо келган-кетганга Йўлдошни:

— Оқсоқолнинг ўғли, — деб таништирди. Таъзия-  
хонлар марҳумнинг руҳига дуо, Йўлдошга сабр, умр ти-  
лаб, оқсоқолдан ўғил қолганига таскин ўқиб кетдилар.

Йўлдош меҳмонхонадан жилмай чолнинг хизматида  
бўлди. Бобо ҳориб, пинакка кетган дам у ташқарига чи-  
қиб хаёл сурар, отаси қазосидан сўнг ўтган дўн-ўн беш  
кун Йўлдошни эрта улғайтирди. Шу кунга давур кўрма-  
ган, танимаган кишилар олдидан отасини хотирлаб кел-  
ди, уларнинг бири бўлмаса, бири Йўлдошга: «Сен Ҳа-  
ким оқсоқолнинг ўғлисан, отанг улуғ одам эди, шукрки,  
сен ортида қолдинг, номи ўчмайди», деган мерос гапни  
айтишди. Айтиш удум эди — айтишди. Айтиш қарз  
эди — айтишди. Катталар у билан ҳеч маҳал бу тахлит  
гаплашмаган. Кимки ўғил бўлса, кимнингки отаси ўлса,  
билади...

Ниҳоят, Файзи бобонинг хонадондан кетар вақти ет-  
ди. Уша кун тушдан сўнг у ташқарида хаёл суриб ўтир-  
ган Йўлдошни ёнига чақириб:

— Йўлдошбек, болам, — деди вазмин, — сен энди  
чин ўғил бўлдинг. Отангни деб келганлар сени таниб  
қайтди. Шукр, сен бор экансан, оқсоқолнинг чироғи ўч-  
майди. Кел, энди белбоғингни ечай...

Йўлдош ёлғиз ўғиллиги учун ҳам азани маҳкам тутган  
эди. У Файзи бобога яқин борди, икки кўлини ёнига ёз-  
ди: чол белбоғни ечиб, оёғи остига ташлади-да:

— Бос! — деди. У белбоғни ўнг оёғи билан босгач:

— Ирим шундай, ўғлим, — деди чол, — қайтиб бо-  
шингга ўлим тушмасин. Энди белбоғингни боғлайсанми,  
йўқми — ихтиёринг. Аммо отангни унутма! Омин, оқсо-  
қолни худо бандам десин, ётган жойи жаннат бўлсин...

Чол кетгач, у отасини кўмсади, бир кунмас бир кун  
уйга қайтишига ишонди. Кутди. Отаси қайтмагач, айри-  
лиқ норасида вужудига бир дунё алам солди. Супага чи-  
қиб, чинакамига «Ота, отажон!», деб бўзлади.

Йўлдош отасидан шу бугун ажралган, у оқсоқолга  
бугун аза очган, у бугун йигит бўлган эди. Овозини эши-  
тиб, оқсоқол қаза қилган кун — оқшом уни олиб кет-  
ган қўшни кампир етиб келди. Қўшилишиб йиғлашди,  
қўшнилар эшик-эшикдан пойлаб, уларнинг овозига  
қулоқ тутишди, ачинишди.

Уйга туйқус келиб қолган Хайри Йўлдош билан кам-  
пирга кўзи тушиб:

— Бас, уйимда аза очманг, қайта тирилмайди! — деб  
иккисини ҳам жеркиб ташлади.

Кампир уйни сассиз тарк этди. Йўлдошнинг кўзида  
ёш қотди. У шу лаҳзадан ўзини ёлғиз, ҳимоясиз сезди.  
Хайрига қараб унинг сўзи — сўз, буйруқ эканини ан-  
глаб, қирга қочиб кетди. Бўғзига қадалган алам, соғинчи  
ни йиғлаб-йиғлаб бўшатди... Кечгач биров йўқламади,  
истар-истамай қоронғида уйга қайтиб, Хайрининг бо-  
лалари даврасига кўшилди. Дастурхон чеккасига си-  
қиниб, кўрка-писа товоқча кўл чўзди. Хайри индамаса-  
да, кўрқди...

\* \* \*

У онасини эслаёлмайди. Оқсоқол кеч — эллика етиб  
ўғил кўрди. Бунгача ҳам хотини қиз кўрган — чала туқ-  
қан... Йўлдош соғ-омон туғилдию оқсоқол ҳақиқий ота  
бўлди. Хайрининг болаларига эш, йўлдош бўлсин учун  
ўғлининг исмини Йўлдош қўйди. Раҳматли аёли эса:  
«Келиннинг қадами қутлуғ келди», деб Хайрининг хоти-  
нига атаб бошдан-оёқ сарпо тиктирди.

Оқсоқол Остонага ош берди. Қайтадан яшарди. Ос-  
тоналиклар: «Ҳаким оқсоқол уч йил кун кўрди, яшади»,  
деб эслашади. Бахти ярим экан, аёли пешонасига сиғ-  
мади — Йўлдош уч яшарлигида онаси қаза қилди. Шун-  
дан буёғига у кунма-кун орқага кетди, чўкди. Аёлини,  
онасиз қолган ёлғиз ўғли Йўлдошни деб куйди. Тенгқур-  
лари «Бир бева-бечорани топиб, уйланинг», деб масла-  
ҳат солди. Оқсоқол кўнмади: «Ҳовлида ёш келин, Йўл-  
дош бор, мен уйлансам ярашмайди. Уғлимга Хайри-  
нинг аёли оналик қилар...»

...Оқсоқол бозорда кўй сотиб, қайтишда Хайрини чой-  
хонадан уйига етаклаб келган, асраган. Сўнгроқ томор-  
қасига уй қуриб уйлантирган. У Хайрига ниманики раво  
кўрди — барини юракдан, миннатсиз адо этди. Ҳамиша  
ёлғиз ўғлимга Хайри оғалик қилади, деб ишонди. Сўнг-  
ги нафисгача кўнгли тўқ, Йўлдошни Хайрига топшир-  
ганидан тинчиб кўз юмди. Оқсоқолнинг йигирмаси ўтиб,  
Хайрининг ёдида қолгани уруғларининг топилиши бўл-  
ди. У ўзини кечиримли, унча-мунча гина-қудуратни юра-  
гимда сақламаган, дейди-ю, пинҳона ҳукмини  
англамаган ҳар бир остоналикнинг турқи унга худди ти-  
кандек қадалади. Марҳумнинг йигирмаси ўтгач: болали-  
ги кўча-кўйда кечган, чойхонаю бозор кезиб қорин ов-  
лаган, қаровсиз Хайрининг йўқловчиси — амакиси то-  
пилди. У Хайрининг уй-жойли бўлганини эшитиб (аслида  
илгарироқ билган) бир оқшом йўқлаб келди. Кўрдикки,  
жияннинг туриш-турмуши тайин: кенг ҳовли, қўра тўла



қўй, келин, болалар. Шунда у Хайридан узр сўраган бўлиб:

— Раҳматли акамдан сўнг сенга увол бўлди, — дея хўрсинди. Кўз ёш қурғур ўзи азалдан каммиди ё Остонага етгач, буткул қуридим, ҳадеганда йиғлаётмади. Сир бой бермай кўзини рўмолчаси билан тўсиб, синиқ давом этди: — Мен яккақўллик қилдим, жиянларингдан ортамадим. Онанг аёллигига бориб, бошқа...

— Бас, гапирманг амаки! Нон-насибам бутун экан, мана, кўриб турибсиз...

Хайри дилидагини айтмади — пинҳон тутди, кекса амакисини аяди. Қариндошлик, қон ғолиб келиб, ният устивор чиқди. Шундай бўлса-да, бир зум феъли айниб, қариндошнинг юзига сочажак захрини ютди: «Онанг аёллигига борди, деб камситма уни. Мен яккақўллик қилдим, болаларим кўп эди, деб ўзингни оқлама! Сенга мен эмас, отамдан қолган мерос — уй керак эди. Олдинг! Мен буни энди тушундим. Фолингни кеч очдим. Эҳ, амакижоним-ей, аслида сенга айб йўқ. Меросга ўчлик, очлик, ўзганинг мулқига эгалик қилиш, кўнмаса — босиб-янчиб бўлса-да, тортиб олиш бизнинг қонимизда яшар экан. Эслаяпман, раҳматли отам... Мана, сен ва мэн... Мен ҳам қараб турмадим, жон эмас, мол кўпайтириш илинжида бош уриб келганинг — Остона меники, меники бўлади!»

Хотини сергўшт палов кўтариб кирди-ю, Хайрининг хаёли бўлинди. Уртадаги тўкин дастурхон, узоқ йўл сабаб бўлиб, Хайри гапини орта сурди:

— Утганга салават, — энди отам ўрнида отасиз! Ўзингиз бош бўлинг, дуо қилинг мени, худо камситмасин, ниятларимга етай.

— Икки қўлим эртаю кеч дуода Хайрижон, мол-мулқинг кўпайсин, дунё тургунча тур дейман! Омин!

— Жиянлар улғайдими, каттаси нима юмушда? — Хайри амакисининг жавобини кутмай ҳотамтойлик қилгиси келди. — Қурбиз етса, кўрага уч-тўртта қўй кўшинг. Кўпайсин. Бир кунингизга яраб.

Қариндошнинг муддаоси шу эди. У пулли чўнтагини силаб суюнганини яширмади.

Остоналиклар яхши эслайди; Хайри бир бозор куни (Ҳаким оқсоқол уни айни бозор куни уйига бошлаб келган эди) қўй сотиб, амакиси ташлаб кетган пулни кўшдию «Чўлқишлоқ»да биринчи мотоцикл минди. У мотоциклли бўлгач, Остонадан оёғи узилди — ҳар эрта туғилган жойи, олис ноҳияга қатнай бошлади. Орада хотини эгиз туғди, кўпайди.

Бир оқшом Хайри ноҳиядан ширакайф қайтди, қишлоққа кираверишда кўшниси Файзи чолни кўриб, мотоциклни тўхтатди:

— Нега менга салом бермайсан, сассиқ чол! — дея ўшқирди. — Билиб қўй, ҳаммангнинг кунингни кўрсатаман. Ана у, — Хайри қишлоқ томонга қўл чўзди, — яккаҳўжаликларингга айт, мен молияман!

Чол туйқус тош теккандек букчайиб қолди. Довдираб, кўрқиб Хайрининг сўзларига кулоқ тутиб, мағзини чақар экан, урмасин деган хавотирда орта тисарилди.

— Тўхта, — деди завқи ошиб Хайри, — яқинроқ кел, исми нима эди, ҳа, Хидир чол, ҳамсоян! Шу сени кўролмайдди, Файзининг қўйи кўп, солиқ солинг, дейди.

Эртасига қишлоқ аҳли йиғилишиб, Файзи чолни Хайрининг уйига вакил қилиб жўнатишди. Хайри қарияни қовоқ уйиб қарши олди. Чол супадаги ёғоч сўрига омонат илиниб, ниятини айтишга сўз тополмай қийналди. У тараддуллангани сайин Хайри ҳузур қилар, вужудида ҳадемай қўлга киритажак бойлик, содда остоналикларга ҳукм ўтказиш иштиёқи аланга олиб, ҳовурини куёвлик тўнига ўраниб босди. Овозию чехрасига улғувор тус бериб:

— Хўш, нима гап? — дея чолнинг мушкулини осон қилди.

— Хайрибой, куёвжон, — деб чол унинг кўзига тик қараёлмай гап бошлади, — рости, биздан нодонлик ўтибди, ўйламабмиз, сизлар наврўзғорсизлар, бунинг устига ноҳияга қатнайсиз, чиқим кўп. Мен ҳамсояларга солиқ солдим. Боланг кўпайгурлардан бир қўйдан йиғдим.

— Бобой, — деди Хайри чолни эшитгач, — биласиз, мен сизлардан хайр тиламадим, аммо ҳақ гапни айтдим. Бу молия дегани кўп катта идора! Сиз билан бой-вачча кўшниларикининг бахтига ҳайриятки, мен шу идорада хизматдаман. Йўқса...

— Биламан, болам, биламан.

У йиғилган йигирмата қўйдан ярмини сотди, қолганини (воситачи Файзи бобони чўпон тайинлаб) қишлоқдан нарироқдаги яйловга ёйди. «Қўшниларга: «Қўйларингни Файзи бобога топширинглар, кўздан йироқда боқсин», деб йўриқ кўрсатди. Ва яна уларни:

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, молингизга ҳеч ким тегмайди. Мен тинч — сизлар тинч, — деб ишонтирди.

Остоналиклар Хайри ноҳия молия бўлимининг қорувуллигидан инспекторлик вазифасига кўтарилганининг фарқига ҳам боришмади. Хайри молияда ишлайди — ишлайди, тамом. У чакана одам эмас, катта идоранинг ишонган кишиси, бунинг устига асли марказлик, паст-баландни остоналикдан кўра яхши фарқлайди... Орадан уч-тўрт йил ўтиб, Хайри қўйларини Файзи чўпондан айириб олди, олис отарлардаги чўпон ошналарига бўлиб топширди. Умуман, Хайрининг ўз нафси йўлидаги ҳар бир қадами кўшнилари гоҳ ҳайратга солар, гоҳида чўчитар, хуллас, остоналик билан Хайри ўртасида маълум бир чегара — тўсиқ тортиб, унинг айрича одамлигига кафолат берар эди.

Яхшиямки, ўтмиш, хотира бор, сал бўлмаса остоналиклар Хайрининг кимлигини ёддан чиқариб, уни ўзларига вакил, марказдан Остонани назорат қилиб туриш учун жўнатишган мўтабар зот деб қабул қилишгача етдилар. Ният хоҳ яширин, хоҳ ошкор бўлсин, барибир, кимлигининг ошкор этар экан. Хайрининг нияти... ким билсин... Шунда, шунда ҳар бир ёши улғу остоналикнинг ёдига «вакил»нинг болалиги, Ҳаким оқсоқол етаклаб келган оч-юпун, етим боланинг сиймоси бот-бот тушиб турди. Оқсоқол Хайрига шу ниятда уйдан жой, нон-туз берганмидики, у бугун Остонага эга чиқса...

Бундай ўйлашга ҳали вақт эрта эди. Хайри оқсоқолдан қолган эски ҳовлини бузди, янгидан иморат тиклади. Машина олди. Оқсоқоллик Хайрига кўчди. Айтишларича, у бир маъракада кайф бўлиб, уйимнинг бошпурти<sup>1</sup> бор, деб чўнтагидан қоғоз чиқарган. Собиқ Файзи чўпон: «Бошпурт одамда бўларди, уйга ҳам бошпурт керакми?», деб сўраган экан, Хайри гумбурлаб кулибди-да:

— Уйимни хатлаб олдим, энди мени Остонадан яратганининг ўзи ҳам қуволмайди, — деган эмиш. Яна:

— Билиб қўйинглар, мен энди туғди-битли остоналик. Остона менинг маҳримга тушган! Мен ким — Хайридин! — деб ғазаб сочган ва намойишқорона даврани тарк этганмиш. У чиқиб кетгач, бир қария (номини остоналиклар яширишади):

— Ў, баччағар, Хайри, Хайридинман дейди-я?! Хайридинмас — Ғайридин бу! — деган. Шу гап рост бўлса, чолнинг гапини кўплар эшитмаганга олишган. Рост, эшитиб балога қолгунча, кулоққа пахта жойлаган маъ-

<sup>1</sup> Паспорт маъносида.



кул-да. Энди Хайридинми, Ғайридинми — олис сахро бағрида жойлашган Остонанинг ҳақиқий хўжайини, каттаси. Биров Остона ҳақида сўраса, Хайридан сўрайди. Агар ўтмишдан гап очилса, Остона тарихини Хайри айтади, у билади. Сўнгги пайтда Остона аҳли оёқ билан эмас, оғиз билан юрадиган бўлишди. Эмишки, Хайри китоб ёзаётган экан. Биров, «У бошидан кечирганларини ёзаяпти» деса, биров, «Йўқ, Остонамизнинг ўтмишини ёзаяпти», дейди. Ким билсин, бу гаплар чинми, ёлғонми? Қўрс табиатига кўра Хайри китоб ёзмайди. Китобга ишқибозлиги сўст. Яна ким билади. Хайридек дониш одам Остона тарихини авлодлар учун айтиб ёздирса, эҳтимол. Остоналиклар бугун Хайрининг кимлигини билишган. Баъзан ўзи йўқ давраларда ғийбатни қилибди. «Ғайридин» номига қўшимча яна «Бахтли куёв» деб айтади. Кинога, ғийбат... Ғийбат қачон гап ўрнида ўтибдики, Хайри парво қилсин. Тўғри, кечагина рост-ёлғоннинг фарқи бормайдиган, ҳалимдек юмшоқ остоналик бугун Хайрини камситса, алам қилади. Лекин гап-сўзлар ошиб-тошиб қулоғига етса-да, индамайди, илгариги тезлиги сўнган, бунинг ўрнини такаббурлик, босиқлик эгаллаган. Ахир бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас-да! Зимдан тотув, сокин яшаётгандек кўринса-да, аслида у Остонага уруш эълон қилган. Остонани жанг майдони, ўзини эса Бош аскар — қўмондон деб билади. Ҳар қалай, қўмондоннинг феъли шунга яқин бўлади. Гапиришса гапираверишсин, Хайри узокни кўзлаган. Остоналикнинг минг оғиз гапидан Хайрининг бир оғиз пўписаси, макри афзал. Вақти-соати билан Хайри ҳали уларнинг тилларини кесади, оғизларини сурғучлайди. Ушанда Хайрининг кимлигига бутун Остона эмас, бошқалар ҳам тан беради. У ўз баҳосини яхши билади — кимлиги ўзига аён. Остоналиклар бари гўл, баъзан Хайри уйда ичиб қутуради, шундай дамларда у хонасидан чиқмай бутун қишлоқ аҳлини сўкади: «Қуллар» деб, «Қўйлар» деб ҳақоратлайди — роҳат қилади.

Эртасига кайфи тарқаб ўйғонганида хотини кечаги қилмишини юзига солиб, уялтирмоқчи бўлади. Бунга жавобан у маза қилиб керишади, қатиқ сўрайди, қатиқни симириб такаббурона жилмаяди. Хотини эрининг сўзсиз жилмайшидан: «Кечаги айтган гапларимнинг бари рост, рост-да, рост!» деган маъни уқади, сўнг ўзи ҳам жилмаяди...

— Қўйлар кўпайдими, Йўлдошбек? — Ошпаз кабоб қиллиб туриб шунчаки сўради. Йўлдош эшитмаганга олиб тескари ўғрилди. Ҳозир унинг юрагига гап сиғмас, ўз уйда бегона, камситилган, унутилган, бунинг устига қўл-оёғини чорасизлик боғлаб алаmidан кўзига ёш айланмоқда эди. Нима қилсин, қаёққа борсин; Хайри минг алам ўтказсин, барибир ўз уйдан кетгиси, узоклашгиси йўқ. Хайри уни чўлга — Мурод чўпоннинг ўтовига қолдирганидан буён икки марта қочиб келди. Биринчи гал Хайри уни алдаб-авраб, иккинчисида дўқ уриб — қўрқитиб чўлга қайтарди. Келмасин деб Мурод чўпонга тайинлади. Мана, у учинчи марта уйга қочиб келди, бу гал чўлга қайтгиси йўқ. Билади, эртага меҳмонларни узатгач, Хайри у билан қаттиқ гаплашади. Нега келдинг деб қийин-кистовга олади, тергайди. Йўлдош барини олдиндан билади. Хайрининг бугунги муомаласи шундан дарак бериб турипти. У Йўлдошни кўрди-ю, кўрмаганга олди, ковоғини уйди, саломи жавобсиз қолди.

Нима бўлганда ҳам Йўлдош энди қўрқмайди. У шу хаёл билан ўрндан турди, ҳовлини ўйчан кузатди. Бо-

лалик хотираси, қон-қондошлик риштаси, кўзига ташланиб турган ҳар бир буюм — кўҳна гужум дарвоза, дарвоза деворидан шотиси кўриниб турган арава — барибариси уни бир неча ёшга улғайтиргандек хўрсинди. Қўлларини белига тираб бошини баланд кўтарди, сўнг тўғри меҳмонлар ўтирган уй томон юрди. «Улар орасида отамни танийдигани бордир, — деб ўйларди у. — Ҳозир уйга кираман-да, мен Ҳаким оқсоқолнинг ўғлиман, дейман.»

Балки шундай деса Хайрининг феъли ўзгарар, уни қайтиб чўлга юбормас... У ёт кишилардан мурувват кутар, болаларча содда ўйларига ишонар, ўзича Хайридан ҳақ-ҳуқуқ талаб қилар эди. То меҳмонхонага етиб боргунича ўтган фурсат кўксига тош бўлиб қадалди. Оёқ босиши оғирлашиб, нафаси сиқди; тутқичга суяниб эшикни очди. Уларини буткул ҳузур-ҳаловатга топширган ширакайф меҳмонлар тасодифан кириб қолган, кўзларида кўрқув аралаш бесаранжомлик акс этган соқов болага ажабсиниб тикилишди. Йўлдош жим туравергач, улар Хайрига «Бу ким бўлди?» дегандай қарашди. Аввалига Хайри ҳам Йўлдошни худди ошналари сингари танимади, сўнг беҳос чеҳраси музлади, томоқ қириб:

— Бу бизнинг бола, — деди-да: Йўлдошнинг уст-бошидан орлиб изоҳ берди:— Дастёр, дастеримиз. Йўлдош хонага не мақсадда кирганини унутди. На чиқишга, на қолишга журъат сезмай гангиди. Гуё булар бари тушида кечаётгандай, кўрган-эшитгани ёлғондек кўзини юмди, беҳос ўртадаги хонтахта томон юрди, депсинди.

— Эси жойидами бунинг, қайт! — Овоз тирноқларига довр зирқиратдию чидади, қоқилган жойида тўхтаб, аввал меҳмонларга, сўнг Хайрига ҳайратланиб тикилди: бегона, ҳаммаси ёт кўринди кўзига. Булар ким? Намозгардан буён Йўлдошнинг уйда базм суриб, еб-ичиб ўтирган бу кимсалар раҳмсиз, қўрқинчли, билъакс узок. Ҳаким оқсоқолни танимайди булар. Йўлдошни танимайди...

Йўлдош эшикдан чиқмаёқ, Хайрининг:

— Одам қилолмадим бунинг! — деган таънасини эшитди. У яна нақлли, мақолми, ишқилиб шунга яқин бир гап айтди: «Етим кўзи асрасанг — оғзи-бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг — оғзи-бурнинг қон бўлар.»

У биров қувгандек шошиб хонасига қамалди. Эрта-лабгача уйдан чиқмади.

Зимистон хонада кўз ёшдан ивиган ёстиқ, ўнгу тушида — эртак, Мурод чол.

«Рустамжон, — дея мурожаат қиларди чол, — қара, қорли чўққиларга чиққинг келадими?» — Йўлдош жим, гапирмайди.

«Нега индамайсан, гапир!»

«Мен Рустам эмас. Йўлдошман.»

«Йўқ, сен Рустамсан, Рустам!»

Йўлдош — «Рустам» бурчакка суяниб, кўзларини чирт юмди. Қарзини сўраб чиққан Бой Йўлдошнинг отасини тинимсиз савалар, кўзёшу важларига қулоқ солмас, бугундан бошлаб ўғлинг икковинг менга қулсан, уйинг ҳам менинг наҳримга тушган, деб ғазаб сочар эди... У ҳушига келганида ўзини оч, юпун отасининг елкасида кўрди. Ниҳоят, тўхтадилар. Тоғ, арчазор, тоғдек сукунат, қайғу... Уйқу ғолиб келиб чошгоҳда кўз очса, ёнида айиқ болаларию сут, асал...

Шом... тонг...

— Рустам, Рустамжон, паҳлавон Рустам!

— Нажоткоримиз!.. — Бошпанасиз, қувғинди ерлик-

<sup>1</sup>Ўзбек халқ эртаги — Паҳлавон Рустам.



лару отасининг нидоси тоғу тошда гумбурлаб садо берди. Тош кўчди...

Йўлдош юраги қинидан чиққудек уриб бошини ёстиқдан кўтарди. Қўлига тиралиб сукут қамалган хонада аланглади: зим-зиё. Кўп ўтмай кўзи қоронғиликка кўникди. Ташқаридан шитирлаган овоз эшитилди. Секин-аста уйнинг дераза томон деворини кўкимтир ёғду чулғади. Жихозсиз хона янада ғариб, ночор кўринди. Эти увишиб кўзғалди. Бир зум нима қиларини билмай қотиб турди-да, китоблари тахланган бурчакка разм солди. Китоб-дафтарлари хона бўйлаб сочилиб, йиртилиб ётарди. Фаҳмладик, йўғида Хайрининг арзанда-лари хонасида садр тепишган. Чўк тушиб сочилган жилд-қоғозларини бирма-бир дасталади. Хўрлиги келиб пешонасини муздек деворга босди, ушоқ тергандек авайлаб йиққанлари оёғи остига тўкилди...

Кўзи тўла ёш, тишини-тишига босиб нафрат билан деразага яқинлашди. Супа чироғи ёник, дарахтлар соя солган боғ ваҳимали шитирлар, ҳовли иккига ажралгандек кўзига бетона кўринди. У шу туришича анчага довур қимир этмади. Бола идрокига сиғмаган хўрлик зил-замбил юк бўлиб елкасидан босди, гўё оёқлари ерга михлангану у эса михланганини билмайди, сезмайди. Унинг кўкси, кўзларигина тирик, кўзлари билан нафас олар, кўзлари билан яшар, кўзлари билангина алам қоришқ тонгни қаршиламоқда эди.

Дераза ортида — чироқ шуъла сочиб турган кенг ҳовлида Хайри, уни йўқлаб келган меҳмонлар ухляпти. Гўё дарахтлар ҳам шитирлаб, эгилиб, шохлари билан Хайри ётган уйни имлаётгандек, Йўлдошни Хайри балосидан огоҳ этаётгандек, таҳликада. Кўзи илганга ҳар бир хас — дов-дарахт, чироқ, ҳамма-ҳаммаси юрагига қутқу солиб, Хайри билан бот-бот ҳисоблашишга мажбур этар, оғирдан-оғир учрашиш фурсати яқинлигини ёдга солмоқда.

«Отам Хайридан қарздормикан? Шунинг учун у менга қўй боқтираётгандир?»

Мурод чол сўнги пайтларда Йўлдош билан мулоқотнинг йўлини топган — эртак сўйлаб овуниб, эртак сўйлаб овулар эди. Чол қулоғига қўйган эртак тонг чоғи ҳақиқатга кўчдию БОЙ тусини ўзгартириб Хайрига айланди. Бой — Хайри! Номи Хайри бойнинг!

«Мен қачон Рустам бўламан» — эртак мисол олис, эртак мисол яқин орзулар Йўлдошни чирмовиқдай ўради. Бу тонг унинг суянадигани эртак, паҳлавон Рустам эди. Суянди, ишонди эртакка. Эртак алдамайди.

Юпун, унутилган хонанинг шифтию деворларига довул савол.

Нега қочдинг?! Уйғонгач, Хайрининг биринчи сўроғи шундай бошланади.

«Нега қочдинг?!» — Энди унинг жавоби аниқ:

— Кетмайман, кетмайман! — Хонасидан оёқланг қочиб чиқди: — Кетмайман!

Узун темир зулфини суғуриб дарвозани очди. Йўл чеккасида меҳмонларнинг улови — машиналар қаторлашиб турар, Йўлдош совуқ темирлардан сесканган мисол қарамай қирга югурди. Олдинда чўл — уфқ томон чўзилган кенг Қизилқум. У қадрдон қирга чиқиб Остонани — бутун қишлоқни кузатди. Кун чиқар томон қизариб келар, паст-баланд қирлар, қумтөпалар орасида Остона чўкиб ётгандек. Кимнингдир сигири чўзиб маъради. Моллар уйғонди.

Қирда Йўлдош тиззаларини қучганча ёлғиз мунғайиб ўй сурар экан, Хайри, қўшни чол-кампира — қишлоқ аҳли бирма-бир кўз ўнгидан ўтди, ўтаверди. Сўнгида Хайри, улкан Хайри қўлида қамчи билан пайдо бўлдию жамики Остоналикни худди қўй санагандек: «Бир, икки, уч...», деб тартиб билан қўрага қамай бошлади. Бош

кўтариб кўзига қарагани қамчи билан савалади. Ниҳоят, катта-кичик остоналик санокдан ўтди — қўрага қамалди. Хайри қўра эшигини чилвир билан боғлай туриб ҳамқишлоқларни бир-бир кўздан кечирди:

— Йўлдош қани, ким яширди уни?! — деб жар солди. Саволини тағин қайтарганида ёшу қари ҳамма Йўлдошни кўрсатиб:

— Ана, ана у! — деб қир томонга қўл чўзишди. Йўлдош ирғиб ўрнидан турди. Кўз олдини бир зум туман қоплади-да, сўнг секин-аста ҳамма ёқ ёришди — куёш бош кўтарди. Пастдаги умум қўра бўм-бўш, ёмғирдан қорайган ёғоч ходалари устида қарғалар қўнган. У шовилмай, бир-бир босиб пастга тушди, ариқда қўлбетини ювиб уйга қайтди.

Тунда ошпаз очиқ қолдирган қозон, кули тўкилмаган ўчоқ, бўшаган арақ шишалари, сочилган кабоб сихларига кўзи тушдию кўнгли озди. У кечадан буён туз тотмаган — оч, оқшом ошпаз тутган бир сих кабобга эса қарамаган эди. Усти очиқ лаганда меҳмонлардан қайтган кабоблар аралашиб ётарди. Очлик ғалаба қилиб, беихтиёр лаганга қўл чўзди. Бир сих қотган кабобни тутганча туриб қолди: «Емайман, емайман!...»

Сакраб боққа тушди. Хазонларни босиб-янчиб сарғайиб пишган хандалакдек беҳини узди, чапг аралаш қипиқларини кўйлагига артиб, хонасига кирди.

...Чошгоҳда Хайри уйғотди. У эшикни ёпиб, бўш сандиқ устида ўтирар, елкасида беқасам тўн, қўлида Йўлдошга таниш қамчи. Нафасидан арақ анқийди. Кўзлари қип-қизил, қабоқлари шишган. Тунд.

Йўлдош Хайрини бу эрта куёш чиқмасидан сал фурсат олдин худди шу қиёфада кўрган, ҳозир эса пастдаги қўра ўрнида — хона, ҳамқишлоқлар ўрнида — ўзи. Хайри эса ўзгармаган — аввал кўрганидек, ўша-ўша!

Йўлдош оёғини қучиб, Хайрига қарама-қарши, кўзидан кўзини узмай қараб турибди. У жим, Йўлдош жим. Сабри чидамай жимликни Йўлдош бузди:

— Кетмайман!

— Кетасан!

— Кетмайман!

— Кетасан! — Хайри ирғиб турди-да, туйқус Йўлдошнинг бошига қамчи солди. — Кетасан! Етар шунча асраганим, ёшсан дедим, боласан дедим, йўқ, ақлинг кирмади сени! Қорнинг тўк, устинг бут, ношукрчилигинг бошингни ейди!

Йўлдош эгилиб бошини тиззаси орасига суқди, қўллари билан қўлоқларини беркитди. Вужуди қизиб думдумалоқ тошга айланди. У на ҳақорат, таънани эшитар, на қамчи зарбини сезар, Хайри тепиб эшикдан думалатиб юбормаса бўлгани эди.

— Кўтар бошингни, кўзимга қара, бола! — Хайри уни сочидан тутиб ўзига қаратди. — Гапимни уқдингми? Отабобонг йўпон ўтган, сен ҳам қўй боқасан. Лаганда кабоб бор, янганг нон тугиб қўйибди, ол. Эси паст Муродга элтасан. Бўл тез!

Хайри устига шол қопланган «Урал»ни айвондан супага олиб чиқди.

\* \* \*

Остона — «Ҳазор нур» йўлининг ҳар қаричи Йўлдошга ёд: биринчи гал чўлдан қочганида бахтига йўловчи машина учраб, туш маҳали Остонага ташлаб ўтган эди. Ушанда Хайри уни тергамаган, ҳуш сўзлар билан силаб-сийпаб йўриқча солган: қўйларидан хабар олгани, чўпонга ул-бул етказиш учун кетаётган ҳамқишлоққа қўшиб жўнатгани ёдида.

Кўп ўтмай у яна қочди...

Уша илк дафъа қочдию оёғидан занжирлар узилди.



Бола-да, Хайрининг хуш сўзию хуш сўзга йўғрилган макрига ишонди. Алданмай, йўриққа кирмай иложи йўқ эди унинг. Йўлдош тугул бутун Остонани авраб, қутқуга чирмаган маккор этагидаги етим болага бас келмайди-ми ҳали. Унинг номи Хайри, Хайридин ахир! Ким қўйса ҳам топиб ном қўйган—Хайридин, юрагида, йўқ, тилида худоси бор Хайрининг. Агар у мулла бўлганида ҳам беназир мулла бўлар, Остоналик чин мусулмон саналса, Хайри тил учигади худоси билан қўй мижоз сахройларни ўзига ағдариб, ақлу хушига қулф солган бўларди.

Замондан, тақдирдан минг ўргилиб айланса арзийди. Хайрига муллаллик эмас, фотиҳлик хунари ва хунарига хос зийнат — озгина ҳушёрлик, ҳушёрлики, бошқалар тезда англамайдиган, англаб фарқиға етмайдиган макр насиб этди. Хуш давронларким, у фурсатни бой бермади.

Аслида фурсат дегани йўқ, йўқлиги ростки, у йўқ, кўзга кўринмайди, ҳаводек бўм-бўш. Йўқ фурсатнинг қадрига етган Хайрига ҳам офаринки, у фотиҳ — бор, яшаяпти, кўзлари кўради унинг — кўрмас, қулоқлари эшитади унинг — кармас. Оёқлари бутун — шалмас. Бир тирик инсонга, бир тугал макрга — макрки, ўзганининг ўзлигини маҳв этишга қодир, — шу етади.

Йўлдошми? Йўлдош ҳали бола: осмон қадар олис макру мантиқдан йироқ у.

...Гуноҳкорларча чўлга қайтдию чолнинг таънасиз қаршилагани,— гўё Йўлдош қочмади, тушгача подани унутиб, чодирдан олисда ўз хаёлларига фарқ бўлиб йитди. Мутеларча гуноҳидан кечгани алам қилди. Шунда Йўлдош илк бор чорасизлик, меҳр-шафқат домига илинди. Чол сингари бир сўз демади, бош эгди.

Бир кекса, бир ёш эгикбош, бир кекса, бир ёш индамас, олдинда бир қўра қўй. Яна қўлларда таёк, кимни калтаклашади бу таёк билан, қўй таёк зарбини кўтаролмайди. Уларга «Хайт! Қайт!» деган овоз кифоя. Еки «қўра» деб сас чиқарсангиз, тўдалашиб ўзини қўрага уради. Шундай, ажойиб бу қўй халқи. Уни яратган худогашукр, уни қўй атаган донишга қуллуқ!

Қўй — муроса.

Қўй-қўй-да! Тили боғлиқ қўйнинг, кўзи боғлиқ, қулоғи боғлиқ...

Шу кун иккиси ҳам қўйга овуниб, қўйга боғланиб кунни кеч қилишади. Чол бугунни унутса унутар, Йўлдош унутмайди, унутолмайди.

«Қочаман, барибир қочаман...»

Мурод чол Йўлдошга бегона эмас: яқин қавми, бир тупроқнинг одами. Яна қондош-жондош, ота қадрдон. Йўлдош бун билмайди. Билганда ҳам нима ўзгарарди, бўйнидан тизгинни олармиди ёки хайр-хўшлаб Йўлдошни Остонага кузатармиди? Яширган нигоҳию эгилган бошидан сездики, чол рағбатга мойил, мойилу қўрқоқ. Хайридан қўрқади. Бугуннинг, эртанинг, бирга яшай бошлаган илк куннинг Хайридек тушуниксиз жумбоғи чолнинг қўрқоқлиги, мутелиги.

Бу кунларнинг сири бор, алдови бор. Хайридек тиш-ботмас, билимдон жасур фотиҳи бор эдики, остоналиклар билиб билмасдилар. Юртдан сал четга чиққан қадам — чегара Мурод чол бўлса, бири Йўлдош. Иккиси ҳам ўйлайди, узоқ-узоқ ўйлайди.

Ажабмаски, оҳи кўкка етиб, болагина уйига қайтса, етим бўлса-да, есир бўлса-да, қайтса. Туғилган уйи, ота-онасининг мулки, ажабмаски, Хайри инсофга келса, эрта-кеч чолнинг хос нияти шу.

Ҳа, чол Йўлдошга бегонамас, қўҳна чўпон эди у. Остона аҳлининг хизматкори — беминнат, содда, ҳалол хизматкор. Қариганида қишлоқдан олисда, якка-ёлғиз қўй боқиб, юмушдан нолимай кун санайди. Соддалик, ҳалоллик чолнинг саноғига кирмайди, фарқламайди, у кун

санайди, холос. Сўнг у фарқи бировдан қарзга олман, неки бағрикенглик, ҳалоллик — бари ўзиники. Биров панд берганмас, бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди, биров олғирларга дуч келганида, ҳа, энди тирикчиликнинг ғубори бўлади-да деб қўл силқийди. Мана, қариганида Хайрибой, остоналик Хайрибой, зоти-зурёдининг тайини йўқ Хайрибой, Остонага ёту, Остона меники, сағир Йўлдошга мен ҳокимман, деб тирғалган Хайрига қолганда лол, гунг.

«Онам мени қўлли-оёқли туққан, оғзимда бир парча тилим ҳам бор эди?— чол юз бора, минг бора ажабда.— Хайрининг тили узун, тилига тушов тушмаган, узун. Ажабки, кечагача биров гап сўраса, топиб айтардим, тилим бурро эди... Хайрибойнинг тили узун?! Сўқади, тепади, ёлғон гапирарди, меҳри товлаб сўяк ташлайди — гапини икки қилиш мушуқул, гапи-гап Хайрининг! Каромати зўр Хайрининг, меҳри дарё — тилинган олади, қизиталоқ! Каромати зўрки, тилимга тушов тушган. Бир ҳисобда гапирмаган маъқул, оғиз очсанг — қаҳр қочади, юракда тошдек тугун бўлиб ётмайди. Тош борки, бир кун отилмоғи бор. Мен отарман, отолмасам, Йўлдош отар...»

Хайрининг ёлғиз қусури феъли торлиги бўлса-ку, уни худого топширса? Унинг ангори қўрқулик, сиёқи одамга ўхшамайди. Хайри битта эмас. Кўзига қарасанг мулоим жилмаяди-ю, ёқасидан битта Хайри, иккита Хайри, юзта Хайри бўй чўзади, ўсади. Бунақасини Остона пайдо бўлиб кўрмаган. Элни бир-икки йўлтўсар гапга кирмас шумфикрлар, қароқчилар босган-у, минг товба, Хайридақамас. Улар оларини олиб кетар эди, минбад ўзини остоналик санамас, ўзга уйга эғалик ҳам қилмас эдилар.

Ўт балоси, сув балосини эшитган, кўрганлар бор. Энди Остонани Хайри балоси босмиш. Қони қўшилмайди, ёт — етти ёт бегона у. Остонага эл бўлмаслиги шундан. У оч — тўймайди. Ҳамиша қонга, қурбонликка ташна у. Тўймайди! Хайрига ўзидек рақиб ё бир бошқа тус балойи азим бас келмаса, уни худого солиб бўлмас. Банди мусулмон борки, ҳали Хайри балосидек дўзахга учрамаган. Яна, яна у Ҳаким оқсоқолнинг ўғли, ёлғизгина ўғли, Йўлдошнин...

Йўлдошга бегонамас у — ота қадрдон, Йўлдош билмайди. Билгани шуки, Хайри уни қишлоқдан олис — «Ҳазор нур» яйловида қўй боқаётган Мурод чўпоннинг қўлига топширди. Қўй боқасан деди. Сендан тез-тез хабар оламан, деди.

Хайри кетгач, туйқус юраги ваҳмга тўлиб, ёлғизлик, қадрдон уйдан йироқлик азоби қийнаган, омонат чодир қартайган чолга ўч билан тикилиб Хайри йўл олган томон қочгиси, шамол бўлиб учгиси келган-у, лекин кейинчалик ҳам у, гарчи чўл бегона бўлмаса-да, сира-сира тоқат қалолмаган, кумтепалар, ўзга манзил, ёт тупроқдек уйини унутолмади. Иложсизлик аввал қўлоёғини, сўнгра тилини боғладикки, у юрагидагини сездирмади, кўниккандек чолга эш бўлди...

Ҳеч ким — на Хайри, на масофа юрагига, ўй-хаёлларига қулф осолмади. У юрагию ўй-хаёлларига таяниб, қўлига таёқ тутди. Қўй боқди. Ёнида Мурод чолнинг ивирсиб юргани, Хайрининг келаман деб кетганидан билдики, уни чўлга мажбуран ташлаб кетишди.

Уни ўз хаёлидан бўлак сўрайдиган кишии йўқ. Уйдан, Хайридан ажраган ўша кун Йўлдош якка-ёлғиз, чолнинг таъбири билан айтганда, худди худодак ёлғиз-у, бироқ паноҳсиз, жазирамада кумга суқилган таёқ эди у.

**Охири келгуси сонда.**



Инобат Нормуродова



Сўзимингга жайсон  
Кўнраган

Яхши кун сочимга майсалар тақар,  
Озурда хаёллар тегади ерга.  
Ширин бўсаларинг тилимни ёқар,  
Айт, сени яшириб қўяй қаерга?

Дов-дарахт сездирмай энтикади жим,  
Илиқлик оромин олар кўнглимнинг.  
Мен тагин қаттиқроқ бағримга босай  
Биринчи баҳорни кўрган ўғлимни.

Яна бир одам бор азиздан-азиз,  
Юраги бедору беором тепган.  
Ҳовлининг бир парча кунгай ерида.  
Келар деб, мен учун ўсмалар эккан.

Қизариб пишади унда ҳалволар,  
Дастурхони тўлиб турар ҳар наҳор.  
Сен менинг онамнинг ёнида юргин,  
Сен менинг онамни асрагин, баҳор!

\* \* \*

Чинникоса лабидан тўкилади май,  
Томчилаб қўшилар шаробга умрим.  
Кел, мени ёдингдан чиқариб қўймай,  
Барқ уриб руҳимда очилгин, гулим.

Сабрсиз баҳодир худодан қайтиб  
Тоқати тоқ бўлган тошларга кетсин.  
То сўраб келгунча илтижоларим,  
Ҳали сен етмаган кунларга етсин.

Изнсиз югурсин безабон ўлим,  
Бош бўлиб, қош бўлиб камонсиз ўққа.  
Топшириб қўйдингми ўзингми, гулим,  
Ўзидан ўзга ҳеч суйгани йўққа...



Мунча кўп қийнадинг ширин жонимни,  
Ҳар куни кўзимда ҳайрон юрарсан.  
Кўйлаги йиртилиб чопаётган сўз,  
Айт, менга нимани раво кўрарсан.

Айролиқ тилингда лиммо-лим селоб,  
Ашкинг ниҳон этиб гирён турарсан.  
Чанқаган руҳимдан отилган гулоб,  
Айт, менга нимани раво кўрарсан.

Ўзингни алдайсан, ғийбатда юрак  
Ситилиб битдими?— ҳар он сўрарсан.  
Тилимдан томчилаб тизилган савол,  
Айт, менга нимани раво кўрарсан.

Хўп тўлиб оқдим мен қадримга етмай,  
Бенаво ҳолимга оҳлар урарсан.  
Сен менинг ёнимга бир келиб кетмай,  
Айт, менга неларни раво кўрарсан!

Юпанч

Ёлғизликнинг кўйлагини еч,  
У шунчаки ялтироқ либос.  
Тонгга қадар зиёфат учун  
Сариқ гулдан тикилган холос.

Ёлғизликнинг йўллари узун  
Ва ҳасратли мусофир жойда.  
Қара, тупроқ ташимаса ҳам  
Доғ кўринар кўкдаги ойда.

Ёлғизликнинг тошлари оғир,  
Босиб турар елкангдан зилдай.  
Узилмаса дил ипи, бир кун  
У ҳам дунё бахшида қилгай...

\* \* \*

Кўзларингга бир тонг бўлсайдим,  
Болишингга дунёни йиғиб,  
Ел тилида суҳбат қилардим,  
Сархуш кенгликларни тилардим.

Замин бўлсам эди, пойингга  
Зангор-зангор поендоз солиб,  
Ер тилида суҳбат қилардим,  
Мангу яшилликлар тилардим.

Осмон бўлсам эди, ложувард,  
Ойни олиб келиб қошингга  
Ой тилида суҳбат қилардим,  
Сенинг омонлигинг тилардим.

Кўзларингга Саҳрои Кабир,  
Қақраб ётган чўлга етдим мен,  
Сўзинг ёлғонлигин билардим,  
Кўзларингни ташлаб кетдим мен!



Александр Солженицин

ГУЛАГ

АРХИПЕЛАГИ

ҚАМОҚХОНАЛАР

БОШ БОШҚАРМАСИ

ОРОЛЧАЛАРИ



8-боб

## Нораста қонун

Хотирамиз ниҳоятда ўтмас.\* У тарихни ҳам, воқеликни ҳам эмас, кўп йиллар давомида маълум шахслар томонидан исталган қолипга солиниб, қулоғимиздан қуйиб келинган қуйқани кўпроқ ёдда тутишга қодир.

Бу хусусият бутун инсониятга хосми — билмадим-у, лекин бизнинг халқимиз айнан шундай яшаши — аниқ. Балки ортиқча кўнгилчанлигимиздандир у, лекин барибир ачинарли. Асрлар давомида муртадларга ем қилиб келмоқда у бизни.

Ҳатто энг ошкор этилган суд жараёнларини ҳам эсга олиш лозим бўлмаса — майли, эсламай қўя қолайлик, ҳолбуки, ёдимиздан чиққан ҳам улар. Ошқора бўлган, матбуотда овоза этилган, лекин қулоғимиздан қуйилмаган — шу боис ҳам ёдимизда йўқ. (Қаёқча ҳам қуйилсин, икки қулоғимиз — шу радиодан тинмай сотилаётган сафсатага тўлиқ бўлгач?...)

Ҳозирги ёшлар ҳақида гапираётганим йўқ, қаёқдан ҳам билишсин улар; ўша даврда яшаган замондошларга тааллуқли бу. Уларнинг истаган биридан қандай ошкор этилган, машҳур жараёнларни биласиз, деб сўрашингиз мумкин, у фақат Бухарин ва Зиновьев жараёнларинигина санай билади. Яна пича бош қотириб, Саноат фирқасининг ишини эслаши мумкин. Тамом, бўлак ошқора судлар бўлмаган.

Шундай бўлгач, ошкор этилмаганлари ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?.. Ҳали ҳеч қанақа қонун, жинойят мажмуаси бўлмаган, фақат инқилобий онгагина таяниб иш кўрилган бир 1918 йилда қанчадан-қанча ҳарбий-дала судлари фаолият кўрсатган-у. Уларнинг батафсил тарихи қачонлардир, ким томонидандир ёзилармикан?

Лекин барибир қисқача тавсифсиз иш битмайди. Истасак-истамасак, ўша сиртини кул қоплаган вайроналар устидан қалин рангин ёпқични олиб ташлашимизга тўғри келади.

Ўша жўшқин, серзавқ йиллар ҳам уруш шамшири қинига

Рус тилидан ТУХТАМУРОД РУСТАМОВ таржимаси

солингани, жазо тўппончалари эса филофларига яширилгани йўқ. Ертўлаларда тунлари ими-жимиди гумдон қилишни анча кейин ўйлаб топишди. 1918 йили эса таниқли рэзонлик фавқулодда комиссар Стельмах маҳбусларни куппа-кундузи қамоқхона ҳовлисига чиқариб отар, навбатини кутиб ётган бўлак маҳкумлар буни бўлмаларининг деразаларидан мўлтирабгина кузатиб туришарди.

Расмий бир атама мавжуд эди ўша йиллар терговсиз жазолаш деган. Ҳали тергов ва адлия маҳкамалари бўлмаганлиги учун эмас, йўқ, ФК бўлганлиги учун.

Тумшуғи кундан-кунга ўткирлашиб бораётган бу жўжаҳўрозни Троцкийнинг ўзи қаноти остига олди: «Кўрқув солиш сиёсатнинг қудратли қуролидир ва буни фақат риёкор одамгина тушунмаслиги мумкин». Қисматидан беҳабар шўрлик Зиновьев эса дўпписини осмонга отди: «ДСБ ҳарфлари ҳам МФК ҳарфлари каби дунё миқёсида маълум ва машҳурдир».

Терговсиз жазонинг афзаллиги унинг ниҳоятда сермахсулликда эди. Судлар йўқ эмас, бор эди, суд ҳукмига биноан қатллар ҳам; аммо улардан фарқли ўлароқ, бир пайтнинг ўзида, мустақил равишда терговсиз жазо усули ҳам иш кўрарди. Хўш, қандай эди унинг кўлами? Узининг ФК фаолияти ҳақидаги оммабоп ахборотномасида М. Лацис фақат бир ярим йил (1918 ҳамда 1919 йилнинг ярми)га ва фақат марказий Русиядаги йигирмата вилоятга тегишли рақамларни келтирди (балки «бу ерда келтирилган рақамлар у қадар тўлиқ эмас»лиги унинг Инқилоб Посбонига хос камтарлигидандир?). Мана,мазкур рақамлар: ФК томонидан (ҳеч қандай суд ва терговсиз) отиб ташланганлар — 8389 (саккиз минг уч юзу саксон тўққиз) киши, фош этилган аксилинкюбий ташкилотлар — 412 (ташкilotчиликка бўлган азалий уқувсизлигимизни ва ўша даврдаги оммавий тарқоқлигу руҳий тушқунликни ҳисобга оладиган бўлсак — мисли кўрилмаган рақам), жами — 87 минг киши ҳибс этилган. (Бу рақам аслидагидан қанчалик озлигини сезиш, менимча, унчалик қийин эмас.)

Хўш, буни нимага таққослаб баҳолаш мумкин? 1907 йил

\* Давоми. Бошланиши журналнинг 1, 3-сонларида.

М. Я. Лацис (Судрабс). Ички фронтдаги икки йиллик кураш. М., Давнашр. 1920, 74—76-бетлар.



бир гуруҳ жамоат арбоблари 1826 йилдан 1906 йилга қадар қатл жазосига ҳукм қилинганларнинг номма-ном рўйхати келтирилган «Улим жазосига қарши» номли (Гернет таҳрири остидаги) мақолалар тўпламини нашр этди. Унда мазкур рўйхатнинг у қадар муқаммал эмаслиги (Лациснинг Фуқаролар уруш давридан баҳс этувчи маълумотлари даражасидадир ҳеч бўлмаганда) ноширлар томонидан алоҳида таъкидланади. Рўйхатда жами 1397 исм қайд этилган, шулардан 233 тасига нисбатан жазо чораси ўзгартирилган, 270 кишини (асосан — Мағрибга қочиб кетган польшалик исёнчиларни) эса қўлга тушира олмаганлар. Демак, 894 киши қоляпти. Қаранг-а, салкам саксон йилга тегишли рақам Инқилоб Посбонининг бир ярим йиллик ҳисоботидаги рақамдан 255 баравар оз бўлиб чиқмоқда! Бироқ Инқилоб Посбони йигирма вилоят- (Русиядаги бор вилоятларнинг тенг ярми ҳам эмас бу) дан ҳисоб берган (Шимолий Кавказ ҳамда Қуйи Волгадаги оммавий қатллар бу ҳисобга киритилмаган). Тўғри, ноширлар шу ернинг ўзида яна бир тахминий (ўз мақсадлари йўналишида мувофиқлаштирилган десак тўғрироқ бўлар) маълумотлар билан ҳам ўртоқлашишган, уларда таъкидланишича, биргина 1906 йилнинг ўзида 1310 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган эмиш. Аммо бу аини (инқилобий тала-тўп ҳамда қиргинга жавобан) Столипин истибодиди авж олган вақт бўлган эди, шунингдек, олти ой давомида фақат 950 киши қатл этилгани<sup>2</sup>ни исботловчи далиллар ҳам йўқ эмас. (Столипиннинг муваққат судлари фақат олти ой фаолият кўрсатган эди ўзи.) Балки сизга даҳшатли туюлар-у, бироқ эшитавериб кўникиб кетган бизнинг қулоқларимизни динг қилишга ҳам қодир эмас бу: Инқилоб Посбони келтирган рақамни олти ойданга бўлиб чиққанмизда ҳам 1906 йилдагидан уч баравар юқори сон ҳосил бўлар экан. Аммо у фақат йигирма вилоятгагина тегишли, кейин ҳеч қанақа т е р г о в в а м у в а қ қ а т с у д л а р с и з .

Демак, бўлмаган экан-да у пайтлар ҳеч қанақа суд?

Бор эди! Октябрь инқилоби ғалабасидан бир ой кейинроқ ташкил топган эди улар: биринчидан, ишчи ва деҳқонлар томонидан эркин сайланувчи халқ судлари; бироқ ҳакамлар албатта «инқилобий фиркавий ташкилотларда олинган сиёсий тажриба»га эга бўлишлари зарур, «ушбу вазифага сайлашга лойиқ-нолоийқлигини аниқловчи пухта текширув»лардан сўнгина ноҳия ижрокўми томонидан номзодлари тавсия этилар, ижрокўм истаган пайт уларни қақриб олиши мумкин эди. (Суд ҳақидаги қонун 11, 24 ноябрь 1917 й., 12-ва 13-моддалар.) Кўп ўтмай, халқ умуман ўз ҳакамларини сайлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Тўғри-да, Шўролар халқ манфаатини ифодалагач, ҳар хил сайловларга бошни оғритиб ўтиришнинг нима ҳождати бор!..

Иккинчидан, шунингдек, яна биринчидан ҳам, ўша 1917 йил 24 ноябрдаги қонунга биноан барча бўлис ва вилоятларда ишчи-деҳқонлар Инқилобий Муваққат судлари ташкил этилди. Улар аслида ишчилар яккахоқимлиги ташкилоти сифатида тузилган эди, бироқ шундай бўлдики, Инқилобий Муваққат судлар ўша заҳотиёқ ва ҳамма ерда ташкил топди, уларнинг ҳайбатли қанотлари панасида халқ судлари бир неча ой давомида умуман кўзга ташланишмади, айниқса, чекка ўлка ва қишлоқларда. Хуллас, Инқилобий Муваққат судлар барча вазибаларни ўз зиммаларига олдилар, шу жумладан, жиноий ишларни кўриш вазифасини ҳам.

Бироқ халқ судлари билан муваққат судлар ўртасида тафовут деярли йўқ эди: кейинроқ, 1919 йилда юз кўрсатган РСФСР жиноят мажмуасида иккала судлов фаолияти ҳам деярли бир хилда таърифланади: унисига ҳам, бунисига ҳам қўллаш мумкин бўлган жазо чоралари чегараланмаган, унисининг ҳам, бунисининг ҳам қўли ниҳоятда очик бўлиши лозим: қонун ҳеч қандай жазо чораларини белгиламайди, судлар истаган жазо чораларини танлаш ва уларни қўллаш ҳуқуқига эга (масалан, озодликдан маҳрум этиш лозим бўлса — номаълум муддатга, яъни махсус фармойиш келгунига қадар ҳукм қилиш усулидан бемалол фойдаланиш мумкин). Халқ судида ҳам, худди Инқилобий Муваққат суддагидек, фақат инқилобий виждонга таяниб иш кўрилади. Унисининг ҳам, бунисининг ҳам ҳукми қатъий, ҳеч қанақа шикоятга ўрин йўқ. Халқ судлари ҳам Инқилобий Муваққат судлар каби ўз фаолиятида ҳеч бир расмий қонун-қоидага таяниб

иш кўрмайди, жазо чоралари белгиланишига эгона мезони бўлиб судланувчининг инқилобий кураш манфаатларига қилган хиёнатидан даражаси ҳизмат қилади, мудоффаа ҳамда тинч қурилиш манфаатларига мувофиқ ҳукм танланади. (Бошда Инқилобий Муваққат судлар ҳатто маҳаллий шўролар томонидан сайланувчи ўз маслаҳатчиларига эга эдилар, лекин бориб-бориб уларнинг жиловни доимий учлик қўлига топширилди, бу учлик аъзоларидан бири эса албатта ФК вилоят бўлимига қарашли маҳаллий ҳайъатнинг вакили бўлиши зарур эди — шу тахлит Инқилобий Муваққат судлар билан ФК орасида тирик кўприк ўрнатиларди.)

1918 йилнинг 4 майда БМИҚ (Бутунрусия Марказий Ижроия Кўмитаси) қошида Олий Инқилобий Муваққат суд ташкил этиш ҳақидаги қарор эълон қилинди. Тамом, шу билан туғди муваққат судларга бўлган эҳтирос, деган умид пайдо қилди бу кўпчилликда. Таассуфки, бундай бўлишига ҳали жуда-жуда узоқ эди.

Ҳали темир йўлларимизнинг бир маромда ишлашнинг таъминлаш учун бутун мамлакат миқёсида Инқилобий темир йўл Муваққат судлари тартиботини тузиш зарур эди.

Сўнгра — Ички Мудоффаа қўшинлари Инқилобий Муваққат судларининг умумий тартиботини.

1918 йилдаёқ бу тартиботлар РСФСР чегарасида содир этилган ҳеч қандай жиноят ва омманнинг инқилобий курашига қарши кўрсатилган тўсқинликни назарларидан қочирмай, баҳамжиҳат фаолият кўрсатишар эди. Бироқ ўртоқ Троцкийнинг ўткир нигоҳи бу баркамолликдан ҳам камчилик топди ва 1918 йилнинг 14 октябрда у янги Инқилобий Ҳарбий-дала судлари тартиботини тузиш ҳақидаги буйруққа имзо чекди.

Жумҳурият Инқилобий Ҳарбий Кенгаши ташвишларю Жумҳуриятни ташқи душманлардан халос этиш вазибалари билан буткул банд бўлганлиги учун ҳам мазкур доҳий ва илҳомчи-миёз ўз режасини батафсил ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлмади, бироқ Жумҳурият марказий Инқилобий Ҳарбий-дала судига раисликка ўртоқ Данишевскийдай тенги йўқ инсонни танладики, у фақат янги муваққат судлар тартиботини ташкил қилибгина қолмай, бу тартиботни назарий жиҳатдан асословчи асар<sup>3</sup> яратишга ҳам эришди. Ушбу китобчанин қандайдир мўъжиза билан омон қолган бир нусхаси бизнинг қўлимизга ҳам келиб тегди. Китобча сиртида «маҳфий» деган шапалоқдек тамға турганлигига қарамай, орада салкам ярим асрлик муддат ётганини назарда тутиб, ундаги айрим мулоҳазаларни ошкор этишга журъат қилдик (судлар хусусидаги юқоридаги маълумотлар ҳам ўша ердан олинган).

Октябрь инқилобидан кейинроқ, унинг шиорлари ва февраль инқилобидан кейин қўшинда жорий этилган тартибга таянган ҳолда, Қизил Қўшинда сайланма туман ҳамда қўшилма судлари фаолият кўрсатади, деб тахмин қилишган эди. Бироқ ҳеч кимга уларнинг халқчил фаолиятидан лаззатланиш на-сиб этмади, тез орада ўзлари ҳам улардан тамомила воз кечдилар. Қаёққа қарамаган — ҳамма ёқда ҳарбий-дала судлари, учликлар кўзга ташланар, ўз-ўзидан тайинки, МФК қўшин бўлимлари ва Махсус Бўлимнинг дояси — контрразведка (жосусларга қарши кураш олиб борувчи махсус ташкилот) органлари фаолият кўрсатишарди (отиб ўлдиришарди). БМИҚ мажлисида ўртоқ Троцкий: «Биз, ишчилар синфининг ўғлонлари, ўлим билан шартнома туздик, демак, ғалаба ҳам биз томонда», деб айтган ўша суронли ойлар барчани ва ҳар бир кишини бел боғлаб, ўз бурчини бажаришига киришишига мажбур қилишга тўғри келди.

«Инқилобий Ҳарбий-дала судлари — бу энг аввало Ишчи-Деҳқонлар юртини душманлардан тозалаш, уларни хавфсизлантириш, қуролсизлантириш ва қириб битириш демак, шахснинг айбини мезонлаш эса бу иккинчи даражали нарса» (5-бет). «Инқилобий Ҳарбий-дала судлари халқ судининг изчил умумий тартиботига сингишиб кетган инқилобий муваққат судлардан ҳам муваққатроқдир» (6-бет).

Наҳотки?.. Кўзи ола-кула бўлиб кетади кишининг, Инқилобий Муваққат судлардан ҳам муваққатроқ суд бўлиши мумкинлигига ишонгиси келмайди. Хизмат кўрсатган арбоб, ўша йиллардаги бир қанча ҳукмлар мутасаддиси эса бизга бундай тушунтиради:

<sup>3</sup> К. Х. Данишевский. Инқилобий Ҳарбий-дала судлари. М. Жумҳурият Инқилобий Ҳарбий дала судлари нашри. 1920.

<sup>2</sup> «Этмиш», Санкт-Петербург, 1907, № 2/14, 80-бет.



«Судлов ташкилотлари билан бир қаторда суд орқали жазоловчи ташкилотлар ҳам бўлиши даркор» (8-бет).

Тушуна бошлагандир энди китобхон? Бир томондан ФК — бу судсиз жазоловчи ташкилот. Иккинчи томондан эса — хийла юзаклаштирилган, анча-мунча бешафқат инқилобий муваққат суд. Хўш, яна нима етишмаяпти бу ерда? Сездингизми? Суд орқали жазолош органи — мана, нима етишмаяпти, Инқилобий Ҳарбий-дала суди эса айнан мана шу суд орқали жазолош органининг ўзинасидир!

«Инқилобий Ҳарбий-дала судлари ташкил топган илк кунларданок инқилобий ҳукуматнинг жанговар руҳдаги ташкилотларидан бирига айландилар... Дарҳол ҳеч қандай иккиланиш ва чалғишларга имкон бермайди, инқилоб изчил йўналиш танланди... Инқилобий Муваққат судлар тўплаган тажрибадан усталик билан фойдаланиб, мазкур тажрибани янада ривожлантирдик» (13-бет) — ва бу фақат 1919 йил январда босмадан чиқарилган илк қўлланмага қадар. Шунингдек, ФКга яқинлаштириш мақсадида Инқилобий Ҳарбий-дала судларига фронт Махсус Бўлимидан ҳам бир нафар аъзо киритиш тажрибаси амалга татбиқ этилди. Бироқ фронтларнинг фаолияти чегараланган эди — шунга қарамай, фронт тугатилса ҳам Инқилобий Ҳарбий-дала судлари тугатилмас, «қўзғолонларга қарши курашиш ва уларни бостириш» мақсадларида вилоят ҳамда бўлисларга кучирилди (19-бет).

Инқилобий Ҳарбий-дала судлари «ишдан бўйин товловчи» шахсларни («ишдан бўйин товлаш бугунги шароитда ишчи-деҳқонларга қарши қуролли қўзғолон кўтаришдек акцилинқилобий ҳаракат билан баробардир» (21-бет) жазоларди, — бироқ шуниси қизиқ: ким бўлди экан у — ҳам ишчиларга, ҳам деҳқонларга қарши бош кўтаришга жазм этган кўпчилик? Ҳатто — «қўл остидагиларга нисбатан қўпол муомала, хизмат вазифасига пала-партиш ёндошиш, ишдаги беларволик, ўз ҳуқуқларини билмаслик...» (23-бет) ва ҳоказолар учун ҳам жазолаверардилар. Инқилобий Ҳарбий-дала судлари фақат қарбийларгагина эмас, уруш кетаётган жойлардаги аҳолига ҳам тааллуқли эди. Улар — меҳнаткаш омманинг синфий курашдаги қуроли ҳисобланардилар. Енма-ён ишловчи Инқилобий Ҳарбий-дала судлари ўртасида низо чиқмасин учун қуйидаги «ҳарбий хийла»дан фойдаланиларди: ким юргизган бўлса ишни — ўша ҳукм чиқаради, бўлак ҳеч кимнинг уни қайта кўришга ҳаққи йўқ. Шикоятлар эса қабул қилинмайди. Ҳукмлар қарбий вазият нуқтаи назаридан тартибга солиниб турилган: Жанубдаги ғалабадан сўнг 1920 йил баҳоридан бошлаб Инқилобий Ҳарбий-дала судларига қатлларни камайтириш ҳақида кўрсатма берилди, — чиндан ҳам биринчи ярим йилликда бор-йўғи 1426 киши отиб ўлдирилди (Инқилобий Муваққат судларсиз! Темир йўл Муваққат судларсиз! Ички Мудофаа кўшинлари Инқилобий муваққат судларсиз! ФКсиз! Махсус Бўлимларсиз! — Русиёни бебошвоқ қатллардан халос этган Столипин давридан мерос 950 рақамини эслайлик, Русиёнинг саксон йиллик тарихини ўзида жамлаган 894 сони ҳам ёдимизда турсин). 1920 йил эзида эса Польша уруши бошланди ва биргина июль-август ойлари давомида Инқилобий Ҳарбий-дала судлари 1976 кишини (... сиз, ... сиз, ... сиз) отиб ўлдиришга ҳукм қилди (43-бет, бўлак ойлар ҳақида эса маълумот берилмаган).

Инқилобий Ҳарбий-дала судлари қочоқ ҳамда фуқаролар урушига қарши ташвиқот юритувчилар (яъни пацифистлар\* — 37-бет)ни тўғридан-тўғри жойидаёқ жазолаш ҳуқуқига эга эдилар. Жиноий (отиб ўлдириш жазоси қўлланмайдиган) ҳамда сиёсий (сўзсиз отувга ҳукм этиладиган, — 38-бет) қотилликларни ажрата билишлари зарур эди, шу жумладан, шахсий («муваққат судлар одил ва шафқатли бўлишлари лозим») ҳамда давлат («энг оғир инқилобий жазо») мулкига тажовузни ҳам. «Жазо ҳақида бирон бир Низом тузиш мумкин эмас, бунга ақлдан ҳам деб бўлмайди», лекин барибир «йўл-йўриқ кўрсатувчи қўлланма ва дастурларсиз иш битмайди» (39-бет). «Кўп ҳолларда Инқилобий Ҳарбий-дала судларига ўз белгиланган мақсадларига кўрама ё оддий жанговар бўлинима сифатидами — қай шамойилда иш кўраётганларини ҳам англаб бўлмайдиган шароитда фаолият кўрсатишларига тўғри келмоқда. Кўпинча... бир вақтнинг ўзида ҳам Ҳарбий-дала суди биносиди, ҳам ташқарида иш кўрилмоқда». Отув «ҳеч

қачон жазо сифатида эътироф этилмагани лозим, бу фақат ишчилар синфига душманона кайфиятдаги шахсларни жисмоний жиҳатдан йўқ қилишнинг оддий бир воситаси» ва «бу тоифа жиноятчиларни кўрқитиб қўйиш (қирғин қилиш) мақсадларида қўлланмиш мумкин» (40-бет). Жазо — бу «қайб» учун олинган ўч эмас...». Ҳарбий-дала суди «жиноятчининг шахсини аниқлайди, модомики... бунга фақат унинг турмуш тарзи ва ўтмишига асосланиб аниқлаш мумкин» (44-бет).

Инқилобий Ҳарбий-дала судларида «буржуалар томонидан ўрнатилган шикоят қилиш ҳуқуқи бекор қилинади... Шўрвий жамятда бундай оворагарчиликка ҳожат йўқдир» (46-бет). «Шикоят тажрибасидан фойдаланишга йўл қўйилмайди», «шикоий аризага биноан суд ҳукмини қайта кўриш маън этилади» (49-бет). «Қатағон сўбасатининг таъсир кучи янада ошсин учун ҳукм ўша захотиёқ ижро этилмоғи даркор» (50-бет), «жиноятчиларга Инқилобий Ҳарбий-дала суди ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳеч қандай умид қолдирмаслик керак» (50-бет). «Инқилобий Ҳарбий-дала суди бу ишчилар синфини мислсиз вайронгарчиликлар, кўзёши ва қон уммонлари оша... эркин меҳнат, бахт ва гўзаллик салтанати сари бошлашга бурчли, Ишчилар Яккаҳоқимчилигига сув билан ҳаводек зарур, содиқ ташкилотдир» (59-бет).

Яна истганча мисол келтириш мумкин эди китобчадан, лекин бас! Яхшиси, тасаввуримизга зўр берайлик-да, ўтмишга қайтиб, ўша пайтлар аланга исқанжасидаги мамлакатимиз харитаси узра парвоз этайлик, кўз олдимизга юқоридаги китобчада тилга олинмаган аҳоли яшайдиган жойларни келтирайлик. Фуқаролар уруши давомида бирон-бир янги шаҳарнинг қўлга олиниши фақат ФК ҳовлисидаги отиб ўлдиришлар билан эмас, суд ҳайъатининг кечаю кундуз тиним билмайди-кан кенгашлари билан ҳам нишонланарди. Уларнинг ўқиға дучор бўлиш учун албатта оқ сипоҳи, собиқ ҳукумат аъзоси, заминдор, руҳоний, кадет ёки эсер бўлиш шарт эмас эди. Отиб ўлдиришга ҳукм этишлари учун биргина оппоқ, момиқ, қадосиз кафтнинг ўзи етиб ортарди. Бироқ Ижевск, Воткинск, Ярославль, Муром, Козлов ва Томбовдаги исёнлар бужур кафтларнинг ҳам шўрига қай даражада шўрва тўққанини сезиш, менимча, қийин эмас. Бу жиноий иш(судли ҳамда судсиз жазо)ларнинг тавсифномалари қачонлардир қўлимизга тушгудек бўлса, отилганларнинг асосини оддий деҳқонлар ташкил этишганининг гувоҳи бўлардик. Негаки, ўн саккизинчи йилдан йигирма биринчи йилга қадар деҳқонларнинг исёнлари тинмаган, тўғри, «Фуқаролар уруши тарихи»нинг зарварларида ҳеч нарса дейилмаган бу ҳақда, киночилар ҳам, сураткашлар ҳам пулемётларга қарши қозик, паншаха ва болта билан тўда-тўда бўлиб ташланаётган, сўнг қўллари боғлиқ ҳолда — бир ўлдирилган учун ўнтаси! — девор тагига ҳукм ижроси учун сафланганларнинг шўришич деҳқонларни суратга олишмаган, лекин шундай бўлган. Саложкадаги исённи сапожкаликлар худди шундай эшлади, Пителиндагини — пителинликлар. Лациснинг ўша ахборотномасидан шу бир ярим йилнинг ўзида йигирма вилоятда 344 та<sup>4</sup> исён бостирилганини ҳам билишимиз мумкин! (Деҳқон исёнлари 1918 йилдаёқ «қулоқ исёнлари» деб ўзгартирилган эди, чиндан ҳам, ахир қандай қилиб деҳқонлар ишчи-деҳқонлар ҳукуматига қарши кўзгаллишлари мумкин?! Бироқ ҳар сафар қишлоқдаги икки-уч хонадон эмас, бутун қишлоқ бараварига бош кўтарганини қандай изоҳлаймиз? Нега йўқсил омма ўзининг ўша паншаха ва болталари билан исён кўтарган «қулоқлар»ни саранжомлаб қўя қолмай, улар билан бирга пулемётларга қарши борди? Лацис: «Деҳқонларни (қулоқ) ҳар хил ваъда, тўхмат ва таҳдидлар билан исёнда қатнашишга мажбурларди»<sup>5</sup>. Лекин айтинг-чи, йўқсиллар қўмитасининг широрлари қуруқ ваъдабозликнинг ўзи эмасми? Чон (Муҳим вазифаларни бажарувчи бўлинима)ларнинг пулемётлари-чи, улардан таҳдидироқ нима бор?!

Яна қанчадан-қанча тасодифан, ҳа, ҳа, тасодифан тушиб қолган кишиларни ямлаб ютмади бу тегирмонлар. Зеро, қон тўкиш вазига содир этиладиган ҳар қандай инқилоб замирида ҳам маълум маънода худди шу нарса ётади.

Тарихчиларимиз олдида бу босиб ўтилган бир неча йилга тенг йўлни татбиқ этиш вазифаси турибди ҳали. Хўш, биз-чи, биз қандай қадам ташлайлик бу устига қалин рангин ёпқич ёпилган култепалардан? Кимдан сўраб қилайлик? Отиб ўл-

\* Пацифизм (пацифистлар) — ҳар қандай урушга қарши кайфиятдаги кишилар ҳаракати (тарж.)

<sup>4</sup> М. Я. Лацис. ...Икки йиллик кураш. 75-бет.

<sup>5</sup> Уша ерда, 70-бет.



дирилганлар айтиб беришолмайди, хотираси ўтмаслар ҳам. Айбланувчи, оқловчи, соқчи, гувоҳларни эса, тирикми улар, тирик эмасми, қатъи назар, излаб топишимизга барибир қўйишмайди.

Чамаси, фақат айбловгина ёрдам бериши мумкин бизга.

Мана, қўлимизда хайрхоҳ кишилар ҳада этишган қаттиқ-қўл инқилбчи, ишчи-деҳқонлар Ҳарбий Халқ Комиссарлигининг биринчи раиси, Адлия ишлари Халқ Комиссарлиги қошидаги Фавкулдада Судлар бўлимининг асосчиси (шахсан унга атаб Бош нотиқ лавозими режалаштирилган эди, аммо Ленин бу атамани бекор қилди<sup>6</sup>), машҳур суд жараёнларининг атоқли қораловчиси, сўнг эса фош этилган ашаддий халқ душмани Н. В. Криленконинг қаламига мансуб айблов нутқлар тўпламининг йўқ қилишга улгурилмаган бир нусхаси<sup>7</sup>. Агар ошкор этилган суд жараёнларини қисқача таҳлил қилиб чиқиш ниятимиз бўлса, инқилбдан кейинги биринчи йилларнинг суд ҳавоси бизни ўзига тортса — албатта бу китобни ўқий билишимиз шарт. Бўлак илож йўқ. Нимадир етишмас эки нимадир хирароқ туюлса, хаёлан тиклашга ҳаракат қиламиз уни.

Албатта, бу жараёнларнинг мухтасар тавсифнома (стенограмма)лари билан танишасан, илк айбланувчи ҳамда оқловчиларнинг ҳеч ким, шу жумладан, Инқилбий Муваққат суд ходимлари ҳам, буларнинг бари қандай оқибатларга олиб келишини туш кўрмаётган бир пайтдаги аянчли, ҳирқироқ овозларини эшитсан, яхшироқ бўларди.

Бироқ, деб тушунтиради Криленко, мухтасар тавсифномаларни чоп этиш «ишлаб чиқариш билан боғлиқ бир қатор камчиликларга кўра ноқулай эди» (4-бет), энг қулай эса — сўзаси унинг айблов нутқлари ҳамда ўша пайтдаёқ қораловчининг талабларини ифодалай бошлаган муваққат суд ҳукми.

Яна Москва ва Олий Инқилбий Муваққат судларининг ҳужжатхоналари ҳам (1923 йилга келиб) «хйила бетартиб аҳволда бўлган» эмиш. «Бир қатор жараёнларнинг мухтасар тавсифномалари шу қадар тушуниб бўлмас даражада битилганки, кўпгина саҳифаларни ё ташлаб юборишга, ёки мазмунини хотирага таяниб тиклашга тўғри келган» (!), «бир қатор йирик жараёнлар» эса (шу жумладан — сўл эсерлар исёни, адмирал Шчестный, Англиё элчиси Локкарт иши бўйича шуғулланганлари ҳам) «ҳеч қандай мухтасар тавсифномасиз кечган» (4—5-бетлар).

Қизиқ. Сўл эсерларни ҳукм қилиш чакана иш эмасди — февраль ва Октябрь инқилобларидан кейин тарихимиздаги учинчи йирик ҳодиса, яккафирқавий тартибга ўтиш томон ташланган сўнгги, ҳал қилувчи қадам эди-ку бу! Қанча одам отувга ҳукм этилганди кейин. Мухтасар тавсифнома эса, қарангки, олиб борилмаган.

1919 йилдаги «ҳарбийлар фитнаси МФК томонидан судсиз жазоланган тартибга биноан йўқ қилинган» (7-бет), шу тахлит «исбот этилган» унинг мавжудлиги ҳам (44-бет). (Ахир бор-йўғи мингтадан сал ошироқ одам олинган эди-да кўлга — нима, ҳар бирига алоҳида иш очиш керакмиди?)

Шундан кейин ҳам гапириб кўр-чи ўша йиллардаги суд жараёнлари ҳақида батафсил, тартиб билан...

Лекин айрим муҳим қонун-қоидалар ҳақида барибир билмасак бўлади. Масалан, дея хабар беради бизга бош қораловчи, БМИҚ истаган суд ишига аралашши ҳуқуқига эга. «БМИҚнинг ўз ихтиёрига кўра авф этиш ва қатл қилиш ҳуқуқи чегараланмаган» (13-бет, таъкидлар меники.— А. С.). Масалан, олти ойга озодликдан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмининг йн йиллик жазо мuddати белгиланганки янги ҳукм билан алмаштиришга (бунинг учун эса, тайинки, бутун БМИҚ мажлисга йиғилиб ўтирмасди, ҳукмин хонасида ўтириб, айтайлик, Свердлов тўғрларди). Буларнинг барчаси, деб тушунтиради Криленко, «бизнинг тартиботимизни ҳокимият кўпчилигининг қўлида бўлиши зарур, дейдиган сохта фалсафадан», суднинг дахлсизлиги ҳақидаги алмисоқдан қолган таълимотдан «сезиларли даражада ажратиб туради» (14-бет). (Тўғри айтган эди Свердлов ҳам: «Қонун чиқарувчи ҳамда уни ижро этувчи маъмуриятларни, Мағрибдагидан фарқли ўлароқ, бир-бири-

дан ажратмай жуда тўғри қилганмиз. Бу барча масалаларни жуда тез ҳал қилиш имконини беради». Айниқса, телефон орқали.)

Бу муваққат судларда жаранглаган нутқларида Криленко шўровий судларнинг умумий вазифаларига янада кенгроқ, янада аниқроқ таъриф беради ва суд «бир пайтнинг ўзида ҳам қонун-қоидалар бунёдкори (айирмалар Криленконики)... ҳам сие сат юрги зиш қуролидир (3-бет, айирмалар меники.— А. С.), деб айтади.

Қонун-қоидалар бунёдкори — чулки, тўрт йил давомида ҳеч қанақанги жиноят мажмуаси бўлмаган эди: подшо замонидан меросларини бекор қилишди, ўзлариникини тузишмади. «Бизнинг жинойи судимиз фақат ва фақат ёзма қонун-қоидаларгагина таяниб иш кўриши лозим, деб эътироз билдирилмасин менга. Биз Инқилоб шарт-шароитида яшамокдамиз...» (407-бет). «Муваққат суд — бу адлиявий икир-чикир ва ҳйланайранглар қайта тикланиши лозим бўлган суд эмас... Биз тамомила янги ҳуқуқ ва янги ахлоқий қонун-қоидалар яратмоқдамиз» (22-бет, таъкид меники.— А. С.). «Азалий адлиявий қонун-қоидалар, адолат ва ҳоказолар ҳақида қанча гапиришмасин бу ерда — улар бизга нақадар қимматга тушганини... яхши биламиз» (505-бет, таъкид меники.— А. С.).

(Агар сизнинг мuddатларингизни бизнинг мuddатларига таққосласан, балки, у қадар қимматга тушмагандир? Азалий адолат минг қарра афзалроқдир балки?..)

Адлиявий икир-чикирлар шунинг учун ҳам ортиқчаки, айбланувчининг айбдор ёки айбсизлигини аниқлаб ҳам ўтиришмайди: айбдорлик тушунчаси, ушбу алмисоқдан қолган буржуавий тушунча, бугунги кунда тағ-томири билан кўпориб ташланган (318-бет).

Шундай қилиб, биз ўртоқ Криленкондан инқилобий муваққат суд — бу бутунлай бошқа суд эканини билиб олдик! Кейинроқ бориб эса муваққат суд — бу умуман суд эмаслигининг гувоҳи бўламиз: «Муваққат суд ишчиларнинг ўз душманларига қарши синфий кураши кураши кураши» ва у «Инқилоб мафсаалари нуқтаи назаридан... ишчи ва деҳқонлар оммасининг фойдасинигина кўзлаб» ҳаракат қилмоғи лозим (73-бет).

Одамлар — одамлар эмас, балки «муайян ғояларни муайян ҳолда ўзида ташувар шахслардир». (Айбланувчи) қандай шахсий хусусиятларга эга бўлишидан қатъи назар, уни фақат биргина нуқтаи назардан баҳолаш мумкин: синфий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан» (79-бет).

Яъни, сен яшашиг мумкин, агар бу ишчилар синфининг мақсадига мувофиқ бўлса. «Бу мақсадга мувофиқлик айбланувчининг бошини жазо шамширидан ўтказишни лозим деб топса, унда ҳеч қандай... ҳимоя воситалари ёрдам беролмайди» (81-бет), — яъни оқловчиларнинг далиллари ва ҳоказолар. «Инқилобий судимизда биз ҳар хил модда ва гуноҳни енгиллатувчи омилларга таянмаймиз; Муваққат судда фақат мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридангина иш кўрилади» (524-бет).

Кўпчилик одамлар яшаб-яшаб, фақат шу йилларга келибгина англашди ўзларининг тирикликлари мақсадга мувофиқ эмаслигини.

Яъни қуйидагича тушуниш керак бунди: айбланувчига оғир тош бўлиб у аллақачон қилган жиноятлар эмас, балки агар у вақтида отилмаса, қилиши мумкин бўлган жиноятлар тушади. «Биз ўзимизни нафақат ўтмишдан, балки келажакдан ҳам ҳимоя қилмоқдамиз» (82-бет).

Ниҳоятда батартиб ва лўнда ўртоқ Криленконинг нутқлари. Аниқ ва равшан пайдо қилади улар кўз ўнгимизда ўша йилларнинг ҳуқуқ ҳамда адлия билан боғлиқ шамоилини. Баҳорий буғланшлар оша туйқус кузга хос тиниқлик намоён бўлади. Балки шу ерда тўхтаганимиз маъқулдир? Жараёнма-жараён варақлаб чиқишимизнинг ҳожати йўқдир? Ахир барчасида ҳам мана шу қонун-қоидалар қўлланди-ку.

Кўзингизни юмиб, бир ҳали байрамонга ясатилмаган кичкинагина суд залини тасаввур қилинг-а. Ҳарбийча камзулдаги ориқчина ҳақиқатталаб муваққат суд аъзолари. Айблов ҳокими (Криленко ўзини шундай деб аташни ҳуш кўрардининг эгнида эса тугмалари солинмаган кишилик костюм, ним очик ёқасидан йўл-йўл денгизчилар кўйлаги кўзга ташланади.

Бош қораловчи фикрларини рус тилида қуйидагича ифодалайди: «мени далил масаласи қизиқтиради», «мойиллик жиҳатида аниқлик киритсангиз!», «биз бегараз ҳақиқат нуқтаи назаридангина таҳлил қиламиз». Баъзида эса лотин мақолидан

<sup>6</sup> Ленин В. И. ТАТ, 5-нашр, 36-жилд, 210-бет.

<sup>7</sup> Н. В. Криленко. Беш йил мuddат ичиде (1918—1922). Москва ва Олий Инқилобий Муваққат судларида тингланган энг йирик жараёнларда сўзланган нутқлар. М.— Пгд. Давнашр. 1923.

<sup>8</sup> М. Я. Лацис. ...Икки йиллик кураш. 46-бет.



ҳам фойдаланади (тўғри, жараёндан жараёнга фақат битта мақолни қўллади, бир неча йилдан сўнггина янгиси пайдо бўлади). Лекин шуни ҳам билганини-чи, инқилобий югур-югурлар билан бўлиб бор-йўғи иккитагина факультетни тугатган-а ахир. Нимаси билан кишини ўзига тортади, дейсизми? Айбланувчилар ҳақида доимо дилидагини айтади фақат: «Пихини ёрган аблаҳлар!», деб. Зигирча ҳам иккиюзламалик қилмайди. Дейлик, ёқмадим унга айбланувчи аёлнинг табасуми, дангал ҳам юзига айтади, дўқ-пўписа билан ва ҳатто ҳукм чиққунига ҳам қадар: «Сизга, фуқаро Иванова, бу истеҳзонгиз билан, албатта мос бирон чора излаб топамиз ва шундай қиламизки, бу табассумингиз охиригисиз бўлсин!» (296-бет, таъ-дид меники.— А. С.).

Хўш, қани, кетдикми бўлмасам?..

«Рус Ахборотномаси» иши. Бу суд сўз устидан ҳукм чиқарган энг биринчи, қалдирғоч судлардан эди. 1918 йилнинг 24 мартда бу машҳур «профессорлар» газетаси Савинковнинг «Йўлдан» номли мақоласини эълон қилди. Иложи бўлса Савинковнинг ўзини ушлаб, қора курсига ўтказишарди-ку, бироқ лаънати йўл тепди-да ишнинг белига, қаердан қидиришини энди? Шу сабаб бўлиб газетани ёпишди ва унинг пийраки муҳаррири Егоровни айбланувчилар курсисига ўтқизиб, пешонасига дўқиллатиб уришди: қандай ҳаддинг сизди? Тўрт ойдирки, Янги Тарихда яшамоқдамиз ахир, тушуниш керак эди!

Егоров эса соддадиллик билан ўзини оқлашга уринади, мақола муаллифи «кўзга кўринган сиёсий арбоб»лигини, унинг фикр-мулоҳазаларини, газета таҳрир ҳайъати уларга қўшилишлари, йўқми — қатъи назар, кўпчилик учун қизиқарли» эканини ваҳ қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Кейин у Савинковнинг: «Шуни унутмайликки, Ленин, Натансон ва К<sup>0</sup> Русияга Берлин орқали келишган, яъни немис ҳукумати уларнинг ватанларига қайтишига бевосита ёрдам кўрсатган эди», деган даъвосида ҳам ҳеч қандай тўхмат аломатларини кўргани йўқ, чунки ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган, уруш вазиятидаги Кайзер Олмониёси ўртоқ Ленинга Русияга қайтишига ёрдам кўрсатган.

Ҳеч қанақа тўхматда айбалаётганимиз йўқ (нега энди?..), деб бўкиради Криленко, газета одамлар онгига таъсир ўтказмоқчи бўлгани учун суд қилинмоқда! (Наҳотки газета ҳам олдига шундай мақсад қўйиши мумкин!)

Савинковнинг қуйидаги фикри ҳам газетачи айб сифатида тиркалмайди ҳатто: «Фақат ақли паст, хоин одамгина халқаро ишчилар синфи бизни қўллаб-қувватлайди, деб даъво қилиши мумкин», — чунки у бизни ҳали қўллаб-қувватлайди-да...

Одамлар онгига таъсир ўтказмоқчи бўлган газетачи эса қуйидаги ҳукм ўқилади: 1864 йил ташкил этилган, Уваров, Победоносцев, Столипин, Кассо ва яна бир қатор шу каби валломатларнинг истибоддини бошидан кечирган нашр бунга ул а й ё п и л с и н! (Бир мақола учун — бутунлай! Доим шундай қаттиқ туриш керак ҳоқимият тепасида!) Муҳаррири Егоровга эса... айтишга ҳам уяласан киши, аллақандай Грециядаги каби... уч ойлик қамоқ жазоси. (Агар яхшироқ фикрлаб кўрилса, уялишга ҳеч ҳам ҳожат йўқ: ахир энди ўн саккизинчи йил-ку! Омон бўлса ҳали қамашади уни тағин, ҳали кўп қамашади!)

Шуниси қизиқки, ўша суронли йиллар ҳам, худди қадимги Русия ва ҳозирги Иттифоқимиздаги каби, мамлакатда пора беришу пора олишлар оддий-одатий ҳол бўлган. Айниқса, судлов ташкилотларига кўп ташиларди бу тахлит «хайр-эхсон». Ва — тан олиш жоиз, ФКга ҳам. Тарихимиздан сўз юритувчи заррин муқовали қалин-қалин жилдлар бу тўғрида лом-мим дейишмайди, бироқ кекса кишилар — шу воқеаларнинг бевосита гувоҳлари, Сталин давридан фарқли ўлароқ, инқилобдан кейинги биринчи йилларда сиёсий маҳбусларнинг тақдирини асосан берилган поралар миқдори ҳал қилганини жуда яхши эслашади: уларни сира тортинмай қабул қилишар ва шунга қараб маҳбусларнинг тақдирини ҳал этишарди. Криленко, беш йил ичида кўрилган ишлардан атиги бир нечасини танлаб олган ҳолда, бу хил жараёнларнинг иккитаси устида батафсил тўхталади. Афсуски, Москва Муваққат суди ҳам, Олий Муваққат суд ҳам камолот сари қинғир-қийшқил йўлларни танлаган, бошдан-оёқ нопоклик нажасига беланган эди.

Косирев иши (1919 йилнинг 15 феввали). Ф. М. Косирев ҳамда унинг ҳамтовоқлари Либерт, Роттенберг ва Соловьёвлар аввал (Колчак босқинига ҳам қадар, Таёсиз Кенгаши қўшинларига қарши урушган) Шарқий фронтнинг таъминот ҳайъатида ишлаган. У ерда йўлини қилиб кунига етмиш мингдан бир миллион сўмгача пул топишгани, йўрға отларда юриб, шафқат ҳамширалари билан дон олишишгани аниқланган. Уларнинг кенгаши ўзига уй, улов сотиб олган, тикувчиларида эса «Яра» тикув машинаси бўлган. (Биз 1918 йилни бу тахлит тасаввур қилишга одатланмаганмиз, аммо Инқилобий Муваққат суд айнан шундай гувоҳлик беради.)

Лекин гап бунда ҳам эмас: уларнинг биронтасини бўлсин Шарқий фронт учун суд қилишгани йўқ, ҳатто кечиртишди бу гуноҳларининг барчасини. Шуниси ажабланишликки, таъминот кенгаши тарқатилгани билан улар тўртовлон собиқ сибирлик дайди, Косиревнинг жинойий каторга бўйича ҳамтовоғи Назаренко билан бирга МФКнинг тафтиш ва назорат кенгаши ҳайъатини бошқариш учун тақлиф қилинишган!

Бу ҳайъатнинг вазифаси эса қуйидагидан иборат эди: у МФКнинг барча бўлак маҳкамалари фаолиятини текширувдан ўтказиш воқолатига, исталган ишни исталган босқичдан қайта қайтариш ва МФК Кенгашидан бўлак барча МФК маҳкамаларининг ҳукмларини бекор қилиш ҳуқуқига эга эди!!! (507-бет) Ҳа, чакана эмас! — Кенгашдан кейин МФКдаги иккинчи ҳоқимият! — Держинский — Урицкий — Петерс — Лацис — Менжинский — Ягодалар ортидаги қатор!

Шунга қарамай, ҳамтовоқларнинг турмуш тарзи ўзгаришсиз қолаверди, улар зигирча ҳам кеккайишмади, димоқ-фироқ қилишмади: «коммунистик ташкилотга ҳеч қандай алоқаси йўқ» аллақандай Максимич, Лёнька, Рафаилский ҳамда Мариупольскийлар билан шахсий хонадонларда ва «Савой» меҳмонхонасида «данғиллама зиёфатлар» уюштиришди, «уларда қимор (довда минг сўмлаб пул), ичкилик ва бузук аёллар ҳоқимлик қилишди». Косирев эса бу данғиллама зиёфатларни ташкил этибгина қолмай (ҳар бирига етмиш минг сўмдан харажат қилиб!), унга МФКдан кумуш қошиқ, кумуш пиёлаларни (МФКга қаердан келди экан улар?..), ҳатто оддий стаканларни ҳам ташиб келтиришдан ҳазар қилмади. «Мана, нимага қаратади у асосий диққат-эътиборни, мана, нима олади у ўзи учун инқилобий жараёндан». (Олган поралари ҳақидаги аввалги кўрсатмаларидан бош тортар экан, бу етакчи фавуқлодда коммиссар Чикаго банкидаги икки юз минг сўм... ота-бобомдан қолган мерос, деб алдашдан ҳам қайтмади!.. Чамаси, у бунинг умумжаҳон инқилоби қатори табиий бир ҳол деб ҳисобларди.)

Хўш, исталган шахсини ҳисба олиб, исталганини озод этиш ҳуқуқидан қандай қилиб унумли фойдаланса бўлади? Чамаси, бунинг ягона йўли — кўз остига тухуми тилла балиқларни олиш, бунақаб балиқлар эса 1918 йил тўрларида чакана эмасди. (Ахир инқилоб жуда шошмашошарлик билан амалга оширилган эди, тикилинида оқбилал хонимчалар қанчадан-қанча қимматбаҳо тош, тақинчоқ, билагузук, узук ва сирғаларни бекитишга улгуришганини, табиийки, ҳеч зот пайкамган.) Кейин эса қандайдир учинчи шахс орқали ҳисба олинганларнинг қариндош-уруғлари билан алоқа ўрнатиш талаб этиларди.

Мазкур жараёнда худди шундай шахслар билан ҳам танишиш мумкин. Мана, Успенская шарифли йигирма икки яшар ёшгина қиз, у Петербург гимназиясини тамомлагач, олий билим юртига киролмади. Шу орада инқилоб юз бериб, Шўролар ҳукумати ўрнатилди ва ўн саккизинчи йилнинг баҳорида Успенская МФКга айғоқчи сифатида ишга қабул қилишларини сўраб келди. Ташқи кўриниш жиҳатидан у жуда мос эди бу ишга, шу боис дарров қабул қила қолишди.

Айғоқчилик (у пайлар — хуфия ҳамкорлик)ни Криленко қуйидагича таърифлайди: «Биз бунинг зигирча ҳам уятли деб ҳисобламаймиз, аксинча, биз бунга бурч сифатида қараймиз... бунинг асло уятли жойи йўқ; киши бунинг инқилоб манфаатлари учун сув билан ҳаводек зарурлигини тан олдики — тамои, бориши керак шу йўлдан» (512-бет, сўзларни мен ажратдим. — А. С.). Бироқ таассуфки, Успенская сиёсий жиҳатдан бевовод экан! — мана, нимаси даҳшатли. У тўғридан-тўғри шундай деб жавоб берди: «Фош қилинган ишларнинг маълум ҳақини менинг номимга ўтказишга» ва яна ким биландир (Муваққат суд уни четлаб ўтади, номини тилга олишни лозим топмайди) «теги бўлишишга» ваъда беришгани учун ҳам розилик билдирдим». Узининг сўзлари билан эса Криленко бунинг қуйидагича таърифлайди: Успенская «МФК хо-



дими сифатида рўйхатда йўқ, у шартномага биноан қилган ишга қараб донабай ҳақ оларди» (507-бет). Қизнинг хатти-ҳаракатларини, оддий инсон сифатида уни тушунган ҳолда, Криленко қуйидагича баҳолайди: «У пул санамасликка одатланган эди, нима унинг учун БХХК (Бутунрусийе Халқ Хўжалик Кенгаши)даги беш юз сўм маош, биргина ҳуфия товламачилик (савдогарга муҳрланган дуконини очиб бериш) етти минг сўм, ҳибсга олинганнинг хотини билан тузилган «битим» эса — ўн етти минг сўм нақд фойда келтириб тургач». Қолаверса, Успенская оддий айғоқчи сифатида унча кўп ишламади, йирик фавқулодда комиссарлар ёрдамида у бир неча ойдан сўнг фирқа аъзолигига қабул қилинди ва терговчи этиб тайинланди.

Келинг, яхшиси, ҳикоя қилишга киришган воқеамизга қайтсак. Йирик корхона эгаси А. П. Мешчерский шўролар ҳукумати (Ю. Ларин) билан иқтисодий музокараларда ён беришга кўнмаганлиги учун ҳибсга олинди. Унинг хотини Е. И. ни эса шотирлар қимматбаҳо тош ва пул илинжида товлан бошлаган, ўз оёқлари билан унинг уйига келиб, эрининг аҳволи кундан-кунга мушкуллашаётганини уқдиршган, ўз ёрдамларини тақлиф қилишган. Бу бир неча кун давом этган. Охири Мешчерская-Гравс номлоғ ўзи бориб етказган бу товламачилик тўғрисида (яна ўша аввал ҳам бир марта порохўр терговчиларнинг шўрига шўрва тўккан адлия маслаҳатчиси Якулов орқали, чамаси, бутун ишчилар синфи суд тартиботига синфий нафрати бўлган унинг). Муваққат суд раиси ҳам синфий хатога йўл қўйган: ўртоқ Держинскийни бу ҳақда огоҳлантириш ва барча масалаларни имижимида, дўстона ҳал этиш ўрнига Мешчерскаяга ҳисоб рақамлари рўйхатдан ўтказилган бир даста пул бериш ва унинг уйига, махсус парда ортига мухтасар тавсифномачи котиба қизни ўтказиб қўйиш ҳақида фармойиш берган. Мешчерскаянинг ҳузурига савдолашиш учун Косиревнинг Гodelюк исмли жонахон оғайини келган (олти юз минг сўм талаб қилган!). Гodelюкнинг Косирев, Соловьёв ва бошқа комиссарлар номидан илган қасамлари, МФКда ким неча минг сўмдан пара олиши ҳақидаги барча ҳикоялари қоғозга туширилган, худди мана шу тавсифнома «гувоҳлигида Гodelюк Мешчерскаядан озроқ (хамир учидан патир) пул ундирган, эвазига эса тафтиш ва назорат ҳайъати, Либерт ҳамда Роттенберг имзолаган МФКга кириш учун бир неча рухсатнома берган (у ерда, ФКда, савдони яна давом эттириш кўзда тутилган). Чиқаетиб эса шартта қўлга олинган. Тўполонда ўзини йўқотиб, кўрсатма бериб юборганини ҳам пайқамган. (Мешчерская эса бу вақт ичида тафтиш ва назорат кенгашида бўлишга улгурган, эрининг иши текширув учун алақачон кенгаш томонидан сўраб ҳам олинган.)

Аммо нима дегани бу? Ахир бу тахлит фоз этиш ФКнинг пахтадайн оппоқ либосига рағ теккизмайдими? Москва Инқилобий Муваққат суди расининг эси жойидами ўзи? Нималар қияпти у?

Маълум бўлишича, шунақа вақт экан ўзи у пайтлар — муаззам Тарихимиз қатламларида биздан тамомила яшириб келинган вақт! Маълум бўлишича, ўз фаолиятининг биринчи йили ФК ҳатто ишчилар синфи фирқасида ҳам ёқимсиз таассуротлар уйғотган. МФК ташкил этилганига бир йил тўлиб-тўлмай, Криленконинг ёзишича, «суд ва унинг вазифалари ҳамда ФКнинг суддан ташқари вазифалари ўртасида низо...» пайдо бўлган. Бу «низо ўша пайтлар фирқа ва ишчи ноҳияларини икки қарама-қарши гуруҳга бўлиб қўйган» (14-бет). Шунинг учун ҳам Косирев иши дунёга келиши, ҳатто умумдавлат аҳамиятига молик даражага ҳам кўтарилиши мумкин эди.

Қутқариш зарур эди МФКни! Қутқариш! Соловьёв Муваққат суддан ўзини Таганка қамонхонасига (минг афсус, Лубянкага эмас) — Гodelюкнинг олдига суҳбатлашиш учун киритишларини сўрайди. Муваққат суд рад этади. Шунда Соловьёв Гodelюкнинг бўлмасига ҳеч қанақа муваққат суд рухсатисиз ҳам киришга йўл топади. Тасоидифни қарангки, худди шу пайтнинг ўзида Гodelюк қаттиқ оғриб қолади, ҳа. («Бунга Соловьёв сабабчилиги ҳақидаги тахминлар мутлақо асоссиз», дея унинг иззатини жойига қўяди Криленко.) Гodelюк қазо кунни яқин қолганини ҳис этаётганини вақт қилиб, барча гуноҳларидан пушаймон бўла бошлайди, шу жумладан, ФКга ёлғон гувоҳлик берганидан ҳам. Қоғоз-қалам сўраб, берган барча гувоҳликларини инкор этади: Косирев ва бўлак комиссарлар ҳақида нима деган бўлсам — бари

ёлғон, парда ортидан туриб қоғозга туширилган гаплар ҳам туҳмат!

О, нақадар ажойиб мавзулар! О, қани кўрса эди буни Шекспир! Деворлар бағрини ситиб, ўтиб келаётган Соловьёв, бўлмадаги хира соялар, дармонсиз қўллари билан ўтмишидан воз кечаётган Гodelюк — инқилобий йиллар ҳақида баҳс этувчи бугунги кино, бугунги сахна асарларида эса нуқул байроқ кўтариб у ёқдан бу ёққа чопишади, «Душманлар қуюндек бошимизда чарх урар...» қўшигини томоқ йиртиб куйлашади...

«Рухсатномаларни-чи, ким унга ёзиб берган?», дея оёқ тирайди Криленко, осмондан тушагандир ахир улар Мешчерскаянинг қўлига? Йўқ, қараловчи: «Соловьёв бу ишга шерик, демоқчи эмас, зеро... бунга етарли далил-исботлар ҳам йўқ», бироқ у тахмин қиладики, «озодликда қолган шахслар ҳам» Соловьёвни «мажбурлаб» Таганкага жўнатган бўлишлари мумкин.

Айни пайти эди-я ҳозир Либерт билан Роттенбергларни сўроқ қилишнинг, қақирилган ҳам эдилар-а улар судга! — бироқ келишмади! Ҳа, ҳа, келишмади, бош тортишди очикдан-очик. Унда Мешчерскаяни сўроқ қилинглари!... Аммо, не ажабки, бу танноз оқбиллак оймича ҳам Инқилобий Муваққат судга келмасликка журъат этдилар!

Порохўрлар тузоққа илиншигач, Мешчерскийни Якулов кафиликка олган ва уни озодликка чиқаришган эди, бироқ у хотинини олдию Финлондиёга қараб жуфтакни ростлади. Якуловни эса Косирев устидан жараён бошланганига ҳам қадар мамнуъти билан қамоққа тиқишди — чамаси, ўша кафилик сабаб ёки қонхўр илон сифатида. Судга уни соқчилар кузатувида олиб келишарди, демак, кўп ўтмай орадан отиб ҳам ташлашган. (Биз эсак ҳануз ҳайронмиз: қандай қилиб бу даражага борилди, нега ҳеч ким курашмади?)

Гodelюк эса воз кечдию дорилбақога равона бўлди. Косирев эса балога ҳам иқрор бўлгани йўқ! Соловьёв ҳам зиғирча гуноҳкор эмас! Гувоҳлик бериши мумкин бўлган одамлар эса келишмади...

Бироқ қанақанги гувоҳлар ўз оёқлари билан келишди Муваққат судга! — МФК расининг ўринбосари ўртоқ Петерс ва ҳатто шахсан Феликс Эдмундовичнинг ўзлари. Унинг фидойи кишилирга хос чўзинчоқ қарамағиз юзи донг қотган муваққат суд ҳайъатига қаратилган ва у мутлақо беайб Косирев фойдасига сидқидилдан гувоҳлик бермоқда, унинг юксак маънавий, инқилобий хусусиятлари ва ниҳоятда ишбилармонлигини алоҳида таъкидламоқда. Мазкур гувоҳлик мазмуни, афсуски, китобда айнан келтирилмаган, бироқ Криленко ўларни қуйидагича таърифлайди: «Соловьёв билан Держинский бири олиб, бири қўйиб Косиревнинг ажойиб хислатларини таърифлашди» (522-бет). (Эҳ, тўпори прапорщик\* -а! Йигирма беш йилдан кейин эслатиб қўйишади сенга ҳали ушбу жараённи! Держинский нималар дейиши мумкинлигини эса фаҳмлаш, менимча, мушкул эмас. Косирев — душманга бешафқат, темир иродали инсон; у — ажойиб ўртоқ Қалби қайноқ, ақли пеш, қўли ҳалол комиссар.

Туҳмату бўҳтонлар пардаси оша мард ҳамда фидойи Косирев сиймоси намоён бўлади кўз ўнгимизда. Бунинг устига, таржимаи ҳоли ҳам унинг нақадар метин ирода эгаси эканлигини исботлайди. Инқилобга қадар у бир неча бор судланган — асосан қотиллик учун; ўғрилиқ мақсадида (Костромада) Смирнова исмли бир кампирнинг уйига алдов билан бостириб кирган ва уни ўз қўли билан бўғиб ўлдирган. Сўнг ўз падарига суиқасд қилгани ва ҳужжатларига эғалик қилиш мақсадида ҳамтовғини нариги дунёга жўнатгани учун ҳукм этилган. Бўлак ҳолларда эса — қаллоблик, товламачилик учун. Қисқаси, у умрининг жуда кўп қисмини ҳибсда ўтказган (тушунса бўлади унинг яхши ҳаётга бўлган иштиёқини!), фақат чор ҳукуматининг авфи умумийлигига жониға оро қирган ҳар сафар.

\* Прапорщик — чор Русийеи қўшинидаги энг кичик сипоҳий унвон (тарж.)



Шу ерга келганда энг катта фавқуллода комиссаризмининг ҳақғўй овози қораловчининг бўлиб, унга мазкур ҳукмларнинг барчаси буржуа зодагонлар тартибига тааллуқли эканлигини ва бизнинг янги хилдаги жамиятимиз томонидан асло инобатга олинмаслигини ўқидирди. Бироқ нима бўлди бу? Бетамиз прапорщик бунга жовобан Инқилобий муваққат суд айблов минбаридан туриб шунақанги гоёвий жиҳатдан бузуқ сафсатани тахлаб ташладик, уни муваққат суд жараёнларининг мазкур батартиб, изчил баёнида келтиришга ҳам уяласан киши:

«Эски чор судидаги ягона ишонса бўладигани — бу маслаҳатчилар иштирокидаги суд эди... Маслаҳат суди қарорини қомил ишонч билан қабул қилса бўларди доим, шунга қарамай, унинг фаолиятида ҳам айрим нуқсонлар учраб турарди» (522-бет).

Бу гапларни айнан ўртоқ Криленкодан эшитиш яна шу сабабдан ҳам ачинарлики, бундан уч ой бурунги хуфия айғоқчи Роман Малиновский (жиноятлари учун тўрт марта судланганига қарамай, Ленин томонидан ниҳоятда ардоқланган, МҚҒга сайловсиз қабул қилиниб, Думага вакил сифатида юборилган шахс) иши қўрилган жараёнда Айблов Ҳокими синфий жиҳатдан беғидир нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилган эди:

«Бизнинг назаримизда содир этилган ҳар қандай жиноят ижтимоий тузум меваси ҳисобланади ва шу маънода капиталистик жамият ёки чор судлов тартиботи томонидан босилган «жиноятчи» тамғаси кишига бир умрлик ювиб бўлмас доғ бўлиб тушолмайди... Сафимизда елкама-елка туриб курашган шу тахлит ўтмишга эга ўртоқлардан истаганча мисол келтириш мумкин, бироқ биз ҳеч қачон уларни орамиздан даф қилишимиз керак, деган хулосага келмаганмиз. Бизнинг қоидаларимиздан хабардор одамга, агар ўтмишда судланган бўлса ҳам у, инқилобчиларимиз қаторидан ўрин олишига ҳеч нарса моневълик қилмайди...» (337-бет, таъкид меники.— А. С.).

Мана, қандай фирқавий тарзда баҳолаш кудратига эга эди ўртоқ Криленко! Бу ерда эса аксинча, унинг норасо фикрлаши натижасида Косиревнинг мард ва фидойи шамойили анча хира тортиди. Оқибат, муваққат судда шундай бир вазият юзага келдики, ўртоқ Дзержинский қўйидаги гапларни айтишдан ўзга илож тополмади: «Хаёлимдан бир дақиқа (атиги бир дақиқагина, ҳоло! — А. С.) фуқаро Косирев кейинги пайтлар Фавқуллода Комиссия теварағида ниҳоятда авж олган сиёсий эҳтирослар қурбони бўлмаптимики, деган фикр кечди».

Дарров ўзини оқлашга тушди Криленко: «Мен ҳеч қачон мазкур жараён Косирев ва Успенская устидан эмас, ФК устидан бўлишини истамаганман, истамайман ҳам. Мен буни нафақат истамаслигим, балки бунга қарши жон-жаҳдм билан курашим ҳам даркор!.. Фавқуллода Комиссия бошига энг масъулиятли, энг ҳалол ҳамда синашта ўртоқлар тайинландилар ва улар, айрим майда нуқсонларга йўл қўйиш эҳтимоли билан бўлса-да, инқилоб душманларига қарши курашишдек мушкул вазифани ўз зиммаларига олдилар... Бунинг учун Инқилоб уларга раҳмат айтмоғи даркор!.. Мен буни яна бир бор алоҳида таъкидлайман, токи ҳеч ким менга: «У сиёсий хоинлик кўчасига кирди», деб маломат қилолмасин» (509—510-бетлар, таъкидлар меники.— А.С.). (Лекин барибир маломат қилишди!..)

Мана, қандай тўғ устида турган эди Бош Қораловчи! Бироқ, чамаси яширин ташкилотлар замонидан мерос қандайдир алоқалари бўлган унинг масъул шахслар билан (бир учи Ленинга ҳам бориб тақаларди бу алоқаларнинг) ва улардан ўзининг эртаси ҳақида муттасил равишда хабар олиб турган. Бу бир неча жараёнларда аниқ сезилади, шу жумладан, мазкур жараёнда ҳам. Етар! МФКни тийиб қўйиш фурсати етди! — деган қандайдир шабада кезиб юрган 1919 йил бошларида. Мазкур тарихий оралиқ «Бухариннинг мақоласида ҳам жуда аниқ ўз аксини топган, айниқса, унинг қонуний инқилобийлик ўрнида инқилобий қонунийлик шаклланиши даркор, деган сўзларида».

Қаёққа қараманг, фалсафа! Отилиб чиқади охири Криленконинг бўғиздан ҳам: «Инқилобий Муваққат суд фавқуллода комиссиялар ўрнини эгаллаши керак». (У р н и н ? ? . ) Ҳа, у «қўрқув, даҳшат солиш ва қирши маъносиде худди Фавқуллода Комиссия бажарган вазифаларни ундан қолишмай... амалга оширишга даркор» (511-бет).

Б а ж а р г а н вазифаларни?.. Кўмиб қўямдими у бутунлай ФКни?! Кечирасиз, сиз — ҳўп, ФК ўрнига, чекистлар-чи, улар

қаёққа? Ваҳимали кунлар! Дзержинскийдек гувоҳ билан ҳам шошиқ қолиш ҳеч гап эмас.

Балки сиз таянаётган манбалар сохтадир, а, ўртоқ Криленко? Ҳа, Лубянка осмонини қора булутлар қоплаган эди буткул шу кунлар. Мазкур китобнинг мавзуси ҳам ўзгариб кетиши мумкин эди сал бўлмаса. Бироқ менинг тахминимча, темир Феликс Владимир Ильич ҳузурига бирров кириб чиққан, гаплаган, тушунтирган. Ва қора булутлар тарқаган-кетган. Фақат икки кундан сўнг, 1919 йилнинг 17 февралига, БМИҚнинг маҳсул қарорига биноан ФК ўзининг суд қилиш (ҳа, демак, бўлак ҳуқуқлари қолдирилибди-да?) ҳуқуқидан маҳрум этилган, — «тўғри, кўпга эмас» (14-бет)!

Бизнинг бир кунлик таҳлилимиз эса бетавфиқ Успенская судда ўзини ниҳоятда ёмон тутганили боис янада чигаллашди. Ҳатто қора курсидан туриб у жараёнга жалб этилмаган бир қанча таникли инқилобчиларни, ҳаттоки шахсан ўртоқ Петерснинг ўзини «бўхтонга белаб» ташлади! (Маълум бўлишича, қиз унинг пок номидан ўзининг қора ниятлари йўлида фойдаланган: ахир у Петерс ўз хонасида қўли остидагилар билан суҳбат ўтказётган пайтлар жимгина тинглаб ўтирарди бир чеккада. (Бу ҳам етмагандек, энди у ўртоқ Петерснинг инқилобдан бурунги Ригада содир этган аллақандай қора ишларига шаъма қилмоқда. Қаранг-а, қандай захарли илонга айланган у ўтган саккиз ой ичида (бу саккиз ойни бевосита Инқилоб Посбонлари қўйнида ўтказганига ҳам қарамай)! Нима қилиш керак-а уни? Бунга келганда Криленко билан Фавқуллода Комиссия ходимларининг фикри бир ердан чиқди: «Токи мустаҳкам тартиб ўрнатилмас экан, бундай бўлишига эса ҳали анча бор (?наҳотки?)... Инқилоб мудофааси манфаатларида... — Успенская учун фақат биргина жазо мавжуд: йўқ қилиш уни». Отиб ўлдириш ҳам эмас, айнан йўқ қилиш! Ахир қиз ҳали жуда ёшқу, ўртоқ Криленко! Ун йил беринг ҳеч бўлмаса, ҳўп, майли — йигирма беш йил, унчага мустаҳкам тартиб ўрнатилиб қолар ахир? Таассуфки: «Жамият ҳамда Инқилоб манфаатлари йўлида бўлак чора йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳеч қандай ҳибс чоралари айни ҳолда ёрдам бермайди» (515-бет)!

Тўс-тўполонини чиқарди ҳамма ёқнинг... Демак, кўп нарсани билади...

Косиревни ҳам қурбон қилишга тўғри келди. Отиб ташлашди. Эвазига эса бошқалар қолишди бутун.

Наҳот қачонлардир насиб этади бизга эски Лубянка ҳужжатларини ўқиш? Йўқ, ёқиб юборишади. Ёқиб юборишган аллақачон.

Ўзингиз кўрдингиз, китобхон, бу жуда кам аҳамиятга молик жараён эди ва унда у қадар батафсил тўхталмаса ҳам бўлаверарди. Мана

«**Руқонийлар**» иши (1920 йилнинг 11—16 январи). Криленконинг фикрича, «рус инқилоби солномаларида муҳим ўрин» тутажак. Қаранг-а, солномаларда-я. Бўлмаса-чи, Косиревнинг паттасини бир кундаёқ қўлига тутқизишган эди, улар билан эса роппа-роса беш кун овора бўлишган.

Мана, асосий айбланувчилар: А. Д. Самарин — Русийега маълум ва машҳур шахс, собиқ Синод бошлиғи, черковни чор ҳуқуқматидан айириш жонкуяри, Распутинга нисбатан душманона кайфиятда бўлганлиги учун лавозимдан четлатилган (бирок қораловчининг фикрича, Распутиннинг ҳам, Самариннинг ҳам ораларида фарқ йўқ, бир гўр иккалови); Кузнецов, Москва дорилфунунида черков ҳуқуқидан дарс берувчи домла; Москва протоиерийлари Успенский ҳамда Цветков. (Қораловчи Цветков хусусида: «Тақводорлар орасидан чиққан жамоат арбоблари ичида энг оқили, саховатлиси.»)

Мана, уларнинг айблари: «Тақводорлар Бирлашган Москва Кенгаши»ни тузишган улар, Кенгаш эса ўз навбатида (қирқ ёшдан саксон ёшгача бўлган ҳудожўйлар сирасидан) патриархни қўриқловчи (тайинки, қуролсиз) кўнгилли бўлишга ташкил қилди ва қўйидаги вазифа билан уларни мунтазам кундузги-тунги навбатчиликка тасниф этди: патриарх ҳаётига ҳуқуқат дахл қилгудек бўлса, шу заҳотиёқ бутун халқни оёққа тургазиб, уни олиб кетишган томонга бошлаш ва Халқ Комиссарлари Кенгашидан патриархни озод этишларини сўраш (мана сизга ҳақиқий аксилинқилобийчилик!)!

Нақадар кўҳна ва муқаддас рус одати бу! — бонг овози билан оёққа қалқиб, ҳуқуқат қошига бош уриб бориш!..

Қораловчи эса сира тушунолмади: қанақа хавф-хатар туғи-



лиши мумкин патриарх учун? Нимага керак уни қўриқлаш?

Чиндан ҳам, икки йилдирки, жимида тинчитаётган, тўрт нафар қизил аскар Киевада митрополитни нариги дунёга жўнатган, патриархнинг эса «иши аллақачон кўрилиб, Инқилобий Муваққат судга топширишга қолган» ва «фақат кенг ишчи-деҳқонлар оммаси ҳали-ҳануз диний-хурофий ақидалар исканжасида бўлган учунгина биз бу синфий мухолифларимизга ҳозирча тегмаётган» (67-бет) бир пайт қанақа хавф-хатар ҳақида гап бўлиши мумкин патриарх учун? Православларнинг ташвишланишларига на ҳожат? Утган икки йил давомида бир дақиқа ҳам тек турмади патриарх Тихон — халқ комиссарлари, руҳоний ҳамда тақводор доираларга муттасил равишда мурожаатномалар юбориб турди; бу мурожаатномалар (мана сизга дастлабки қўлаки нашр!) босмаҳоналар томонидан қабул қилинмас, ёзув мосламаларида кўпайтирилиб, тарқатилар эди: шунингдек, у қанчадан-қанча бегуноҳ бандалар қирилиб кетатётгани, мамлакат кундан-кунга хонавайрон бўлаётганини аямай фош этди — шундай бўлгач, унинг нимасига ҳам ташвишланиш мумкин?

Бу эса — судланувчиларнинг иккинчи айби. Бутун мамлакатда черков мол-мулкни рўйхатга олиш ва давлат тасарруфига ўтказиш (ибодатхоналарнинг ёпилиши, черков ихтиёридаги ерларнинг тортиб олиншидан ташқари бу, идиш-товоқ, ҳар хил патнису қандиллар ҳақида гап) тадбирлари кетмоқда-ю, тақводорлар Кенгашни барча ҳудожўйлари бунга қарши оёққа туришга чорлаб, бонг чалиб ўтирибди. (Ахир бу табиий ҳол-ку! Татарлар босқинидан ҳам ибодатхоналаримизни шу тахлит ҳимоя қилган эди-ку!)

Ва ниҳоят, уларнинг учинчи айблари: Халқ Комиссарлари Кенгашига черков хизматчиларини хўрлаган маҳаллий ходимлар ҳақида, динни оёқости қилиш ва виждон эркинлиги қонунини бузиш ҳоллари хусусида муттасил равишда шикоят йўллаб туришган. Бу шикоятлар (ХКК иш бошқарувчиси Бонч-Бруевичнинг кўрсатмаларига биноан) асло қондирилмас-да, маҳаллий ходимларнинг обрўсига путур етказган.

Мана, танишиб ҳам чиқди айбланувчиларнинг гуноҳлари билан. Хўш, қандай жазога мустаҳкам уларнинг бу даҳшатли, ёвуз қилмишлари? Наҳот шипшимаётган бўлса инқилобий виждонингиз? Ҳа, фақат отиб ўлдириш жазосига! Худди шуни талаб қилди Криленко ҳам (Самарин ҳамда Кузнецов учун).

Бироқ лаънати қонунчиликка берилиб, сон-саноқсиз буржуа оқловчиларининг узундан-узоқ (айрим камчиликларга кўра тавсиф этилмаган) нутқларини тинглаб тугатганимизча, маълум бўлдики, ўлим жазоси...бекор қилинибди! Ана холос! Йўғ-э, бўлиши мумкин эмас, қандай қилиб? Ҳа, маълум бўлишича, Держинский МФКга (наҳотки? ФК — қатл жазосисиз?) шундай буйруқ бериди. ХКК Муваққат судларига-чи, уларга ҳам шундай буйруқ берилганми? Йўқ ҳали. А-ҳа. Зумда жойига тушди Криленконинг кўнгли. Куйидаги далиллар билан уларни отиб ўлдириш жазосига ҳукм этишларини қаттиқ туриб талаб қила бошлади:

«Бу тахлит шахслар солиши мумкин бўлган хавф эҳтимоли кундан-кунга йўқолиб, Жумҳуриятдаги вазият тобора ўнгланиб бораётган эса-да, тикланиш ишлари авж олдирилаётган айни маҳалда... ҳар хил эски буқаламун-арбоблардан... тозаланиш... амалга оширилиши шарт бўлган инқилобий зарурият, деб ҳисоблайман». «МФКнинг ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қарори билан... Шўролар ҳукумати сўзсиз фахрланади». Бироқ: бу «Шўролар ҳукуматида ўлим жазоси буткул, бир умрга бекор қилинди, деган гап эмас» (80—81-бетлар).

Нақадар ажойиб башорат! Тиклашади қайта ўлим жазосини, жуда ҳам тез қайта тиклашади! Ахир ҳали қанчадан-қанча мардумни жўнатиш зарур дорилбакога! (Криленконинг ўзини ва унинг кўпплаб ҳамфиқрларини ҳам шу жумладан...) Ноилож кирди унинг гапига муваққат суд, Самарин билан Кузнецовни отиб ўлдиришга ҳукм этди, бироқ яқинда эълон қилинган авфи умумийга мослаб: умумжаҳон империализми устидан тўла ғалабага эришилгунига қадар махсус қамоқхонага ҳибс этилсин! Тирик бўлишганида ўтиришармиди бугун ҳам ўша ерда...! «Тақводорлар орасидан чиққан...ларнинг энг оқили»га эса ўн беш йил (авфи умумийга кўра беш йил) ёпиштиришди.

Шунингдек, «ашёвий далил» сифатида жараёнга жалб этилган бўлак айбланувчилар ҳам мавжуд эди: 1918 йил ёзидаги Звенигород воқеасига асосан айбланувчи, бироқ орадан бир

ярим йил ўтганига ҳам қарамай ҳануз ҳукм этилмаган (балки ҳукм этишгандир ҳам, ким билсин буни; лекин яна бир марта ҳукм этишса тешиб чиқмайди-да) звенигородлик руҳоний ва муаллимлар. Уша ёз Звенигород ибодатхонасининг нозир руҳоний Иона қошига шўро ходимлари келиб, авлиё Савванининг ибодатхонада сақланувчи қоқланган жасадини топшириши («Тез! Тезроқ қимирланг!») талаб қилишган. Шўро ходимлари ибодатхонада (чамаси, меҳробда ҳам) фақат чекибгина қолмай, бош кийимларини ҳам ечишмаган, ходимлардан бири эса Савванининг бош чаноғини қўлига олиб, ўргилдим сендақа авлиёдан, дея унга туфлай бошлаган. Шунингдек, бўлак куфрликлар ҳам бўлган. Оқибат — бонг урилиб, халқ оёққа турган, шўро ходимларидан бири ўлдирилган. Қолганлари эса кейин тонишган куфрлик қилганимиз ҳам, туфлаганимиз ҳам йўқ, деб. Криленкога эса шу даъвонинг ўзиёқ кифоя эди.

Кимнинг ёдида йўқ дейсиз бу каби саҳналар? Мана, болагимнинг илк таассуроти, уч-тўрт ёшларда эдим чамаси ўшанда: Кисловодск черковига узунбошлар (будёновка кийган шотирлар) бостириб киришган, донг қотган ҳудожўйлар сифини ёриб ўтиб, ибодатни ҳам бузганча, қалпоқларини ечмай, тўппа-тўғри меҳробга кириб кетишганди.

Бундан чиқди, ўша... шўро ходимларини суд қилишибди-да, а? Йўқ, ўша руҳоний-тақводорларни.

Биз китобхонинг яна шу нарсани назардан қочирмаслигини истардик: 1918 йилдаёқ бизнинг суд тартиботимизда шундай бир анъана юзага келган эдики, унга биноан Москвада кечган ҳар қандай жараён (албатта, ФК фаолияти кўрилган ноҳақ жараёндан ташқари) асосатан содир этилган маълум кор-ҳол устидан қилинган ҳукм сифатида эмас, йўқ: бу — судлов сиёсатимиз ютуғи; бу — ойнаванд пештахта ичига харидор кўзини ўйнатиш мақсадида қўйилган мева мисол энг сара намуна; бу — муаллим ўқувчиларига янги дарсни тушунтиргач: шунга қараб бош қотирасизлар, дея хаттахтада ишлаб кўрсатадиган намунавий мисол, деб эътироф этилар эди.

«Руҳонийлар иши» дейилганми, демак, барча-барча руҳонийларни тушуниш керак бунда. Қолаверса, Бош Қораловчи ҳам таъкидлайди: «Жумҳуриятдаги даярли барча Муваққат судлар» шу каби ишларни «кўра бошлади» (61-бет). Яқиндаги бундай ишлар Северодвинск, Твер, Рёзон Муваққат судларида, Саратов, Қозон, Уфо, Солвичегодск ва Царёвококшайск шаҳарларида кўрилди. Асосан, руҳонийлар, диний оятларни куйловчи оқинлар ва фаол ҳудожўйлар — «Октябрь инқилоби томонидан озод этилган православ черкови»нинг кўрнамак вакиллари суд қилинишарди.

Ҳойнаҳой, китобхон эътироз билдирар: ушбу жараёнлар Москва жараёнлари бошланмай туриб бўлган экан-ку, деб. Тан оламиз, китобимизнинг жузъий камчилиги бу. Озод қилинган черковни судли ва судсиз таъқиб этиш 1918 йилдаёқ бошланган, Звенигород воқеасига қараганда, ўша пайтдаёқ жиддий тус олган эди. 1918 йилда патриарх Тихон ХККга ёзади: черковларда эмин-эркин хутба тушириш имконияти ҳам йўқ, «қаршилик кўрсатишга ўзида куч топган руҳонийлар қон қушимоқда... Сизлар мўминлар томонидан асрлар давомида тўпланган мулкка дахл қилдингиз, марҳумлар иродасига қарши оёқ қўйишдан ҳам тоймадингиз». (Халқ комиссарлари, тайинки, бу мактубни умуман ўқишмаган, иш бошқарувчилар эса ўқиб юмалаб қолгунча хахолошган: қўрқитиш учун топган баҳонасини қаранг, марҳумлар иродаси эмиси! Тупурдик ўша аждодларимизга! — биз учун ёлғиз келажак авлодгина муҳим!) «Аллақандай мумжал, ноаниқ аксинлиқобчиликда айблаб, епископларни, руҳонийларни, монах ва монах аёлларни қатл қилишмоқда». Тўғри, Деникин билан Колчак босқини бошлангач, қирғинни тўхтатиб, ҳудожўйларга инқилобни ҳимоя қилишлари учун имконият яратиб беришди. Бироқ Фуқаролар уруши олови сўна бошлаши билан яна ёпишишди черковга, муваққат судлар тегиримонидан обдон эзгилашгач, ниҳоят, 1920 йили авлиё Сергей ибодатхонасига ҳужум қилишди,

«Маънавий жиҳатдан туйқус қайта туғилиб, бор-йўғини гадоларга бўлиб берган ва тарки дунё қилган» собиқ гвардиячи-кавалергард (чор кўшинида: оғир кавалерия полкининг сипоҳийси. — Тарж.) Фиргуф; «чиндан ҳам бор-йўғини бўлиб берганми у, бўлиб бермаганми, — бу менга қоронғу». Йўғасам-чи; агар инсоннинг маънавий жиҳатдан қайта туғилиши мумкин бўлса, унда синфлар ҳақидаги таълимотдан нима қолади?



у ердан ашаддий миллатчи Сергей Радонежскийнинг суякларини олиб, Москва музейига қўйишди.

Патриарх Ключевскийдан мисол келтиради: «Авлиё ибодат-хонасининг дарбозалари фақат шундагина ёпилиб, ундаги шамдонлар сўнғайки, қачонки биз Авлиё Сергей каби Рус заминининг буюк яратувчилари томонидан мерос қилиб қолдирилган рухий маънавий бойликини буткул сарфлаб тугатсак». Бу йўқотиш ҳали кўзи очиклиқ чоғидаёқ содир бўлишини Ключевский хаёлига ҳам келтирмаган эди, чамаси.

Патриарх Халқ Комиссарлари Кенгаши Раисининг қабулига бosh урди. Ибодатхона ва муқаддас хокни дахлсиз қолдиришларини сўрамоқчи бўлди; тўғри-да, Черков ҳукуматдан ажратилмаганми, ахир! Бироқ ХКК Раиси ўртоқ Лениннинг муҳим ишлар муҳокамаси билан бандлиги ва жазиб кўрсатилиб, яқин кунлар ичида патриархни қабул қилолмаслиги айтилди.

Ҳеч қачон насиб этмади патриархга у билан учрашиш; яқин кунлар ичида ҳам, кейин ҳам.

Адлия Халқ Комиссарлигининг (1920 йил 25 августдаги) ҳар қандай муқаддас хокларни йўқ қилиш ҳақидаги фармойиши ҳам мавжуд эди кейин, зеро, айнан мана шу хоклар бизнинг янги адолатли жамият сари мардонавор қадам ташлашимизга тўсқинлик қилишарди.

Криленко томонидан танланган жараёнларни таҳлил қиларканмиз, Олий Мавсуд (бир-бирлари билан суҳбатда улар сўзларни шундай чиройли қисқартириб ишлатишади, биз, кўзи-чоқларга кўзлари тушиши билан шунақанги бўкиришадики: туринглар! Суд келяпти! — деб)да кўрилган.

«Тактик марказ» иши (1929 йил 16—20-август)да алоҳида тўхталिश жоиз деб ўйлайман. Йигирма саккиз нафар айбланувчи, яна неча кишини ҳам қўлга олиш имконияти бўлмаганлиги боис, сиртдан кўришмоқда ишларини.

Бош Қораловчи ҳали (чунки энди бошламоқда-да нутқини) ўзининг жарангдор овози билан бизга заминдор ҳамда капиталистлардан ташқари «дунёда яна бир ижтимоий табақа мавжуд эканлиги ва унинг ижтимоий жиҳатдан фойдали-фойдасизлиги хусусида инқилобий социализм намояндалари анчадан буён жиддий бош қотириб келишаётгани...» ҳақида маълум қилади. «Бу табақа — ўзларини зиёлилар деб атовчи шахслар табақаси... Мазкур жараёнда биз рус зиёлилари фаолияти устидан тарих чиқарган ҳукм билан танишамиз», аниқроғи — инқилоб чиқарган ҳукм билан (34-бет).

Тадқиқотимиз мавзу доирасининг ниҳоятда торлиги бизга инқилобий социализм намояндалари ўзларини зиёлилар деб атовчи табақа тақдир устида қандай бош қотиришгани ва улар учун айнан нималарни ўйлаб топишгани хусусида атрофлича баҳс юритиш имконини бермайди. Бироқ бизни шу нарса овунтирадики, бу ҳақда маълумотлар эълон қилинган ва истаган одам улар билан батафсил танишиш имкониятига эга. Шу боис фақат Жумҳуриятдаги умумий вазиятга бироз аниқлик киритиш мақсадидагина Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси айни ўша жараёнлар кетаётган фурсат билдирган фикрларни келтириб ўташимиз.

1919 йил 15-сентябрдаги Горькийга ёзган хатида (биз ундан аввал ҳам мисол келтирган эдик) Владимир Ильич буюк ёзувчининг зиёлиларни ҳибсга олиш вазвасига барҳам беришини сўраб қилган илтимосномасига жавоб беради ва ўша вақтдаги асосий рус («кадетнуска») зиёлилар оммаси ҳақида бундай ёзади: «аслида бу (миллат) ақл-идрок(и) эмас, ахлатидир»<sup>10</sup>. Кейинги сафар эса у Горькийга бундай дейди: «Бу — унинг (зиёлилар табақасининг) айби бўлади, агар биз керагидан ортиқ кўза синдириб юборсак...»<sup>11</sup> Ҳақиқат излашаётган экан, ҳўп, нега бизга келиб қўрилишмайди улар?.. «Ана ўша-нақа зиёлилардан ўқ едим-ку ахир мен»<sup>12</sup> (яъни Капландан).

Зиёлилар ҳақида гапирганда куйидаги таърифларни ишлатарди у: чирки-либерал («мурсосазо»; «тақводор»; «барча «ўқи-мишли» мардум каби бетартиб»; уларни ҳеч вақонинг фаҳмига боролмайдиган, «ишчилар ҳаракатига хоинлик қилган» деб ҳи-

собларди. (Фақат шуниси номаълум: қачон ишчилар ҳаракатига содиқликда қасамёд қилишган эди улар?)

Зиёлилар устидан бу истеҳзони, уларга нисбатан бу каби нафратни иштаҳа билан ўзлаштиришди 20-йиллар ёзувчилари, 20-йиллар матбуоти ҳамда турмуш тарзи ва ниҳоят, азалий бефаҳмликлари, иккиюзламалиқларию замондан ортада қолганликларига иқдор бўлган зиёлиларнинг ўзлари ҳам.

Оқибат — Олий Мавсуд гумбази остида Бош Қораловчининг бешафат овози гумбурлаб, нигоҳимизни қора курси томон йўнаштирмоқда:

«Мазкур ижтимоий табақа... ўтган йиллар давомида янгича нуқтаи назар синовидан ўтди». Янгича нуқтаи назар — шундай дейиларди одатда у пайтлар. Хўш, қандай ўтди у бу синовдан? Мана бундай: «Инқилоб қозониға халқчил шiorлар билан қўйилган рус зиёлилари ундан қора (ҳатто оқ ҳам эмас!) генералларнинг иттифоқчилари, Оврупо империалистларининг ёлланма (!) итоаткор малайларига айланиб чиқдилар. Улар ўз байроқларини оёқости қилиб, балчиққа бўлғадилар» (Криленко, 54-бет).

Фақат шунинг учун ҳам «унинг айрим вакиллари таг-туғи билан кўпориб ташлашга ҳожат йўқки, бу ижтимоий гуруҳ ўз умрини яшаб бўлди».

Ва бу ХХ-аср тонгида! Қандай ҳаққоний башорат! О, зукко инқилобчилар! (Бироқ барибир кўпориб ташлашга тўғри келди. Бутун 20-йиллар давомида кўпоришди, кўпоришди.)

Нафрат билан кўздан кечирамиз бу йигирма саккиз нафар қора генералларнинг иттифоқчилари ва Оврупо империалистларининг ёлланма малайларини. Айниқса, Марказ атамаси қичитди демокимизни — чунки, унда ҳам Тактик Марказ, ҳам Миллий Марказ, ҳам Унг Марказ маънолари мужассам (ёдимизга эса беихтиёр кейинги икки ўн йиллик давомидаги мислсиз жараёнлар тушади, Марказлар, Марказлар ва Марказлар, дам меньшевиклар, дам троцкийчи-зиновьевчилар, дам ўнг бурхаринчилар Марказлари, бари тор-мор этилган ва шунинг учун ҳам ҳозир биз тирикмиз). Қаерда Марказ бўлса, билинги, ўша ерда манфур империалистларнинг ҳам қўли бор.

Тўғри, таскин топади кўнгил анча нутқ давомида қора курсидаги Тактик Марказ асло ташкилот эмаслиги, унинг: 1) қонуни; 2) дастури; 3) аъзолик бадаллари тўлаш тартиби йўқлиги айтилгач. Унда нима иш қилишган улар? Мана, нималар билан шуғулланишган: у ч р а ш и б т у р и ш г а н ! (Чумоли ўрмалагандек бўлади баданимизда.) Учрашувларда эса ўзларининг нуқтаи назарларини ўртоқлашишган! (Муз терк қоплайди буткул.)

Қўйилган айблар ниҳоятда оғир ва ашёвий далиллар билан қўллаб-қувватланган: йигирма саккизта айбланувчиға 2 (икки-та) ашёвий далил (38-бет). Бу — мазкур жараёнда йўқ (мухожирликда улар) арбоблар — Мякотин ва Фёдоров битган икки дона мактуб. Улар айни дам йўқ, бироқ инқилобга қадар айбланувчилар билан бир ташкилотларда фаолият кўрсатишган, бу эса борларнинг ҳам, йўқларнинг ҳам тиллари бир деб ҳисоблашимизга асос бўла олади. Мактубларнинг мазмуни эса қуйидагича: улар Деникин билан айрим масалаларда келишишолмаган, хусусан, деҳқонлар (очиқ айтишмаяпти, лекин аниқ; Деникинга ерни деҳқонларга топширишни маслаҳат беришган), яҳудийлар, миллий чегараланиш, маъмурий бошқарув (яккахокимлик эмас, халқчил ҳукумат) масалалари ва яна ҳоказо масалаларда. Хўш, бу ашёвий далиллардан қандай маъно келиб чиқади? Жуда оддий: улар айбланувчиларнинг Деникин билан ҳамфикр эканликларини, муттасил равишдан у билан хат ёзишиб турганликларини исботлайди! (Бр-р-р... вов-вов!)

Аммо шунингдек, уларга тўғридан-тўғри қўйилган айблар ҳам мавжуд: шўролар ҳукумати тасарруфида бўлмаган чекка мавзеларда (масалан, Киевда) истикомат қилувчи таниш-билишлар балан фикр алмашганлик! Яъни, дейлик, бу жой аввал Русийга тегишли эди, бироқ кейин умумжаҳон инқилоби манфаатлари йўлида биз уни Олмонийга инъом этдик, одамлар эса ҳануз мактуб йўллашгани-йўллашгани у томондиларга: «Қалайсиз, Иван Иванич, қандай яшаяпсиз? Биз эсак...» Н. М. Кишкин (кадетлар МҚи аъзоси) эса ҳатто қора курсидан туриб ўзини оқламоқда: «Инсон сўқир бўлиб яшашни истамайди ва доимо бўлак ўлкаларда кечаётган воқеаларни ҳам билишга интилади».

Бўлак ўлкаларда кечаётган барча воқеаларни билишга интилади??.. Сўқир бўлиб яшашни истамайди?? Уларнинг

<sup>10</sup> В. И. Ленин. ТАТ., 51-ж., 48-бет.

<sup>11</sup> В. И. Ленин ва А. М. Горький. М. Академнашр. 1961, 263-бет.



ҳаракатларини хоинона деб жуда тўғри баҳоламоқда-ку унда қораловчи! Ҳа, Шўролар Ҳукуматиға қарши сўзсиз хоинлик-дир бу!

Лекин бу ҳам холва ҳали, уларнинг энг даҳшатли, қора қилмишлари олдинда: Фуқаролар уруши айни авжга минган чоқ улар... тажриба ўтказиш, китоб ёзиш, лойиҳалар тузиш билан шуғулланишган. Ҳа, «давлат ҳуқуқи, молиёвий сиёсат, иқтисодий ва адлиявий муомалалар ҳамда халқ таълими билим-донлари», китоб ёзишган улар! (Албатта, Ленин, Троцкий ва Бухаринларнинг асарларидаги ғояларга зигирча ҳам таянмай...) Профессор С. А. Котляревский — Русийнинг миллий чегараланишларига, В. И. Стемпковский — қишлоқ хўжалиги масалаларига (чамаси, жамоалаштириш масаласини четлаб ўтган ҳолда...), В. С. Муралевич — бўлажак Русийдаги халқ таълими ишларига оид асарлар яратишган, профессор Карташев диний мазҳаблар ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиққан. (Буюк табиатшунос олим Н. К. Кольцов эса бу буржуаларнинг малайларига ўз тажрибахонасида тўпнанишларига руҳнат берган. (Улар сафига шунингдек 1931 йили МДФ иши бўйича тақдири узил-кесил ҳал этилуви Н. Д. Кондратьев ҳам киритилди.)

Ушбу таърифлардан сўнг юрагимиз ҳукм чиқисини ҳам кутмай, гусирлаб, потирлайди шубҳасиз. Хўш, қандай жазога лойиқ бўлишлари мумкин бу генералларнинг малайлари? Фақат битта жазога — о т и б ў л д и р и ш г а ! Бу энди қораловчининг талаби эмас, муваққат суд ҳукми! (Таассуфки, кейин юмшатишди уни: Фуқаролар уруши тугагунга қадар қамоқхона ҳибсига.)

Айбланувчиларнинг бор гуноҳлари шундаки, ўз қавакларидан тинчгина нонларини қавшаб ўтиришмаган улар, балки «бурчак-бурчакларда бир-бирлари билан учрашиб, шўролар ҳукумати ағдарилгач, қандай давлат тартиби ўрнатиш мумкинлигини муҳокама қилишган».

Замонавий илмий тилда бу: муқобил ҳолатни ўрганиш, деб аталади.

Гумбурламоқда қораловчининг овози, бироқ шу баробар нимадир шитирламоқда минбарда, ниманидир изламоқда унинг кўзлари, балки аллақандай қозғонидир? Мисол келтирмоқчидир балки ундан? Бир дақиқа! Мана, Николай Васильевич, марҳамат:

«Сиёсий маҳбусларни қамоқхонада сақлаш тартибининг ўзиниёқ биз... азоблаш деб тушунамиз...»

Ҳа, мана гап нимада! Сиёсий маҳбусларни қамоқхонада сақлаш — бу азоблаш демек! Ва буни қораловчи айтмоқда! О, нақадар кенг дунёқараш! Янги тартибдаги адлия камол топмоқда!

Давом этамиз:

«...Чор ҳукуматиға қарши кураш уларнинг (сиёсийларнинг) иккинчи мижози эди, шу боис хоризмга қарши курашмай туришолмасди улар» (17-бет).

Шундай бўлгач, қандай қилиб улар муқобил ҳолатларни ўрганмасликлари мумкин эди? Балки фикрлаш бу зиёлиларнинг биринчи мижозидир?

Эҳ, адашб бўлак — бутунлай бошқа жараёндан олинган мисолни бериб қўйибмиз-ку. Ана томоша!.. Бироқ Николай Васильевич пинак бузмай давом этади:

«Айбланувчилар бу ерда, Москвада, айнан бирон-бир қилиқ чиқаришмаган эса-да (чамаси, худди шундай бўлган ҳам аслида...), бари бир: ...бундай вазиятда гўёки тўнтарилиш арафасидаги Шўролар ҳукуматини қайси тартиб билан алмаштириш мақбуллиги хусусида бир пиёла чой устида қилинган гурунг ҳам аксилинқилобий ҳаракат саналади... Фуқаролар уруши пайтида нафақат (шўролар ҳукуматиға қарши) ҳар қандай фаолият... ҳатто фаолиятсизлик ҳам жиноятдир» (39-бет).

Ҳамма нарса ойдек равшанлашди энди. Уларни фаолиятсизлик учун отиб ўлдиришга ҳукм этишади. Бир пиёла чой учун ҳам, шу жумладан.

Масалан, петроградлик зиёлилар шаҳарни Юденич босиб олган тақдирда «энг аввало шаҳар жомоат арбоблари кенгашининг мажлисини чақириш чораларини куришга қарор қилишади (яъни, генерал яккаҳокимлиги ўрнатилишига йўл бермаслик мақсадида).

Криленко: — Уларга шундай деб қичқиргим келди: «Сизлар энг аввало жон фидо қилиб бўлса ҳам шаҳарга Юденични яқинлаштирмаслик ҳақида қайғуришингиз лозим эди!»

Улар эса жон фидо қилишмади.

(Шу жумладан, Николай Васильевичнинг ўзлари ҳам.)

Яна бир тоифа айбланувчилар ҳам борки, улар хабардор бўлишган! — бироқ индашмаган. (Бизнинг тилимизда бу: «билардинг — сотмадинг».

Мана бу эса энди фаолиятсизлик эмас, балки жуда ҳам дадил жинойи ҳаракат: сиёсий Қизил Хоч аъзоси Л. Н. Хрущёва (у ҳам шу ерда, қора курсида) орқали айбланувчилар Бутирка қамоқхонасидаги маҳбусларга пул (тасаввур қилса бўлади бу пулларнинг қайёққа сарф бўлишини — қамоқхона дўконига) ва ҳар хил майда-чуйда (балки иссиқ кийим-кечаклардир ҳам ҳали?) юбориб туришган.

Улар содир этган ёвузликларнинг чет-чегараси йўқ! Шундай экан, уларга чиқарилган инқилобий жазо ҳам ҳақинқадар бўлиши шарт!

Ўтмишнинг хира пардаси оша кўз ўнгимизда йигирма саккиз нафар эркак ва аёл чеҳра намоён бўлади. Қандай маъно зоҳир уларнинг нигоҳларида: кўркувми? нафратми? ғурурми? — хира парда боис биз буни пайқаймаймиз...

Ахир уларнинг суддаги жавоблари йўқ-ку қўлимизда! Сўнги сўзларининг тавсифига ҳам буткул эга эмасмиз! — айрим камчиликларга кўра... Мазкур камомадни босди-босди қилиш мақсадида қораловчи булбулдек сайрайди бизга: «Афсус-надомат ҳамда риезат оловида қовурилишдан иборат бўлди бу жараён бошдан-оёқ. Зиёлиларга хос сиёсий енгилтаклик ва мурсосазлик...мазкур ҳолатда бор бўйи билан намоён бўлди ва зиёлиларга доимо большавойлар томонидан бериб келинган марксона баҳонинг нақадар ҳаққоний эканлигини тўлиқ исботлади» (8-бет).

Бу аёл-чи, кўз олдимиждан лип этиб ўтган бу ёшгина аёл ким бўлди?

Ҳа, бу — Толстойнинг қизи, Александра Львовна. «Нима қилар эдингиз сиз бу гурунларда?», деб сўрайди Криленко. У жавоб беради: «Самоворда чой қайнатардим!» — Уч йил муддатга қамоқ жазоси!

Чет элда чиқарилган «Бегона юртда»<sup>12</sup> номли журналдан биз аслида нима бўлганлигини аниқлаш имкониятига эгамиз.

1917 йилдаёқ Муваққат ҳукумат қошида жамоат арбоблари Уюшмаси ташкил топган эди. Уларнинг асосий мақсадлари — урушни ғалаба билан яқунлаш ва ҳар хил ижтимоий оқимлар, хусусан, ижтимоий инқилобчилар (эсерлар) ҳаракатиға тўсқинлик қилишдан иборат эди. Октябрь давлат тўнтаришидан сўнг унинг кўпгина кўзга кўринган аъзолари чет элга жўнаб кетишди, бошқалари эса қолишди. Бўлак қурултойлар чақириш, ташкилий ишлар билан шуғулланиш имконияти йўқ эди, бироқ зиёлилар мулоҳаза юритиш, воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш ва бир-бирлари билан фикр алмашига ўрганиб қолишган, шу боис ҳам бу одатларидан дарвор халос бўлишлари ниҳоятда мушкул эди. Илмий доираларга яқинликлари уларга бу учрашувларни илмий мусохаба тарзида ўтказиш имкониятини туғдиради. Муҳокама учун мавзу эса ниҳоятда бисёр эди: Брест-Литовск сулҳи, жуда ҳам катта майдондан воз кечиш эвазига урушдан чиқиш, Оврупода уруш давом этаётган бир пайт собиқ иттифоқчи ва собиқ душманлар билан тамоман янгича муносабатлар. Айримлар — озодлик ва халқчиллик деб, шунингдек, иттифоқчилик бурчи юзасидан, — иттифоқчиларга ёрдам беришда давом этиш керак, Брест сулҳи эса мамлакатдан ваколат олмаган одамлар томонидан ўзбошимчилик билан тузилган, деб ҳисоблашарди. Кўпчилик эса Қизил Қўшин кучга тўлгани ҳамон шўролар ҳакумати немислар билан алоқани узди, деб умид қилишарди. Айримлар бўлса, аксинча, немислардан умидвор эди, битим баҳона Русийнинг асосий қисмини қўлга киритишди, энди секин большавойларнинг ҳам изини куриштишади, деб ўйлашарди. (Немислар эса кадетларнинг тегиримонига сув қуйиш — бу инглизларнинг тегиримонига сув қуйиш билан баробар эканлигини, шўролар ҳокимиятидан бўлак ҳеч қандай ҳокимият Олмониёга қарши урушни ўла қолса ҳам тўхтатмаслигини жуда яхши тушунишарди.)

Бу ихтилоф 1918 йилда жамоат арбоблари Уюшмасидан Миллий Марказнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Аслида бу иттифоқчилар билан муроса қилиш кайфиятидаги оддий тўғрак бўлиб, асосан кадетлардан ташкил топган эди. Профессор

<sup>12</sup> «Бегона юртда». С. П. Мельгунов таҳрири остидаги адабий-тарихий тўпламлар. Берлин — Прага. (С. П. Мельгунов, «Зиёлилар устидан тарих чиқарган ҳукм», III, 1923, С. А. Котляревский, «1918 йил, Москва «Миллий Маркази», VIII, 1924)



Кольцовнинг тажрибахонасидаги хуфия йиғинлардан бўлак ҳеч иш қилмади бу тўғарак. Баъзида ўз аъзоларидан биронтасини маълумот учун Қубонга сафарбар этарди, бироқ улар худди сувга чўккандек ном-нишонсиз кетишарди ҳар сафар. (Тан олиш жониз, иттифоқчиларнинг ҳам Кўнгилли Қўшинга унчалик қизиқишлари йўқ эди.) Аммо ўзининг асосий фаолиятини ушбу Миллий Марказ бўлажак Русия учун турфа хил қонун-қоидалар лойиҳаларини тайёрлашга қаратди.

Миллий Марказ билан бир пайтнинг ўзида сўл йўналишдаги Уйғонши Уюшмаси ташкил этилди (асосан эсерлардан таркиб топган эди у — кадетлар билан бирлашиш алланечук ноқулай эди-да) — немислар ва большевойларга қарши курашиш мақсадида. Аммо уларга ҳам бу кураш большевойлар тасарруфидаги майдонда амалга ошириш мушуқ ҳол бўлиб кўринди ва ўз аъзоларини жанубга йўллаш бошлашди. Шунга қарамай, Кўнгилли Қўшин ҳам дунёқарашининг ноумумаллиги ва ноумувофиқ ғоялари билан уларни ўзидан итарарди.

Ҳарбий коммунизм оловидан нафаси қайтган бу уч ташкилот — жамоат арбоблари Кенгаши, Миллий Марказ ҳамда Уйғонши уюшмаси 1919 йилнинг баҳорига ўз фаолиятларини мунтазам равишда мувофиқлаштириб туришга келишишди ва ушбу мақсадда икки кишидан иборат масъул ажратилди. Мазкур олтилик 1919 йил давомида бир неча бор йиғилиб, мажлис ўтказиб турди, бироқ бориб-бориб бутунлай ўз фаолиятини тўхтатди. 1920 йилдагина мазкур олтилик қамоққа олинди ва тергов давомида унга «Тактик марказ» атамаси ёпиштирилди.

Ҳибслар Миллий Марказ аъзоси Н. Н. Виноградскийнинг чақуви асосида амалга оширилди. Унинг ўзини ҳам ҳибс этишди ва барча янги қамоққа олинганларни энг аввало у ётган бўлмагани «чиғирини»дан ўтказишди. Маҳбуслар ўзларининг соддаликларига бориб, терговчидан нимани яширганларини бўлмада очик тан олишар, Виноградский эса буни оқизмай-томизмай Махсус Бўлим шотирларига етказарди.

Таниқли рус тарихчиси С. П. Мельгунов ҳам тақдир тақозоси билан ҳибсга олинганлар сафига киритилган, бош айбдор (олтилик аъзоси)лардан бири сифатида эътироф этилган эди. Муҳожирликда у ўзининг мазкур жараён ҳақида ҳикоя қилувчи эсдаликларини битди, балки битмаган ҳам бўлармиди агар Криленконинг биз юқориде фойдаланган оламшумул нуқти эълон қилинмаганида?... Мельгунов бу эсдаликлариде чексиз алам билан шўролар терговига хос қуйидаги манзарани чизарди: ҳеч қандай ашёвий далиллар бўлмаган тергов кўлида, «ҳеч қандай ҳужжатлар ҳам йўқ эди. Барча айблар айбланувчиларнинг кўрсатмаларидангина келиб чиқиб қўйилганди... Барча бўлажак жараён қатнашчилари ибтидоий тергов чоғи «мушуксичқон» ўйнашни лозим топмай, борини очик айтишган эди... Атайлаб кўрсатма беришдан бош тортсам, ҳам ўзимнинг, ҳам бошқаларнинг ҳаётига зомин бўлишим мумкин, деб ҳеч ким оғзига талқон солиб ўтирмаганди... Улим жазоси эҳтимоли хавф солаётган пайт тарих ҳукми ҳақида ҳам ўйламас экансан киши».

«МФК қизил китоби»да (II ж., М., 1922) айбланувчиларнинг тергов пайтида берган кўпгина кўрсатмалари сўзма-сўз келтирилган, аммо афсуски, улар ҳам ниҳоятда кўримсиз.

Мельгунов тап тортмай терговчи Яков Агранов (уларнинг барчасини қўлига қўндирган шахс)ни товламачилиқда айблайди: ёлғон-яшиқ, ҳар хил енгил-елпи ваъдалар билан уни ва бошқа айбланувчиларни тузоққа илинтирган, «бундан ортик хўрлик кўрмаган эдим ҳеч қачон», ҳар қандай жисмоний таъзияқдан ҳам даҳшатлироқдир бу, деб тан олади муаллиф ҳам. Кейинчалик рус инқилобининг кўпгина тарихий шахсларига хийла чиройли таърифлар берган Мельгунов аини ҳолда жуда осон тузоққа илинади: сохта ёзма кўрсатмалари унга тақдим этилган шахслар ҳақиқатдан ҳам Уйғонши Уюшмаси аъзолари эканликларини тан олади. Умуман, «у ёки бу даражада бир-бири билан боғлиқ кўрсатмалар бера бошлай»ди, яъни ҳикоя тарзиде, терговчининг саволини ҳам кутмай. (Ўз навбатида мазкур кўрсатмаларни унинг ҳамфикрларига ҳам кўрсатишар, ўқиб, оғизлари ланг очилиб қоларди уларнинг: худди бениҳоя иштиёқ билан ҳикоя қилингандек-а!)

Агранов уларни яна шу билан ҳам илинтирадими, бу «иш жуда эски», ўтган ишга эса саловот деган нақл бор халқда, кейин мазкур марказлар ҳам кўпдан буён йиғин ўтказишмайди, демак, айбланувчиларга зиғирча ҳам хавф йўқ, ФК буни фақат тарих учунгина аниқламоқда, холос. Кўпчилик-

ни Яков Саулович ўзининг сертакаллуфлиги билан ром этди. Бошқаларга эса шўролар ҳукумати ва Русия бирдир, деб айтиди, демак, шўролар ҳукуматиға қарши курашсанг, яхши кўрасанми уни, яхши кўрмайсанми — қатъи назар, Русияға ҳам қарши курашган ҳисобланасан. Шу тахлит у бир неча кишидан ўзи истаган кўрсатмаларни олишға эришди. (Хусусан, Котляревскийнинг саҳифа остидаги изоҳда тилга олинган мақоласи айнан Аграновнинг топшириғи билан ёзилган эди.)

Судда-чи? Мельгунов: «(Зиёлиларнинг) инқилобий анъаналари улардан дадиллик, қахрамонлики талаб қиларди, бироқ уларнинг дилларида бундай қахрамонликка зиғирча ҳам рағбат йўқ эди. Судни норозилик намойишиға айлантириш — нафақат бир кишининг, балки бошқаларнинг ҳам аҳволини онгли равишда оғирлаштиришдан ўзга нарса бўлмасди».

Мана, қай тариқа шотирлар қармоғига илиниб, жон таслим этмоқда эдилар чор ҳукумати даврида, ҳали ҳеч ким мушукларини пишт демаган пайтда ўзларининг эрқларварликлари, мурасасизликлари ва метин иродалари билан шуҳрат қозонган рус зиёлилари.

Бироқ ундан-да ёрқинроқ, ундан-да даҳшатлироқдир Аграновнинг бўлак ютуғи — 1921-йилдаги «Таганцев иши» (унинг мазкур бобға алоқаси йўқ, чунки ҳеч қанақанги с у д бўлмаган). Профессор Таганцев қирқ беш кун тергов азобларига қахрамонларча дош берди. Бироқ барибир Агранов уни мурасаға келишға ва қуйидаги шартномани имзолашға кўндирди:

«Мен, Таганцев, онгли равишда ташкилотимиз ҳақида кўрсатма беришга, бирон нарсани ҳам терговдан яширмасликка розилик бераман...гурӯҳимизға алоқадор бирон кимсани ҳам четлаб ўтмайман. Бундан ягона мақсадим жараёнимиз иштирокчиларининг қисматини оз бўлса-да енгиллатишдир.

Мен, МФК вакили Яков Саулович Агранов, фуқаро Таганцев ёрдамида терговни тугатиб, зудлик билан ишни ошқорасудға оширишни ваъда қиламан...Айбланувчиларнинг биронтасига ҳам нисбатан олий жазо қўлланмаслиғига қафилман».

Таганцев иши бўйича ФК саксон етти кишини отиб ташлади.

Мана, қай тариқа отмоқда эди озодлигимиз тонги. Сўқатойгина гўжалоқ болакай бўлиб, думалаб-сумалаб ўсмоқда эди нораста Қонунимиз.

Бу ҳозир умуман ёдимизда йўқ.

## 9-БОБ

# Қонун улғаймоқда

Тахлилимиз, сезишимча, жуда чўзилиб кетди. Ҳолбуки, биз ҳали бошлаганимиз ҳам йўқ. Энг муҳим, энг оламшумул жараёнлар ҳали олдинда. Бироқ, шунга қарамай, аини ҳолда ҳам асосий йўналишларни бемалол пайқаш мумкин.

Келинг, қонунимизға унинг пионерлик даврида ҳам ҳамроҳ бўлайлик.

Жинойят мажмуаси устида иш қизғин олиб борилмоқда эди: Қонун мармар тошларини ётқизиш фурсати ҳам келди ниҳоят адлия тупроқ кўчаларимизда, эсерлар жараёниға қадар улғурши керак! Келишилганидек, 12 май куни БМИҚ мажлиси очилди, бироқ мажмуа лойиҳасидан ҳануз дарак йўқ эди — эндигина Горкига, Владимир Ильичига кўриб чиқиш учун юборилганди у. Мажмуанинг олти моддаси айбланувчиларға нисбатан энг олий жазо сифатида отиб ўлдириш жазосини қўллашни кўзда тутар эди. Бу Ленинни қаноатлантирмади. 15-май куни лойиҳа ҳошияларига Ильич отиб ўлдириш жазосини кўзда тутувчи яна олти модда қўшди (шу жумладан, қуйидаги мазмундаги 69-моддани ҳам: тарғибот ва ташвиқот... хусусан — ҳукуматға қарши зимдан фаолият кўрсатишға, ҳарбий ёки солиқ тўлаш мажбуриятларини бажаришдан оммавий равишда бош тортишға қақшириш). Яна бир отув жазосини қўллаш мумкин бўлган ҳол: чет элдан берухсат қайтиш (худди инқилобдан бурун хоҳланган пайтлари у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёқда шўнғиб юрган инқилобчилар каби). Ва яна бир отув билан тенг жа-

<sup>13</sup> Чор ҳукумати худди мана шундай тусдаги қақриқ учун Виборг мурожаатномаси муаллифларини уч ойданга қамоқ жазосига ҳукм этган эди.



зо: чет элга бадарга қилиш. (Ҳа, кўра билган эди Владимир Ильич мамлакатимизда яшашга орзуманд европоликларнинг кети узилмай қоладиган, ўзимизнинг фуқаромизни эса чакка-сига тўппонча тираб туриб ҳам Мағрибга кўчишга мажбурлаб бўлмайдиган дорилмомон келажакки.) Хулоса қилиб, Ильич адлия халқ комиссарига бундай деди:

«Урт. Курский! Менимча, отув жазоси (чет элга чиқариб юбориш билан алмаштирилган ҳолда)нинг қўлланиш доирасини кенгайтириш керак: меньшевиклар, ижтимоий-инқилобчилар ва шу кабилар фаолиятининг барча кўринишларига нисбатан; бу қилмишларини х а л қ а р о б у р ж у а з и я билан... боғлаб кўрсатувчи аниқ таъриф топиш керак» (таъкидлар Ленинники<sup>13</sup>).

Отув жазосининг қўлланиш доирасини кенгайтириш керак! Хўш, нимаси тушунарсиз бунинг? (Қанча одам чет элга бадарга қилинган эди жуда?) Террор — ишонтириш воситаси, етиб боргандир энди!

Курский эса барибир етарлича тушунмади. У, чамаси, қуйидаги нарсанинг сира фаҳмига етолмас эди: қаердан бу таърифни топиб, қай тарихи уни халқро буржуазияга боғлаб кўрсатишинг. Эртаси кун у ХКК раисининг ҳузурига маслаҳат истаб келди. Мазкур суҳбат мазмуни бизга маълум эмас. Бироқ шу маълумки, унинг кетидан 17 май куни Ленин ўзининг иккинчи мактубини жўнатди:

«Урт. Курский! Суҳбатимизга қўшимча қилиб, Сизга Жиноят мажмуаси қўшимча бобининг хомаки нусхасини юбораётирман... Уйлайманки, бу хомаки нусханинг камчиликлари кўп бўлса-да, асосий фикр равшан: террорнинг моҳиятини ва мақбул-лигини унинг зарурлигини, унинг чегараларини асослаб берадиган жиддий ва сиёсий жиҳатдан ҳаққоний бўлган (адлиявий жиҳатдан асослаш билангина чегараланиб қолмаган) фикрни тўғридан-тўғри баён қилолмоқ керак.

Суд террорни бекор қилмаслиги керак; террорни бекор қилмас деб ваъда бериш ўз-ўзини алдаш ёки алдаш бўлар эди, ҳолбуки, террорни сохталаштирмасдан ва бўяб кўрсатмасдан, жиддий равишда, аниқ асосламоқ ва қонунлаштирмоқ даркор. Бу бобни мумкин қадар кенгроқ таърифламоқ керак, чунки ҳуқуқни инқилобий маънода англаганда у инқилобий виждон бўлгандагина, бу ҳуқуқни амалда озми-кўпми кенг миқёсда татбиқ қилиш учун шароит вужудга келади.

Коммунистлик саломи билан

Ленин»<sup>10</sup>.

Мазкур муҳим аҳамиятга молик ҳужжатни шарҳлашни лозим деб топмадик. Унинг устида жим ўтириб, жиддий бош қотирган маъқул.

Бу ҳужжат яна шунинг учун ҳам ниҳоятда муҳимки, у ҳали тетик, касаллик буткул чулғаб улгурмаган Лениннинг сўнги дунёвий насиҳатларидан бири, сиёсий васиятининг муҳим қисмидир. Ропла-роса тўққиз кундан сўнг илк бор қаттиқ хуруж қилади унинг касали ва тўшаққа миҳлаб, шу билан 1922 йилнинг кузидагина хиёл қўйиб юборади. Ким билсин, балки бу иккала мактуб ҳам дохий тез орада ўзининг сўнги нафасини чиқарувчи иккинчи қават бурчагидаги ўша ёруғ, деворларига оқ мармар терилган кичкинагина қабулхонада ёзилган бўлса?

Мактуб давомидан эса бир неча йилдан сўнг 58—4 ҳамда бутун бошли 58-Модда ўсиб чиқувчи хомаки нусха — қўшимча бобнинг икки хил муқобили илова қилинган эди. Уқиб, қойил қоласан киши: мана, қандай бўлади иложи борича кенгроқ таърифлаш! Мана, қандай бўлади кенг миқёсда татбиқ қилиш! Уқиганинг сари пайдо бўлаверади кўз ўнгингга унинг ниҳоятда собит қонли чангали...

«...тарғибот ёки ташвиқот, ёхуд бирон ташкилот фаолиятида иштирок этиш, ёхуд фаолияти...тусдаги ташкилот ёки шахсларга кўмаклашиш (бевосита кўмак берган ёки кўмак беришга лаёқатли шахслар ҳам)...

Исо Алайҳиссаломни беринг менга, шу заҳотиёқ мазкур модда бўйича бир арава айбни бўйнига юклаб, қора курсига ўтқазаман уни!

Ҳаммаси кўрсатилганидек, киритилди, қайта кўчирилди, отув жазоси доираси кенгайтирилди ва май ойининг сўнги ўн кунлигида бўлиб ўтган БМИК мажлиси Жиноят мажмуасини 1922 йилнинг 1 июнидан бошлаб ҳаракатга киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Шундан сўнггина бошланди қонуний аснода икки ойга қадар чўзилган

Эсерлар жараёни (1922 йилнинг 8 июнь — 7 августи). Олий Муваққат суд. Ҳар доимги раис ўртоқ Карклин (ҳакам учун жуда мос сифат)ни мазкур муҳим жараёнда хийла уддабур-ронроқ Георгий Пятаков билан алмаштиришди.

Агар биз китобхон билан ҳар қандай суд жараёнида «айб» эмас, балки «айбдор» аталмишинг ишчилар синфи манфаатларига фойдали-фойдасизлик жиҳати муҳимроқ ҳисобланишидан хабардор бўлмаганимизда, бу жараёни у қадар тез ҳазм қила олмаган бўларди. Бироқ фойдали-фойдасизлик омили асло панд бермайди: меньшевиклардан фарқли ўлароқ, эсерлар янада хавфли, янада кучли ва етарлича яқсон этилмаган дея ҳисобланишди — янги қўйилган (ишчилар синфи) яққаҳокимлиги пойдеворини мустаҳкамлаш учун уларни бутунлай тор-мор этиш талаб қилинарди.

Мазкур тартибдан беҳабар киши бу жараёни фирқавий қасос сифатида қабул қилиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ушбу жараёнда қўйилган айблар устида бош қотираркансан, беихтиёр ёдингда узоқ, чексиз-чегарасиз инсоният тарихи жонланади. Атиги бир неча ўн йил ҳукм сурган, бармоқ билан санарли халқчил давлат юритиш тартиботларини ҳисобга олмаганда, бутун инсоният тарихи бошдан-охир тўнтаришу ҳокимиятни қон тўкиш эвазига эгаллашлардан иборат. Ким темирни қизғида босиб, ҳокимият тизгинини қўлига олса, шу дақиқадан бошлаб Адлия қўши фақат унинг учун порлай бошлайди, ҳар бир ташлаган ёки ташлайдиган қадами қасидаларга буркалади, омади чопмаган муҳолифларининг ташлаган ёки ташламоқчи бўлган қадамлари эса, аксинча, жинойи ҳисобланади ва ҳукм ҳамда қонуний жазога мустаҳқиб деб топилади.

Атиги бир ҳафта бурун қабул қилинган Жиноят мажмуаси — бироқ аллақачон босиб ўтилган беш йилга тенг инқилобдан сўнги йўлни зўр бериб тикиштиришга уринишмоқда унга. Йигирма йил бурун ҳам, ўн йил бурун ҳам, беш йил бурун ҳам бор эди эсерлар — большевойларга деярли насиб этмаган ҳибс ҳаётининг асосий заҳматини (танлаган кураш усулларининг ўзига хослиги туйфали, албатта) ўз зиммасига олган, чор ҳукумати ағдаришга сўзсиз меҳнати сингган қўшни инқилобий фирқа.

Мана, уларнинг бўйнига қўйилаётган биринчи айб: эсерлар — Фуқаролар уруши ташкилотчилари! Ҳа, у л а р очишган ушбу урушни! Шунингдек, улар октябр тўнтаришу кунлари унга қуролли қаршилик кўрсатишда ҳам айбланишмоқда. Асосан эсерлардан ташкил топган ва улар томонидан қўллаб-қувватланиб келинган Муваққат ҳукумат денгизчи аскарларнинг пулемётлари ёрдамида супуриб ташлангач, эсерлар мутлақо ноқонуний аснода уни ҳимоя қилишга уриндилар. (Балки жуда суст қаршилик кўрсатишгандир, иккиланишгандир, ҳатто бу фикрларидан кейин буткул воз ҳам кечишгандир. Аммо бу уларнинг айбини зиғирча енгиллаштирмайди.) Уққа — ўқ билан жавоб бердилар ҳатто уялмай, ағдарилаётган ҳукумат қўлида ҳарбий хизматдаги юнкорларни оёққа турғизишга журъат этдилар.

Ҳарбий жиҳатдан буткул мавҳ этилгач ҳам тавбаларига таянмадилар улар. Узини ҳукумат деб эълон қилган Халқ Комиссарлари Кенгаши қошида бош эгиб, қўл қовуштирмадилар. Асвалги ҳукумат қонуний эди, деб оёқ тираб туриб олдилар. Йигирма йилга тенг сиёсий йўналишларининг барбод бўлганини тан олишни истамадилар (аслида эса, шубҳасиз, барбод бўлган эди), бизларни кечиринглар, бутунлай тарқатиб, фирқа сифатида ҳисоблашни бас қилинглр, дея ялиниб-ёлвормадилар. (Худди мана шу аснода барча маҳаллий ва чекка мавзелардаги ҳукуматлар — Архангельскдагими ёки Самарадагими, Уфодагими ёки Омскдагими, Украина, Дон, Кубон, Уралдагими ёки Ковкозортдагими — қатъи назар, қонуний эмас эди, зеро, улар ўзларини ХККдан к е й и н ҳукумат деб эълон қилишганди.)

Бу эса уларнинг иккинчи айблари: 1918 йилнинг 5 ва 6 январь кунлари улар қонуний Ишчи-Дехқонлар ҳукуматида қарши исёнга тенг намойиш уюштириб, Фуқаролар уруши оловини ёқдилар; улар ўзларининг ноқонуний (умумий эркин яширин

<sup>13</sup> Ленин В. И. ТАТ, 45-ж., 189-бет.

<sup>12</sup> Уша ерда, 39-ж., 405-бет.

<sup>10</sup> Уша ерда, 45-ж., 190-бет.



овоз бериш йўли билан сайланган) Таъсис Кенгашларини саклаб қолишга интилиб, намойишчилар ҳамда ўша Кенгашни қонуний равишда тарқатиб юбормоқчи бўлган қизил аскар ва денгизчиларга қарши чиқдилар. Бунинг оқибатида, яъни барча аҳоли ёлпасига ХККнинг қонуний қарорларини тан олишни ис-тамагани натижасида ҳам Фуқаролар уруши бошланди.

Учинчи айб: улар Брест сулҳини тан олмадилар — ўша Рус-сиёвнинг фақатгина кичик бир парчасини кесиб олган қонуний ва ҳалоскор Брест сулҳини. Бу эса, деб қарор қилади айблов хулосаси, «мамакатни урушга тортишга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар ва давлатга хонлиқдан ўзга нарса эмас».

Давлатга хонлиқ! — бу ҳам шунақанги қўлинг ўргилсин сиртмоқчи, уни фақатгина шифтга қозиқлашнинг ўзиёқ кифоя..

Худди шу аснода ўз-ўзидан тўртинчи айб ҳам юзага қалқиб чиқади: 1918 йилнинг ёз ва куз ойларида, Кайзер Олмониёси иттифоқчилар кўшини ҳужумларига зўр-базўр дош бераётган, Брест сулҳига содиқ шўролар ҳукумати эса Олмониёни бу жу-да сермашқат урушда ниҳояси озик-овқат карвонлари билан қўллаб-қувватлаб, битимга кўра ҳар ой маълум миқдорда тилла хирожи жўнатиб турган бир дамда — эсерлар мана шун-дай карвонлардан бирининг йўлини портлатиб, бор олтинни бермай олиб қолишга ҳозирлик кўришган (ҳозирлик кўришдан ҳам кўпроқ ўз одатларига кўра буни м у х о к а м а қ и л и ш - г а н : нима буларкан-а, агар...), яъни улар «халқ мулкимиз бўл-миш темир йўлларни жиноий тарзда ишдан чиқаришга ҳозир-лик кўришган». (У пайтлар ботмон-ботмон рус олтини Гитлер-нинг бўлажак салтанатига олиб чиқиб кетилганини айтишдан заррача ҳам уялмас эдилар; Криленко эса бир эмас, иккита соҳадан — ҳуқуқ ҳамда тарихдан — олий маълумотга эга бўла туриб ҳам шу нарсанинг фаҳмига бормади, ёрдамчилари ҳам мундоқ қўлогига шипшиб кўйишмадики, темир йўллар халқ мулки экан, ҳўп, балки тилла ёмблар ҳам ўгай эмасдир унга?)

Тўртинчи айб эса ўз-ўзидан бешинчи айбни вужудга келти-ради: мазкур кўпоровчилик учун зарур ашқол-дашқолларга пулни эсерлар иттифоқчи давлатларнинг вакилларидан олиш-ни кўзлашган (тиллани Вильгельмга бермаслик мақсадида пул-ни Антантадан олмоқчи бўлишган яъни) — бу эса ўтакетган хонлиқдан ўзга нарса эмас!.. (Ҳар эҳтимолга қарши Крилен-ко: эсерлар Людендорфнинг одамлари билан ҳам алоқада эдилар, деб мингирлаган бўлди, бироқ бу билан кимнинг бо-ғига тош отаётганларини сезиб, вақтида алоқани йиғиштир-дилар.)

Бешинчи айбдан қўл узатса етгудек масофада эса — олтин-чи айб: эсерлар 1918 йилда Антанта фойдасига жосуслик қил-ганлар! Кечаги инкилобчилар — бугун жосуслар — чамасик, бу ўша пайт ниҳоятда даҳшатли жаранглаган. Фақат кейинги минглаб жараёнларгина унинг сийқасини чиқариб, таъсир кучи-га хийла пўтур ётказган.

Ва ниҳоят, еттинчи, ўнинчи айблари — Савинков, Филонен-ко, кадетлар, «Уйғониш Уюшмаси» ва ҳаттоки, оқ гвардиячи-лар билан ҳамкорлик қилишган.

Ниҳоятда усталик билан тортилган эди қораловчи томонидан мазкур айблов занжири. Секин-аста, жараёндан-жараёнга у айбланувчиларга нисбатан раҳм-шафқат билан йўрилган кес-кин-дўстона муомалани қўллаб, мукамаллашиб боради; бу усул бир қанча йирки жараёнларда тобланиб, пишиб-етилади ва ниҳоят, 1937 йили мисли кўрилмаган ҳосил беради. Мазкур усул айбловчи ҳамда айбланувчи томонлар орасига кўприк ташлайди, уларнинг тил топишишлариға кўмаклашади. Нима бўлганда ҳам, оқибат айбланувчилар жон жойларидан ушла-нишади. Айблов минбаридан туриб эсерларга бундай дейи-шади: ахир бизлар — инкилобчилармиз-ку! (Яъни, сиз ҳам, биз ҳам — бу биз-ку!) Қандай қилиб кадетлар билан бирлашишга ҳаддинглар сизди? (Ҳойнаҳой, эшитиб юрагингиз сирқираб ке-тар!) — оқ сипоҳлар билан-чи? Оқ астарлиларга ажойиб си-нашга махфий тарзда иш юришти услубингизни ўргатганин-гизни қандай тушунайлик?! (Бу октябрь тўнтаришининг муҳим ҳусусиятларидан бири: аввал барча фирқаларга ёлпасига уруш эълон қилиб, шу заҳотиёқ уларга бирлашишни таъқиқлаш: «Сенга тегишмаяптими — кесак отмай!»)

Айрим айбланувчиларга бу ўқдан ҳам кучлироқ таъсир қил-ди: чиндан ҳам, қандай қилиб ҳаддилари сизди-а уларнинг бун-чаликка боришга? (Қандай қилиб таъсир этмаслиги мумкин қораловчининг бу ҳамдардона танбеҳи ҳозиргина қамоқхона-дан келтирилган маҳбусга бу ёруғ ва кенг ҳонақоҳда?)

Шунингдек, Криленко қуйидаги антиқа мантиқий хулосани

ҳам ўйлаб топди (жуда асқотади у келажакда Вишинскийга Ка-менев билан Бухаринга қарши): буржуазия билан алоқага ки-ришиб, улардан моддий ёрдам қабул қилгансизлар. Аввал фа-қат ў з и ш л а р и н г учун олардинглар пулни, асло фирқавий мақсадларда эмас — бироқ қани улар орасида тафовут? Ким фарқлаб бера олади буни? Ахир ҳар қандай иш — фирқавий мақсад ҳисобланади-ку, шундай эмасми? Нақадар пасткашлик: ижтимоий-инкилобий фирқани буржуазия боқиб ўтирса-я?! Қаёқда қолди сизларнинг инкилобий ғурурингиз?

Хуллас, жамланди бир муштга керагидан ҳам ортиқроқ айб; энди Муваққат суд ҳайъати хотиржамгина кенгашгани кириб кетса ва маҳкумларнинг ҳар бирига қилимишга лойиқ жазони ёпиштираверса ҳам бўларди — бироқ не ажабки:

— эсерлар фирқасига қўйилган айбларнинг барчаси 1917 ва 1918 йилларга тааллуқли;

— 1919 йилнинг февраль ойида эсерлар фирқасининг кен-гаши (курашавериб силласи куригани учунми, ё тақдирга тан берибми) большевойлар ҳукуматиға қарши курашни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган. 1919 йилнинг 27 февралда эса большевойлар ҳукумати барча эсерларға авфи умумий эълон қилди. Фирқа ошқора фаолият кўрсатишға ўтди — икки ҳафта-дан сўнг олмавий ҳисбга олишлар бошланди, барча фирқа раҳбарлари қўлга олинди (мана бу — бошқа гап! Мана энди сал-пал ўхшадик ўзимизга);

— шундан буён улар курашишмасди озодликда, инчунин — қамоқхонада (уларнинг МҚи эса Бутиркада ўтирар, нимагадир у ердан қочишни сира хаёлиға келтирмас эди; ҳолбуки, чор ту-зуми даврида бу уларға теккан касаллик ҳисобланарди), — хуллас, авфи умумий эълон қилинган кундан то ҳозирги 1922 йилға қадар улар ҳеч нарса содир этишмаган эди.

Хўш, қандай қилиб қутулса бўлади бу мушкул вазиятдан?

Устиға устак, улар бир неча йилдан буён қарши курашмайги-на қолмай, Шўролар ҳукуматиға буткул тан ҳам олишган! (Яъни ўзларининг собиқ Муваққат ҳукуматлари ҳамда Таъсис Кенгашларидан воз кечишган.) Фақатгина барча фирқаларға эркин ташвиқот юргизиш ҳуқуқини берган ҳолда, бу Шўролар-га янгидан сайлов ўтказишни талаб қилишади, холос. (Ҳатто жараёнда ҳам ихзор этди буни МҚ аъзоси айбланувчи Гендел-ман: «Оддий инсоний эркинликларнинг барчасидан одамға ўхшаб фойдаланиш имконини беринг бизларға — ва биз қо-нунбузарликини бас қиламиз». Ҳо-о, ёқмай қолсин! «Беринг» эмиш-а, тагин «барчасидан»-а!)

Эшитдингларми? Мана, қаерда юз кўрсатди уларнинг акси-линқилобий ҳайвоний башаралари! Наҳот мумкин бўлса бу? Шундай жидий вазиятда-я! Атрофимизни душманлар қурша-ган кескин бир дамда-я! (Игирма йилдан кейин ҳам, эллик йилдан кейин ҳам, юз йилдан кейин ҳам шундай бўлади.) Фир-қаларға эркин ташвиқот юргизиш ҳуқуқи берайликми? Вой, ит эмганлар-эй!

Сиёсий жиҳатдан ҳушёр одамлар, дейди Криленко, бунга жавобан фақат мийиғларида кулиб, бош чайқашларигина мум-кин эди!.. Ҳақли равишда қарор қилинди: «Зудлик билан барча давлат жазолаш воситалари ишға солиниб, мазкур гуруҳлар ҳукуматға қарши ташвиқот юргизиш имкониятидан маҳрум этилсин» (183-бет). Мана, нима сабабдан бутун бошли эсерлар МҚини (кимни ушлаш насиб этган бўлса — ўшани, албатта) панжара ортиға ташлашди!

Бироқ — ҳозир-чи, ҳозир нимада айблаш мумкин уларни? «Мазкур вақт оралиғи терговчилар томонидан етарлича таъбиқ этилмаган», дея наҳотат била бош чайқайди қораловчимиз.

Шунга қарамай, эсерларға қўйилган айбларнинг бирида жон бор эди: 1919 йилнинг ўша февралда эсерлар қуйидаги қарор-ни қабул қилдилар (бироқ амалға оширмадилар — лекин янги Жиноят мажмуасига биноан, бунинг зигирча аҳамайти йўқ): Қизил Қўшинда яширин ташвиқот юргизиб, қизил аскарларни деҳқонларға қарши жазо юришларида иштирок этишдан бош тортишга ундаш.

Бу инкилобга нисбатан ниҳоятда тубан хонлиқ эди — жазо юришларида иштирок этмасликка чакирини!

Шунингдек, уларни яна эсерлар «МҚининг хориждаги ва-киллари» аталмиш Оврупоға «қуён» қилган энг таниқли эсер-лардан таркиб топган ташкилот айтган, ёзган ва амалға ошир-ган (кўпроқ — айтган ва ёзган) барча-барча ёвузликларда ҳам бемалол айблаш мумкин эди.



Бироқ барибир камлик қиларди бу ҳам. Шунда қуйидаги хийла ўйлаб топилди: «Қора курсида ўтирганларнинг кўпчилиги ҳозир озодликда юрган бўлишарди, агарда жиний ҳатти-ҳаракатларни ташкил этишда айбланганида!»... Яъни, 1919 йил, авфи умумий эълон қилинаётганида, «шўролар юртидаги адлия арбобларининг биронтаси ҳам» эсерлар шўролар ҳукумати намоёндаларига қарши жиний тажовулар уюштиришганини эсга олганга эмиш! (Чиндан ҳам, кимнинг ҳаёлига қилиши мумкин: эсерлар ва бирдан — жиний тажовуз? Келган тақдирда ҳам барибир авфи умумийга қўшишга мажбур бўлишарди ўшанда. Яхшиямки, келмаган-а ўшанда мияларига. Йўқса ҳозир нима қилган бўлишарди?!) М а з к у р айбнома авфи умумийга киритилмаган (фақат курашгина киритилган унга) — шу боис Криленко бу айбни ҳам уларнинг бўйинларига қўйишга ҳақли!

Энг муҳими: нима д е й и ш г а н э д и эсерларнинг йўлбошчилари (бу эзмачуруқлар эса умрлари давомида нималар дейишмаган!..) октябрь тўнтаришидан кейинги биринчи кунлар? Қора курсидагиларнинг ва умуман, эсерлар фирқасининг раҳнамоси Абрам Гоц бундай деган эди ўшанда: «Агар Смольнийдаги мустабидлар Таъсис Кенгашига ҳам дахл қилишса... унда ижтимоий-инқилобчилар фирқаси ўзининг эски, синашта усули ҳақида эслашга мажбур бўлади».

Бу қашшанг, қулоқсиз эсерлардан ҳар балони кутса бўлади. Жиний тажовуз усулларини инкор этганликларига ҳам ишонини ниҳоятда мушкул.

Эсерлар яширин тарзда фаолият кўрсатганликлари туфайли, деб шикоят қилади Криленко, «гувоҳларнинг бу борадаги кўрсатмалари... ниҳоятда кам». «Бу эса камининг зиммасига юкланган вазифани янада оғирлаштиради... Мазкур ҳолатни татбиқ қиларканман, бир неча марта ўзим ҳам сезмаган ҳолда боши берк кўчага кириб қолдим» (236-бет. — Тилининг бесоуклигини-чи, тилининг!)

Криленконинг зиммасига юкланган вазифа шу сабабдан ҳам ниҳоятда мушкул эдики, шўролар ҳукуматига қарши жиний тажовуз ижтимоий-инқилобчиларнинг МҚида 1918 йил уч бор муҳокама қилинган ва ҳар учала муҳокамада ҳам (Таъсис Кенгаши тарқатиб юборилганидан қатъи назар) ундан воз кечилган эди. Ва энди, орадан шунча йил ўтиб, эсерлар барибир жиний тажовуз билан шуғулланишганини исботлаш лозим.

Ўшанда улар қарор қилишган эди: большевойлар ижтимоий-инқилобчиларни қиличдан ўтказишга киришмагунларича қарши ҳаракат қилмаймиз, деб. 1920 йил эса: большевойлар гаровга олинган эсерларнинг ҳаётларига дахл қилгудек бўлсалар, шу заҳотиёқ бутун фирқа қўлига қурол олади, деган тўхтама келишди. (Бошқа гаровга олинганларни эса нима қилишса қилишаверишсин...)

Мана энди ўзингиз айтинг: нега тамомила воз кечишмади? Нега ҳар сафар ўртага бир шарт қўйишди? «Нима сабабдан буткул инкор этувчи мулоҳазалар билдирилмади?»

Фирқа ҳеч қанақа жиний тажовуз билан шуғулланмагани Криленконинг айблов нутқиданоқ тайин. Бироқ қуйидаги далилларга нима дейсиз: айбланувчилардан бирининг миқсида Москвага келаётган ХКК паровозини портлатиш режаси бўлган — демак, МҚни жиний тажовузда бемалол айблаш мумкин. Мазкур режани амалга ошириш топширилган Иванов исми аёл эса б и р д о н а портлатгич билан тун бўйи бекат яқинида пусиб ўтирган — ўртоқ Троцкийнинг ҳаётига қасд қилган, демак, МҚни жиний тажовузда истиганча айбласа бўлади. Эки: МҚ аъзоси Донской Ф. Каплани, агар Ленини отгудек бўлсанг, фирқадан ўчирилсан, деб огоҳлантирган. Нима — камми бу?! Нега қатъиян маън этишмаган? (Эки: нега бу ҳақда дарров ФКга етказишмаган?) Оқибат — ижтимоий-инқилобчи Каплан доҳий ҳаётига қасд қилди.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтишни жоиз деб топдики Криленко, эсерлар ишсиз, қонсирарган шотирларининг яқка ҳолдаги жиний хатти-ҳаракатларини тўхтатиш учун зиғирча ҳам уринишмади. (Кейин бу шотирлар айтирли бир иш қилишгани ҳам йўқ. Семёнов Сергеевнинг қўли билан Володарскийни ўлдирди — бироқ МҚ қуп-қуруқ чиқди бу сувдан, ҳатто омма олди-да буни инкор ҳам этди. Кейин худди мана шу Семёнов Коноплёва шарифли ҳамшираси билан бирга ДСБ ҳамда муваққат судни ўзларининг ихтиёрий равишда берган кўрсатмалари билан бойитдилар ва худди мана шу даҳшатли, қонхўр шотирлар бугун шўролар судида соқчисиз ўтиришибди, мажлислар орасида эса ухлагани уйларига боришяпти.)

Гувоҳлардан бири ҳақида Криленко бундай дейди: «Агар у бу айтган гапларини тўқиб чиқарган бўлганида, бу қадар ишонарли, нишонга бехато тегадиган даражада тўқиб чиқаролмаган бўларди» (251-бет). (Нақадар забардаст фикр! Исталган сохта гувоҳликка ёпиштирса бўлади уни!) Коноплёва ҳақида эса, аксинча, мана бундай дейди: у берган гувоҳликлар шу сабабдан ҳам ишонарлики, улар фақат айбловгагина дахлдор эмас. (Бироқ айбланувчиларни отиб ташлаш учун етарли.) «Агар биз Коноплёва буларнинг барини тўқиб чиқармоқда, деб тахмин қиладиган бўлсак... бўлиши мумкин» (демак, билади у!) — бироқ барини очик айтмаяпти-ку, бунга нима дейсиз? Шунга қарамай: «Бўлиши мумкинмиди бундай ҳол? Балки? Балки? — демак, бўлган!

Иннайкейин — «қўпоровчи гуруҳ». Узоқ баҳс юритишда у ҳақда ва туйқс: «Фаолиятсизлиги боис тарқатилган эди», деган хулоса чиқаришди. Бир қанча шўровий маҳкамалардан маълум миқдорда пул тортиб олишган, тўғри (нима ҳам қилишсин, ҳаражатлари жуда катта ахир: уй ижарага олиш, шаҳарма-шаҳар кезиш...) Бироқ авваллари инқилобчилар бунини хайрли мақсадда қилинган оддий мусодара деб ҳисоблардилар. Бугунга келиб-чи, нима деб атади уни шўровий суд? — «талончилик ҳамда ўғирлик молни яшириш», деб.

Жараён ҳақидаги маълумотлар билан танишганимиз сари секин-аста намоён бўлиб боради кўз ўнгимизда большевойлар таъзиқига чидаёлмаган ниҳоятда шакарғуфтор, аслида эса мутлақо ожиз, тарқоқ ва ҳаттоки фаолиятсиз фирқанин инқилобдан кейинги тақдири. Ва бу фирқанин ҳар бир қарори, ҳар бир савъ-ҳаракати, ҳужуми ёхуд чекиниши мазкур жараёнда унинг ўзига қарши қаратилади — ва фақат айб, айб, айб бўлиб пешонасига чапланади.

Ҳибсга олинган МҚ Бутирка қамоқхонасида ўтириб 1921 йилнинг сентябрь ойида озодликда янгидан сайланган МҚга мактуб битган ва унда ўзининг большевойлар якъаоқимлигини ҳар қандай йўл билан эмас, балки меҳнаткаш омма орасида ташвиқот юргизиб, уни оёққа турғизган ҳолда ағдариб ташлашга мойиллигини билдирган эди (яъни, ҳибсда ўтиришган бўлишса ҳам рози эмас улар озодликка жиний тажовуз, фитна ёки қуролли кўзғолон ёрдамида эришишга!), оқибат бу ҳам уларга энг катта айб сифатида тиркалди: а-ҳа, демак ағдариб ташлашга р о з и с и з !

Хўп, майли, эсерлар фирқаси фитна уюштиришда ҳам, жиний тажовузда ҳам айбдор эмас, давлат мулкани ҳам деярли талон-тарож қилмаган, дейлик, демак, бўлак барча айблари учун авф этилган экан-да? Суюлиқ қораловчимиз тишининг қавағида асраб келган ваҳини ишга солади: «Жуда бўлмаганда маълумот етказмаганликда айбдор улар ва мазкур тўла-тўқис исботланган айбни қора курсидаги барча айбланувчиларга бирдек тааллуқли деб ҳисоблайвериш мумкин» (305-бет).

Эсерлар фирқаси тағин шунда ҳам айбдор, ў з и ҳ а қ д а б о р и б ч а қ м а г а н ! Мана буни нишонга уриш деса бўлади! Бу — янги Мажмуада очилган ўзига хос қўриқ, бу — яқин келажақда сон-саноксиз миннатдор авлодни Сибирга олиб бориб ташлайдиган асов оқим.

«Шафқатсиз азалий муҳолифларимиз» — мана ким бу айбланувчилар, дея хулоса чиқаради Криленко. Шундай бўлгач, жараёнсиз ҳам маълум уларни нима қилиш!

Мажмуа ҳали шу қадар оҳорлики, ҳатто аксилнқилобчиларга мўлжалланган моддаларнинг тартиб рақамларини ҳам эслаб қололганга Криленко. Бироқ савалашини-чи у бу моддалар билан! Қукур мазмунга эга мисоллар келтириб таҳлил қилишини-чи! Худди бир неча ўн йилликлардан бери қонун қиличи фақат шу моддаларда қайралиб келингандек. Яна шу нарса айниқса ажиб ва муҳимки, чор ҳукумат Мажмуада фарқ қилинган усул ҳамда воситалар тафовути бизда мутлақо йўқ! Айблов даражасига ҳам, жазо чораларини белгилаш даражасига ҳам таъсир қилмайди улар! Жиноятга мойиллик ҳам, жиний хатти-ҳаракат ҳам — биз учун бир! Қарор қабул қилишган эди бир пайтлар — шу қарор учун бугун уларни ҳукм қилмоқдамиз. «Ҳаётга татбиқ этилганмиди у, татбиқ этилмаганмиди — бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ» (185-бет). Хотинининг қулоғига шивирлагани тўшақда: шўролар ҳукумати ағдариб ташласак яхши бўларди-да, деб, сайловларда ташвиқот юргизганими, ёки бомба ташлаганими — бари бир! Уларга мўлжалланган жазо чоралари ҳам!!!

Бейхитёр таниш манзаралар намоён бўлади кишининг кўз ўнгиди, узоқ ўттиз еттинчи, қирқ бешинчи ҳамда қирқ тўққи-



зинчи йилларнинг ачқик нафаси келиб урилади димоғига, ҳол-буки, йилномада эндигина 1922 йил...

Бу — ошқора, ҳатто бутун Оврупонинг кўз ўнгида кўрилган қалдирғоч йирик жараён, бошқача қилиб айтганда, «илк тажриба» эди. Шу жумладан — «халқ қаҳру ғазаб» ҳам. Ва айниқса, мана шу қаҳру ғазаб кутилмаганда жуда муваффақиятли чиқди.

Воқеа эса мана бундай бошланган эди.

Икки социалистик байналмилал — 2 нчи ҳамда 2<sup>1</sup>/<sub>2</sub> нчи (Вена Уюшмаси) тўрт йил давомида тинчгина томоша қилиб туришди большевойларнинг социализмни деб ўз мамлакатларини ёндириб, сўйиб, ўлдираётганларини, буни оламшумул ижтимоий тажриба сифатида қабул қилишди. Бироқ 1922 йилнинг баҳорида Москва қирқ етти нафар эсернинг иши Олий Муваққат судга топширилаётганини эълон қилди — ва Оврупонинг етакчи ижтимоий-инқилобчилари бирдан оёғи кўйган товуқ мисол питирлаб-қинчилоб.

1922 йил апрель ойининг бошида Берлинда — буржуазияга қарши «бирлашган фронт» барпо этиш мақсадида — учала Байналмилаллик мажлиси чақирилди (Коммунистик Байналмилалдан унда Бухарин билан Радек иштирок этишди) ва ижтимоий-инқилобчилар унда большевойлардан бу сўддан воз кечишни талаб қилдилар. «Бирлашган фронт» ниҳоятда зарур эди умумжаҳон инқилоби манфаатлари йўлида ва Коммунистик Байналмилал вакиллари ўзбошимчалик билан ваъда бериб юборишди: жараён ошқора бўлади; барча Байналмилаллардан вакиллар қатнашиб, тавсифнома олиб боришлари мумкин унда; айбланувчилар истаган оқловчилар таклиф этилади; ва энг муҳими (большевойлар учун арзимаган иш бу, бироқ ижтимоий-инқилобчиларга жуда манзур бўлди): мазкур жараёнда ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм этилмайди.

Етакчи ижтимоий-инқилобчиларнинг оғзи қулоғида эди: айбланувчиларни ҳимоя қилиш учун жараёнга шахсан ўзлари ташриф буюришга қарор қилишди. Ленин эса (биринчи фалажлик тутиши арафасида яшамоқда эди у, бироқ хабари йўқ эди асло бундан) «Правда» орқали жуда совуқ муносабат билдирди: «Бизга ниҳоятда қимматга тушди бу». Ахир қандай қилиб ваъда бериш мумкин эди ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм этилмайди, деб? Анави хоин нусхаларнинг судимизга таклиф этилгани-чи? Баён давомида биз Троцкий ҳам ушбу фикрга тўла-тўқис қўшилганининг, Бухарин ҳам тез орада ўз қилмишидан пушаймон еганининг гувоҳи бўламиз. Олмон коммунистларининг «Роте фане» номли газетаси: агар большевойлар берган ваъдаларининг устидан чиқишга мойиллик билдириганида ҳам фирт аҳмоқ бўлишарди, деб ёзди; гап шундаки, Олмонийда «бирлашган фронт» ҳалокатга учраган, демек, ваъдалар берилаётган дамдаги бор умид ҳам буткул чиппакача қилқан эди. Бироқ коммунистлар ўша пайтдаёқ англай бошлашган эди эски, синашта усулларининг бениҳоя қудратини. Жараён арафасида, май ойида «Правда» бундай деб ёзди: «Биз берган ваъдаларимизнинг устидан чиқамиз албатта. Бироқ суд жараёнидан ташқарида бу жанобларга шундай шароит яратиш лозимки, токи улар мамлакатимизга қарши ҳеч бир ножўя сазъ-ҳаракат қила олмасинлар». Худди мана шундай вазиятда май ойининг охирида машҳур ижтимоий-инқилобчилар Вандервельде, Розенфельд ва Теодор Либкнехт (ўлдирилган Карлнинг оғаси) йўлга чиқдилар Москва томон.

Чегарадаги илк бекатдан бошлаб йўлдаги ҳар бир кўналғада ҳужум қилиб туришди уларнинг вагонига намойиши-меҳнат-кашларнинг мислсиз қаҳру ғазабдаги гуруҳлари, аксилин-меҳнатбий ниятлари ҳақида ҳисобот беришни талаб қилишди улардан, Вандервельдедан эса нима важдан хонасалот Версаль битимини имзолаганини суриштиришди. Ҳатто айрим бекатларда де-разаларининг ойнасини синдириб, ўзларининг турқларини ҳам бузиб қўйишни ваъда қилишди. Лекин барибир энг тантанали, энг ажабтошур кутиб олиш маросими Москвадаги Виндав вокзалида бўлиб ўтди: майдонни байроқ кўтарган халойиқ, машшоқлар, куй-кўшиқ садолари тутиб кетган эди. Улкан-улкан плакатларга: «Қирол нозири жаноб Вандервельде! Қачон сиз Инқилобий Муваққат суд қошида жавоб берадиз?», «Канин, Канин, қани оғанг Карл?», деган сўзлар битилган эди. Хорижлик меҳмонлар кўзга ташланишлари билан халойиқ кичқириб, ҳуш-так чалиб, мийёвлаб таҳдид сола бошлади, майдонни эса қўшиқ овози тўтди:

**Келди, келди Вандервельде,  
Келди фирт машҳур аҳмоқ.  
Хуш келибсан!.. Қани эди —  
Бўлса иложи осмоқ!**

(Худди шу ерда жуда ўнғайсиз аҳвол юз берди: Розенфельд одамлар орасида икки қўлини оғзига тикқанча завқ билан ҳуш-так чалаётган Бухаринни кўриб қолди.) Бошқа кунлари ясатиғлик юк уловларида Москва кўчалари бўйлаб қўғирчоқбозлар кезиб юришди. Пушкин ҳайкали яқинидаги сайлгоҳда эса мунтазам равишда эсерлар ҳамда уларга тарафқаш шахсларнинг хоинлигини тасвирловчи томоша қўйилиб турди. Троцкий ҳамда бошқа нотиқлар корхонама-корхона кезиб, ўзларининг оташин нутқларида эсерларни ўлим жазосига ҳукм этишни талаб қилдилар, фирқали ва фирқасиз ишчилар орасида буни овозга қўйдилар. (Уша пайтдаёқ унумли фойдаланишарди жуда кўп имкониятлардан: норозиларни ишсизлик бошланиши билан корхонадан қовушини тўғрилашар, меҳнат тақсимотидан маҳрум қилишарди — ФКга қақриб, танобларини тортишлари ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади.) Сўнг корхоналарга ўлим жазосини талаб қилувчи илтимосномалар тарқатдилар, матбуот саҳифалари мазкур илтимосномалар ва уларга чекилган имзоларнинг сонлари билан тўлиб-тошди. (Тўғри, норозилар ҳам бўлди бундан, ҳатто намойишларда қарши сўзга чиққанлар ҳам — шу боис қилларнидир ҳибсга олишга ҳам тўғри келди.)

8 июнь куни жараён бошланди. Қора курсида — ўттиз икки киши, шулардан йигирма иккитаси — Бутирка қамоқхонасидан; шахсан Бухарин ва яна бир қанча казо-казолар ўз ҳимоясига олган қолган ўн нафар айбланувчига эса соққисиз юриш рухсат этилган. (Пешоналарининг ёздиғидан беҳабар, Бухарин ҳам, Пятаков ҳам мириқиб кўнгил ёзишади бу жараёнда. Бироқ тақдир уларга йўлаб кўриш учун ҳам фурсат беради — ҳар бирга ўн беш йилдан, шу жумладан, Криленкога ҳам.) Пятаков ниҳоятда қаттиқ турди, айбланувчиларга ҳатто гапларини ниҳоясига етказишга ҳам имкон бермади. Айбномаларни Луначарский, Покровский, Клара Цеткинлар қўллаб-қувватлашди. (Якуний айбнома остига терговни олиб борган Криленконинг хотини ҳам имзо чекди — нақадар ажойиб оилавий ҳамкорлик!)

Залга анча-мунча одам тўпланган эди — бир минг икки юзтага яқин, бироқ шулардан йигирма иккитасигина қора курсидаги йигирма икки нафар айбланувчининг қариндош-уруғи эди, қолганлар эса — фирқа аъзолари, уст-бошини ўзгартириб олган шотирлар ва олдиндан тайёрланган фуқаро. Тез-тез кичқириб ва ҳуштаклар билан бўлиб туришарди улар айбланувчи ҳамда ҳимоячиларни. Тилмоочлар ҳимоячиларга жараённинг маъносини бузиб ўғиришар, оқловчиларнинг талаб ва илтимосларини суд ҳайъати истеҳзо билан рад этар, ҳимоя томондан бирорта ҳам гувоҳ жараёнга қўйилмаган эди. Мухтасар тавсифномалар эса шу қадар бемаъни тарзда олиб борилдики, нотиқлар ўз нутқларини ўқиб, танимай қолишди кейин.

Биринчи мажлисдаёқ Пятаков суд ҳайъати мазкур ишга ҳолисона ёндошишдан бош тортажани ва фақат шўролар ҳукумати манфаатлари нуқтаи назаридангина баҳо бериш нияти-далигини изҳор қилди.

Бир ҳафтадан сўнг хорижлик ҳимоячилар суд ҳайъатига Берлин битими бузилмоқда, деб шикоят қилишга журъат этдилар, Муваққат суд эса бунга пинак бузмай: биз — судимиз ва ҳеч қанақа битимини тан олмаймиз, деб жавоб берди.

Хорижлик ҳимоячиларнинг ҳафсаласи шундан сўнг бутунлай пир бўлди, уларнинг иштироки суд жараёни бинойидек ўтган, деган сохта тасаввур уйғотиши мумкин эди фақат, шу боис улар ҳимоядан воз кечиб, ўзларининг Овруполари сари отланишди, бироқ уларни қўйиб юборишмади. Оқибат, машҳур меҳмонлар очлик эълон қилишга мажбур бўлишди! Шундан кейингина 19 июнь куни рухсат беришди уларга жўнаб кетишларига. Афсус, маҳрум бўлишди улар ажабтошур томошага гувоҳ бўлиш имкониятидан — 20 июнь куни нишонланган Володарскийга қилинган суиқасднинг бир йиллик маросимидан.

Барча ишчиларни намойишга тўпландилар (қайсидир корхоналарда ишчилар тарқалиб кетмасин учун дарбозаларни олдиндан қулфлаб қўйдилар, қайсидир корхоналарда эса ишчиларнинг тушлик таом патталарини тортиб олдилар), байроқларда — «айбланувчиларга ўлим»; Қизил Қўшин бўлинмалари ҳам, ўз-ўзидан тайинки, шу ерда. Ва ниҳоят, Қизил майдонда намойиш бошланди. Айбланувчиларга шафқатсиз жазо бе-



ришни ваъда қилиб Пятаков нутқ сўзлади, сўнгра — Криленко, Каменев, Бухарин, Радеклар, Фиркавий нотиклар орасида энг кўзга ташланганлар. Кейин эса намойишчилар суд биноси томон йўл олишди, сал аввалроқ йўлга чиққан Пятаков эса келиб айбланувчиларни дераза яқинига келтиришни буюрди. Дераза тагида эса тўс-тўполон авжида эди. Улар ҳақорат бўрони остида қолишди. Гоцга эса сиртига «ижтимоий-инқилобчиларга ўлим» деб ёзилган тахта келиб теғди. Бу иш куниди кейинги бутун бошли беш соатни олди, аллақачон қоронғи тушган эди (Москванинг нимойдин туни) — ва Пятаков намойишчилар ўз вакилларини ичкарига қўйишни сўрашаётганларини эълон қилди. Бу қонунда кўзда тутилмаган эса-да, бироқ шўролар ҳукуматида мумкин, дея тушунтирдиган Криленко. Вакиллар бостириб киришди ичкарига ва икки соат давомида узундан-узоқ ҳақоратомуз нутқлар сўзлаб айбланувчиларга ўлим жазоси беришни талаб қилишди, ҳақамлар эса қўлларини қовуштирганча жим туриб тинглашди уларни, миннатдорчилик билдиришди ва қора курсидагиларга нисбатан бешафкат бўлишни ваъда қилишди. Вазият шу қадар жиддийлашиб кетдики, айбланувчилар ҳамда уларнинг қариндош-уруғлари: бўлди, тасомом, шу ерда оломон қилиб қўя қолишади энди бизларни, дея ўйлашгача боришди. (Ҳатто Гоц ҳам, инқилобга тарафқаш чойфуруш бойнинг невараси, чор тузуми давридаги учар террорчи, Дурнов, Мин, Рима, Акимов, Шувалов, Рачковскийларга қарши уюштирилган суиқасдларнинг иштирокчиси ҳам кўрмаган эди бундай маломатни бутун умри давомида! (Бироқ «мислсиз халқ қаҳру ғазоби», жараён яна бир ярим ой давом этган эса-да, шу билан хотималанди. Бир кундан сўнг ўзимизнинг ҳимоячиларимиз ҳам жараённи тарк этишди (уларни кучоқ очиб ҳибс ҳамда сургун кутмоқда эди).

Келажақдаги жараёнларга хос яна бир қанча хусусиятларнинг ибтидосини учратиш мумкин бу ерда, аммо айбланувчиларнинг иродаси буткул синдирилганича йўқ ҳали, ўзларига қарши кўрсатма бериш даражасига ҳам келтирилишган эмас ҳозирча. Шунингдек, уларга ҳали сўл йўналишдаги фирқаларнинг: биз — меҳнатқашлар манфаатларининг ҳимоячиларимиз, деган азалий сохта даъволари ҳам қувват бағишлайди. Бир неча йиллик мурасозлик ҳамда бой берилган марралардан сўнг, ниҳоят, қайтди уларга кеч бўлса ҳам аввалги матонат. Айбланувчи Берг большевойларни Тэвсис Кенгашини ҳимоя қилиб чиққан намойишчиларни ўққа тутганлиқда айблади; айбланувчи Либеров эса дангал: «Менинг айбим шуки, 1918 йили большевойлар ҳукуматини ағдариб ташлаш учун етарли ҳаракат қилмадим, курашмадим» (103-бет), деб айтди. Евгений Ратнер ҳам уни қўллаб-қувватлади, Берг эса: «Мен ўзларини ишчи-деҳқонлар ҳукумати деб атовчи шахсларга қарши бор кучим билан курашмаганим учун ўзимни Русий меҳнатқашлари олдида айбдор ҳис қиламан, — деди, — бироқ умид қиламанки, бундай имконият ҳали туғилади». (Туғилмайди, азизим, туғилмайди.) Тўғри, ушбу гапда хиёл баландпарвозликка мойиллик мавжуд, бироқ — шунга яраша қатъият ҳам бор-ку?!

Қораловчи бунни қуйидагича таърифлайди: айбланувчилар Шўролар Русийе учун ниҳоятда хавфлидир, зеро улар барча қилмишларини маъқул деб билмоқдалар. «Балки айрим айбланувчилар қачонлардир бирон-бир тарихчи бизнинг суддаги бу фаолиятимизни мақтов билан тилга олади, деб ўзларига ўзлари таскин бераётгандирлар».

Айбланувчи Гендельман тантанали равишда эълон қилди: «Биз сизларнинг сифатингизни тан олмаймиз!..» Ва собиқ адлия хизматчиси сифатида гувоҳларнинг кўрсатмаларида сохталик сезилаётгани, «гувоҳлар билан жараёнга қадар ишлашнинг ўзига хос усуллари» — яъни гувоҳлар ДСБ томонидан ниҳоятда пухта пишитилгани аниқ-равшан сезилиб турган ҳақида Криленко билан баҳсга киришди. (Ҳа, бор буларнинг ҳаммаси аллақачон — фақат сал-пал сайқал бериш қолган, холос!) Эмишки, дастлабки тергов қораловчи (Криленко) кузатуви остида олиб борилган ва кўрсатмалардаги айрим номувофиқ ўринлар онгли равишда хаспўшлаб юборилган.

Нима ҳам дердик, ҳа, бор айрим нуқсонлар. Камчиликлар бор, ҳеч ким холи эмас бундан. Бироқ «шуни ҳам назардан қочирмаслигимиз керакки... бу қилаётган ишимизга тарих қандай баҳо бериши бизни зигирча ҳам қизиқтирмайди» (325-бет).

Ҳозир эса Криленко куйиб-пишиб — шўроий суд тартиботида, чамаси, биринчи ва охириги марта — дастлабки тергов ҳақида сўз юритмоқда! Энг биринчи, асосий терговдан ҳам ол-

динги тергов ҳақида! Мана, қандай ҳулоса ҳосил бўлмоқда унинг бу маърузасидан: қораловчи назоратсиз бўлган ва сиз тергов деб ҳисоблаётган жараён аслида дастлабки тергов эди. Сиз қораловчи кузатуви остида қилинган қайта тергов деб ҳисоблаётган, барча ипларни учма-уч боғлаб, одил ҳукм сари йўл очадиган жараён эса ўша асосий терговдир! «Тергов томонидан текширилмаган дастлабки тергов ташкилотлари аниқланган маълумотнинг қиймати тергов юзага чиқарган маълумотларнинг қийматидан бир неча баравар пастдир» (238-бет), агар у ниҳоятда устомонлик билан амалга оширилса, албатта.

Ҳа, уста, ўтакетган уста бу Криленко, унча-мунчага тилидан илтириби бўпсан.

Тўғриси айтганда, алам қилади Криленкога туриб-туриб: ярим йил ўлиб-тирилиб тайёрланди у бу жараёнга, икки ой жағи тинмай ақиллади унда, ўн беш соатлаб айблов нутқи ўқиди, ҳолбуки, қора курсида ўтирганларнинг деярли ҳаммаси «ўз пайтида бир неча марталаб фавқулдда ваколатларга эга бўлган фавқулдда ташкилотларнинг қўлига тушишган эди: бироқ айрим бахтли тасодифларга кўра улар омон қолишга эришишди» (322-бет), шу боис энди Криленконинг зиммасида уларнинг қўлларига қонуний патталарини тутқазिश...

Албатта, «ҳукм фақат битта — ҳаммаларини биронта ҳам қолдирмай отиб ташлаш!» Бироқ, дея такаллуф кўрсатади Криленко, жараён бутун дунёнинг кўз ўнгида содир бўлаётгани туфайли, қораловчининг зикри «суд учун дастур бўлолмайди» ва у «бунга бевосита амал қилмаслиги, ҳатто умуман инобатга олмаслиги ҳам мумкин» (319-бет).

Яшаворсин, қандини урсин шу фалсафага қулоқ тутиб, иш кўрган суд!..

Қораловчининг отув жазосига қақирғидан сўнг — айбланувчиларга тавба қилиб, ўз фирқаларидан воз кечиш таклиф этилди. Бироқ ҳамма мазкур таклифни рад қилди.

Муваққат суд эса ҳукм чиқаришда ҳақиқий дадиллик кўрсатди: у чиндан ҳам «ҳаммаларини биронта ҳам қолдирмай» эмас, фақат ўн икки кишини ўлим жазосига ҳукм этди. Қолганларни эса — қамоқхона ҳибсига; шунингдек, яна кўшимча юз кишининг устидан ҳам жинойи иш кўзғаш ҳақида қарор қабул қилди.

Кейин — эсингиздами, эсингиздами, китобхон: Олий Муваққат судга «Жумҳуриятдаги барча бўлак судлар кўз тикишади, (у) мазкур судларга зарурий йўл-йўриқлар кўрсатади» (407-бет), Олий Мувсуд ҳукми «улар учун ўзига хос дастур вазифини ўтайди» (408-бет). Ушбу «дастур»га кўра вилоят ва мавзелардаги яна қанчадан-қанча мардум қулоғини ушлаб кетади — бунни энди ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

БМИҚ Кенгашининг мажлисида кенган суд чиқарган ҳукм муҳокамаси эса бутун бошли жараён билан тенг бўлса керагов. Аввал муваққат суд ҳукми Р(б) КФ мажлисига келиб тушди. Бу ерда отув чет элга бадарга қилиш жазоси билан алмаштирилсин деган таклиф киритилди. Бироқ Троцкий, Сталин ва Бухаринлар (учалови ҳам бир овоздан!): фирқаларидан воз кечишлари учун йигирма тўрт соат вақт берилсин, воз кечиса — беш йилдан қамоқ жазосига, воз кечимаса — сўзсиз отиб ўлдиришга ҳукм қилинишсин, деб оёқ тираб туриб олдилар. Охири БМИҚнинг якуний қарорига асос бўлиб Каменевнинг таклифи ўтди, отиб ўлдириш ҳақидаги ҳукм тасдиқлансин, бироқ ҳукм ижроси тўхтатиб турилсин. Маҳбусларнинг ҳаёт-мамотини озодликда (чамаси, чет элда ҳам) юрган эсерларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳал қилади. Ҳатто яширин, фитна тусидаги фаолият (қуролли кураш ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади) олиб борилган тақдирда ҳам мазкур ўн икки киши отиб ташланади.

Шу тахлит уларни ўлим билан олишувга мубтало этдилар: ҳар бир кун уларнинг қатл кунлари бўлиши мумкин эди. Салпал баҳаво Бутиркадан Лубянкага ўтказдилар, ёзишнинг, учрашиш ва қариндош-уруғлардан ул-бул қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этдилар: дарвоқе, айрим маҳбусларнинг хотинларини ўша захотнён ҳибсга олиб, Москвадан бадарга ҳам қилдилар.

Русийнинг далаларидан эса Фуқаролар урушидан кейинги иккинчи тинч ҳосил ўриб олинмоқда эди. ФК ҳовилларидан ўзга ҳеч ердан ўқ товушлари эшитилмасди (Ярославлда — Перхуров отилди, Петроградда — руҳоний Вениамин; ва яна кимлардир, кимлардир, кимлардир...). Кўм-кўк осмон остидаги денгиз бўйлаб чет элга қалдирғоч элчи ҳамда мухбирларимиз суза бoшлаган эди. Ишчи-деҳқон вакилларининг Марказий Ижроия Кўмитаси эса қўйнида умрбод гаровга олинган



маҳбусларни сақларди.

Хукмрон фирқа аъзолари икки ой давомида «Правда» газетасининг жараёнига тааллуқли олтмишта сонини варақлаш бахтига муяссар бўлдилар (у пайтлар ҳамма ўқирди газета) ва ҳаммалари: ҳа, ҳа, ҳа, деб маъқулладилар фақат. Йўқ, деб очик айтган биронта ҳам мардум топилмади.

Хўш, нега ҳайрон бўлишди улар кейин ўттиз еттинчи йили? Нимага арз-дод қилишди?.. Ахир барча адолатсизлигу ноҳақликларнинг пойдевори аввал ФКнинг судсиз жазолаш ҳуқуқи,

#### РЕДАКЦИЯДАН:

Хурматли журналхонлар!

Мана, сиз Александр Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» («Қамоқхоналар бош бошқармаси оролчалари») асаридан айрим боблар билан танишингиз. Асарда, баъзи баҳсли ўринларидан қатъи назар, ҳақиқат катта жасорат билан, улкан санъаткорнинг синчков нигоҳи билан очиб берилганга имонингиз комил бўлгандир.

Ушбу асар яқин орада китоб ҳолида қўлингизга етиб боришини ҳисобга олиб, биз ундан парчалар эълон қилишни яқунлаяпмиз. Келажакда А. Солженициннинг бошқа асарларини ҳам чоп этиш ниятимиз йўқ эмас. Бу борада сизнинг фикр ва тақлифларингизни кутамиз.



«Абдулла Қодирийнинг сўнги кунлари» ҳужжатли қиссасининг «Ешлик» журналида эълон қилиниши катта воқеа бўлди. Бу ўзига хос жасорат — аввало Ҳабибулла Қодирий, қолаверса, редакция ходимларига насиб этган экан, ўзбек халқи буни ҳеч қачон унутмайди, деб ўйлаймиз.

Яна Абдурауф Фитрат, Файзулла Ҳўжаевга оид ҳужжатлар ҳам темир сандиқларда ўз эгасини кутиб ётибди.

Дарҳақиқат, қинғир ишнинг қийғи — қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Бу қонуният миллион йиллардан бери оғиздан-оғизга ўтиб, ота-боболаримизнинг жон озиғи бўлиб келади-ю, негадир ҳар даврда яна шу пинҳоний жинойтларга қўл урилади: шояд ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолса... Йўқ, бу асло мумкин эмас. Авлодлар билишсинки, бизнинг ҳар битта ҳаракатимиз, у қанча кичик ва аҳамиятсиз бўлмасин, эл назаридан четда қолмайди. Бу назар тушмаган, тушоломайдиган қирон-бир пана жой йўқ. Шу оддий, айни чоғда буюк мантиқни фаромуш қилмасак, бас.

Қисса шу жиҳатдан ҳам бениҳоя ибратлидир.

«Ешлик»дан янги жасорат кутамиз.

ИСРОИЛ СУБХОН,  
МИЗРОБ БҮРОНОВ  
Бухоро

Маълумингизки, Абдулла Қодирий Кумуши, Зайнаби, Раънолари билан биз хотин-қизларнинг қалбимизга чуқур кириб келган. Барчамиз Қодирийни ғоят қадрлаймиз, ёзганларини севиб, дил бериб ўқиймиз.

Бироқ бировни севиш, ҳурматлаш дегани унга сиғиниш дегани эмас-ку. Бировни ҳурматламоқ учун «бошқа биров»ни ҳурматсизлантирмоқ керакми? Устига устак ўша «бошқа биров» — аёл бўлса?

Майли, Ҳ. билан Қодирий муносабатлари ўзларига маълум. Ортда қолганлар масалани қай тарзда ҳал қилишни ўзлари билишар. Аммо бу ерда сизлар айтмоқчи З.нинг нима гуноҳи бор? Ахир З. Ҳ. билан бирга кунларини кечириб бўлди-ку? Энди ортга қайтиб, ажралиш учун судга ариза берармиди? Шу аёл учун Ҳ.нинг хотираси муқаддас ва ҳақорат бўлиб қолган. Шунинг шайқатсизлик билан қандай тортиб олдингизлар?

Орада шу гап бўлган дейлик. Севимли адибимизни ноҳақ қамоққа ташиланишига бу гапнинг нима алоқаси бор?

Бу ҳар икки кишининг шахсий сир. Кеча ёвлашиб, бугун севишиб кетмоқчи тасодифий ҳол эмас. Инсоф билан айтинглар, бу йилларда қай биримиз қоқилмаганмиз?!

З.ни қаҳрамон даражасига кўтарганлар, у ҳақда том-том асарлар чиқарганлар, айтинглар, шу аёлнинг ўқисига арзигulik ҳеч бўлмаसा ўн донга шеър бордир? Ҳеч бўлмаганда шоирлиги учун биз ҳамкасблари озроқ истиҳола қилсак нима қиларди?

Майли, ҳозир ҳамма бир-бирини кавлайверадиган замон экан, шу кавлашларга опани нега аралаштириш керак? У инсон сифатидан ҳам баҳоси йўқ аёл. Узи таниган ҳаваскор шоир-

инқилобий ҳарбий-дала судларининг судли жазолаш ҳуқуқлари, сўнг эса мана шу илк жараёнлар ва мана шу нораства Мажмуа билан қўйилмаганмиди? Ахир 1937 йил ҳам мувофиқ эмасмиди мақсадга (Сталиннинг мақсадларига, эҳтимол, Тарихнинг мақсадларига ҳам)?

Ҳа, билиб айтган экан Криленко, биз ўтмишни эмас, келажакни ҳукм этмоқдамиз, деб.

Муҳими — биринчи қадамни ташлаш, биринчи қадам ташланганча...

ларнинг ҳар бирига қўлидан келган яхшиликни қилган аёл. Ўйр шеърларимизни тоқат қилиб эшитган. Вой, кун совуқ-ку, деб биримизга дуррасини ўраган, биримизга кийимини кийгизган. Талаба бўлсак, санамасдан пул тутқазган, мард аёл у.

Бугунга келиб, кексаран чоғида, танбехларга арзиб қолдимми? Ичимизда шунча гапимиз бор экан, Лайли-Мажнун бўлиб яшасан йилларида айтиб қўй қолайлик эди. Уларни тақдирнинг қўллари умрларининг баҳорида айиргани барча ўчкорлар учун етмасдики, биз яна айирмоқчи бўламиз?! Илтимос, кунимиз ғийбатга қолмасин.

ХОСИЯТ БОБОМУРОВА

Севимли журналимиз «Ешлик»нинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Чунки журнал йилдан-йилга мукаммаллашиб, ўқиниш бўлиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда болалар тарбиясига оид яратилган асарларнинг кўплаб берилиши биз муштариоларни хушнуд қилмоқда. Хусусан, М. Маҳмудовнинг «Қора дўлана», Т. Маликнинг «Авило, болалик», Ф. Қорақулловнинг «Қора гуруҳ» каби қиссалари журналхонларда катта қизиқли уйғотмоқда. Журналнинг 4—7-сонларида берилган Ҳабибулла Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнги кунлари» хотира-қиссаси ҳақида айрим фикрларни билдирмоқчиман.

Авалло шуни айтиш керакки, асар буюк ёзувчи Абдулла Қодирий ҳаётининг сўнги кунлари ҳақида тўлиқ маълумот беради (Айниқса, ёзувчи вафоти ҳақида турли миш-мишлардан бошқа маълумотга эга бўлмаган ўқувчиларга).

Мени ҳайратда қолдирган нарса ўзбек адабиётининг кечаги жиловдорлари Қодирийдек буюк зотни зўр бериб қоралашганларидир. Тўғри, қисса якунида редакциянинг тушунтиришида шундай фикр бор: «...Асарда болалигимиздан таниш, номлари қалбимиз тўридан жой олган инсонлар ҳақида кутилмаган лавҳаларни ўқиб, кўпчилик таажжубга тушиши мумкин. Чунки уларнинг халқимиз маданиятига қўшган ҳиссалари беқиёсдир...» Лекин кишида имон, инсоф, адолат, виждон деган нарсалар ҳам бор-ку! Имон-этиқолида собит қолган, ҳар қандай шароитда рост сўзни айтган кишилар ҳам бор экан-ку! Асарни ўқиб, беихтиёр шундай фикрга келасан киши, қатағон йилларида имон-этиқолидан айрилган кишилар диёнатли, виждонли Қодирийларни, Икромовларни, Усмон Носирларни, Файзулла Ҳўжаев каби юзлаб-миглаб халқ фарзандларини жарга қулатган эканлар.

Мен 28 йил иш стажига эга бўлган тил-адабиёт ўқитувчисман. Ўзбек миллий колоритини ҳеч бир ёзувчи Қодирийчалик мукаммал ёрита олмаганлиги ҳаммага маълум. Шундай талант соҳибининг қатағон қилинишига сабабчи бўлган бахт куйичсини, ўзбек шеърятининг таянчи, ажойиб ҳикоянавис — сўз санъаткорини, ўзбек драматургияси давомчиларининг ҳаёти ва ижодини энди ўқувчиларга қандай тушунтира оламан экан? Асарни ўқиганимга салкам бир йил бўлгачи, шу менга тинчлик бермайдир.

ДИЛМУРОДЖОН ЮНУСОВ,  
Андижон влояти, Пахтаобод ноҳиясида  
Ойбек номли 18-ўрта мактабнинг тил ва  
адабиёт ўқитувчиси.



# ҒРИҒОН

«Қодирийнинг сўнги кунлари»  
хотира-қиссаси хусусида

Умарали Норматов,  
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР  
Давлат мукофоти лауреати

«Қодирийнинг сўнги кунлари»ни варақлашим биланоқ, 1987 йил май ойида ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйида хотира-қисса муаллифи Ҳабибулла Қодирий билан бўлган мулоқотлар ёдимга тушди. Ҳабибулла ака ўша йили қиш ва баҳор ойларини ижод уйида ўтказдилар. У киши оғир бетоб эдилар. Ҳар кун шаҳардан ўғиллари келиб хабар олиб туришар, умр йўлдоши эса уқол қилиб муолажани давом эттирарди. Шунга қарамай Ҳабибулла ака бетиним ижод билан банд эди. Ён хонада туриб бемор одамнинг кунни тунга улаб ишлашига, бир чеккаси, ҳавасим келса, бошқа томондан, унинг аҳвол-руҳиясини, ранги-рўйини кўриб юрагим эзилиб кетарди. Чамаси, кўпни кўрган шифокор, ёзувчи бу одам умрининг сарҳисоб пайти яқинлашганини ичдан сезар, авлодлар учун жуда муҳим гапларини айтиб қолишга, қоғозга туширишга шошиларди. Кунларнинг бирида оқшом пайти ёзувчи Саид Аҳмад Пиримқул Қодиров, Ҳабибулла ака ва мени боғ ҳовлисига меҳмонга таклиф этди. Ярим тунга қадар давом этган бу мароқли суҳбатда Саид Аҳмад ака очилиб кетиб, илк бор ўзининг лагерь ҳаёти ҳақидаги аччиқ қиссасини гапириб берди. Авваллари мен ундан бу ҳақда сўраганимда, негадир нуқул гапга чап берар, бу тўғрида сўзлашни хуш кўрмас эди. Эҳтимол, икки жабрдийда учрашиб, ёнма-ён ўтириб эски яралар очилиб кетди, ҳар ҳолда, ўша кун Саид Аҳмад ака бутун бир йирик фожией асарга арзигулик аламли дostonини тўкиб солди. Кейинроқ, «Шарқ юлдузи»да босилган «Кўрқув салтанати» деб номланган суҳбатда шу аччиқ дostonнинг бир қисмини ўқувчиларга шўбам этди.

Суҳбат пайти Ҳабибулла ака деярли гапга аралашмай чуқур ўй-хаёлларга ғарқ ҳолда жим ўтирдилар. Меҳмондорчилик тугаб, мезбон билан хайрлашиб Ҳабибулла ака иккала-миз Пиримқул Қодировни боғига кузатиб қўйдик; қайтишда у киши юрагини ёриб қолдилар: «Саид Аҳмад аканизнинг гапларини эшитдингиз-а... Мен шу кунларда иккита дард билан олишяпман. Бири — жисмоний хасталик, иккинчиси Қодирий ва Қодирийлар хонадонининг армони, фиғони... Саид Аҳмаднинг хотиралари менинг ярамга туз сепгандай бўлди... Мен шу пайтга қадар қалам тебратиб, унча-мунча нарсалар битдим. Аммо ҳеч қачон ҳозир битаётган асарим каби ўзимда ёзишга, кўнглимдагиларни бўшатишга бу қадар кучли эҳтиёж сезган эмасман. У мислсиз оғир дард бўлиб, вужуд-вужудимни ўртамоқда. Шу дард, шу армонни қоғозга туширмагунча, ёзиб битирмагунча бу дунёдан кетолмайман, жон беролмайман...»

Қимдир яхши айтган: тарихда шундай сиймолар бўладики, улар тарих, жамият ўзларига юклаган вазифани адо этмагунча дунёдан кетмайдилар. Эҳтимол, бу гап катта миқёслардаги тарихий бурчлар ҳақидадир. Аммо бу ҳикматни бошқачароқ, бирор халқнинг маданияти, адабиётига дахлдор шахсларга ҳам бемалол тадбиқ этиш мумкин, деб ўйлайман. Чунончи, Ҳабибулла Қодирий ўзининг машаққатли фаолияти, отаси Абдулла Қодирий ҳақидаги хотиралари, айниқса, «Қодирийнинг сўнги кунлари» қиссаси билан маданиятимиз, адабиётимиз тарихи, халқимиз учун бошқа бирор зот қилиши, қила олиши мумкин бўлмаган мислсиз улуг ишни, тарихий вазифани адо этиб, оламдан ўтди. Мен аминманки, бу иш

учун миннатдор авлодлар унинг табаррук руҳи олдида қайта-қайта қуллуқ қилажақлар.

«Қодирийнинг сўнги кунлари» «Ёшлик» саҳифаларида эълон этила бошлаши биланоқ кенг жамоатчилик эътиборини ўзига тортди, ҳали асар охиригача босилмай туриб у ҳақда жўшқин баҳслар бошланиб кетди, бир-бирига зид мулоҳазалар ўртага ташланди, ғоят хилма-хил тошфа, турли ёшдаги ўқувчилардан журнал редакциясига хатлар оқими ёғила бошлади, адабий танқидчилар, ёзувчилар орасида асарни қўллаб-қувватловчилар ва, айни пайтда, уни ғашлик билан ноҳуш қабул қилувчилар ҳам бўлди. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки у етмиш йиллик тарихимизнинг энг мураккаб, фожией йиллари, қатли ом жафолари, яна ҳам аниқроғи, улуг адиб Қодирийнинг, Қодирийлар хонадонининг, қолаверса, бутун бошли адабиётимизнинг, маданиятимизнинг қора кунлари ҳақидаги асардир; даврнинг ўта шафқатсиз ҳақиқати тўғрисида шафқатсиз далиллар-ҳужжатлар тили билан сўзланган аччиқ хотиралар дostonидир, шоир Шукрулло сўзлари билан айтганда, бу асар «қора кунлар ҳақида айтилган РОСТ СЎЗ сифатида ҳам биз учун қадрлидир».

Шуниси характерлики, «Қодирийнинг сўнги кунлари» асарининг матбуотда пайдо бўлиши А. Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» адабий тадқиқотининг ватанига қайтиши, «Новый мир» журналида чиқиши билан деярли бир пайтга тўғри келди. Бу икки асарни олдинма-кейин ўқидик. Мен «Қодирийнинг сўнги кунлари»ни асло Солженицин асарига тенглаштирмакчи эмасман. «ГУЛАГ архипелаги» ўзининг ифода кўлами, фикрлар миқёси, мардона ҳақиқати жиҳатидан жаҳон адабиётида тенги йўқ асар. Аммо, камтарона бўлса-да, ўзбек матбуотида<sup>1</sup> «ГУЛАГ архипелаги» билан бир пайтда, балким ундан сал олдинроқ, муайян жиҳатлари — ўзининг мавзу-материали, бешафқат ҳақиқати, пафоси билан унга ҳамоҳанг асарнинг пайдо бўлиши адабиётимиз учун қувончли ҳодисадир. Атоқли тарихчи олим Рой Медведевнинг «ГУЛАГ архипелаги» хорижда рус тилида чиқиши муносабати билан 1974 йили ёзган ва орадан ўн беш йил ўтиб асар ватанида илк бор юз кўриши туфайли «Правда» газетасининг 1989 йил 18 ва 29 декабрь сонларида эълон этилган мақоласида шундай фикр бор: «Солженициннинг китоби одам боласи ҳазм қилиши қийин бўлган дахшатли фактларга бой... Бу китоб чуқур ва ҳаққоний, балким ҳар доим ҳам ҳақ бўлмаган, бироқ ўн миллионлаб одамларнинг ададсиз изтироблари, халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихида мисли кўрилмаган уқубатлари замирида туғилган фикр ва кузатишлар билан лиммо-лим асар. Сталин лагерлари ва қамоқлари дахшатли «Архипелаги»га тушган ҳар бир зот ундан ёши ва саломатлиги жиҳатдангина эмас, ўзининг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги тасавури жиҳатидан ҳам бутунлай бошқача одамга айланган ҳолда чиқади. Уйлайманки, бу китобни қўлга олган одам ҳам уни ўқиб тугатгач, аввалгидан бутунлай бошқача бўлиб қолади...»

<sup>1</sup> Александр Солженицин. ГУЛАГ архипелаги. «Ёшлик», 1990 йил, №1, 3.



«Қодирийнинг сўнги кунлари» ҳам, муайян кам-қўстларига қарамай, ўзига хос мардона, шафқатсиз ҳақиқати билан китобхонларнинг 30-йиллардаги халқ ҳаёти, маданий-адабий муҳит тўғрисидаги аввалги тасавурларини ўзгартириб юбориш, минг-минглаб ўқувчилар қалбига тугён солиш қудратига молик асардир. Кўпдан бери ўзбек адабиётида бунақа ҳодиса юз бермаган эди.

«Қодирийнинг сўнги кунлари» хусусидаги гап-сўзлар негандир асарнинг фақат биргина «Жосулар союзи» боби атрофида ўралашиб қоляпти. Редакцияга келган мактублар ҳам асосан шу бобда қаламга олинган факт-ҳодисалар, шахслар ҳақида. Тўғри, мазкур боб асарнинг энг ҳаяжонли, айтиш мумкинки, кульминацион нуқтаси. Унда ўқувчи кутилмаган, ўта бешафқат, аччиқ ҳақиқатларга, дарҳол ҳазм қилиш, тағига етиш, тўғри изоҳлаш, одилона хулосалар чиқариш мушкул бўлган чигал жумлоқларга дуч келади. Эҳтимол, бу ҳужжатли хотира-қиссанинг энг кучли жиҳатлари ҳам, муайян кам-қўстлари ҳам ўша бобда ёрқин кўринар. Ҳар қанча ҳаяжонли бўлмасин, бу боб асардаги кўпдан-кўп характерли воқеа-ҳодисаларни, аҳамияти, таъсир кучи жиҳатидан ўша бобдагидан асло қолишмайдиган фактларни, адабнинг аламли ўйлари, нозик кузатишларини сояда қолдирмаслиги керак.

Танқидчи Абдуғафур Расулов «Ҳужжат ва бадиийлик» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 1 декабрь) «Қодирийнинг сўнги кунлари»да ҳақиқий санъат асарига хос концепция мавжуд» дея ҳақ гапни айтади, аммо қиссадаги концепция нимадан иборат, деган саволга тайинли жавоб бермайди, концепция ҳақидаги жуда умумий, мужмал назарий мулоҳазалардан сўнги, бирдан бояги фикрига зид бориб, қиссадаги «вақеа-ҳодисалар, факту ашёлар заминини кўраман, улардаги ички боғлиқликни топаман, десангиз анча мушкул аҳволга тушиб қоласиз», деб ёзади. Унингча, қиссада «ҳақиқат акс этган». Лекин «бу ҳақиқат бадиий жиҳатидан» исботланмаган. Танқидчи умуман асарнинг қийматини шубҳа остига олади. Модомики, мунаққид концепцияни «санъаткорнинг борлиги, замон шамоллари, сиёсат таъйиқига бўй бермайдиган асос» деб санар экан, қиссада айти шундай асос, вақеа-ҳодисалар, факту ашёлар орасида чуқур ички боғлиқлик, уларни бирлаштириб турадиган яхлит ғоя — «санъаткорнинг борлиги» мавжуд. Муаллифнинг ноҳақлик, шафқатсизлик қурбони бўлган ота ҳақидаги қалб фиғони, тугёни, баралла эшитилиб, шовқин солиб турибди-ку!

«Қодирийнинг сўнги кунлари» қиссасининг ўзига хослиги, танқидчи даъво қилганидек, шунчаки «Отам ҳақида» хотира-сига сиғмай қолган, янги топилган, ниҳоят, автобиографик характердаги материаллар киритилган» лигидагина эмас, балким бу асар авваллари айтиш, ёзиш мумкин бўлмаган аччиқ ҳақиқатлар китобидир. Асар сўзбошида айтилганидек, «сиёсат ўзгарди, Сталин ҳокимияти паторат топди, ошқоралик, адолатни, ҳақиқатни очиқ айтадиган кунлар келди». Қисса ана шу хайрли кунларнинг мевасидир.

Бу асар билан танишганда беихтиёр адабиётимизда 70—80-йилларда пайдо бўлган халқнинг асл ўғлонлари билан шу халқ, жамият, ҳокимият муносабатлари талқин этилган, маломатли ўй-мулоҳазалар билан тўлиб тошган А. Ориповнинг «Маломат тошлари», «Оломонга», Э. Воҳидовнинг «Руҳлар есиёни», О. Матжоннинг Шукур Бурҳон тўғрисидаги асарлари ёдга тушади. Худди ўша дoston ва шеърлардаги каби «Қодирийнинг сўнги кунлари»да ҳам халқнинг асл ўғлони, халқ маданияти, равнақи учун жонини тиккан фидойи инсоннинг, тенгсиз истеъдод соҳибининг қадри муаммоси оғир дард, олов бўлиб муаллиф қалбини, вужуд-вужудини ўртади, ана шу изтиробли ўйлар китобхон қалбига ҳам кўчиб ўтади, борлигини ларзага солади. Менинча, асарнинг концепцияси, пафоси шундан иборат. Мабодо қиссада ҳақиқат бадиий жиҳатдан исботланмаган бўлса, у ўқувчини ларзага солармиди, ўйга толдирармиди!

Шуни ҳам айтиш керакки, асар Қодирий ҳаётига, ижодига оид мавжуд маълумотлар билан таниш, дидли, фаросатли китобхонларга мўлжаллаб ёзилган. Қисса Қодирий ҳаётига доир 1926 йилги мудҳиш ҳодисани эслатиш билан бошланади, лекин муаллиф бу ҳодисанинг тафсилотларини батафсил ҳикоя қилиб ўтормайди. Маълумки, ўша йили Қодирий арзимас баҳона билан — «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» мақола-сига раҳбар ходимлар шавъига айтилган беозоргина ҳазил-

мутоибани рўқаб қилиб, раҳбарларни обрўсизлантиришга уринган, деган айбона билан қамоққа олинади. Бир неча ой давомида ёзувчи атрофида матбуот саҳифаларида уни кўролмаган айрим шахслар адовати туфайли ўринсиз, ҳақсиз ҳужумлар, англашмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжимали жэмзамалар авж олдирилади, шу тариқа, Қодирий сўзлари билан айтаганда, адоват мамлакат рангида бўялади. Қарангки, ўзини Маркс ва Лениннинг ҳароратли шоғирати санаган, Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомланган, Лениннинг соғлом, улғу, ғазаматсиз, гидирсиз йўлига томон холис бел боғлаган, Шарқ озодлиги ва унинг мазлум пролетариати саодати фақат ленинизм орқасида вужудга келишига ишонган бир одамга ҳеч қандай асоссиз аксиликчилобчи деган айб тақалади. Совет ҳокимияти идораларида сидқидилдан ишлаган, «Муштум»нинг асосчиси бўлган, «Муштум»даги ичак-узди фелъетонлари, ҳажвиялари, оташин публицистик мақоалари билан янги дунё қуришда фаол кураш олиб бораётган, «Ўтган кунлар» романи билан адабиётда, халқимиз бадиий тафаккурида инқилоб ясаган улғу адиб худди ўша «Ўтган кунлар» тўла ҳолда китоб бўлиб чиққан ишли ҳибсга олинади. Яхшиямки, ҳали ленинча сиёсат барҳаёт экан, одамлар орасида инсоф, диёнат тугаб битмаган экан, юқори доираларда адолат йўлини тутадиганлар бор экан, Ижтимоий Шўролар жумҳурияти суд ҳукмини бекор қилади, Қодирий озодликка чиқади. Аммо бу мудҳиш машмаша, суд можароси Қодирий учун оғир кўргулик бўлиб қолди, инсонлик шавъни, ҳуқуқи топталган ориятли адиб бу ишни ўзи учун маънавий ўлим санайди. Адиб судда сўзлаган нутқида «Бир неча шахсларнинг орзуси-ча маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир» — дейди чуқур алам билан.

Ҳўи, шундан кейин нималар бўлди? Хотира-қиссада айти шун ситамли саволга жавоб топамиз. Асар бежиз «Қодирийнинг сўнги кунлари» деб номланмаган. Гап бу ерда қисқа фурсат — адиб ҳаётининг сўнги кунлари устида бораётгани йўқ. Қодирийнинг «маънавий ўлими»дан то «жисмоний ўлими»га қадар орада ўн икки йилдан ошиқроқ муддат етибди. Ун икки йилга чўзилган бу давр чиндан ҳам Қодирийнинг сўнги қора кунлари. Тўғри, бу йиллар давомида адиб учун нисбатан осойишта, ёруғ кунлар ҳам бўлди. Улкан истеъдодлар учун озгина дадда, сийлов ҳам уларга нақадар катта куч, илҳом бахш этиши мумкинлигини Қодирий қисмати яна бир карра тасдиқлайди. Суд пайти номуси топталми ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адиб юқори доирадагилар ҳиммати туфайли ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққан, кўп ўтмай ана ўзига кела бошлайди, илҳом билан ижода киришади, «Меҳробдан чаён»ни ниҳоясига етказди... 1932-36 йиллар давомида онда-сонда бўлса-да, адибга нисбатан озгина эътибор — Ёзувчилар союзига қабул қилиниши, Москвада ўтган анжуманларда шитроқ этиши, Қозон сафари, А. Икромов марҳамати, А. Толстой, С. Айний, Сўфизода каби таниқли шоир ёзувчиларнинг хонадониди бўлиши — буларнинг барчаси уни катта ишларга руҳлантиради, қатор публицистик мақоалар ёзади, таржималар қилади, «Обид кетмон» романини яратади, янги тарихий роман учун материаллар йиғади... Афсуски, айти ижодий балоғатга етган, куч-қудратга тўлган адиб учун бунақа осойишта, саодатли кунлар ниҳоятда оз, ўта танқис бўлди.

Қисса муаллифи адиб ҳаётидаги ўшандай танқис, саодатли дақиқаларни ҳам йўл-йўлакай эслатиб ўтади, лекин асосий диққат-эътиборни адиб тақдирини драматик, фожеий ҳолатларга қаратади. Тарихда шундай алломалар бўладикки, уларга муносабатга қараб, умуман жамиятдаги маънавий-сиёсий иқлим қандай эканини равшан кўриш, англаш мумкин. Бизнинг тарихимизда Қодирий ҳам шундай сиймолардан. 20-йилларнинг иккинчи ярмида ва 30-йилларда Қодирий теварагидаги мажаролар, адиб бошига тушган қора кунлар биргина ўша шахс тақдирига дахлдор бўлмай, бутунаси тарихимизнинг ҳам драматик паллалари, қора кунларидир. Қарангки, Ленин вафотидан кейин бошланган демократияга, сўз эркига қарши хуруж, демогогиянинг илк қурбонларидан бири Қодирий бўлди. «Буюк бурилиш» даври, сталинчи зўравонлик системаси ҳамласига биринчилардан бўлиб айти шу Қодирий дуч келди, адиб ижтимоий фаолиятдан, матбуотдан четлатилди, айти шу кезларда унинг «Муштум»даги фаолияти, ҳажвиялари яна қайтадан тафтиш қилинди, «Ўтган кунлар» кескин танқид остига олинди, ёзувчига жиддий ғоявий-сиёсий айблар қўйилди.



машъум ёрлиқлар тақалди. 30-йилларга ўтиб социализм олға боради сари синфий кураш, душман синф қаршичилиги кучая боради, деган сталинча концепция илгари сурилган, «душман» қидириши, «ёт унсур»ларни фош этиш жазаваси авжга минган кезлари илгори зиёлилар орасида бундай даҳшатли бало-офатга илк бор дуч келганлардан бири яна ўша Қодирий бўлди... «Қодирийнинг сўнги кунлари» муаллифи ғоят ишончли фактлар, вақтли матбуот, архив материаллари, ниҳоят, ўзи шохид бўлган жонли воқеалар — хотиралар воситасида буларнинг барчасини кўз олдимизда гавдалантиради.

Биз кейинги пайтларда инсоний меҳр-оқибат, инсоф-диёнат кўтарилиб бораётгани, мурувват, шафқат туйғуси хира тортиб, одамлар дағал-беоқибат, тошбағир бўлиб кетаётгани ҳақида кўп гапирётимиз, аммо бу кўнгулсиз ҳодисаларнинг илди-лари хусусида ўйлаб кўраётганимиз йўқ. Холбуки, бундай маънавий-руҳий иңқирознинг илди-лари аввало айни ўша сталинча зўравонлик, шафқатсизлик сиёсати авжга чиққан йилларга бориб тақалади. «Қодирийнинг сўнги кунлари» бу жиҳатдан бизда ҳозирча тенги йўқ тарихий ҳужжат. Қиссани варақлар экансиз, ғайриинсоний авторитар система, хато сиёсат, носоғлом муҳит одамлар орасидаги оддий муносабатларга раҳна солиши, меҳр-оқибатни емириб, маънавий жиҳатдан нақадар юзтубан кетишга олиб боришини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. 1926 йили Қодирий устидан уюштирилган фитна, суд тафсилотларидан биламизки, кечагина адиб билан ёнма-ён юрган, бирга ишлаган, Қодирийнинг нурдай пок одамлигини, ҳар жиҳатдан ҳақ эканини билган кимсалар бу одам бошида кўланка айланиши биланоқ ундан ўзларини олиб қочадилар, бугина эмас, кўра-била туриб нотўғри гувоҳлик берадилар; ўзи ҳажв ёзиб, ҳажв нималигини яхши билган истеъдодли шоир обу ҳавога қараб имонига зид равишда адиб ҳажвийларига ҳужум бошлайди; кунги кеча улуг адибга шоирд тутинган, ундан сабоқ, маълумот, маслаҳат олган ёш танқидчи эртаси яна ўша обу ҳаво, муҳит, шароит таъсирида виждонига хилоф равишда адибга тўхматлар қилади, ҳақиқатининг юзига тупуради. Қиссанинг «Бўрон арафасида», «Жосуслар союзи» бобларини ўқиганда китобхон ўзини йўқотар ҳолга тушади. Қодирийга ҳужум, айниқса, машъум 1937 йили авжга чиқади, ўша йили матбуотда адибни «ер билан яқсон этиш»га қаратилган эликдан ортиқ мақола босилади. «Улар бош мақола, обзор, «илмий текширув», ахборот тарзида ёзилган бўлиб, имзоли-имзосиз босилаверган. Хуллас, кимникики мақола ёзгиси келса, обрў орттираман, ишонч қозонаман деса, ҳеч иккиланмай Абдулла Қодирийни дўппослайверади ва ҳеч «хато қилмай» мақсадига эришверади. Гўё Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг бирдан-бир мудҳиш айбодори...» — дейди муаллиф изтироб билан. Айниқса, қисса муаллифини архив ҳужжатларида муҳрланиб қолган халқимизнинг, адабиётимизнинг фахри саналган атоқли ёзувчи-шоирларнинг ўз ҳамкасби бўлмиш тенгсиз истеъдод эгаси Қодирийга ноҳуш муносабати, у ҳақда айтуган ноҳақ гаплари оғир қийноққа солади. Қиссанинг айни шу ҳаяжонли, баҳсли ўринлари хусусида кейинроқ махсус тўхталамиз.

Қодирийга муносабатнинг ноҳуш тус олиши фақат ижтимоий-иждодий давралар билангина чекланиб қолмай, адиб оиласи, кундали турмуши, маиший ҳаёт доирасига ҳам захрини солади. Узоқ-яқин одамларнинг, қўни-қўшниларнинг ҳам Қодирийга, Қодирийлар оиласига муносабати ўзгаради. Уша кезлари ишдан четлатилган, «Ўтган кунлар» учун берилган қалам ҳақини қарзга бериб доғда қолган Қодирий катта рўзгорни тебратиш учун ҳар хил қаланғи-қасанғиларга, яхши-ёмон одамларга ариза ёзиб бериш билан машғул бўлади. Бу Қодирийдек улуг сиймо учун таҳқир, иснод, ҳақорат эди-ку! Бунақа «икир-чикир»лардек туюлган ҳодисалар, айниқса, Қодирийлар хонадонни бошига катта куфат тушган, Қодирий ҳибсга олинган кезлари даҳшатли тус олди. Узини ўзбек, мусулмон, умуман, одам санаган бир гуруҳ кимсалар шу мушкул дақиқаларда жабрдийдаларга мадад бериш, мадад эмас, уларнинг ҳолига одам каби ачиниш ўрнига уларни таҳқирлайди, хўрлайди; эри қамалиб норасидалар билан қолган аёлнинг нолишларига, кечагина касалдан туриб рўй берган мусибатдан довдираб ҳали ўзига келолмаган, номаълумлик қаърига кетган ота дарағида юрган Ҳабибуланинг ночор ҳолига қарамай Қодирийлар оиласини уйдан қувиб чиқариш, уни тортиб олиш пайида бўладилар; ҳеч қанақа юз-хотирга бормай, ўта андишасизлик билан бу ночор ошадан Қодирий

«қарзи»ни ундириб оладилар; кўч-кўч машмашаси пайти муштилар она: «Ҳеч қаерга кетмайман, ўлимни шу ердан чиқади!», деб милиционерларга бўш келмай дод солиб йиғлаганида қўшни аёл зўрлик, ситамдан қақшаб қоврилаётган жабрдийда ёнини олиш ўрнига: «Ҳой, ҳукумат кўнчин деган кейин кўнчин керак-да, йиғлаганинг нима фойдаси бор!» дея зўравонларга ён босади. Холбуки, бу қўшни бир вақтлар Қодирийдан ҳиммат кўрган, 1933 йили очликдан оиласи билан шабкўр бўлиб қолганида Қодирий уларни қоқиб кўзини очган эди.

Ҳабибулла «халқ душманининг ўғли» сифатида қамалиб, не-не жабр-ситамларни бошдан кечириб, ГУЛАГ азобларига, бало-офатларига дош бериб юртига қайганида яна ўша ноинсоф, тошбағир кимсаларнинг таъқиб, таҳқир-надоматларига дуч келади. Қодирий қўли билан обод этилган боғ ҳовлига кўз тиккан қаллоблар мақсадида эришади, ҳаммасини бўлмаса-да, ҳовлининг машҳур Қодирий шийпони жойлашган қисмини эгаллаб олишади. Буниси ҳам майли, Ватан уруши йиллари фашистлар Ясная Полянада улуг Л. Толстой уй-мулкини қандай топтаган бўлсалар, ўзимиздаги собиқ сталинчилар ҳам Қодирий мулкини ўшанақа ваҳишларча оёқ ости этадилар: ўша машҳур шийпонни отхонага, атрофидаги олмазор, мевазор ерларни бузиб чўчқахонага айлантирадилар. Гўзал романлар, ажойиб ҳикоялар яратилган, кўп улуг одамларнинг суҳбатлари учун маскан бўлган Қодирийнинг илҳомбахш уйи, шийпони шундай ночор аҳволга келтирилади. Муаллифнинг ўқинчларга тўла мана бу сўзларини жўн ўқиси мумкинми: «Ёз кунлари отхона ва унинг теварағида яшовчи хонадонлар пашшанинг кони бўлгани етмаганидек, устига-устак шийпон тагидан оқиб ўтадиган, четларида қозик тол ўтқазилган узун чиройли ариқда иссиқлаб қолмасин, яхши ўссин, семирсин деб ўша юзта чўчқани чўмилиштирар экан. Ваҳоланки, бу ариқ бизнинг шийпондан ўтгандан кейин яна йиғирма хонадонни сув билан таъминларди. У вақтларда ҳали бизнинг томонларга водопровод ўтқазилмаган, ҳалиги йиғирма хонадон эса овқатга ва ичишга фақат шу чўчқа ювиндиси билан «табаррук» этилган ариқ сувидан фойдаланишар, челақларга, бак, хумларга сув тўлғазиб қўйиб, тинитиб ичишар эди. Жумладан, биз ҳам шу йўсин ичар ариқдан фойдаланар, сувга аччиқтош ташлаб тиндириб ичар эдик...»

Уша кезлари «халқ душмани»нинг оила аъзолари ҳам, қўни-қўшинлари ҳам бу ҳақда оғиз очишга, юқори идораларга шикоят қилишга журъат толмайдилар. Ахир ўша пайтлари совет чўчқаларига тил теккизиб бўлармиди! Бироқ одамлар барибир жим турмайди, аламлирини яна ўша жабрдийда Қодирий хонадонидан олишади. «Бу отанг Жулқунбой қандай касофат одам бўлган-а, унинг жатига биз чўчқа шалтоғини ичиб ўтирибмиз!» — деб Ҳабибуллага кесатик, ўпка қилишади... Бунақа ҳадсиз таъна-дашном, таҳқир-надоматларга қандай дош берди экан бу аламоийда ўғлон, унинг жигаргўшалари! Ана сизга сталинча мудҳиш муҳит етиштирган одамларнинг ҳоли, ахлоқ тарзи, бир-бирига меҳр-оқибати! Наҳотки, Юсуфбек ҳожиде, Ўзбек оғим, Қутидор, Отабек, Кумуш, Ҳасаналилар авлоди бўлган халқ фарзандлари шу ҳолга тушиб қолсалар! Халқда «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман», деган аламли гап бор. Ҳ.Қодирий қиссаси бошдан-оёқ ана шундай аламли йиғи, фарёд билан йўғрилган.

Дарвоқе, ўша мудҳиш қора кунларда Қодирий тақдири ҳақида ўйлаган, унинг ёнини олган, у ҳақда ҳақ гапни айтган, А. Қодирийлар хонадонига мурувват, мадад қўлини чўзган сиймолар ҳам бўлган. Қиссада А. Икромов, Қ. Березин, Л. Соцердотова, Манноб табиб сингари сиймолар тўғрисида илмиқ гаплар айтилган. Лекин уларнинг жасорати, ҳиммати ўша зулмат қўйида бамисоли ожиз шам каби шунчаки милтилаб кўринади, холос. Улар зулматни ёритиш, зулмат булутини парчалашга қодир эмаслар. Бу ҳам реал ҳақиқат. Зотан, ўша шароитда улар бундан ортиқ жасорат, ҳиммат кўрсата олмасдилар ҳам.

Хотира-қиссада Ҳабибулла Қодирийнинг машаққатли саргузаштлари — ота ҳибсга олинганидан сўнг бошига тушган савдолар, таъқибу таҳқирлар, қажоқ, сўроқ, сурғун азоб-уқубатлари ҳам ўрин олган. Бироқ бу ўринларда ҳам муаллиф бош мавзудан унча узоқ кетмайди, баъзи бир тасофий детале, ҳолатларни, ортиқча тафсилотларни мустасно қилганда «Навбат бизга», «Тергов», «Лагерларда» бобларида ҳам асосий гап ота — Қодирий устидан боради. Тергов пайтида Ҳаби-



булла Қодирийга қўйилган сохта айбномалар, терговчининг Қодирий қўлёзмаларига ваҳшийларча муносабати, лагерда Қодирий ҳақидаги миш-мишлар, турфа ҳангомалар, лагердан қайтгач, Қодирий хусусида янги чекист ходимлари билан мулоқот, Қодирийнинг фожией қисмати, ўлими ҳақида улар берган маълумотлар, Қодирийнинг оқланишига ҳисса қўшган ва монелик қилган кимсалар, ниҳоят, Қодирий расман оқланган, унинг қутлуғ номи, шавъни тикланган қувончли кунлар — буларга оид барча тафсилотлар маданиятимиз, адабиётимиз, Қодирий қадрига етадиган бугунги ва келгуси авлодлар учун бебаҳо ҳужжатлардир. Фақат бугина эмас, Ҳ. Қодирий ўз қиссасида А. Қодирий тақдири билан боғлиқ ўттиз йиллик тарихимизнинг ҳали илм-фанда очилмаган, адабиётда ифодасини топмаган кўп қоронғи жиҳатларига йўл-йўлакай нигоҳ ташлаб ўтади, жумладан, коллективлаштириш даврида қулоқларни синф сифатида тугатиш кампанияси фақат қишлоқда эмас, шаҳарда, Тошкентда ҳам давом этгани, шаҳарда қўл учиди тирикчилик қиладиган бегуноҳ сабзифурушнинг қулоқ қилингани, шаҳардаги пахта солиғи, табиб ва ружонийларнинг таъқиб остига олиниши, 1932-34 йилги қаҳатчилик даҳшатлари тафсилотлари китобхон учун янгиликдир...

Мана, ниҳоят, сўз қизгин баҳсларга, шов-шувларга асос берган қиссадаги «Жосулар союзи» бобига ҳам етиб келди. Маълумки, бу бобда юқори идораларнинг кўрсатмаси билан республика Ўзувчилар союзига ўтказилган «аъзолар рўйхатини синчиклаб текшириш», «тозалаш» ишларига оид архив ҳужжатлари, аниқроғи, ўша ҳужжатлар орасидаги Абдулла Қодирий билан боғлиқ тафсилотлар келтирилади. Ўша ҳаёт-мамот кунлари халқимиз узоқ йиллар ардоқлаб келган Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Уйғун, К. Яшин, Ойдин каби адибларнинг улуг сўйжмо Қодирийга нисбатан туган позицияси муаллифни ҳам, ўқувчини ҳам ҳаяжонга солади, изтиробли ўйларга толдиради.

Афсуски, адабий танқидчилик қиссадаги мана шу ғоят аччиқ ва қалтис ҳақиқат моҳиятини етарли даражада ҳисла-объектив, илмий таҳлил этиб беролмади, бу хусусда хийла зиддиятли, бирёқлама, кескин фикрлар айтилди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Холис ва ҳаққоний» сарлавҳали редакция мақолада (1989 йил 11 август) «Қодирийнинг сўнги кунлари» қиссаси тилга олинмаса ҳам айтиш қиссанинг «Жосулар союзи» бобига келтирилган архив материалларини назарда тутган ҳолда шундай дейилади: «Ўша йиллари ижодий ташкилотларда ҳар кун мажлисга ўхшаган тергов ва теровга ўхшаган мажлис ўтган. Уларда кўзга кўринган зиёлилар ҳаммаси бир-бирига қарши қўйилган, аллақандай ёвуз куч уларни бир-бирлари билан жиққа-мушт қилган, бирининг қонли кўйлагини иккинчисига кийдирган. У ҳужжатлар ўша қонли муҳитнинг бутун даҳшати, фожиясини кўрсатади. Одамлар зўравонлик машинасига бир-бирларини қурбон келтирадилар...»

Ҳақ гаплар. Қани энди, «ўша қонли муҳитнинг бутун даҳшати, фожиясини кўрсатадиган» ҳужжатлар шу баҳо асосида изчиллик билан шарҳлаб берилса. Йўқ, ундай қилинмайди, ўша заҳотгёқ мақолада ўша мудҳиш ҳодиса ҳақида гап очини, ҳужжатларни эълон этишга қарши чиқилади; Буни «сталинча маъмурлар ясаган ўзаро душманчилик муҳитини қайси бир тарздадир давом эттириш ёки такрорлаш билан баробар» деб атайди. А. Расулов «Ҳужжат ва бадиийлик» мақоласида бу қарашни давом эттириб ва яна кескинлаштириб, «Ҳ. Қодирий кўп ўринларда 30-йиллар кишини сифатида фикр юритади», дейди. Танқидчи умуман ўзувчиларнинг хатолари ҳақида гапиришга қарши эмас, мунаққид муаллиф олдида бундай гаплар «ҳар томонлама исботланган фактлар асосида айтилиши, гуманистик концепцияга асосланиши зарур» деган ҳақли талабни қўяди. Унингча, қисса гўё шундай гуманистик концепциядан холи, унда келтирилган ҳужжатлар ҳар тарафлама исботланмаган. У ёзади: «Қодирийнинг сўнги кунлари» қиссасидаги ҳар томонлама ўрганилмаган фактлар, бошқа ўзувчиларга нисбатан ҳозирги пайтда айтилаётган фикрлар миллионлаб китобхонларни саросимага солиб, боши берк кўчага киришиб қўйяпти. Одам бир сўм пул йўқотса, ачиниб кетади. Унинг қалбидаги бойлик тортиб олинса, заррама-зарра пайдо бўлган эътиқод инкирозга учраса қандай аҳволга тушиб қолишини тасаввур этиш қийинмас».

Аввало гапни қиссада келтирилган ҳужжатларнинг чинлиги масаласидан бошлайлик. А. Расулов ҳужжатларнинг ҳар то-

монлама исботланмаганлигини қайта-қайта таъкидлайди, лекин уларнинг асосли, чин эмаслигини тасдиқлайдиган бирорта ҳам далил келтирмайди, аслида келтирилмайди ҳам. «Холис ва ҳаққоний» мақоласи муаллифи эса бундай ҳужжатларни ўша пайтда «фақат тор ўзувчилар доирасидагина айтилган ва фақат шу доиранинг ички ишларига тегишли» деб санайди, бугина эмас, ўша ҳужжатларнинг «маънавий ишончга лойиқ» эканига шубҳа билдиради. Қани энди шундай бўлса! Маломатлар бўлсинки, ҳужжатда қайд этилган тафсилотлар ҳаётда айнан юз берган. Бундай ҳолатлар «фақат тор ўзувчилар доираси» ва фақат шу «доиранинг ички ишлари» билан чекланиб қолган эмас; ҳужжатларда келтирилган ўзувчилар доирасида, ичкарида айтилган гаплар аллақачон ташқарига ҳам чиққан, қиссада номлари тилга олинган адибларнинг амалий-иҷодий, илмий-танқидий фаолиятидан буни тасдиқлайдиган истаганча факт-далилар келтириш мумкин. Энг даҳшатлиси, ўзувчилар доирасида, шунингдек, матбуотда айтилган гаплар, хулосалар Қодирий ҳибсга олиниб тергов қилинганида такрорланган, ўзувчи устидан айтиш шу хулосалар асосида ҳужм чиқарилган.

Мана шу аччиқ ҳақиқатни, «ўша қонли муҳитнинг бутун даҳшати, фожиясини кўрсатади»ган ҳужжатларни бугунги китобхонга маълум этиш масаласида келганда, қизиқ, юқорида тилга олинган мақолалар муаллифлари бунга моҳият эътибори билан қарши, ўша қонли воқеалар гувоҳи бўлган кекса аллома-баримиз, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси эса бунга тўла хайрхоҳ. Жумҳуриятимиз маданиятининг жонқуярларидан бири, кекса коммунист Сулаймон ота Азимов бу хусусда шундай фикрлар: «Одамлар энди тилга кирдилар. Мана шундай вақтда ҳам тарихда мисли кўрилмаган жиноят қатламларини ёпиб «айтиб қўйсам, нима бўларкин?» деб қўрқиб ўтириш тарих олдида гуноҳ эмасми? Шу боисдан кекса авлоднинг вазифаси — ўзи кўрган-билганларини ҳозирги авлодга етказиш, токи кишилар ўтмишимиз ҳақида бор гапларни, ҳақиқий ҳодисаларни эшитсинлар, билсинлар! Бунингсиз ўтмишимиз жиноят қатламлари очилмай қолиб кетаверади. Ўтмишимиз ҳақида кишилар онгида ёлғон тасаввурлар туғилади. Бу эса қўйинга тўлдирилган пуч ёнғоққа ўхшайди. Токи элининг, халқининг келажакини ўйлаган, ўзини билган одам пуч ёнғоқ билан ҳеч кимнинг қўйини тўлдирмасин». («Гулистон», 1989, №12, 16-бет)

К. Яшин ҳам ўша йилларда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни очик, ошқора айтишга даъват этади, унингча, ўша даврда бекорга азият чеккан, энг азиз умрларини бой берган ажойиб ўзувчиларимиз, олимларимиз ва санъаткорларимиз ҳақидаги бор гапларни айтиш керак, жон сақлаш мақсадидан уларга бўҳтонлар ёғдирган, туҳматлар уюштирган, таъқибга учраганларнинг ҳисобига яшаганлар кимлар эканлигини ҳамма, айниқса, ёш авлод билиб қўйсин; мабодо, гуноҳи борлар аниқланса, тавба-тазарру қилишар, жамият ҳам уларни кечирар. «Ахир бунинг нимаси ёмон! «Ўз айбини билган — мард» деган халқимиз...» дейди адиб. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил 16 декабрь).

Бу хусусда бундан ошириб бирор нарса дейиш қийин. Энди «Қодирийнинг сўнги кунлари» қиссаси муносабати билан журналхонлардан редакцияга келган мактублардан баъзи намуналар, қиссада келтирилган айтиш шу аччиқ ва қалтис ҳужжатлар хусусида айтилган мулоҳазалар билан танишинг. Фарғона вилояти, Кува ноҳиясидаги 2-ўрта мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиси Нўъмон Мўйдинов қиссадан чиқадиган маънони шундай тушунади: «Асарда тасвирланганидек, Жулқунбой фожиясининг боши айбодори «халқлар отаси» ва унинг машғум сиёсатдир. Қўрқув, шубҳа ва гумон давлат миқёсида кўтарилган бу давр тўғриси аввало энг талантли, эътиқодли, тўғри сўз чинорларимизни синдирди. Бироқ кўрсатма юқоридан берилган, қурбонлар қуйидан танланган. Агар ҳакамлар Лидия Соцердотова, Курбон Березин каби одил, ҳақиқатгўй бўлганда, У. Носир, А. Қодирий фожиялари бўлмаслиги мумкин эди. Афсуски, кўплар шамол йўналишига қараб иш тутишган, бор ҳақиқатни тан олишдан кўра, ундан кўз юмишган. Бундай кишилар орасида адабиётимиз устунлари ҳисобланган иҷодкорларнинг бўлиши ғоят ачинарли ҳолдир. Чунки бошқалар тушунмаган тақдирда ҳам ўз соҳаси билимдонлари Қодирий ижодининг туб моҳиятини тушунишлари лозим эди. Бироқ кўрқувни, ҳасад ёки ожизлик бундан йўл қўймаган».

Бўка район «Ленинизм» колхозидан мактуб йўллаган Абдуҳамид Пардаев қиссанинг аҳамиятини шундай изоҳлайди:



«Ҳабибулла Қодирийнинг хотира-қиссасини ўзбек халқининг энг янги тарихини яратишга қўшилган ҳолис ҳисса сифатида ҳам баҳолаш керак. Биз шу тарихий асар орқали Қодирийнинг фожали тақдирдан хабардор бўлиш билан бирга қатор-ғон йилларидаги муҳим ҳодисалар ҳақида анчайин тўла тасаввурга эга бўламиз. Бу асар Сталин бебошликлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўзбек адабиётидаги дастлабки асар сифатида ҳам қимматлидир.» Сўнгра мактуб муаллифи «Ҳолис ва ҳаққоний» мақоласи билан мунозарарга киришди, мақоладаги қиссада келтирилган шифқатсиз ҳужжатлар «сталинча маъмурлар ясаган ўзаро душманчилик муҳитини қайси бир тарздадир давом эттириш ёки такрорлаш билан баробар» деган гапга жиддий эътироз билдиради. «Ҳаётни бор бўйича кўрсатиш қачондан буён хато саналадиган бўлиб қолди», дея хитоб қилади. Китобхон А. Пардаевнинг қиссада қаламга олинган атоқли адиблар, жумладан Ғ. Ғулломнинг Қодирийга муносабати хусусидаги мулоҳазалари шахсан менга жўяли бўлиб туюлди: «Ғафур Ғуллом шахсиятидаги хусусиятлар нега энди унинг ижодиётига соя солар экан. Шундай талқин қилишни оми бирор кишидан эшитганимизда эриш туюлмас эди. Бироқ муҳтарам адабиёт газетамиз мана шундай қовушмайдиган даъволар билан чиқётганлиги фақат ажаблантиради. Шунга ҳам айтиш керакки, Ғафур Ғулломни фашиста сифатида кўрсатишга уринишининг нима ҳождати бор. Ғафур Ғуллом академик шоир, ўзбек адабиёти, халқимизнинг маънавияти юксалишига баҳоли қудрат ҳисса қўйган забардаст ижодкор. Буни ҳеч ким инкор этаётгани йўқ, жумладан, Ҳабибулла Қодирий ҳам. Ижодкорлар улуғлигига шак келтирмаган ҳолда улар ҳам эл қатори инсон эканлигини ким ҳам унутарди. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, Ҳабибулла Қодирийнинг асарини эмас, балки «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Ҳолис ва ҳаққоний» мақоласини сталинча маъмурларга хос ёндашиш деб қарашга тўғри келади...»

Ниҳоят, яна бир мактубдан парча. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Малика Йўлдошеванинг қалб қаъридан отилиб чиққан афсус-надоматларга тўла мана бу сўзларини эшитиб кўринг: «Биз улуғ адиб Абдулла Қодирийдан жуда катта қарздоримиз, унинг руҳи олдида гуноҳқоримиз. Унга ноҳақ туҳмат тошлари отилиб, асрай олмадик. Беғуноҳдан-беғуноҳ «халқ душмани» деган тамға босилиб қамоққа олинди, монелик қила олмадик. Бевақт қурбон бўлди, унга отилган ўққа қалқон бўлмадик. У фақат Сталин шахсига сифинишнинг қурбони бўлгани йўқ, балки кимларнингдир лоқайдлиги, кимларнингдир қўрқоқлиги ва кимларнингдир қора юраклиги қурбони ҳам бўлди. Хотира-қиссада Қодирий ҳаётининг кўп деталлари қаторида ана шу одамларнинг кўплари номлари ҳам рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида фош этилади. Уларнинг кўпи Абдулла Қодирий билан ёнма-ён ижод қилган, баъзан бир дастурхондан чой ичиб юрган алломларимиз эканлиги албатта, бизни жуда-жуда ранжитади». «Лекин мен, — деб давом этади мактуб муаллифи, — улардан ҳозир ўқалаб ўтирмақчи эмасман. Ким билади, кимдир, нимадир уларни шундай қилишга мжбур қилгандир. Ҳабибулла аканинг хотира-қиссаси эса нафақат Қодирийнинг сўнги кунлари ҳақида кимматли маълумотлар берувчи асар, балки бизни ҳалолликка, адолат, ҳақиқат, тантанаси учун курашишга, бу йўлда бефарқ, лоқайд бўлмаликка ундайдиган қиссадир. Ҳар қандай вазият, шароитда ҳам».

Очиғи, бу мактубларни мен асли билан танишмай газета ва журналда чоп этилганда ўқисам, улардаги сўзларга ишонмаган, улар атай уюштирилган ёки жиддий таҳрир, ишлов билан чиқарилган деб ўйлардим. Мактубдаги сўзларга ҳеч қанақа қалам теккизмай, қандай бўлса шундайча келтирдим. Қаранг, қандай ўқувчиларимиз бор! Тўғри, ҳамма китобхонлар ҳам улар даражасида эмас. Бироқ халқимиз орасида шундай фаросатли, нозик дидли ўқувчилар бор экан, «Қодирийнинг сўнги кунлари» сингари ўта шифқатсиз, мардона ҳақиқат руҳи билан йўғрилган асарлар тақдирдан ховотирга тушмасак бўлаверади. Қиссада келтирилган қалтис ва ғизал ҳужжатлар «миллонлаб китобхонларни саросимага солиб, боши берк кўчага киритиб қўйяпти» деб ваҳима қилишга асос йўқ. Бир қисм тажрибасиз китобхонлар, даққи зиёлилар ёки ўта эҳтиёткор қалам-кашлар, қиссада келтирилган ҳужжатларга шахсан дахлдор кимсалар орасида муайян саросима, ёқтирмалик кайфиятлари юз берган бўлиши мумкин, бунинг учун ажабланмаса бўлаверади. Қиссани ўқишда, атоқли ёзувчиларимиз ҳақидаги

ноҳус маълумотлардан огоҳ бўлиш пайтида ўқувчида туғилдиган ҳолатни «бир сўм пулни йўқотган»даги ачиниши қиёс қилиш жиддий ижтимоий-маънавий муаммо маъносини жўнлаштиришдан, бачканалаштиришдан бошқа нарса эмас.

Ҳ. Қодирий ўз асарига аллома ёзувчиларимизнинг Қодирийга нисбатан ноҳақ, ноодил муносабатини эслатиш билан уларнинг бутун ижодини, халқимиз, адабиётимиз олдидаги хизматини асло инкор этаётгани йўқ, китобхон А. Пардаев тўғри таъкидлаганидек, ҳушёр, дидли ўқувчи улар ҳам эл қатори инсон эканлигини, инсоний ожизликлардан холи эмаслигини яхши билади. Бирёқлама, ёғон, нуқул ижобий, ҳаттоки, афсонавий тасаввурларни бартараф этадиган ҳақиқатга киши «қалбдаги бойликни» тортиб олиш, «заррама-зарра пайдо бўлган эътиқод»ни инқирозга маҳкум этиш деб қараш ўринсиз. Киши қалбдаги бисот фақат юксак ахлоқ, адолат ва ҳақиқатга асосланган тақдирдагина чинакам қадрият, маънавий бойлик касб этади.

Ҳозирги куннинг маърифатли одамига аёнки, марказий матбуотда совет адабиётининг улкан арбоблари, авваллари тил теккизиш мумкин бўлмаган сўймолари, жумладан, М. Горький йўл қўйган хатолар, унинг не-не истеъдодли адибларга нисбатан адолатсизлик қилгани хусусида кўпдан-кўп катта ва кичик фактлар, ҳужжатлар ошкор этиляпти, кескин танқидий гаплар айтиляпти. Бу билан М. Горькийнинг адабиётдаги хизматига путур етаётгани, ўқувчиларнинг ундан ихлоси қайтаётгани йўқ. Ана шу шифқатсиз фактлар туфайли биз М. Горький ҳақидаги бирёқлама тасаввурлардан қутулаётимиз, адиб ҳаёти ва ижодини бутун қирралари, зиддиятлари, драмасини тўлароқ билиб олаётимиз, ундан ҳозирги кун ва келажак учун ибратли сабақлар чиқараётимиз. «Қодирийнинг сўнги кунлари» ана шундай қутлуғ ишга хизмат этадиган асар.

Адолат юзасидан айтиш керак, қиссадаги атоқли адибларимизнинг Қодирийга муносабати талқинида, шунингдек, уларнинг шахсиятига дахлдор мулоҳазаларда гоҳо кишида оғир таассурот қолдирадиган ўринлар, киноя-кесатиқлар, таънадашномлар ҳам учрайди. Чунончи А. Қаҳҳорнинг энг яқин дўсти, сирдоши Эббекин сўроқ қилиш, сирини фош этиши; бир эмас, бир неча бор Қодирий ҳақида салбий гап айтган Ғ. Ғулломнинг улуғ адиб оқланганда биринчилардан бўлиб Қодирий хонадонига келиб бу оилани табриклагани; Ёзувчилар союзида адиб ижоди юзасидан тузилган комиссия таркибидан бир вақтлар Қодирийни қоралаган кишиларнинг, жумладан, А. Қаҳҳорнинг борлиги, биринчи мажлис олдида Қаҳҳорнинг «Ўтган кунлар»га берган баланд баҳоси — шу каби зиддиятли ҳолатлар ифодасида муаллиф ўзининг таажжуб ва таассуфларини яширмайди. Ойдин, Ҳ. Олимжоннинг Қодирий ҳақидаги дағдағалари муносабати билан уларнинг шахсиятига оид оғир гаплар айтади автор. Бир шифқатсизлик, албатта, бошқа шифқатсизликка йўл очади, дейдилар. Аммо шифқатсизликка ҳар доим ҳам шифқатсизлик билан жавоб қайтавериш ўринли эмас. Шу жиҳатдан «Қодирийнинг сўнги кунлари» хусусидаги айрим танқидий мулоҳазаларда муайян асос бор. Бироқ бундай ўринларда асарнинг жанр хусусиятини, муаллифнинг аҳвол-руҳиясини ҳам назарда тутмоқ, ёзувчини тушунмоқ даркор. Хотира-қисса «субъектив жанр» намунаси, унда шахсий хусусий мулоҳазалар бўлиши табиий. Коловерса, қардон отаси ҳақида қалам тебратётган муаллиф отаси бошига тушган ададсиз кулфатларга бевосита шохид бўлган, ота туфайли ўзи не-не таъна, таъқиб, таҳдид ва хўрликларни кўрган одам бу ишларга оздири-кўпдир ҳисса қўйганлар ҳақида холис туриб гапирини, уларга нисбатан ҳотамтойлик қилиши, даъволардан осонгина воз кечини қийин. Шундай ички алам-изтироб, афсус-надомат туйғуси бўлмаганида, эҳтимол, бу асар яратилмасди. Қолаверса, Ҳабибулла Қодирий ҳам, улуғ адиб Абдулла Қодирий ҳам тирик инсонлар; уларни ҳам инсоний ожизликлардан бутунлай холи идеал шахс деб айта олмаимиз. Ойдиннинг букур аёл экани, Ҳ. Олимжон билан Зулфиянинг тўйи ҳақидаги эслатмаларга, балким, ота ва ўғил табиатидаги ожиз жиҳатлар деб қараш тўғри бўлар. Бундан жиддий хулосалар чиқариш, бу ҳол ёзувчини «майдалаштириб қўяди» деган ўйга бориш учун асос йўқ. Даҳо шахслар, улуғ ёзувчилар турмушида, шахсиятида ҳам бунақа ҳодисалар кўп учрайди, улар ҳақида кўп ёзилган. Шу туфайли улар ҳеч қачон тахтиравонидан тушиб қолган эмас.

Яна бир гап. Қиссада келтирилган Ойдиннинг отаси Собирхон ака миллионер бойлардан экани, Финляндияда иккита ма-



згани бўлгани тўғрисидаги гапларни рўқач қилиб, асар муаллифини «30-йиллар кишиси сифатида фикр юритадиган одам»га чиқариш гўллик бўлар эди. Муаллиф Ойдиннинг Қодирий ҳақидаги қораловчи гапларидан сўнг шу фактни эслатади. Х. Қодирий адибанинг А. Қодирий ҳақидаги танқиди носамимий эканини, фақат ўзини эҳтиёт қилиш, ҳокимиятга яхши кўриниш, ўша кезлари жиддий қаралган ҳол — ижтимоий келиб чиқиши, насл-насабини яшириш мақсадида вазиятдан фойдаланиб улуғ адибга ҳужум қилганлигини таъкидлаш учунгина бу фактни келтиради. Асарда шу фактдан сўнг «Ойдин Собирова юқоридаги қораловчи гапларни ўзини ҳар жиҳатлама эҳтиёт қилиш учун айтаандир. Жулқунбойнинг елкаси бақувват, жамики ёлғон-яшиқларни кўтараверади. Ишқилиб, ёшлар омон бўлса, бурни қонамаса бас...» деган тағдор, киноявий гапларни ўқиган одам қисса муаллифининг асл ниятини пайқаб олиши қийин эмас.

Абдуғафур Расулов юқорида тилга олинган мақоласида қиссанинг «мутаносиб шакл-шамойили йўқ» деб даъво қилади. Бадиийлик ҳақидаги маъҳум, умумий талаблардан келиб чиқиб, «Наҳотки, бадиий асар бутун-бутун тақризу мажлис қарорларини ҳазм қилиб юбораверса?!» дея ажабланади. Асарга маъҳум талаблар асосида эмас, балки унинг ўз ички қонуниятларидан келиб чиқиб баҳо бериш зарурлиги қадимдан маълум. Қиссада қиёмизда етмаган жиҳатлар, тасвир, таҳлил эмас, шунчаки тавсиф, ахборотдан иборат ўринлар, айрим ортиқчалар бор. Буни айтиш керак, аммо кескин тарзда асарнинг «мутаносиб шакл-шамойили йўқ» деб ҳукм чиқариш инсофдан эмас. Шакл-шамойили йўқ асар асар бўладики, шунчалар эътибор қозонадими! Бунинг устига жаҳон адабиётидан яна шуниси яхши биламизки, бошдан-оёқ фактлар, тарихий ҳужжатлар асосида қурилган асарлар кўп. Узоққа бормай А. Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги», «Қизил ғилдирак» асарларини эслайлик. «ГУЛАГ архипелаги» бутунаси ҳужжатлар асосида қурилган. «Қизил ғилдирак»нинг кўп саҳифалари, масалан, «Ун олтинчи йил Октябри» тармогининг талай боблирида Давлат Думаси мажлисининг узундан-узқ протоколлари келтирилади. Булар ўқувчига асло малол келмайди. Демак, «Қодирийнинг сўнги кунларидаги «бутун-бутун тақризу мажлис қарорлари»дан ажбланмаса бўлаверади; менинча, асар уларни ўзига яхши ҳазм қилолган. Зотан, асарнинг табиати шуниси тақозо этади. Уқувчи шундай ҳужжатлар қиссада яна ҳам кўпроқ бўлишини истайди, қолаверса, асарнинг энг таъсирчан ўринлари, юқорида таъкидлангандек, айни шундай фактлар келтирилган боғлардир.

«Қодирийнинг сўнги кунлари» — тарихий-илмий рисола эмас, хотира-қисса; ундаги фактларнинг ҳар тарафлама ҳолис, илмий баҳосини талаб этиб бўлмайди. Қиссада баҳсли ўринлар, охирига етмай қолган гаплар анчагина. Буларни айтиш мумкин ва лозим. Бироқ бунда марҳум муаллифга ота ҳақида сўнги нидоси, қалб фиғони, алам-ўкинчлари учун маломатлар ёғдиришдан эҳтиёт бўлмоқ даркор.

Х. Қодирий бугун ҳаёт бўлганида мен қиссага баъзи тўлдиришлар киритишни, жумладан, Ойбек билан Абдулла Қаҳҳорнинг бир вақтлар йўл қўйган хатоларини тузатиш, қилган гуноҳларини ювиш йўлидаги жасоратларини айтиб ўтишни, алоҳида таъкидлашни маслаҳат берган бўлардим.

Маълумки, Ойбекнинг 1936 йилда ёзган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асарида, шунингдек, ёзувчи архивида сақланиб қолган Қодирийга оид қайдларида адиб ижоди хусусида зиддиятли, бирёқлама кескин танқидий фикрлар анчагина. Чунотчи, у А. Қодирийнинг «Утган кунлар»да тарихий темага мурожат қилишини қоралайди, романда хонлик тузуми синфий курашсиз кўрсатилганлигини танқид қилади, ёзувчининг тарихни идеалистларча тушунишда айблайди. Қодирий оқлангандан кейин ҳам — 1958 йилда Ёзувчилар Союзининг сўровига берган жавобида адибнинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини эътироф этган ҳолда 30-йилларда бўлгани каби бу пайтда ҳам ёзувчи учун жиддий айб саналмиш — «А. Қодирий асарлари ленинизм-марксизм асосидан узоқ» деган гапни такрорлайди... Танқиди адабиётшунос М. Қўшжоновнинг айтишича, 60-йилларнинг бошларида Ойбек Қодирий ҳақидаги ишларини эслаб «Адолатсизлик бўлган. Хато бўлган. Тузатиш керак», деган экан. Орадан сал фурсат ўтиб «Дружба народов» журналининг 1966 йил август сонидида Ойбекнинг «Адабиёт, тарих, замонавийлик» сарлавҳаси остида сўхбати эълон этилди, унда А. Қодирий ҳақида махсус тўхталиб, адибга қўйилган айб-

ларни рад этади, адиб ижодига юксак баҳо беради. «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқоти ёзувчининг розилиги билан жиддий таҳрир этилган, айрим жойлари тузатилган ва қисқартirilган ҳолда ўн томлик асарлар тўпламига, сўнг мукамал асарлар тўпламига киритилди. «Адабиёт, тарих, замонавийлик» сўхбатида Қодирий ҳақида айтилган илқ гаплар, юксак баҳо адиб ҳақидаги ҳақиқатни Иттифоқ миқёсига олиб чиқишда муҳим роль ўйнади.

А. Қаҳҳорнинг 30-йиллардаги мудҳиш кампания таъсирида Қодирий ва бошқа халқчил, ҳалол, ростўй адибларга нисбатан адолатсиз чиқишларини асло оқламаган ҳолда партия XX съезидан сўнг социал адолатни тиклаш йўлидаги жонбозлигини унуттишга ҳаққимиз йўқ. Ёзувчи А. Қодирий ижодини ўрганиш ва нашрга тайёрлаш комиссияси составида сиқидилган ишларида, «Обид кетмон» унинг таҳририда бешикаст чоп этилди. 1964 йил апрелида А. Қодирий туғилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан Тил ва адабиёт институтида номигагина, ярим пинҳона ўтказилган «юбилей» кечасида қатнашиб, Қодирий ҳақида қилинган ўта журғатсиз доклад ва мужмал, нописанд гаплардан ғазабланиб оташин нутқ сўзлаган эди. Салкам бир соат давом этган бу маъруза залда ўтирганларни ларзага солгани, эртасгаёқ бутун шаҳарга, балким республикага овоза бўлиб кетгани, Қодирийга қарашда одамлар онгида инқилоб ясашга хизмат этгани ҳамон ёдимизда. Афсуски, бу нутқнинг стенограммаси сақланиб қолмаган, қисқача тезислари «Абдулла Қодирий» сарлавҳаси остида ёзувчининг беш жилдлик асарларининг V жилдидан жой олган. Шу қисқа тезислардан ҳам Қаҳҳорнинг жасоратини ҳис этиш мумкин. Мен буни чин дилдан, қаҳҳорнинг йўл қўйган хатони тузатиш, гуноҳни ювишининг мардона бир намунаси деб биламан. Таассуфки, ҳаммада ҳам мана шундай жасорат етишавермайди.

Афсус, бу гапларни «Қодирийнинг сўнги кунлари» муаллифига эслатиш имконига эга эмасмиз. Энди қиссани давом эттириш, тўлдириш имкони йўқ. Аммо биз тириклар бу хил ҳақиқатларни билишга, уларни асло назардан соқит этмасликка, Ҳабибулла Қодирий айтолмай кетган гапларни халққа етказишга бурчлимиз. Адибларимиз ҳаёти ва ижоди, адабиётимиз, умуман, жамиятимиз тарихи ҳақида тўла ҳақиқатни тиклаш йўлида хайрли кураш бораётган ҳозирги кунларда бу ниҳоятда зарур.





## Музейда

Тили бўлса эди, манави эгар  
 Айтарди кимларни миндирганини.  
 Бу қилич, даҳшатлар қиндан чиқарган  
 Ҳе-не кўзлар нурин сўндирганини.


Сўкилган бу совут, камон ўқлари  
 Ёнма-ён турмасди, бўлса гар жони.  
 Пачоқ бу дубулға шашпар гурзини  
 Ғажиб ташлар эди бўлса даҳани.

Бу чачвон, паранжи рухсораларга  
 Сўйларди: маҳрам не, номаҳрам надир.  
 Аланга тил билан лабларин ялаб,  
 Яна нон ҳақида куйларди тандир.

Зарбоф тўн керилиб мақтанармиди  
 Ҳе-не ғунчаларни сўлдирганини.  
 Тили бўлса эди, шу аждар тўплар  
 Айтарди кимларни ўлдирганини.

Дарғум ёра  
 билмасман

## Жамол Сирожиддин



1955 йили Самарқанд ноҳиясидаги Тайлоқ қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. «Танбур» илк шеърлар тўплами шу йил нашр этилди. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд филиалида хизмат қилаётир.

## Бора билмасман

«Иложим йўқ ёра бора билмасман...»  
 «Шоҳсанам ва Ғариб» достонидан.

Лолдир бунда забоним, дардим ёра билмасман,  
 Теграмда ҳамнишин кўп, ғаним, ёра билмасман,  
 Кўп эзилдинг, аё руҳ, борму чора билмасман,  
 Талпинмагил ул ёра, ёра бора билмасман.

Сен ҳам соғинмагил ёр, соғинчларинг азобим,  
 Балки сенга аёндир бунда қочгани тобим?  
 Бедорлигимда такбир излатаберма, хобим,  
 Қирқ тошча йўл масофа ора, бора билмасман.

Гоҳи «куйдирди офтоб», гоҳида эзди ёмғир,  
 Васлингга ташна лабман, чўллабман, безди ёмғир,  
 Ёхуд дилим азобин ўзича сөзди ёмғир,  
 Милдир-милдир осилди дора, бора билмасман.

Сен бор бўл-эй суюклим, соғинчларинг бор бўлсин,  
 Бу тоғ тан абгор бўлсин, руҳим анда сор бўлсин,  
 Кошки қаро сочларинг бу бўйнима дор бўлсин,  
 Жон берарға ҳузурбахш дора бора билмасман.

Сўрамадим-ку, дунё, сендан ганжу аъмолинг,  
 Майлига хор этавер, бериб фазлу камолинг.  
 Фақат ёржон, ёрижон, ета билмас Жамолинг,  
 Ҳайҳотки, менга сендек зора бора билмасман.

## Назарга

Бир кун яхши бўлар барчаси тайин,  
 Тугар ижаравоз бу дайди ҳаёт.  
 Ўз уйинг ҳам бўлар, рўзгоринг тўкин,  
 Болаларинг бўлар қуввату қанот.

Бир кун яхши бўлар барчаси бешак,  
 Эшигингни излаб пуллар келади.  
 Сен эса қўл қўйиб олишдан ҳалак,  
 Шеърингда муштлармас, гуллар унади.

Бир кун яхши бўлар барчаси, ишон,  
 Ҳеч нокас отолмас таъна тошини.  
 Ул кун кибор бўлар дарвиш ошқозон,  
 Мағрур тутажаксан бу ғолиб бошни.

Бир кун яхши бўлар ҳамма ҳаммаси...  
 Қай аёл йиғлайди пушаймонлардан.  
 Сен-ла фахрланар қўшнинг аммаси,  
 Хуш гаплар ёғилар ҳар томонлардан.

Бир кун яхши бўлар, ўз ўзни танир,  
 Ўз ўзга сиғинар то қўлласа,  
 Бир кун яхши бўлар,— дедим-ку ахир,  
 Ишончингдан умринг қисқа бўлмаса...



## Намоз ботир ҳасрати

Дарё эдинг, оқа-оқа сой бўлдинг-а, сой бўлдинг,  
Қуёш эдинг, боқа-боқа ой бўлдинг-а, ой бўлдинг.  
Сўнгсиз эдинг, кўзга сиғар жой бўлдинг-а, жой бўлдинг,  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-эй, орзуим.

Булутларга отган тошим етмади-ҳо, етмади,  
Ватан, сен деб тўккан ёшим етмади-ҳо, етмади,  
Елғиз эдим, ёлғиз бошим етмади-ҳо, етмади.  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-эй, орзуим.

Сани дедим ҳаловатим тийдим ман-о, тийдим ман.  
Куч-қудратим рўзгоримдан қийдим ман-о, қийдим ман,  
Шоҳ сийратга гадо суврат қийдим ман-о, қийдим ман,  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-эй, орзуим.

Орзу эдинг менинг қора кўзлим-мей, кўзлим,  
Закийлим, эркин-ўқтам сўзлим-мей, сўзлим,  
Буқун энди сенда бўлдинг ўзлим-мей, ўзлим,  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-эй, орзуим.

Ноҳақ — қилич бўлса, бир кун сингуси-ё, сингуси,  
Юрак дардим бағирларга ингуси-ё, ингуси.  
Шундай қувноқ бўлур ёким тингуси-ё, тингуси,  
Тушқунлара марғуб бўлган дил куйим-о, дил куйим,  
Армонлара мағлуб бўлган орзуим-эй, орзуим.

## Хайрлашув

Асаб елканлари таранг тортилди,  
Илинж лангарини узди ночор қўл.  
Бу тан кемасига ҳасрат ортилди.  
Хайр, эй бандаргоҳ, хайр, омон бўл.

Қисмат тўфонлари сизда ихтиёр,  
Тириклик аталмиш уммонларда йўл.  
Умрим, яна қандай қояларинг бор?!  
Ҳузур ҳаловатим, хайр, омон бўл.

Мен кетиб борарман, соҳил бақаси  
Фисқу фасод сотиб, майли, тошиб тўл.  
Теграмда чарх урган чағалай саси,  
Рисқинг бандаргоҳда, хайр, омон бўл.

Чамаси ҳеч кимга бермадим зиён.  
Фойдам ҳам имконча бўлмади-да мўл.  
Эй, қисмат, элтяпсан сен яна қаён?!  
Тинмишим, кечмишим, хайр, омон бўл...

\* \* \*

Самовий соз, дединг танбурни, устам,  
Эмиш ул тушибди аршу аълодан.  
Ушбу соз нағмаси — лой ҳайкал Одам  
Таниға жон бермиш чорлаб самодан.

Сўзингда ташбеҳлар таратади нур,  
Жонланиб тасаввур, ўй сураман жим.  
Бир йирик томчига ўхшайди танбур,  
Унда... самоларда йиғлаётган ким?!

## Тил сандиғи

Бухоро вилояти, Олот ноҳиясидаги «Ленинград» кол-хозни Сола Қоровул қишлоғида яшовчи аҳоли бисоти-дан:

Ингаржақ — эгар (эшақлар учун).

Евоқ — паншаха.

Қабса — тахтадан қилинган молхона эшиги.

Арна — марзанинг йиқилган қисми.

Ангара — ҳосили йиғиштириб олиниб мол қўйвориладиган дала.

Оқтиқ — невара.

Дирмалович — хаскаш.

Дусунча — тоқча.

Модан — омбор ўрнидаги маҳсус хона.

Тарп — экилмаган ер.

Тумпек — тупроқдан уюлган тепалик.

Сўқи — кели.

Чил — марза.

Рош — ариқ ва зовурларнинг қирғоғи.

Тэмэн — катта нина.

Домоқтеки — катта рўмол.

Ҳўкии — букри.

Зоми — ҳандалак.

Лъббэр — айвонча, соябон.

Дўлаб — ўраб-чирмаб.

Чиркэй — искабтопар.

Ушвэлэк — хуштак.

Сумсик — дайди, саёк.

Гитгир — учқур.

Отолвонч — ёғоч беланчак.

Бўгат — дамба, тўсиқ.

Пашмақ — туёқ, туёқдан тиззагача бўлган қисм.

Бэгич — қувонч.

Бигур — тумтароқ.

Олагердон — саросима.

Буламажир — алғов-далғов, аралаш-қуралаш.

Еқилмэк — тўғноғич, игнатугма.

Шарава — намақоб.

Кэрт — гирдоб.

Сақти — омоқ.

Пурчик — полук.

Кэча — кигиз.

Жиррик — териси шилиб олинган кўзичоқ.

Уғлақ — эчки боласи.

Учмасичан — қўшоёқ.

Ислигул — райҳон.

Замарик — кўзиқорин.

Сусақ — ёғоч чўмич.

Ушук — эртак.

Чичала — жимжилоқ.

Гамик — экин экин учун очилган уя, чуқурча.

Калчик — чучук тил одам.

Палтик — дудуқ.

Кэшша — эшақ устига ўрнатиб гўнг ташиладиган маҳсус идиш.

Кэш — тегирмон.

Сомми — анқов.

Мижэна — ўрик данаги.

Тулуп — ўрикнинг эти.

Зей — таги, ости.

Хижи — қоқи ўт.

Кулва — сандалнинг чўғ солинадиган қисми.

Адғиш — зарпечак.

Самсик — содда.

Чундақ — тумшуқ.

Тўмзоққа — кўнғиз.

Қаринжа — чумоли.

Тўпловчи: Темир Қурбон.



Туриб-туриб Яхшибой чолга алам қилди. Жилла қурса, оқ соқолини ҳурмат қилмади-я, баччағар. Эгаринг от устида бўлгандан кейин шу экан-да, пиёдани танайман.

Томоғи қуруқшади, чой ичгиси келди. Етган ўрнидан бироз гавдасини кўтариб, очиқ эшикдан даҳлизга қараб қичқирди:

— Кампир!

Даҳлизда кастрюлнинг қопқоғига ўхшаган нимадир тарақлади, шу аснода бир қора мушук лип этиб ўзини ташқарига олди.

Қаёққа гумдон бўлди бу? Туриб ғишт печканинг устида турган чинни чойнакни кўтариб кўрди: бўм-бўш.


— Бу рўзғорда ҳамма нарса қуриган,— дея тўнғиллаб даҳлизга чиқди. Ўчирилган керосинканинг устида турган сут тўла кастрюлнинг қопқоғи ерда ётарди. Бориб бир бармоғини сутга тикиб кўрди: муздай.

бўлди. Миясини еган кампирнинг гўрига ғишт қалаб, гугурт топиб келиб чақиши баробар олов лоп этиб қўлига ёпишди. Энағар, мошин мойи экан. Қўлларини папалаб тупроққа белаб ўчирди, сўнг ҳовлини бошига кўтариб сукина кетди. Кампири ҳам қолмади, мошин мойини чиқарган ҳам, бир хотинни эплаёлмаган ўғли ҳам. Бир учи Уроқбойдан бугун ўзини мулзам қилиб қайтарган қишлоқ Советигача бориб етди.

Ҳаммаси Уроқбойдан, ўшанинг гапи деб борди. Нима эмиш, Гирмонга берган бир панжасига мошин, бир панжасига Яхшибойдан икки ҳисса кўп пенсия оладиймиш, Яхшибойнинг тагига пўстакни ҳам раво кўришмапти. Айниқса, «баччағар» деган сўзи жонидан ўтиб кетди. Бир айтар бўлди, сенинг панжангни Гирмон эмас, болта олган деб, яна юзхотир қилди.

Қўй-э, қадрдон жўраси тагига

## Расул Жумаев



1966 йил Қўшрабат ноҳиясида туғилган. 1986 йилда Совет Армияси сафида хизматни тугатиб қайтган. Ҳозирда ТошДУ журналистика факультетининг 3-курсидида таҳсил олмақда.

қиб, қўлига илинган хода билан бориб эшагини ура кетди. Ҳолдан тойгунча урди, аламини олди.

Уша куни Яхшибой чол одам ташийдиган усти ярим ёпиқ юк машинасига тушиб марказга борганди.

Урушда Уроқбой кўрган кунни уям кўрди, мошини энасининг қорнига, байрам-майрамларда: майли, Уроқбойни судрайверишсин мактаби борми, йиғини борми, бунга ўзининг ҳам ҳафсаласи йўқ, гапга чечанмас, ҳеч қуриса, пенсиясини берсин сал мундай.

Ҳаммаси Раббининг бўшанглиги, латта, ўбода\*. Бўлмаса худонинг зорини қилди: «Бор, болам, мен ундайчиқин идора-пидорасида қоғоз қилишнинг ҳадисини билмайман, жўжабирдай жонсан, бир сўм-икки сўм бўлсаям, ҳарна рўзғорингга ёрдам». Бордим, бормадим, катталар нима деб нима қўйган, эшикдан кира солиб ўшқирди-я.

— Сўқимларга берадиган пулим йўқ. Берганингизни олгунча бормисиз, йўқмисиз.

Ҳай-ҳай-ҳай. Пушти камарингдан бўлган шу яккаю ёлғиз улинг сенга ўлим тилади-я! Ҳай-ҳай-ҳай! Замоннинг йўриғи бошқа экан-да,

\* Убода — бўш-баёв.



## Ҳикоя

Ҳовлига чиқиб, оғилхона томонга қараб қичқирди:

— Ҳой, кампир, тирикмисан?!

Оғилхона тарафдан жавоб бўлмади. Янаги овоз бериши ҳамон бостирма тагида турган кулранг эшаги қулоқни батанг қилиб ҳангради.

— Ҳе, ўч-э-э,— дея сўкинди чол. Даҳлизга кириб тахвондаги челақдан қумғонга сув тўлдириб чиқди. Билдики, эшак сувсиз, кампири эрталаб чиқиб кетган. Тандирайвонга ўтиб қумғонни ўчоққа қўйди, тагидан чолма қалади. Бир ҳокандоз қўйнинг қийига бурчакда турган бакдан ярим шиша керосин олиб қўйиб, чолманинг тагидан сепди. Гугурт ўчоқнинг бошида тургувчи эди, тополмай гаранг

осилсаям ҳеч ким билмас қилиб осилади, тегишади-да. Ким билади, балки Уроқбой бўлмаганда суяги қаерларда қолиб кетмасди. Бир ҳисобга тўғри айтади. Урушининг азобини кўргандан кейин, тинчлигининг роҳатини ҳам кўр, дейди-да. Лекин катталарнинг бундай ҳужжат суриштиришини ким билибди. Одамга ишонмайди булар, қоғозга ишонади. Аччиқ устида иштонини тушириб, «Мана, сенга живой пакт», дегиси келди-ю, каттанинг аёли мушайт қилди. Қўшимча берадигани ўн, йигирма сўмми-йўқми, элнинг ичида қариганда кулги бўлгани қолади. Э, садқаи сендақа тушунган маълумотлини.

Сувсиз эшак устма-уст яна ҳангради. Яхшибой чолнинг фиғони чи-



бизлар ота-онанинг юзига тик қарамаганмиз. Менга айланган тилингни ўшаларга айлантирмайсанми? Ҳа, худо урган, бедаво! Яхшибой чол қариганда пулни нима қилади, қўрғон олармиди, ё йиғиб гўрига орқалаб кетармиди.

Эртаю кеч қора мойга беланиб кунинг «тир-тир» этган тўртта баллонга қолган, бир сўм бўлсаям шу сенинг қора рўзгорингга-да. Ана, хотини, тўрт бирдай боласини етаклаб ке-е-етди. Нимага?! Ҳа, шу ўбоданинг топган тутганига рай қилмади, кетди. Баҳонаси — чиқишолмадик. Қозонинг қайнаб турмагандан сўнг рўзгор бўлармиди. Ҳай аттанг, шуни деб сарғайди-да.

Йўл-йўлакай каттага айтадиган гапини режа қилди. Кимсан, Яхшибой-фронтвик. Тошбулоқда ҳамма билади. Уттизта немиснинг бошини сапчадай узиб ташлаган. Бу элнинг оғзидаги гап — Уроқбой гуппининг гапи. Майли, Каттага шундай деб айтади, ўттизта немиснинг бошини чопмаган, отган. Лекин барибир ёлғон бу. Биттасини отганини аниқ билади: ёшгина, сарикдан келган, норғул йигит экан. Нишонга тўғри келди, кўйиб юборди, жувонмарг кетди, баччағар. Жангга киришдан олдин ўрис командирнинг бир қултум-бир қултум испирти таъсири бўлди-ёв, қизиқ устида кўйиб қолди, бўлмаса одам ўлдириш ҳазил эканми.

Кейинги сафар қулай келганда отмади, отолмади. Бўлмаса яқин эди — юз, юз эллик метр. Кўй-э, деди, бир бечоранинг боласи, балки ёлғизи, кўзининг қораси, тўрт кунлик дунё... Кўнгли бўлмади. Битта немисни отди нима, отмади нима — шу битта билан немис камайиб, уруш тугармиди? Худонинг қаромати, агар ўзи ёрлақаса, гуноҳкор бандаларини аяса, анов муштипар ота-она, бева-бечора, гуноҳсиз норасидаларига шафқат қилса, шу отишмаларсиз ҳам уруш тугайди.

Жонидан умиди бўлса ҳайиқиб кетар деб немиснинг бошидан юқорини кўзлаб тепкини босди. Немис йиқилиб тушди. Отган ўқи тегдими, ё ёнидаги Уроқбойнинг «тар-тар»идан едимми, ишқилиб, шу йиқилганича қайтиб турмади. Кейинроқ жонидан ситам ўтгач, ўша пайтда тўғрилаб отмаганига пуншаймон қилди. Ҳозир каттага отдим деб айтади. Уттизта бўлса, бўпти, ўттизта!

Уйинг кўйгур Гирмон уйини куйдириб кетди-ку. Уроқбойдай икки панжасини ё оёқ-поёғиними майиб

қилсаям майли эди, таёқ-паёқ қилиб юрарди, гердайиб мошин минарди. Бепушт қилиб кетди-я, энағар. Яхшиям, урушдан олдин уйланиб бола кўриб кетгани, ёмон бўлсаям, бўшанг-баёв бўлсаям, шукр, орқасида тепиб-тепкилаб кўмадигани бор.

Урушдан кейин кампирига: «Бировга ёнинг десанг каллангни оламан», деди. Кампири шўрлик қирқ йилдирки, сирини қирқ тугун қилиб тугиб қўйган, бировга ёнинг демайди. Уроқбойники ўз йўлига, бир-бирининг устидан сасиш йўқ, иккисининг ҳам жони бир кадида. Уруш бошланиб, Яхшибойга ўхшаган билагида кучи, танида шижоати жўшган йигитларнинг ҳаммасини районга, ҳарбийга чакиришганда Уроқбой иккаласи бир гуруҳга тушди. Нима бўлдию фронтга олаётган куни Яхшибойнинг фамилияси кетадиганлар рўйхатида чиқмади. Аввалига Уроқбой ҳам, ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Э, эртами-кеч барибир олади шу урушига, Уроқбой жўрамдан айрилмай, ҳарна бир-биримизга суянч бўламиз деб фронтга кетадиган тўдага бориб қўшилди. Бу Уроқбойгаям маъқул бўлди. Оренбург деган жойга боришганда ҳарбий бошлиқ санади, бир киши кўп.

— Ким ортиқча, ўртоқлар? — деб сўради, ҳеч ким индамади. Бошлиқ яна санади, сўнг фамилия билан ўқиб чакирди, битта Яхшибой сўррайиб туриб қолди. Бошлиқ келиб фамилиясини, турар жойини сўради. Яхшибой айтди, Уроқбой маъқуллади. Бошлиқ Яхшибойга қайтиб кет, деди, у унамади, Уроқбой жўрамдан айрилмайман, деди, Уроқбой ҳам илтимос қилди. Сўнг ҳарбий Яхшибойнинг кўлини сиқиб елкасига қоқди: «Маладес, тавариш, маладес». Кейинчалик билса уйдагиларини район ҳарбийлари келиб гаран қилибди, «Ўғлингиз қочоқ, ўғлингиз халқ душмани, топиб беринг», деб. Хотинидан тортиб, бутун қишлоқ аҳлигача тилидан тилхат берибди: «Мусулмонов урушга кетган».

Шундай қилиб, Уроқбой иккиси бирга-бирга урушга кирди. Не қора кунларни кўрмади урушда, ҳозиргилар бир кунига ҳам чидамайди. Бир кунги жангда Уроқбой билан турган хандақнинг ёнига бомба келиб тушди. Қаттиқ силкиниб кетди. Кейин у ёғини билмайди. Қулоқлари том битиб мазза қилиб уйқуга кетган. Уша уйқусини ҳали-ҳали эслайди. Маза! Ҳатто туш ҳам кўрган. Тушида хотини олти ойлик

Раббимини бағрига босиб эмизаётганмиш.

Ўзига келиб икки путининг орасида оғриқ сезди. Бошида Уроқбой хўнг-хўнг йиғлайди.

— Яхшибой, жўра, кетамиз, кетамиз бу ердан. Ҳа энасини... Гирмониниям, урушиниям, одамни жувонмарг қилади булар.

— Қаёққа, қандай қилиб?

— Қўлимни чопаман, Яхшибой, уруш бизга бўлмайди, Яхшибой, жўра, кетамиз уйга.

— Чоп.

Албатта, бу ҳақда каттага айтмайди. Немисни отганмиз, Гирмонни йўқ қилганмиз, дейди.

Яхшибой чол шуларни режа қилиб туртиниб-суртиниб, сўраб-суриштириб пенсияни ҳал қиладиган каттанинг олдига кириб борганида, катта аёли билан ўтирган экан. Катта столнинг тўрида, аёли пойгакроқда, бир балони чиққилатиб ўтирибди. Каттанинг истараси иссиқ экан, ширингина мулозамат қилди. Ўғлининг гапидан сўнг чирс бўлиб келганди, шашти пасайди.

— Энди, улим, биз Уроқбойман Гирмонни йўқотдик, немис зоти қолмади. У ёғи ўзингизга маълум, китаб кўргансизлар... дориломон замонда турипбиз..

Шу ерга келганда гапини йўқотди. Усал бўлди. Э ўл, жўяли гапни сенга ким қўйипти, ниятингни айтмайсанми шартта-шартта.

Каттаям: «Хўш-хўш, отахон», деб мақсадга ундади. Каттанинг илтифоти бел бўлди.

— Шу, бизнинг пинсиё чатоқ-да, улим. Уроқбой мендан икки ҳисса ортиқ олади.

Катта фамилиясини сўраб қоғоз титкилашга тушди. Титкилаб туриб: «Раббим Яхшибоев сизнинг улингизми?», деб сўради.

Каттанинг оғзидан уlining номи эшитиб бир газ ўсди. «Ҳа-ҳа», деб ўрнида чайқалиб маъқуллади. Раббимниям эл таниркан-у. Излаётган қоғозини топди шекилли, катта пешонасини тириштириб унга қаради.

— Ўртоқ Мусулмонов, ўғлингиз ҳам келган эди, сизнинг урушда қатнашганлигингиз, қатнашмаганлигингиз тўғрисида бизда ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Уроқбой Омонов масаласига келсак, ҳужжати бўлмасаям ўнг кўлининг панжаси йўқ, живой факт бу, ўртоқ Мусулмонов, медицина тасдиқлаган. Сизнинг ҳамма жойингиз бус-бутун экан. Қолаверса, Омоновнинг меҳнат стажига уруш йиллари урушга кетганлиги қайд қилинган, сизники номаълум.



Катта у деди, бу деди, Яхшибой чолнинг иши ўнгидан келмай, мулзам бўлиб чиқди.

Уйига келиб алам қилди. Ҳозир ўшанинг ҳоврида қовурилаётган эди, қўлидаги ходани эшагига қараб отди.

— Ҳароми, текинхўр!

Одамнинг қадрига етмайди булар. Ҳе, ўргилдим сендақа китоб кўрганди. Уроқбойнинг ули мактабда малим, биттаси Тошкентда юрт сўраб турибди. Менинг кимим бор, ҳужжат сўрашга илминг бўлсаям, одамни ит қиласанлар, қадрига етмайсанлар.

Ҳовли эшигига қўйилган чобоқ ғийқиллаб очилиб, қоп судраганча кампири кўринди.

— Қаёқларга гумдон бўлиб кетдинг, бу уйда рўзғор борми ё йўқми, бир пиёла чой ютаман деб ёниб ўлдим-ку.

Эшакдан қолган бор захрини кампирига тўқди.

Чолининг дағдағасига кўникиб, қулоғи пишиб кетган кампири парво қилмай қопини судраб уйнинг деворига суяди-да, лом-мим демай уйнинг эшигига қараб юрди, биладики, бир нима дегудай бўлса хода олиб уришдан ҳам тоймайди бу эсини еган чол.

Зоҳирда оғзидан боди кириб, шоди чиқиб турган бўлса ҳам, Яхшибой чол ботинда ўзининг қилган қилиғидан, зардасидан ранжиди, кўнгли баттар хит бўлди. Чобоқдан ташқари чиқиб, уйнинг орқа томонига ўтди. Иморатнинг нураб, тўкилиб турган бўғотларига қараб кўнгли эзилди.

Белида кучи бор пайтда шифер қилдирса бўлар экан. Раббимга қолган кун... Ҳай, ҳай. Чол ўзини сўқинишдан тийди.

Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, нима қилсин, бел бўлиб турган жигарлари бўлмаса, шу сен гўрсўхта чолни деб юрибди-да. Уроқбойнинг

улларига ўхшаб ўқиса бўларди-ку. Ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмай, иссиқ бағриндан чиқишга қўймадинг, тупроққа қўшилиб қорамойга беланди. Кўрган куни бу.

Чуқур уф тортди. Ҳовлига кириб кампирини чақирди:

— Тўнни олиб чиқ, кампир.

Чолининг овозидаги афсус-надоматга ўхшаган тушқун оҳангни кўриб, кампири пилдираб кириб, пилдираб чиқди.

— Тинчликми? — деди хавотир билан.

Кампирининг сўрови ғашига тегди. Жеркиб бермоқчи эди, кампирининг ҳадик аралаш қўрқув билан қараб турганини кўриб, шаштидан қайтди.

— Пронтга, кампир, душман ҳали бор экан.

Кампири кулди. Кампирининг соддалиги энсасини қотирди. Чарчаб келгансиз, чой-пой қилмайсизми, дейишнинг ўрнига балосига куладими.

— Э, мозорингга куласанми, ё пешонамга ой битибдими?

— Пешонангизга эмас, оёғингизга битибди, пронтга массичан кетасизми?

Қараса — бир пой калиши йўқ. Оёғи ўзиникидай бўлмай юрганди, шундан экан-да.

— Бор, сандиқдагисини олиб чиқ, имилламай тез-тез бўл!

Шу топда калиши қаерда қолганини хотирлашга Яхшибой чолнинг хуши йўқ эди. У шошиларди.

Калишини қидиртаман уларнинг. Қаерда юрганини билмай қолишсин.

Яхшибой чол эшакка эгарни уриб, йўлни кўшни қишлоқ томон солди.

Эшпўлатга боради, бир мактабнинг эгасисан, қишлоқ Советига хат қилиб бермасанг, Уроқбойни ишга солиб мактаб-пактабинг билан куритаман, дейди.

Йўл яримлаб, қоронғи тушди. Чуқурсойга келгач, қулоғига трак-

торнинг товуши чалинди. Эшагини «иш-иш»лаб, тўхтатиб қулоқ солди. Тракторнинг товуши бир маромда эшитилди. Аҳмад! Раббимникининг товушидан аввал шақур-шуқури эшитилади. Шундай бўлсаям эшагини йўлдан чеккага олди. Яна қулоқ солди, товуш яна бир маромда. Сабри чидамай эшагини тепага қараб ниқтади. Ҳар эҳтимолга қарши йўлдан узоқроқ юрди. Уғлининг: «Кеч бўлганда қаёққа кетяпсиз», деган саволидан чўчиди. Хаёлига бир зум бугун каттанинг олдидан мулзам бўлиб чиққани, уятдан: «Мана, сенга живой пакт», деёлмагани, кампирининг қўрқув ҳам ҳадик аралаш қараб туриши келиб кетди. Тўғрироғи, улининг не ниятда кетаётганини илғаб, ўзига қараб туришига тоби йўқ эди.

Тепаликка чиқаётиб қулоғига чалинган таниш шақур-шуқурдан кўнглига ғулғула тушди. Чиқиб кўрдик, битта чироқ — Раббим! Эшакнинг нўхтасидан тортиб яна сойликка бурди. Бир чироқ трактор шақирлаб келиб ўтиб кетгунча сойнинг ичида миқ этмай турди. Раббимга раҳми келди. Кун бўйи чарчаб, ҳувиллаб ётган хонага кириб боришини, якка ўзи совуқ ўрнида ётишини тасаввур қилди. Кечки салқинда эти жунжикиб, йўлида давом этди. Кетатуриб, Эшпўлатга нимадан гап очишини ўйлади. Айтадиган гаплари ўзига жўн туюлаверди. Яхшибой чол энди анча ҳовуридан тушган эди.

Йўл айрилишга келганда бир зум тўхтади. Тўғрига қараб кетса — Уроқбойнинг қишлоғи, Эшпўлатларники, ёнга кетса — келин бўлмишники. Эшпўлатникида ётиб туришини, субҳи содиқда таҳоратини ўйлади. Йўқолган калиши хаёлига келди, ирим қилди — йўл ўнг бўлмади. Э, пенсияси энсанинг қорнига, деб эшагини келининг қишлоғига қараб бурди.







Барнобек Эшпўлатов

## Гиёҳлар исмини излайман

Аёлни қучоқлаб йиғлашинг хушдир,  
 Арзийди артмасанг кўзда ёшингни.  
 Аёл — ҳасад билмас бокира қушдир,  
 Бағрингга меҳрдай кетади сингиб.

Капалакдай мунис, армон, ташвиши  
 Ҳуркиниб қўнаркан кифтингга бир-бир  
 Аёлни қучоқлаб йиғлар эр киши,  
 Бахтин ато этса устивор тақдир.

Қари ёз жон берар унинг пойида  
 Очун атаганин айлайди рўёб.  
 Аёл қимтинади. Кўчар жойидан —  
 Билинар-билинемас куз солган рўё.

Унинг хаёлидан қушлар аслида  
 Бегона юртларга кетмаслар бир кун.  
 Изиллаб йиғлайди баҳор фаслида  
 Қайтмаган қалдирғоч жуфтлиги учун.

Ардоқлагин, ютгин кўзларда ёшин,  
 Аёл тўдасидан айрилган қушдир.  
 Ҳаёт ғурбатлари эгаркан бошинг,  
 Аёлни қучоқлаб ўқинмоқ хушдир.

\* \* \*

Чечаклар исмини излайди қалбим,  
 Оламни поклайди қуёш тошқини.  
 Қўнар борлиғимга капалак каби  
 Қўшиғу армону ҳайрат ёлқини.

Кўмилиб ётаман майсаларга жим  
 Улуғвор дунёнинг гирдоби аро.  
 Минг йиллар тафтида овунар таним  
 Бу ойдин кунларнинг ҳуснига қараб.

\* \* \*


Оппоқ қор чўқади кўчаларга жим,  
 Дарахтлар юксалар ойдинлик аро.  
 Нафаси илиқдир сирли дунёнинг,  
 Кўзларим нурланар — этгум илтижо.

Ойдин кечаларнинг саргардонлиги  
 Юрагим қаърини қитиқлайди хуш.  
 Сулувни ўйлайман кўзларим тиниб,  
 У-да узоқларда мени кўрар туш.

\* \* \*

Настаринлар, олчалар сўхбатга имлар  
 Ўртар  
 ўрикларнинг хушбўйи,  
 тонгда қари чорбоқларга қочиб кетаркан,  
 Изиллайман муҳаббатнинг армонлигидан.

1963 йили Бухоро вилоятининг Навоий ноҳиясидаги Кўҳнамачит қишлоғида туғилган. ТошДУ журналистика факультетини битирган. Шеърлари илк марта эълон қилинмоқда.



\* \* \*

Болалар-чи, сизларга  
 Ғурурдан иштонча тикмак,  
 Ақлдан гул кўйлак кийдиргач,  
 унга қадамоқ керак  
 Саховатнинг ёрқин тугмачаларин.

\* \* \*

Бу аёлни жуда узоқ  
 чордоқлар,  
 ҳасрат ойдинлиги,  
 умид ягоналигидай  
 Ақлингни танигач, сева олгансан.

\* \* \*

Кўнмайман, аслида шундай эмасди,  
 Иззалар уйғотар ярим тунда ҳам.  
 Бир замон юрагим қониққан юпанч  
 Ўткир тирноқ каби бағрим тимдалар.

Кўнмайман, ададсиз деворлар аро —  
 яшириб кўзлардан муборак таним.  
 ўзлим ишониб совуқ қулфларга,  
 эшигим ёпаман — иложсиз ғаним.

Кўнмайман, бу осмон, ҳорғин турналар  
 сарғайиб борғувчи боғларнинг учи  
 Бир-бирига далда бериб куйларкан,  
 қўшиғи унинг-чун,  
 қўшиқ — мен учун.

Қайдадир, ул ўғлон Еру Осмоннинг  
 Қоқ белида нурга бурканиб олиб—  
 муҳаббат байтидан бошини эгмиш,  
 Шамолдан, ўзидан, мендан-да ғолиб.

Кўзалар қорнида тиниб борар сув —  
 бармоқдай лойқадан туясан ғашлик.  
 Соғинчдан тиниркан кўнгил ўйлари  
 чорлайди ўзига тундлик, саркашлик.



# УСМОН БОРБАД

Борбад Шарқда биринчи мусиқа-шунос, бастакор, машшоқ, раққос, ҳофиз ва шоир бўлган. У тахминан 585-89 йиллар орасида Марвда дунёга келган. Бўлажак бастакор Араб ва Ажам мамлакатларидаги мадрасаларда таълим олган, бир неча йил Бағдодда яшаган. Йигитлик йилларидаёқ халқ куйларини маҳорат билан ижро этиш ҳамда қўшиқ айтишда ном чиқарган. Замоначининг ҳукмдорлари ёш ҳофизни ўз саройларига жалб этишга интилдилар. Лекин шоҳлар инъом-эҳсонига учмаган хонанда бу таклифларни рад этади. Шу орада Эрон шаҳоншоҳи Хусрав Парвиз адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлик қилаётганини, кўплаб санъаткорларни сарой атрофига жалб этаётганини эшитган Борбад ўз ҳунари билан уни ром этади ва шоҳ 618 йили Борбадни созанда ва ҳофизларга сардор қилиб тайинлайди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича ва бадиий асарларда тасвирланишича, Хусрав Парвиз саройида ўнлаб шоир, рассом, олим ва санъаткорлар жамланган. Фирдавсий Хусрав саройида икки мингта созанда ва ҳофизлар бор эди деб уқтиради:

**Уларнинг кетидан икки минг ҳофиз,  
Созин жаранглатиб борур изма-из.**

Борбад Хусрав Парвиз саройида катта обрў-эътибор орттиради. У шоҳни адолатпешалikka, маърифатпарварлик ва раиятпарварликка ундаган, зулмдан, беҳудда айшишратга берилишдан тийиб турган. Ривоятларга кўра, шоҳнинг севимли хотини Ширин ана шу хизматлари учун Борбадга Исфаҳондаги ўз мулканинъом этган экан.

Борбад саройда ижодий ишлар билан жиддий шугулланади; ёш ҳофиз, мусиқачилар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Шаҳар ва қишлоқлардан кўплаб ҳаваскорларни атрофига тўплайди, халқ оҳанглари асосида янги-янги асар-

лар ярата бошлайди. Сосонийлар сулоласи даврида етишган Некисо Чангий, Бомшод, Ромтин, Озодвор Чангий, Гесўи Новагар, Саркаш ва Саркаб сингари машҳур санъаткорлар бевосита ёки билвосита Борбад шогирдлари ҳисобланадилар. Машҳур чех олими Ян Рипка «Форс ва тожик адабиёти тарихи» китобида Борбад, Саркаш ва Некисоларни «Хусрав Парвиз саройидаги атоқли шоирлар ҳам эди» дейди ва уларнинг шеър айтиш ҳамда куйлашдаги маҳоратларини алоҳида эҳтирос билан таъкидлайди.

Табиатан шоир, созанда, бастакор, ҳофиз ва раққос бўлган Борбад ижодининг илк паллаларидан бошлабқ асарларида табиат кўрки, Наврўзнинг бетакрор чиройи, ҳаёт нашидасини куйлашга, ифода-далашга интилган. Бастакор ижодининг тадқиқотчилари унинг «Наврўзи Бузург», «Гулзор», «Сабз баҳор», «Роҳи гул», «Боғи Шаҳриёр», «Абҳари қуҳан», «Равшан-чароғ», «Полизбон», «Дилангезон» сингари асарларида бевосита табиат ёғзаллиги, Наврўзи олам таровати акс этганлигини уқтирадилар. У ҳафтанинг етти кунига нисбат бериб «Хусравоний» оҳанглар тўпламини, оянинг 30 кунига қиёслаб ўттиз лаҳн (куй, мақом йўли), йилнинг 360 кунига бағишлаб шунча тарона яратган. Бастакорнинг айрим куйлари автобиографик характерга эга. Унда ҳофизнинг руҳий кечинмалари, зиддиятли тақдири, саройдаги баъзи келишмовчиликлар ўз аксини топган. Борбаднинг «Шодурвони Марворид», «Тахти Тоқдис», «Хуққайи Ковус», «Куфли Румий», «Роҳи Шабдиз», «Сози Наврўз» сингари ўнлаб оҳанглари том маънодаги реалистик асарлар бўлиб, у ёки бу тарихий воқеа таассуроти асосида яратилган. Чунончи, «Роҳи Шабдиз» куйи Хусрав Парвизнинг севимли оти Шабдиз ҳалокати муносабати билан яратилган бўлса, «Куфли Румий» сосоний шоҳларининг румийлар ус-

Шарк халқлари тарихидаги буюк сиймолардан юри Борбаднинг туғилганига 1400 йил тўлди. ЮНЕСКОнинг махсус қарори билан ушбу сана бутун жаҳонда кенг нишонланмоқда. Борбад номи халқ орасида афсонага айланиб кетган, Фирдавсий, Низомий, Навоий каби буюк сўз усталарининг мумтоз асарларида тилга олинган. Бироқ унинг ҳаёти ва ижодий мероси кам сонли мутахассисларгагина маълум, холос. Шу бонс мазкур мўъжазгина мақола кўп сонли журналхонларимизнинг Борбад ҳақидаги тасаввурларини бир қадар бойитади деган умиддамиз.

тидан қозонилган зафари таърифиға бағишланган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Борбад учун илҳом сарчашмаси халқ оғзаки ижоди — халқ қўшиқлари, дostonлар, турли-туман асо-тирлардир. Агар у «Кини Сиёвуш», «Кини Эраж», «Ганжи Фаридун» каби сурудларида бевосита оғзаки ижод зиёсидан файз топган бўлса, бошқа ўнлаб сурудларининг асосида ажодларимизнинг энг қадимий қўшиқлари бўлмиш «Авесто» оҳанглари, Зардўшт сурудлари ётади.

Борбад ижодкор ва ижрочи бўлиши билан бирга катта ташкилотчи ҳам бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, у Хусрав Парвиз саройида ўнлаб ансамбллар тузган. Характерлиси шундаки, Борбад яратган куй ва тароналарнинг кўпчилиги бизнинг замонамизгача ўзгаришсиз, айнан этиб келган, халқ томонидан куйланиб, китобдан китобга кўчиб келмоқда.

Борбад ҳаётининг сўнги йиллари ҳақида қадимги манбаларда аниқ маълумот йўқ. Араб олимларидан Абу Усмон Жоҳиз, Ибн Қутайба, Ибн Абд Раббих ва Абу Мансур Саолибийлар бастакор Хусрав даргоҳидаги зиддиятлар ва хусуматлар натижасида рақиблар томонидан 627 йилда ўлдирилган деган маълумотларни берадилар ва қотилларнинг номини ҳам келтирадилар. Аммо, Абулқосим Фирдавсий, Ибни Фақиҳи Ҳамадоний, Ёқут Ҳамавий, Зақриёи Қазвиний сингари адибларнинг асарлари ҳамда халқ орасида тарқалган нақлларда айтилишича, Хусрав Парвиз ўлдирилгандан сўнг Борбад ҳомийсининг қотилларига хизмат қилишни рад этиб, пойтахт Мадоин (Тайсафун)дан чиқиб кетади. У Исфаҳонга бориб Ширин томонидан инъом этилган мулкда бир неча йил яшаб, VII асрнинг ўрталарида она юрти Марвда вафот этган.



# Ғаройиб Тушлар

НЕВАРАКУЛЧА

Қадам Саид Мурод

## Пашшанинг туши

Бир кеча-кундуз  
Тинмади довул.  
Титради шаҳар,  
Қишлоғу овул.

Дарё тошиб сув  
Босди оламни.  
Танимай қолди  
Одам одамни.

Тоғлар силкиниб,  
Кўчкилар кўчди.  
Офтоб сўнди-ю,  
Юлдузлар ўчди.

Мен бир чинорни  
Қучоқлаб олдим  
Ва уни хавфдан  
Қутқариб қолдим...

## Анжирнинг туши

Ўнга боқиб турди у,  
Чапга боқиб турди у.  
Аланг-жаланг кўзлари,  
Мен томонга юрди у.

Ҳай-ҳай десам, ҳай десам,  
Гап юқмади тентакка.  
Маза қилиб емасдан,  
Уриб кетди чўнтакка...

## Болғанинг туши

Болға бўлиб бир умр  
Юргим келади.  
Лек кечаги тушимдан  
Кулгим келади.

Тушлар туш-ку... Барибир  
Бир оз зангладим.  
Оғир экан михларга,  
Энди англадим...



## Ёмғирнинг туши

Гуллар эди ўриклар  
Яшил, сариқ, оқ пушти.  
Айни шундай паллада  
Қўксимга бир доғ тушди.

Экамиз деб пахтани  
Туришганди шайланиб,  
Қаранг, бирдан саҳарда  
Кетдим қорга айланиб...

## Симёғочнинг армони

Шивир-шивир кун бўйи,  
Тинмади ёмғир.  
Бу йил баҳор бағримни  
Тирнади оғир.

Кунботарда турналар  
Келтирган салом  
Едга солиб ўрмонни  
Айлади тамом...

## Чақмоқнинг армони

Пуч пистадек чақилиб,  
Беиз кетсанг ёмонда.  
Дод демасдан бўларми  
Шундай гўзал замонда.  
Офтоб кулар,  
Ой кулар,  
Юлдузларнинг кўнгли тўқ.  
Ҳеч бўлмаса бир гугурт,  
Ё шамчалик қадрим йўқ.

# Ажас Армонлар

## Сабзининг армони

Кўниб тақдир-азалга  
Ер остида ўсдим жим.  
Кун кўрмадим,  
Кейин ҳам  
Зах ўрага кўмилдим.

«Майли» дедим, шу экан  
Кўргилигим-кўрганим.  
Ириб-чириб кетмасдан,  
Палов бўлсам бўлгани.

Умидларим пуч чиқди,  
Дардим ёмон ёндирар.  
Жоним палов —  
Ош десам,  
Қайнатмага солдилар...

## Бедананинг армони

Одамлар қизиқ  
Бўлмас тушуниб:  
Йиғишар қачон  
Ақлу ҳушини.

Севиб, эркалаб  
Мени ҳавасга,  
Қамаб қўйишар  
Нечун қафасга?

Келган, кетганга  
Мақташиб роса,  
Доим йиғлатиб  
Қилишар маза.

Одамлар қизиқ  
Бўлмас тушуниб.  
Олишсин йиғиб  
Ақлу ҳушини.

Йўқса бир куни  
Ёмон бўлади.  
Бу зўрлик қайтар  
Замон бўлади...





## Ойнамиз ҳақида

«Ёшлик» журнаlining ўтган йилги 11-сонида Собир Унарнинг «Бизни ҳимоя қилинг!» сарлавҳали танқидий мақоласи эълон қилинган эди. Мазкур мақолада Ўзбекистон Компартияси Каттақўрғон шаҳар комитетининг биринчи котиби И. Д. Эшбеков ўз иш фаолиятида йўл қўйган жиддий камчиликлар тўғрисида фикр юритилган. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу танқидий мақолани ёзиш ҳақидаги фикр редакцияда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Балки, бунга қадар редакция-мизга Каттақўрғон шаҳрида истиқомат қилувчи Ф. Ҳамитова, Ғ. Умаров, И. Зокиров ва бошқалардан кўплаб шикоят хатлари келган ва шундан сўнг мухбир раҳбарият кўрсатмаси бўйича Каттақўрғон шаҳрида бўлиб, шикоятчилар билан қайта суҳбатлашган, кейин мақола ёзишга қўл урган эди.

Хуллас, «Бизни ҳимоя қилинг!» сарлавҳали мақола журналхонлар қўлига бориб теккандан сўнг, орадан кўп ўтмай «Совет Ўзбекистони» газетасида (1990 йил 9 январь сонида), «Ёшликнинг қийшиқ ойнаси» сарлавҳаси остида луқма эълон қилинди. Луқмада «Бизни ҳимоя қилинг!» мақоласидаги танқидий фикр мутлақо асоссиз экани, Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг биринчи котиби И. Д. Эшбеков тўғри, ҳолис иш олиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилади. Қисқаси, жумҳурият матбуотида бир партия котибининг иш фаолияти тўғрисида бир-биридан кескин фарқ қиладиган икки хил фикр пайдо бўлиб, тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Дафъатан, ким ҳақ, ким ноҳақ эканини ажратиб олиш қийин эди. Шу орада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида махсус комиссия тузилиб, Каттақўрғон котиби И. Д. Эшбековнинг иш фаолиятини ўргана бошлади.

Ниҳоят, масалага аниқлик киритилди.

Қўйида биз «Зарафшон» газетасида (1990 йил, 20 март) эълон қилинган Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг IX пленуми материалларини қисқартирилган ҳолда эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

### Шаҳар партия Комитетининг пленумида

Ўзбекистон Компартияси Каттақўрғон шаҳар комитетининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда Каттақўрғон шаҳар партия комитети бюросининг 1990 йил 2 март куни қабул қилган «Шаҳар партия комитети биринчи секретари И. Д. Эшбековнинг нотўғри ҳаракатлари тўғрисида»ги қарори муҳокама қилинди.

Пленумда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. А. Кожоева кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

— 1990 йил 2 мартда шаҳар партия комитетининг бюро мажлиси бўлган эди, — деди у, — унда Ўзбекистон Марказий Комитети комиссиясининг шаҳар партия комитети биринчи котиби ўртоқ И. Д. Эшбековнинг нотўғри ҳаракатларини текшириш натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ана шу ҳақдаги қарорни ўқиб беришга рухсат этгайсизлар.

«Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясининг Каттақўрғон шаҳар партия комитети биринчи секретари И. Д. Эшбековнинг нотўғри ҳаракатлари тўғрисидаги аризани текшириш натижаларини эшитиб, муҳокама қилган Каттақўрғон шаҳар партия комитети бюроси таъкидлайдики, И. Д. Эшбеков кейинги вақтларда қатор жиддий камчиликларга йўл қўйди, хизмат мавқеини суистеъмол қилди, шаҳар партия ташкилоти иши аҳволи учун масъулият ҳиссини йўқотди.

Синглиси В. Эшбековнинг шахсий уйи ортиқча харажатлар билан қурилаётганлиги, шунингдек, шаҳарда уй-жой муаммосининг ўткирлигини билатуриб, у бу камчиликлар олдини олиш чораларини кўрмади. Уйнинг лойиҳа қиймати 36571 сўмни ташкил этади. Шундан В. Эшбекова қурилиш учун 22390 сўм тўлаган. Унинг қўлидаги материаллар 14181 сўмликни ташкил этади. В. Эшбекова банкдан навбатсиз 5 минг сўм ссуда олган. Ваҳоланки, ссуда олиш учун 600 киши навбатда турган. Қурилишни 23—УНРСР олиб борди ва 8 ой мобайнида тугаллади.

Ҳозир ўртоқ И. Д. Эшбековнинг онаси ва синглиси эга бўлган 2 уй 300 квадрат метр фойдали майдонни ташкил қилади.

Шаҳар партия комитети бюроси мажлисларида қарорлар қабул қилишда шошмашошарликка, ортиқча равишда маъмуриятбозликка йўл қўйилди. Булар вақт-вақти билан норозиликлар келтириб чиқарди. Кейинги 2 йилда шаҳар партия комитети бюроси қарори билан 30 бошланғич партия ташкилоти секретари, 67 нафар турли лавозимдаги раҳбарлар, шаҳар партия комитети аппаратининг 18, шаҳар ижроия комитетининг 18 ходимиға партиявий жазо берилди.

Ҳақиқатан ҳам И. Д. Эшбеков область партия комитетининг айрим кўрсатмалари ва шаҳар партия комитетининг қарорларига тўғридан тўғри эътибор бермаслик йўлига ўтди. Область партия комитети-



нинг 1989 йил 17 май ва шаҳар партия комитетининг 22 июндаги кадрлар билан ишлаш практикасини тубдан қайта қуриш тўғрисидаги қарорлари бажарилмапти. Шаҳар партия комитети бюроси аввалгидек совет, касаба уюшмаси ва хўжалик кадрларни тасдиқлаш ва ишдан бўшатишдек бюрократик раҳбарлик шаклидан фойдаланишда давом этапти. И. Д. Эшбеков шаҳар партия комитетида бевосита ишловчи кадрлар масаласини ҳал қилишда ҳамisha ҳам ижроком раҳбарлари билан маслаҳатлашмайди.

Шу нарса аниқландики, И. Д. Эшбеков автомашиналарни тақсимлашга ҳам аралашади. У шаҳар Совети ижрокомининг собиқ раиси Ш. Т. Қўчқоровнинг энгил автомашиналарни тақсимлашдаги камчиликлари тўғрисидаги масала шаҳар партия комитети бюроси мажлисида муҳокама қилинганидан ўзига зарур хулоса чиқармади. Унинг бевосита кўрсатмаси билан шаҳар савдо ташкилоти меҳнат коллективи қарорига қарамай ижроком пенсионер З. Муродуллаевга автомашина ажратишга мажбур бўлди.

Сўнгги вақтларда турли юқори партия ташкилотларига И. Д. Эшбековнинг ҳар хил нотўғри ҳаракатлари ҳақида кўплаб шикоятлар тушди. Уларда хабар қилинадикки, у ўзига ёқмаган кишиларни қувғин қилишда шахсан қатнашди.

Шаҳар партия комитети секретарлари ва бюро аъзолари бу камчиликларни билатуриб, уларга вақтида принципиал баҳо бермадилар, мурасосозлик, келишувчилик позициясини эгалладилар.

Шаҳар партия комитети бюросининг шу масала юзасидан қабул қилган қароридан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияси хулосаси ва таклифларининг тўғрилиги таъкидланди.

Кадрларни нообъектив қаттиқ жазолаганлиги, ўз сингисининг ортиқча харажатлар билан уй қуриши олдини олмаганлиги, сидқидиллик кўрсатмаганлиги учун КПСС аъзоси, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Искандар Дўстмухаммедович Эшбековга карточкасига ёзиш шarti билан қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

Унинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқ-нормувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш шаҳар партия комитети пленумига киритилади.

Унинг шаҳар Совети биринчи сессиясида номзоди шаҳар Совети раислигига кўрсатилса ўз номзодини олажаги тўғрисидаги ваъдаси маълумот учун қабул қилинади.

Шаҳар партия комитети бюроси аъзоларининг сек-

ретарлари ва шаҳар партия комитети бюроси аъзолари, барча лавозимдаги раҳбарларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларига вақтида ва принципиал партиявий баҳо беришлари, ходимлари томонидан топширилган иш учун шахсий масъулиятни оширишлари зарур, деб топилди».

\* \* \*

Пленумда жами 30 киши сўзга чиқди. Нотиқлар қайд этишдики, гуруҳбозлик, майда-чуйда гапларга эътибор беришлик билан иш битмайди. Улар ўз нутқларида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. Д. Эшбековнинг жиддий хатога йўл қўйганлиги, бу хатоларнинг келиб чиқишида партия комитети аъзоларининг ҳам гуноҳи борлигини қайд этдилар. Чунки шаҳар партия комитети аъзолари ана шу воқеаларни билакўра туриб унинг олдини ўз вақтида олишмади. Қилаётган хатоларни котибнинг юзига рўй-роқ айтишмади. Натижада эса шаҳар аҳолиси ўртасида биринчи секретарга, қолаверса, шаҳар партия комитети бюроси аъзоларига нисбатан, норозиликлар туғилди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдурахмонов нутқ сўзлади.

Пленум шаҳар партия комитети бюросининг 1990 йил 2 мартда қабул қилган «Шаҳар партия комитети биринчи секретари И. Д. Эшбековнинг нотўғри ҳаракатлари тўғрисида»ги қарорини эшитиб ва муҳокама қилиб, қуйидаги қарорни қабул қилди:

1. КПСС аъзоси, шаҳар партия комитетининг биринчи котиби И. Д. Эшбековга ишда йўл қўйган камчилик ва хатолари, кадрлар сиёсати партиявий принципларини бузганлиги, сингисини уй қурилишининг олдини олиш борасида зарур чоралар кўрмаганлиги учун қаттиқ партиявий жазо берилиши керак эди. Аммо, И. Эшбеков ўзининг ишдаги жиддий камчилик ва нуқсонларни сидқидилдан тан олганлиги ва унинг эгаллаб турган лавозими—шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзолигидан озод қилиш ҳақида берган аризаси ҳисобга олинди.

2. Шунга кўра, шаҳар партия комитети бюросининг 1990 йил 2 март куни қабул қилган «Шаҳар партия комитети биринчи котиби И. Д. Эшбековнинг нотўғри ҳаракатлари тўғрисида»ги қароридан унинг ҳисоб карточкасига ёзиш шarti билан қаттиқ хайфсан эълон қилинган эди. Бу қаттиқ хайфсан бериш билан чекланиб, И. Д. Эшбеков Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзолигидан озод қилинсин.





# Товушлар ва аъзолар

Нутқ фақат инсонга берилган. Барча мавжудотлар ичида фақат инсон сўзлаш ва фикрлаш қобилиятига эга. Тилнинг пайдо бўлишида меҳнатнинг, айниқса, ижтимоий меҳнатнинг роли ниҳоятда катта бўлган. Шу маънода тил билан жамият бир-бири билан мустақкам боғлиқ ва ўзаро алоқада тараққий этади. Демак, тилдаги барча сўзлар бир даврда яратилмаган, балки улар турли даврларнинг маҳсулидир. Энг янги сўзлар билан бирга тилда қадимги сўзлар ҳам мавжуд. Ўзбек тилидаги энг қадимги сўзларнинг бир қисми, шубҳасиз, инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ. Чунки инсон фаолияти ўз-ўзини англашдан бошлади. Шунинг учун ҳам у, аввало, ўзини аташ, номлашни бир тартибга туширади. Бунга мисол тариқасида тан аъзоларининг номларини кўрсатиш мумкин. Улар узоқ даврларнинг маҳсули бўлгани учун ҳам номлаш қатъий бир системага тушган. Ўзбек тилидаги инсон аъзоларини номлаш маълум товушларга асосланганлиги эса бу мунтазамликнинг белгисидир.

Тан аъзолари номларининг асосий кўпчилиги **К, Қ** товушлари билан тугайди:

1. Чанок — бош қопқоғи. 2. Торак — бош. 3. Қовоқ. 4. Қора-чиқ, бўбак. 5. Киприк. 6. Қулоқ. 7. Канширик — буруннинг танаси. 8. Яноқ. 9. Катак (Жевак) — бурун тешиги. 10. Дудок — лаб. 11. Мийиқ — лабнинг икки чеккаси. 12. Милк. 13. Томок. 14. Тилчик. 15. Кекирдак. 16. Жиғ-жиқ — кулоқнинг таги. 17. Жақ — тишлар жойлашган икки чекка суяк. 18. Чакак. 19. Ияк, энгак, анганак — икки жағнинг пастки қисми. 21. Соқов — бағбақа. 22. Бўқок. 23. Юрак. 24. Эмчак. 25. Кўкрак. 26. Курак. 27. Қўлтиқ. 28. Киндик. 29. Билак. 30. Тирсак. 31. Қурсак — қорин. 32. Ичак. 33. Човақ. 34. Бармоқ. 35. Бошмалдоқ. 36. Жимжилок. 37. Тирноқ. 38. Шапалоқ. 39. Талоқ — қора жигар. 40. Жумрук — ошқозон, меъда. 41. Сополоқ — тиззанинг кўзи. 42. Ошиқ. 43. Ошиқлик — тиззадан пастки суяк. 44. Қосиқ — киндикнинг пастки қисми. 45. Қовук, қувук — қосиқнинг пастки қисми. 46. Қуйрук — думба. 47. Суяк. 48. Илик. 49. Кўмик — иликнинг бош қисми. 50. Кўмирчак — думғуза ёки икки қуйруқнинг белга томон ўрта қисми. 51. Тук — инсон баданидаги жун («ҳаром тук»). 52. Оёқ. 53. Тўпик. 54. Мезанак — тўпикнинг таги. 55. Укичак — тоvon. 56. Жинжик — тоvonнинг устки қисми (мезанакнинг пасти) каби. Шунингдек жижиқ, бувак, чақалоқ каби энди туғилган боланинг турлича номланиши ҳам шу гуруҳга кириди.

Инсон аъзолари номининг бир қисми **Н** товуши билан тугайди: 1. Бўйин. 2. Бурун. 3. Товон. 4. Чотан. 5. Биқин. 6. Эгин, ийин; 8. Қон. 9. Жон. 10. Бўғин, 11. Ён. 12. Қорин. 13. Яғрин. 14. Алақон (кафт). 15. Жун. Бу қисм сўзлар инсон танасидаги нисбатан каттароқ аъзонинг умумий номини билдиради. Масалан, эгин (ийин), қорин, яғрин, бурун каби аъзоларнинг ҳар бирида бир нечта кичкина узвлар жойлашган. Бурунда: катак, жевак, қанширик ёки қоринда: ичак, човақ, талоқ, жумрук ва бошқалар. Тўн, иштон, кулоқчин, чакмон, тугун, эрин (лаб), чипқон (яра) каби яна бир қатор сўзлар **Н** товуши билан тугалланади. Булар ҳам ифодалаган маъноларига кўра инсоннинг тани-бадани, унинг қисмлари билан боғлинишга эгадирлар.

Бир неча узвларимизнинг номи **Ш** товуши билан тугайди: 1. Бош. 2. Қош. 3. Тиш. 4. Енбош кабилар. Шунингдек, эш (чақалоқнинг эши), ёш (кўз ёши) сўзлари ҳам шу турга киради.

Бир қатор тан аъзоларининг номи **Т** товуши билан тугайди: 1. Урт. 2. Ўт. 3. Мушт. 4. Эт. 5. Бет-юз. 6. Пут — оёқ (андижон шеvasида кўпроқ ишлатилади); 7. Чот. 8. Луғут — организмдаги суюқсиз, сўм эт (гўшт). 9. Бурут (мурт) — мўйлов каби.

Яна бир неча узвларимиз номи **З** товуши билан ҳам тугайди: 1. Оғиз. 2. Бўғиз. 3. Кўз. 4. Юз. 5. Тиз. (Шу ўринда киз, биз, Сиз сўзларига ҳам эътибор беринг).

Булардан ташқари, мана бу сўзлар ҳам эътиборни жалб этади: манглай, танглай сўзлари й билан, эч, қарич, қулоқ, ич, қўнч каби сўзлар ч билан тугалланади.

Юқоридаги мисоллардан маълум бўлдики, тан аъзоларининг номларини билдирадиган сўзларнинг охирида асосан, **к, қ, н, ш, ч, т, з** товушлари келар экан. Буларнинг орасида ҳам энг кўп қўлланиладигани **к, қ**, товушларидир. Дарҳақиқат, бу икки товуш фақат инсон аъзоларини билдирувчи кўплаб сўзлар охирида келишидан ташқари, инсондаги табиий белгилар, тан аъзоларининг фаолияти, ҳар хил хусусиятларини ифодаловчи қатор сўзлар охирида ҳам учрайди: дудук, оқсоқ, тўқсоқ, чўлок, маймоқ, чаймоқ, йўртоқ, сук, қитиқ, йарғақ (ўта ориқ киши), ориқ, сизлоқ (яра), учук (яра), ялақ (лабнинг яллиғланиши), тумоқ (шамоллаш), тупук, ҳиқиқ (ҳиқиқоч), кекирик, турк (афт-башара), синиқ (суяк синиши ва «камтар» деган маънода), оғрик, эснак каби. Аслини олганда инсоннинг бевосита ўзи, ҳолати, хусусияти, қўриниши, табиати, кийиниши, безаниши, овқати, фаолияти, чиқиндиси каби тушунчаларни ифодалайдиган бундай сўзлар талайгина. Масалан: тетик, қилик, қичик, арақ (тер), габбик (ўсмай қолган), бўғик, иттик (овози ўткир), тўк, барақ (сер жунлик), қирик (жунсизлик), ҳадик, ўйғок, тўлғок, қуримсоқ, кўрқок, ўлик, тирик, чирк, ютуқ, чапак, қарсақ, чертмақ, кепчик, ёзуқ (гуноҳ), бўйдоқ, тўсоқ (қисир хотин), бўрк (телпаннинг тури), телбақ, яктак, этик, қўйлак, чок, ялак, желак (паранжи), ёстик, келбанак, қалпоқ, патак, шалтоқ, шотмақ, тезак, сийдик, кўнғақ, тиррик, бешик, тувак, қовушлак, сумақ, беланчак, ҳаюнчак, сирғалиқ (қулоқнинг учи), тўшак, жияк, безак, жамалак, мунчоқ, узук, қатиқ, қаймоқ, буламик, чалпақ, ўроқ, тароқ, қопқоқ, ўчок, кесақ, чирк (қир), эшик, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ каби. Бундай мисолларни яна ҳам келтириш мумкин. Инсонни ифодалашда (**к, қ**) товушларининг фаолияти жуда фаол бўлган.

Маълумки, ўзбек шевалари жуда хилма-хил ва улар кенг территорияга тарқалган. Ўзбек тили қадимда жуда кўп уруғлар, қабилаларнинг тилларидан ташкил топган. Уруғ-қабила тилларининг излари ўзбек шеваларида ҳозир ҳам сақланиб турмоқда. Шундай бўлғач, тан аъзоларининг номларини билдирадиган ва юқоридаги товушлар билан тугайдиган бошқа яна кўп сўзларнинг бўлиши табиий. Чунки тилимизда инсон аъзоларининг ҳаммаси, унинг барча қисмлари, бўлақлари, фаолияти ва белгилари жуда деталлаштирилиб ўз ифодасини топган. Биронта узв ёки унинг кичик бир қисми тилда ифодаланмай, номланмай қолмаган. Ҳатто бир аъзонинг ўзини ифодалаш учун ҳам шеваларимизда икки ёки ундан ортиқ номларнинг мавжудлиги ёки уларнинг турли фонетик вариантларини учраши ҳам табиий. (Масалан, бош — торак, пут — оёқ, қорин — қурсак, эрин — дудок, ичак — учов, путак — путов каби сўзларни эсланг).

Ана шу айтилганлардан келиб чиқиб, ҳурматли журналхонлар, биз сизларга бир неча саволлар билан мурожаат қиламиз:

1. **к, қ, н, ш, ч, т, з** товушлари билан тугаган тан аъзоларининг яна қандай номларини биласиз? Улар сизнинг шеваңгизда неча вариантида ишлатилади?

2. Инсон аъзолари номларининг охирида учрайдиган юқоридаги товушлар сўздан сўз ҳосил қилишда (янги сўз ясашда) хизмат қиладими?

3. Бундай сўзлар маъноли қисмларга ажраладими? Шу қисмларни изоҳлаб, тушунтириб берсангиз?

4. Инсон аъзоларининг номлашда синонимлар қандай йўллар билан пайдо бўлган? Шундай дублетларга янги-янги мисоллар айта оласизми?

5. Инсон аъзоларининг номлари, сизнингча, янги сўзларми ёки қадимий лексик бирикларми, улар қачон пайдо бўлган?

Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ,  
ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг  
илмий ходими



Нурмуҳаммад Холлиев

# ЭРК ВА ЖИЛОВ КУРАШИ

## Навқирон насримизга бир назар

Эндликда «совет адабиёти», «социалистик реализм» каби тушунчалар синоним эмаслиги, совет адабиёти деб аталувчи улкан дарё таркибида социалистик реализмдан бўлак — танқидий реализм, натурализм, романтизм йўлида қалам тебратётган ёзувчилар борлиги тан олина бошланди. 1983 йили Москвада рус авангард санъати (рассомлик асарлари) кўргазмаси намойиш этилганди. Ундан сал ўтиб, тагин Москвада рус авангард поэзияси кечаси ўтказилди. Ҳар икки воқеа ҳақида матбуотда илқ фикрлар айтилди. Бу фактлар адабиёт ва санъатнинг ички қатламларида ўзгаришлар бошланганидан дарак берди.

«Чаманзорда юз хил гул очилаверсин!» Адабиётнинг ойнавийлик йўлидаги такомил қадимдан қолган шу ҳикматга бўйсунди. Шу вақтгача: «Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни — тараққиёт омили!» деб жар солиб келинар, аслида эса сохталаштириб, ҳамма соҳани монолаштириб, курашлардан, қарама-қаршиликлар бирлигидан холи этиб — чаманзорга фақат бир хилгина гул экиб келинди. Бунинг оқибати маълум. Бугун бир-биридан фарқланадиган турли ижодий услублар мусобақаси, баҳс-мунозараси, ўзаро инкор этишлари орқалигина — ягона шу йўлда адабиёт ривожланиши мумкинлиги равшанлашди.

Тушовлар ечилаётган ҳозирги шароитда ўзбек адабиёти эркин парвозга тайёрми ёки етакка ўрганган от ҳамон одатини тарк этишга ожизми? Турли ёшдаги ижодкор авлодлар ошкоралик наҳидасини турлича сурмоқдалар. Катта ва ўрта бўғинга мансуб ижодкорларнинг кўпчилиги «қадрдон» йўлдан — жўн ва сохта услуб, тушунчалардан воз кечолмапти. Зеро, уларнинг эстетик диди ва онги адабиёт ҳақидаги вульгар социологик қарашлардан озик олган. Тириклик учун кураш инстинктига мувофиқ равишда бу қатламлар ҳар қандай янгиликни тушунмай, баъзан ётсирашиб қарши олмақдалар, уларни анъаналар рамкасига солиб баҳолашга уринмоқдалар.

Ўзбек адабиётининг яшариш, янгиланиш эҳтиёжи ёшлар ижодида ўз ифодасини топаётир. Бироқ насрнинг уйғониши узоқ чўзилди. 60-йилларнинг ўрталарида Рауф Парфи поэзияни тубдан янгиланиш бошлаб, жаҳон адабиётининг янги изланишларини олиб киришга интилган эди. У ўзига хос шеърый мактаб яратди. Поэзияда янги йўналиш вужудга келди.

Олим Отахоновнинг изланишлари айрим ёзувчиларнинг шу қадар ғашини келтирдикки, «Ёшлик» журналида «Настарин гуллар» номи билан босилган, нашриётдаги кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган «Адоқсиз кўчалар» ҳикояси унинг «Озод қушлар ороли» (Ғ. Фулом номидаги нашриёт) китобига

барибир киритилмади. «Мураккаб» деб, диди, паст китобхонлар даражасида туриб муомала қилинди.

«Адоқсиз кўчалар» ҳикояси уч мустақил сюжетдан иборат. Бироқ улар ўзаро янгича боғланган: рус матрёшкалари каби бир-бирига кийдирилган. Ҳар бир сюжет «ўз ўқи» (конфликт) атрофида айланади. Айни чоқда йўлдош фабулалар бош сюжетга бўйсунди. Лекин бевосита узвий туташиб кетмайди. Адиб ҳикоя структурасини қуришда кўзга кўринмас кучларнинг ўзаро тортишув қонунига таянган. Бу услуб Лотин Америкаси насрида кузатаётганимиз соҳир реализмга хос хусусиятдир.

Ғаффор Ҳотамовнинг «Азал ва абад. Мусибат куни нақли» номли қиссасида бутунлай бошқача йўналишдаги изланишларни кузатамиз. Унда Франц Кафка асарларига ҳамоҳанглик сезилади. Бадий воқелик мифга йўғирилган, рамзаларга уйғунлаштирилган таъомилда тасвирланади. Пири Мафия ва унинг шотирлари — ёмонлик, қора кучлар сояси, Георгий — яхшилик раҳнамоси. Қиссани ўқиётганда киши қисмат, мансаб, қамок, ўлим, бахт ва кулфат каби тушунчаларнинг ғайриодатий талқинларига гувоҳ бўлади. Муаллиф асар воқеаларини ўрни билан реал ҳаётдан ажратиб, узиб тасвирлайди, воқеалар, персонажлар характери, конфликт ё фабулаларни айнан турмушдагидай, ишонарли қилишга мутлақо уринмайди, тарихийлик ва мантикий изчилликдан воз кечади. Ҳаётга ўхшашдек туюлган, аслида мутлақо мустақил, ўзга реаллик яратади. «Тавба-тазарру» фильмига кўп жihatдан оҳанг дош бўлган бу қисса сюрреалистик йўсинда битилган.

Хуршид Дўстмуҳамедов ўзининг «Паноҳ ёхуд 13 октябрь 22 ю 13 да бўлган воқеа» номли қиссасидаги изланишларини бундай изоҳлайди: «Қизиқ, одам қаттиқ хавотирланганда, юрак ҳовучлаб, керакли жойга етиб борганича шайтон «олиб қочаётган» хаёлига нималар оралаганини билмайди — идрок этолмайди. Мен, ана шундай — кишининг бир неча сония давом этадиган пароканда ўйларини, узук-юлуқ хаёлларини тутиб, бош қаҳрамоннинг уч-тўрт дақиқалик мушкул вазиятда... ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, ўй-хаёлларини тадқиқ этиш билан у ҳақда муфассал тасаввур яратиш имконларини изладим». «Қаҳр келса, ақл кетади», дейди халқимиз. Бундай дақиқаларда унинг устидан ҳислар, савқитабийлар ҳужм юргизади. Хуршид Дўстмуҳамедов инсоннинг жунбушга келган иррационал (ақлдан ташқари) ҳолатини ёритишга интилган. Зеро, онг, одоб, мантиқ каби тушунчалар инсон моҳиятининг, таъбир жоиз бўлса, чачвони, жамият ҳар бир одамга «кийдириб чиқадиган» умумий, бир хил либос. Инсоннинг асли, ўзига хослиги паранжи остидаги ҳусн каби кўздан яширин. Х. Дўстмуҳамедов инсон онгининг қоронғи, туб-туб қаватларига сайр қилишни ҳавас этган. Бироқ ёзувчининг «муфассал тасаввур яратиш имконларини изладим» деган гапи одам ва оламнинг чексизлиги, уларнинг уч-тўрт моҳиятига ҳеч қачон етиб бўлмастик ҳақидаги санъатнинг асрий хулосасига анчайин зиддир. Уйлашимча, «муфассал тасаввур яратиш», деганда ёзувчи автомат ёзув услубини назарда тутган. Онг оқимини, аслида онгсизлик жараёнини магнит лентасига ёзгандек муфассал қайд этишга уринган. Бу авангардизм услубига оид изланиш бўлиб, асар номида равшан акс этган. Лекин ёзувчи «шайтон олиб қочган хаёллар» (онгсиз ҳислар тажовузи) мантиксиз бўлишига, шунинг учун ҳам улар «ақлдан ташқари» деб аталишига эътибор қилмаган. Бош қаҳрамоннинг ички ўйлари изчил, мантиқли кечади. Бунинг устига барча ички кечинма ва нутқлар сўзлар силсиласи билан баён этилади. Ҳолбуки, ҳис-ҳаяжон, савқи табиий, ҳатто орзу ва хаёл, армон ҳам сўзсиз «гапиради». Яъни тушдаги каби — овозсиз фильмга ўхшайди. Адабиёт бу реалликни гавдалантирдиган унинг ўз «алифбосини» инкор эмаслиги, улардан ҳам фойдаланиши лозим. Зеро, авангард оқимлари, айниқса, сюрреализм шундай чуқур реалликларни кашф этиш йўлидан бормоқда.

Адабиётимизда изланишлар кўлами кенг. Ҳам онгли тарзда, ҳам ички ҳис-туйғулар даъвати билан содир бўлмоқда. Хайрид-



дин Султонов аънавий услубда ижод қилади. Ҳатто қадимги нафис (сўз заргарлиги) услубини жонлантиришга интиломда. Аммо унинг «Пластика» ҳикояси замонавий йўсиндаги рамзий асар. «Қора кўзим, «Бони М» ва бошқа пластинкалардан ясалган поезд — халқлар, маданиятлар, турфа хил ижтимоий оқимлар ва эҳтиёжлар қоришган ҳаёт, тарих араваси; унинг устида ўйнаб туриб ухлаб қолган болакай, менинг англашимча, бизнинг элимиз тимсоли. Истикфол остонасида ёзувчини ташвишли ва оғир ўйлар, ишонч, умидсизлик ва тилакдан иборат ҳислар қоришмаси ўраб оладик, бу руҳ ва рамзийлик бадий изланишлар йўлидаги умидли ҳаракатдир.

Жўн, юзаки реализмдан кониқмаслик, реалликка чуқурроқ кириш, янгича дунёқараш, бадий тадқиқ учун ҳали тутилмаган нуқтаи назарлар излаш бир қатор ёш носирларнинг ҳикоя ва киссаларида кўзга ташланмоқда.

Адабий танқид ёшлар шеърятда шовқин кўпаймоқда, деб ёзди. Ёшлар насрида ҳам қичқирадиган тасвир йўлларига ишқивозлик ошмоқда. Кўпгина ҳикоялар бирданига балан оҳанг-да бошланди. Айрим мисоллар келтирайлик. Гулноза Эрназарованинг «Жаҳон» номли ҳикояси: «Қайт! дегин, ҳайкир. Оёқлари остига ўзингни ташла, тавалло қил, йиғла! Шунда у қайтди...», Ҳамид Маллаевнинг «Арслон ёли» ҳикояси: «Қўрагон қишлоқларини зир титратган бу воқеа шу шўрқисмат ҳамда умрибоқий... арчанинг тагида рўй берган. Саҳмонвалар Турдини шу ерда калтақлаб кетишган...», Шойим Бўтаевнинг «Зулмат» ҳикояси: «Менинг биргина дўстим бор. Юз кўришмасам ҳам бўлаверадиган таниш-билишларим эса кўп. Бироқ ҳар кун илар билан кўришаман, дўстимни эса ойда, йилда...» Исҳоқ Исмоиловнинг «Гуноҳ» ҳикояси: «Чаток бўлди. Кўз очиб юмгунча... фалокат... Онаси «Вой шўрим!» деб қичқириб юбордими ёки инграндими», — деган сўзлар билан бошланади. Булар — ҳикояларнинг илк сўзлари.

Бадий ижодда ҳужумкор услубнинг юзага келиши адабиётимизда ўзгариш содир бўлаётганидан дарак беради. Нафосатни адабиётнинг бош хусусияти, деб билган классик адабиётда асарни кучли туғён тасвири (хуруж) билан бошлаш беадаблик, дағаллик саналган. Шахсга сифиниш ва турғунлик йилларида эса бу «ғаламислик» деб аталиши, мавжуд ақидаларга, муте ҳаёт тарзига қарши услубий исён, деб қаралиши тайин эди. Бугун эса услублар исёни 80-йиллар адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири. Бу — жиддий адабий омил.

Ёшлар инсоннинг руҳий танг ҳолатини, одамда кечадиган невроз ҳодисаларини, онгсизлик, онг ва одоб муаммолари, табиати билан боғлиқ манзараларни илғашга ва айнан кўрсатишга уринишмоқда. Бу истак уларни Ғарбда урф бўлган айрим янги бадий-эстетик тажрибаларга мурожаат этишга, улардан таъсирланишга олиб келмоқда.

Собир Унар ўз қаҳрамонларининг қалб қаърларини кўрсатиш учун уларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил (психологизм эмас) қилиш йўлидан боради. Инсоннинг аслини очишда невроздан фойдаланади. Зеро, бу жамиятда кенг тарқалган типик ҳолдир. Врачлар фикрича, ҳозир 70—80 фойиз одамда невроз аломатлари кузатилади.

С. Унарнинг «Ёшлик» журналида эълон қилинган иккита ҳикоясига шундай умумий ном берилган: «Орзуга тўла қишлоқ».

Собир Унарнинг «Кунсулувнинг сирли хатлари» ҳикоясида фарзандсизлик изтиробини бошдан кечирган аёлнинг образи қаламга олинган. Кунсулув характери ва ҳаёти тасвири икки қатламдан иборат. Биринчиси: жамиятда, кундалик тирикчиликда одатланилган, расмий хулқ ва турмуш тарзи (одобли, ўзаро манфаатли муомалалар, бир-бирининг ички сирларига аралашмаслик ва ҳоказо), бу жиҳатни онг ташкил этади, онг бошқаради. Иккинчиси: сирли хатлар, туш, интим суҳбатларда юз кўрсатадиган қалб ҳаёти. Жамият ва шахс, онг ва қалб ўртасидаги зиддиятлар, шахс ва қалбни жамият ва онг келгалаб, тизгинлаб, эзиб келиши Кунсулувнинг ички оғриқларида белги берган. Ҳикоя сўнггида кундай сулув аёл фикри ва туйғуларининг лойқаланиши ўзбек аёлининг ички эҳтиёжи, тирноққа зорлигининг заҳми, дея оғраймиш. Қишлоқдаги аёллар унга бепушт, иккинчи сорт хотин деб қарашади. Табиат камситган аёлни жамият (қишлоқ аҳли) баттар эзади, хўрлайди.

Ҳикояда хотира ва тушининг тасвир услуби ўртасида ички ақиллик бор. Шу ўринда айтиш жоизки, умуман хотира ва туш сюрреализмнинг суюқли тасвир объектлари. Кунсулувнинг қалб кечинмаларини очишда ёш адиб адабиётни мустақил, фалол ижод соҳаси сифатида намоён этолган. У бепуштлиқ қайғу-

си ва муҳитнинг таъқиб остида Кунсулувнинг невроз сари бо-ришини бирон жойда айтмайди. Ҳатто унинг сўнгги ҳолатига ҳам «невроз», деб диагноз қўйиш фикридан йироқдир. Лекин воқеалар тасвири, кульминацияга яқинлашган сайин асар композицияси бузилиб, мантиқ иллари ўзилади, чувалашади. Тасвир мавҳумлашади, яъни қаҳрамоннинг асабийлиги, айтиш мумкинки, ҳикоянинг «асаб» томирларига қўчади. Кўпқарига кирган от билан чавандоз бир-бирдан таъсирланиб, руҳан уйғунлашгани каби, психик бирлашув содир бўлади.

Шойим Бўтаевнинг «Эртак» ҳикояси ҳам психик таҳлилга асосланган. Ҳикоя қаҳрамони Эшниёз чол — уруш қатнашчиси, ҳар ғалаба байрами ва армия кунда уларни эъозлаб, урушда кўрган-кечирганларини гапиртиришади, сўнг соғғалар беришади. Мактаб қоровули Эшниёз чол эса «тарғиботчи ветеран» қолипига мос келмайди. Унинг уруш ҳақидаги хотиралари тўғри жумладангина иборат, ҳар гал битта гапни тўтига ўхшаб айнан такрорлайди: «Шу Германияда кетяямиз, қўлда бешотар! Бир пошист ўтди олдимиздан — хаҳх дедим! Пешонасидан ўқ тегди пошистнинг — ийқилди, чўзилди, тўлғонди, жон берди! Ортидан яна бири келяпкан экан. Уям уҳ деди-ю кетди...» Бор-йўқ хотира шу. Ҳикояда бу хотира, биз келтирганимиздек, тўла ҳолда икки марта, биринчи жумласи эса тўрт марта қайтарилди.

Эшниёз чолнинг ҳадеб бир гапни гапиравериши катталарга ёқмайди. Директорнинг гаши келиб, чолга дашном беради. Болаларга эса Тўти — Эшниёз чол билан мулоқот жуда ёқди. Ким ҳақ — катталарми ё болалар?

Ҳар икки тарафини тушунишга, изоҳлашга уриниб кўрайлик. Одам-тўтилар ҳозир жуда кўп. Кўпчилик ташвиқот ишлари, мансабдорлик манфаатлари тўтиёна иш услубига таянади: битта гап, факт, талқин колхозчи ва ишчиларга, хизматчиларга етгунча турли босқич ва доираларда минглаб марта айнан такрорланади. Мактаб директорининг ўзям юзлаб марта тўтилик қилган, бу мажбурий масхарабозлик бадига урган, энди кераксиз ўринда Эшниёз чол тўти бўлиб тургани унинг гашини келтиради. Директорнинг ана шу руҳий танглиги кўпчилик учун хос, десак хато бўлмайди. Зеро, тўтилик жамиятнинг жонига теккан.

Болалар, одатда, тўтини жуда яхши кўришади, унинг тақлидларидан ҳузур туюшади. Уларнинг Эшниёз чол ҳикояларига қизиқишларида шу ишқивозлик бор. Болаларга сўзларнинг маъносинимас, балки гапнинг тагидаги туйғуни ҳис этиш қизиқарли, улар чолнинг ҳикоясига алданишмайди. Чол бир нарсаларни сўзлаб турибди-ю, аммо қалбда, юзи, кўзларида бутунлай бошқа изтироб борлигини пайқашади. Чол уруш ҳақида мумкин қадар камроқ гапирсам дейди. Аммо у уруш ҳақидаги сохта тантаналарда сохта ҳикоялар сўзлаш ўйинига кўникинган. Унда ўзи истамаган ишқивозлик пайдо бўлган. Хуллас, биз инсон руҳиятининг мураккаб иш усулига дуч келиб турибмиз.

Бироқ Ш. Бўтаев тасвирда адабиётдан кўра кўпроқ китобхонни ўйлаган, аниқроғи, ўқувчига унча ишонмаган. Одам-тўти обрзи орқали қўллаган магнитофон усулини қиёмага етказмаган. Эшниёз чолнинг сўзма-сўз ҳикоясини фақат икки мартагина тўлиқ келтирган, қолган тўрт ўринда унга ишора қилинган — китобхоннинг асабини аяган. Ҳолбуки, жаҳон адабиёти магнитофон усули билан китобхоннинг асаб товларини чертади, шу йўсинда адабиёт учун янги тасвир йўллари излайди.

Халқни дарахтга қиёслаш адабиётда биларидан бор нарса. Шодикул Ҳамроев дарахтнинг реаллик билан туташ ришталарини ошкор узди. Дарахт катта бобонинг ҳассасида униб чиққан; дарахт бир йилда икки марта гуллайди, аммо мева тугмайди; бундай дарахт бошқа ҳеч кимда йўқ; у ягона нусхада сақланади, пайванд қилиш учун ҳеч кимга қуртак берилмайди; битта соатга учта новда берган катта ўғилни ота уйдан ҳайдаб юборади. Реализм нуқтаи назаридан бу ота — салбий тип. Ш. Ҳамроев эса уни улуғлайди. Бу ҳикояни реализм методи билан тушуниб бўлмайди. Ҳикоядаги образлар — тимсол: катта бобо — аждодлар, ота — бугунги катта авлод, занжирли соатга учта новда сотган катта ўғил ва сочини кестирган шаҳарда ўқийдиган қиз — манқурт, муҳожир — ўзга юртдан келган тажовузкор. Муҳожирнинг ягона дарахт тагига дори сепиб қуриши — бутифос оқибати сифатида ҳам англашиши мумкин.

Ёш носир сунъий тимсоллардан чўчимагани тасҳинга лойик. У сунъий образлардан мустақил ва ўзига хос бадий реаллик яратган.

«Саман» ҳикоясининг қаҳрамони от ҳам тимсол даражаси-



даги образ. Саман бутун кишлоққа тегишли — ўртадаги от. Ҳамма уни ишлаб, иши битгач қарамай ташлаб кетишади. Оқибатда Саман қишда музлаб қолади. Уни судраб бир четга чиқариб ташлашлари, ит ва калхатлар унинг ичак-чавағини тўзғитиб ейишлари — ҳозирги колхоз мулкига муносабати жумҳуриятимиздаги ҳўжасизлик, талон-тарожни эсга солади. Ҳикоянинг менга энг ёққан жойи — боланинг туши бўлди: «... тушида зулмат кўйнида бир жуфт кўз чўғдай ёниб учиб юрган эмиш. Болакай Саманнинг кўзларини таниб, «унинг ўзи қани?», деб ўйлармиш. Ҳеч ким билмасмиш бунни. У кўзларни тутиб оламан, деб кўллари чўзибди. Йўқ, бўйи етмабди... «Энди Саман қандай кўзсиз юради», деб аламидан йиғлаб юборибди... Йиғлаб туриб уйғониб кетди у». Бу туш ғалати, шу вақтгача асарларда ўқиганимиз юзлаб тушлардан биронтасига ўхшамайди. Чунки бизнинг адабиёт шу вақтгача ўнгида ўйлаган фикрларини туш либосига ўраб берарди ва у сохта туш бўларди. Шу боис тушини тасвирлаш услуби бизга қоронғи бўлиб қолаверарди. Жаҳон адабиёти таъсирида туш тасвири ҳозир реаллашмоқда. Чинакам туш, одатда, қандайдир бетартиб, мантиқсиз воқеалар мажмуасидек туюлади. Аслида эса тушнинг ўз мантиқи бўлиб, унда онг олди ва онгсизлик қатламларидан юборилган таассурот, хотиралар акс этади ва бу «кўрсатув»лар кўпинча кундалик (ўнгимиздаги) ўй ва ташвишларимиз, қадриятларимизни фош этади. Шу боис одамнинг асл

моҳияти тушда аён бўлади. Юқорида келтирилган туш манзарасига қараб бирон жиддий хулоса чиқариш мушкул, албатта, материал жуда қисқа. Аммо бу туш — сюрреалистик манзарага мослиги билан диққатга сазовор. Зеро, сюрреализм туш, халқ оғзаки ижоди, невроз ҳодисаларидаги тасвир услубидан фойдаланади.

Адабиётимиз кейинги йилларда эришган тағин бир ютуқ ёшлар ҳикоячилигида давом эттирилмоқда. Бу хунуклик ва ёвузлик манзараларини юраги қилт этмай тасвирлай олиш иқтидоридир. Шоддикул Ҳамроевнинг «Саман» ҳикоясидаги итлар, калхатлар, отнинг қорнини ёриб, ичакларини чуватиб оғизлари қон ҳолда батафсил тасвирланиши нафис тасвирларга ўрганган китобхонларнинг юрагини увиштириб юбориши мумкин. Аммо китобхон туйғулари, одатда, шундай манзаралар тасвири орқали тобланади, мустаҳкамланади.

Ёшлар ижодида бўй кўрсатаётган янгича тасвир йўсинлари, жумладан, сюрреалистик тасвир йўналишига мойил изланишлар ҳақидаги мулоҳазаларимиз табиийдек туюлиши мумкин. Бироқ эртами, кечми — тан олишимиз тайин, чунки ёшлар янги тасвир ва таҳлил йўллари, янги дунёқарашларни излашмоқда. Аммо адабий танқид янги тажрибаларни пайқамаётгани, машаққатли изланишлар чоғида ёшларга кўмаклашмаётгани ачинарли, албатта ва бу факт танқидда ҳали туб ўзгаришлар секин кечаётганидан дарак беради.



## ЁШЛИК



Салом, ҳурматли редакция!

«Ёшлик»нинг шу йилги I-сонига Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Танаберди Қурбоновнинг театрнинг аҳволи ҳақида қўнчоқлик билан билдирган фикрларини ўқиб қолдим. Тўғриси айтганда театрнинг аянчи аҳволи нафақат директорни, биз — театр мухлисларини ҳам анчадан буён ташвишга солиб келмоқда.

Кечагидай эсимда. Бундан 10 йиллар муқаддам бир гуруҳ битирувчи синф ўқувчилари театрга серкатнов бўлиб қолгандик. Тўғри, ўшанда ҳам театр кассаси одамлар билан тирбанд бўлмаган, лекин ҳар ҳолда ўз томошабинларига эза эди. Кейин эса театр сувга чўккандай «жимиб» кетди. Шаҳар кўчаларида ҳатто афишаларни ҳам кўрмай қолдик. Эшитишимизча, бино авария ҳолатида бўлганлиги учун театрни ёшиб қўйишган экан. Директор ҳақ, Самарқандда ўзбек драма театри борлигини кўпчилик билмайди, билганлар ҳам алақачон унутиб юборишган.

Миллийлик, ёшларнинг маданий савияси ҳақида кўп гапирилди. Лекин шаҳримизда ёшларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳеч қандай шароит йўқ. Тўғри, бизда ёшлар кафе-си, видеобарлар, рақс майдончалари

мавжуд. Аммо..булар ўзбек ёшлари учун эмас. 8 Март байрами арафасида дугоналарим билан ишдан сўнг «маданий дам» олмақчи бўлдик. Шаҳар марказида роса ярим соат тентирагач (негаки, қаерга боришимизни ҳам билмасдик), пештоқига «Молодежный бар» деб ёзилган жойга кирдик. Бу ерда 16—17 ёшли (эҳтимол, ундан ҳам ёшроқдир) қизчалар, йигитчалар ғарб эстрадаси садолари остида оёқларини чалиштирганча бемалол сигарета тутатиб ўтиришарди. Имомин комилки, ўзбек мактабида таҳсил кўрган ёшлар бу даргоҳга яқин йўламайдилар. Очигини айтсам, яқин-яқингача ўзим ҳам бунақа жойларга яқин боришдан ҳайиқардим. Шундай бўлгач, борадиган жой фақат битта: кино. Лекин кинотеатрларда қўйиладиган кейинги фильмлар ҳақидаги фикрлар кўпчиликка маълум. Агар бизда театр бўлганида томошаларга танлаб кириш имкони туғиларди. Ахир, «Кичик Вера», «Менинг исмим Арлекино» каби фильмлардан кўра театр бизга кўпроқ маънавий озиқ бермасмиди?

Шаҳримизга жумҳурият театрлари гастролга келгудай бўлса, Ҳамза номили ёзги театрни тумонат одам босиб кетади. Одам кўплизидан шу қадр тўс-тўполон бўлиб кетадики, қўйиб берсангиз ёзги театр ўшиқларини бузиб ташлашдан ҳам тойишмайди. Тик туриб бўлса ҳам томошани кўришга интилишади.

Уларни ҳам тушуни керак. Ахир, йилга бир ё икки марта театрга тушишади, холос.

Халқ томошани севади. Агар ўзимизда ҳам дурустгина театр бўлганида бу қадр тўс-тўполон ҳам бўлмасмиди. Ҳақиқатан ҳам опера ва балет театри биносини ўзбек драма театрига бўша-тиб берилса соз бўларди. Кўпчиликнинг фикри шундай. Баъзилар халқимиз опера санъатига тушунишмайди, бу бизнинг маданий савиямиз пастлигидан дарак беради, деб даъво қилишмоқда. Эҳтимол, шундайдир. Балки аввал халқни опера санъатини қабул қилишга тайёрлаш керакдир. Кўриниб турибдики, бунинг учун ўз миллий маданиятимизни юқори поғонага олиб чиқишимиз лозим. Бизга, аввало, ўз театримиз, ўзбек театри керак! Сичқон сизмас инига, ғалвир боғлар думига қабилада ш тутмайлик.

Ҳозир Ҳ. Олимжон номидаги ўзбек драма театри биносини қайта «ремонт» қилишмоқда, яъни ён томонидан кенгайтиришяпти. Лекин бу мушкул аҳволдан қутулишнинг тўғри йўли эмас. Театрга янги бино керак.

Салом билан

Меҳринисо КУБАЕВА,  
Самарқанд вилояти,  
Самарқанд ноҳияси,  
«Москва» колхозчи.





## Муҳаммад Абу Қомид Ғаззали

# „Ҳасбу улумид-дин“

Араб тилидан Алоуддин Мансур таржимаси

### Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

#### Дил ажойботларининг шарҳи

Ҳалок қилувчи нарсалар рубъининг биринчи китоби НАФС, ЖОН (руҳ), ДИЛ, АҚЛ лафзлари ва булардан англанадиган маънолар баёнида.

Билинги, бу бобларда сўз шу тўрт лафз хусусида кетади. Уламо орасида бу лафзларнинг маъноларини ва моҳиятларини тўла-тўқис англаб ета оладиган кишилар жуда камдир. Кўп хатолар бу сўзларнинг асл маъносини билмасликдан ва уларнинг маъноларини шу сўзлар билан номланган бошқа нарсаларга аралаштириб юборишдан келиб чиқади. Биз қуйида мазкур лафзларнинг баҳсимиз мавзуга алоқадор маъноларини шарҳ қиламиз.

Аввалги ДИЛ сўзини икки маънода тушуниш мумкин. Биринчиси: дил кўкракнинг чап тарафида жойлашган конус шакли бир парча гўштдир. Унинг ичи ғовак бўлиб, бу ғовакда руҳнинг асл манбаи бўлмиш қора қон мавжуддир. Биз бу ерда юракнинг шакли ва кўринишини шарҳламоқчи эмасмиз, зеро, бу табибларга тааллуқли ишдирки, унинг диний-илмий баҳсларга алоқаси йўқ. Чунки юрак ҳайвонотда, ҳатто ўлиқда ҳам бордир. Демак, китобимизнинг қайси жойида дил сўзини ишлатсак, одамлар у ёқда турсин, ҳатто ҳайвонлар ҳам кўра оладиган, айтарли қийматга эга бўлмаган бир парча гўштни назарда тутмаймиз.

ДИЛ сўзининг иккинчи маъноси шуки, тангрининг ўз бандларига ато этган руҳоний неъматини бўлиб, унинг жисмоний дилга алоқаси бордир. Бу неъмат инсоннинг асл моҳиятидирки, инсон бутун илму маърифатга унинг воситасида эришади ва барча хитоб, азоб, итоб (танбиҳ) ва талаблар унга қаратилган бўлади. Бу руҳоний неъмат билан жисмоний юрак ўртасидаги мустаҳкам алоқанинг ҳақиқий суратини кўпчилик англаб етмайди. Зеро, бу алоқа аразининг (шакл, ранг кабилар) жисмга, сифатнинг мавсуфга (сифатланувчига) ёки бирор асбоб ишлатувчисининг ўша асбобга бўлган алоқасига ўхшайди. Биз бу ерда икки нарсани сабабли мазкур алоқани шарҳлашдан сақланамиз. Биринчиси: у (яъни руҳоний дил билан жисмоний дил орасидаги алоқа) мукошафа (сирларни кашф қилиш) илмига тааллуқли-

дир. Бу китобнинг мақсади эса муомала илмларини ўрганишдир. Иккинчиси: мазкур алоқанинг тадқиқоти руҳ сирларини фош қилиш қудратини тақозо этади. Бу эса ҳатто пайғамбар алайҳис-салом ҳам сўз юритмаган мавзуларданки, бошқалар бу борада сўзлашга ожиздир.

Хулоса шулким, бу китобнинг қаерида дил сўзи мазкур экан, ўша неъматини илоҳийя, яъни руҳоний дил назарда тутилади ва унинг моҳият-ҳақиқати эмас, балки сифат-аҳволини баён қилиш мақсад бўлади. Зеро, муомала дилнинг ҳақиқат моҳиятини эмас, балки сифат-аҳволини танишга муҳтождир.

Иккинчи лафз ЖОН(руҳ)дир. У ҳам бизнинг мавзумизга тааллуқли жиҳатидан икки маънода келади. Биринчиси: жон кўзга кўринмас жисм бўлиб, манбаи жисмоний дилнинг ғовакларидир. У ердан уриб турувчи томирлар орқали бутун баданга тарқайди. Жоннинг бадандаги жараёни (ҳаракати), дилдан баданнинг барча аъзоларига сезиш, кўриш, эшитиш, ҳидлаш каби ҳаёт нурларининг оқиши худди уйнинг бир бурчагидаги чироқдан таралаётган нурнинг оқишига ўхшайди. У нур уйнинг қаерига етиб борса ўша ерни ёритади. Демак, деворларда ҳосил бўлган нур ҳаётнинг мисоли, чироқ жоннинг мисоли, ҳаракатлантирувчининг қўли билан уйнинг ҳар бир бурчақларини ёритаётган чироқ ҳаракати эса бадандаги жон ҳаракатининг мисоли, десак, тўғри бўлар экан.

Табиблар жон деганда дил ҳароратида пишиб етилган кўзга кўринмас буғни ирод қиладилар. Биз бу ҳақда гапирмоқчи эмасмиз, чунки масаланинг бу томони баданларни даволайдиган табибларга тааллуқлидир. Дилларнинг бутун олам яратувчисини тарафига юрадиган бўлиши учун чора излайдиган дин табибларига эса жон ҳақида бундай шарҳу изоҳлар бериш асло вазифа эмас.

Жон сўзининг иккинчи маъноси қуйидагичадир: жон инсондаги билувчи, идрок қилувчи илоҳий неъматки, биз бу ҳақда дил маъноларидан иккинчисини шарҳлаганимизда айтиб ўтдик. Оллоҳ таоло ўзининг: «Айтинг, жон қодир эгамнинг ишидандир», деган қавлида жоннинг шу маъносини кўзда тутганки, у ҳақиқатан ҳам бандаси моҳиятига етиши мушкул бўлган илоҳий нарсадир.

Учинчи лафз НАФС эдики, у ҳам бир неча маъноларда келади. Улардан иккитаси бизнинг баҳсимиз мавзусига алоқадордир. Биринчиси: нафс деганда инсондаги ғазаб ва шаҳват қувватларини ўз ичига олган тараф назарда тутилади. (Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз). Нафсни бу маънода тушуниш



аҳли тасаввуфда ғолибдир. Улар нафс деганда инсондаги барча мазмун сифатларни ўзида жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар ва шу боис бундай дейдилар:

«Доимо нафсга қарши курашиш ва мудом уни синдириш лозим, зеро, пайғамбар алайҳис-салом «Энг қаттол душманинг ўз ичингдаги нафсингдир» деган ҳикматларида шунга ишора қилганлар».

Иккинчи маъноси шундан иборатки, нафс биз юқорида зикр қилиб ўтгандек, илоҳий неъмат бўлиб, у инсоннинг ўзидир. Лекин у ҳар хил ҳолларда хилма-хил сифатланади. Масалан: шаҳват хуружларини енгиб, ҳақ амрига бўйсунган нафси «нафси мутмаинна», яъни хотиржам-сокин нафс дейилади. Аллоҳ у ҳақда шундай дейди: «Эй, нафси мутмаинна, рози бўлгучи ва рози бўлинган ҳолингда парвардигорингга қайт!»

Биринчи маънодаги нафсининг эса Аллоҳ таолога қайтиши тасаввур қилинмайди, чунки у Аллоҳдан узоқ, шайтон гуруҳидандир. Агар нафс хотиржам-сокинлик даражасига етмай, шаҳвониятни бир ёқлаб, бир унга қарши турадиган бўлса, хуллас, ҳақ-ноҳақ орасида иккиланувчи бўлса, у чоғда «нафси лаввома», яъни маломатгўй нафс дейилади. Зеро бундай нафс эгаси тангрига ибодат қилишда қосирлик (қисқа-ноқислик) қилса, нафси уни маломат қилади. Бу хусусда Аллоҳ таоло шундай деган: «Маломатгўй нафс номи билан қасам ичман!» Агар у эътирозни тарк этиб, шуҳрат хуружлари ва шайтон вазасаларига бўйсунувчи бўлса, «нафси аммора», яъни ёмонлик-ғуноҳга буюрувчи нафс бўлади. Аллоҳ таоло Қуръонда, Юсуф алайҳис-салом қиссасида, у зотнинг тилидан шундай ҳикоя қилади: «Нафсимни оқламайман, зеро, нафс ёмонликка буюргувчидир». Ёмонликка буюргувчи нафс — биринчи маънодаги нафс бўлиб, у энг ёмон сифатларни ўзида жамлагандир. Иккинчи маънодаги нафс эса мақтовга лойиқ, негаки, у Аллоҳнинг зотини ва у яратган барча нарсаларни таниб, ибрат олгучи инсоннинг ўзидир.

Тўртинчи лафз АҚЛдир. У ҳам хилма-хил маъноларда келишини биз айтиб ўтдик. Ақл лафзидан чиқадиган маънолардан иккитаси мавзуйимизга алоқадордир. Биринчиси: ақл деганда ишларнинг асл моҳиятини англаш тушунилади. Демак, у инсоннинг дилидан ўрин олган билишлик сифатидан иборат экан.

Ақлнинг иккинчи маъноси бундай: ақл деб илмларни идрок қилгучини айтилади. Демак, у илоҳий неъмат бўлган дилнинг ўзи экан. Зеро, ҳар қандай билгувчининг ўз ҳолича тура оладиган мустақил вужуди бўлиб, билим шу вужудга ҳулул қилган (тушган) сифатдир. Сифат эса мавсуфнинг (сифатланувчининг) ўзи эмас. Ақл деганда гоҳо олимнинг (билгувчининг) сифати анланса, гоҳо унинг зоти (ўзи) анланади. Пайғамбар алайҳис-саломнинг «Аллоҳ яратган биринчи нарсаси ақлдир» деган сўзларидан мурод ҳам шу. Зеро, билишлик бир сифат бўлиб, унинг ўзи биринчи яралувчи бўлиши тасаввур қилинмайди, балки ундан илгари ёки у билан бирга унинг ўрни-маҳалининг яралиши лозим бўлади. Бундан ташқари билишлик сифатига қарата хитоб қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳолбуки, «Аллоҳ таоло унга (илмга) «Кел», деди. У келди. Сўнгра «Кет», деди. У кетди», деган мазмунда ҳадис бор.

Шундай қилиб, сизга маълум бўлдики, юқорида мазкур бўлган ҳар бир лафзнинг ўз маъноси бор экан. Булар жисмоний дил, жисмоний руҳ, шаҳвоний нафс ва билимлардир. Лекин, инсонда билгувчи — идрок қилгувчи илоҳий неъмат бўлмиш бешинчи бир маъно ҳам борки, бу маънода ҳар тўртала лафз муштаракдир. Демак, маъно бешта, лафз эса тўртта бўлиб, ҳар бир лафз икки маънода қўлланади. Кўпчилик уламога бу лафзларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари яхши маълум бўлмагани натижасида улар «бу ақлий тушунча, бу руҳий сезим, бу қалб туйғуси, бу нафс ҳужри» дейдилар-у, ўзлари мазкур лафзлардаги маънолар тафовутини тўла идрок қилмайдилар. Шу боис орадаги ноаниқлик пардаси кўтарилсин деб, юқоридаги лафзлар маъносини алоқадори ҳол шарҳлаб ўтдик.

Қуръон ва ҳадиснинг қайси жойида «дил» сўзи келса, ундан нарсаларни англаб, моҳиятига ета олувчи инсон маънавияти мурод бўлади. Фақат гоҳи пайтлардагина жисмоний аъзо бўлмиш юрак маъносида келиши мумкин, у ҳолда, бунга сабаб инсоннинг асл моҳияти саналадиган маънавият билан жисмоний аъзо бўлмиш юрак чамбарчас боғлиқ эканлигидир. Чунки маънавият, гарчи руҳ, нафс, ақл каби бошқа аъзоларга ҳам алоқадор ва истеъмолда уларга муштарак бўлса-да, маънавиятнинг мазкур аъзолардаги истеъмоли ўша буюк неъмат — дил воситасида кечади. Яъни, инсондаги буюк илоҳий неъмат — маъна-

## Муаллиф хусусида сўз

Муҳаммад Абу Ҳомид Тусий Ғаззолий (450—505 ҳижрий, 1058—1111 мелодий), Тус шаҳрида қосиб оиласида дунёга келди. Унинг отаси Муҳаммад ибн Аҳмад Тусдаги кичиккина дўконда юнг йиғириб сотиб, қўл учинда тирикчилик қилар эди. (Олимнинг «Ғаззолий» тахаллуси ҳам ота касбига ишора — «Ғаззол» арабчада йиғирувчи деган маънони билдиради). Илму маърифатга беҳад муҳаббатли бўлишига қарамадсан, камбағаллиги туфайли дунёдан саводсиз ўтаётган ота умрининг охирида икки фарзанди — Абу Ҳомид ва Аҳмадни бир аҳли солиҳ мутасаввуф дўстига топшириб, қолдираётган уй-жойини сотиб, пулини ўғилларининг илм олиши учун сарфлашни васият қилиб оламдан ўтади. Дарҳақиқат, ота илтижолари ижобат бўлиб, ўғилларидан Аҳмад ўз замонасининг тенгсиз воизи, Абу Ҳомид эса дўст ҳам, душман ҳам тан олган буюк олим, беназир файласуф бўлиб етишади.

Бошланғич билимлар ва ҳуқуқшунослик фанини туғилган шаҳрида ўрганган Абу Ҳомид кейинчалик Журжонга, ўша даврнинг машҳур қомусий алломаси Абу Наср Исмоилӣ ҳузурига бориб, илм таҳсилни давом эттиради. Бир неча йил мобайнида устозининг барча билимларини эгаллаб, ўқиб-ўрганган китобларига кўп жилдлик шарҳ ва изохлар битиб, ўз юртига қайтаёт-

ганида, йўлда, унинг келгуси ҳаётида катта аҳамият касб этган бир воқеа рўй берган. Ғаззолийнинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилади: «Йўлда карвонимизга қароқчилар ҳужум қилиб, бор нарсамизни талаб кетдилар. Мен қароқчилар бошлиғининг ортидан бориб: «Олган нарсаларинг орасида сенга ҳеч қандай фойдаси бўлмаган бир тўрва бор, шуни қайтариб бергин», деб ялиндим. «Тўрванга ниманг бор эди!» — сўради у. «Унда менинг бор илмим — жуда кўп китоблардан олиб ёзилган шарҳ ва изохлар бор. Неча йиллардан бери мусофирлик азобини тортиб, топган бойлигим шу», дедим. Қароқчи кулиб: «Ҳар қандай одам олиб кўйиши мумкин бўлган нарсани «менинг илмим» дейишга уялмайсанми?» деди ва: «Унинг илмини қайтариб беринглари!» деб буюрди. Бу гап менга шундай қаттиқ таъсир қилдики, Тусга қайтиб келганимдан кейин уч йилгача уйдан ташқарига бир қадам қўймасдан ўша ёзган шарҳ-изоҳларимнинг ҳаммасини ёд олиб, ҳеч қандай қароқчи ололмайдиган жойга — қалбимга жо қилдим». Лекин Ғаззолий бу билимларни ўзи учун етарли эмас деб ҳисоблайди ва олган илмини тўлдириш билан бирга янги фанларни ҳам эгаллаш мақсадида ўша даврнинг илм-фан маркази ҳисобланмиш Хуросон давлатининг пойтахти Найсобур шаҳрига йўл олди. У ерда

замонанинг етук уламоларидан мазҳаб, усул (методика), жадал (диалектика), мантиқ илмларини ҳамда ҳикмат, фалсафа фанларини чуқур ўрганди ва кейинчалик бу фанларнинг барчасида ўз китобларини ёзди.

Шундай қилиб, жаҳонга Берунӣ, ибн Сино, Ал-Хоразмӣларни берган Мовароуннаҳр алломалари сафига яна бир қомусий олим келиб қўшилдики, замондошлари уни «бахри муғриқ» (тубсиз денгиз), «ҳужжатул-ислом» деб тан олдилар. Ундан «Иҳёул-улум», «Таҳофутул-фалосифа», «Ал-Хулоса», «Шифоул-алил», «Ал-Қистосул-Муस्ताқим» каби юзга яқин асар мерос бўлиб қолди. Бу асарларга нафақат Шарқда, балки Ғарб оламида ҳам катта қизиқиш билан қаралиб, уларнинг асосий қисми дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинди. Жумладан, Москвадаги «Наука» нашриёти 1980 йилда олимнинг «Иҳёул-улум» («Дин илмларини тириштириш») ва «Ал-Қистосул-Муस्ताқим» («Адолат мезони») китобларидан айрим боблар таржимасини алоҳида китоб ҳолида нашр этди.

«Иҳёул-улум» китобининг аслидан таржима қилиниб, ҳамир учидан патур қабилида тақдим этилаётган мазкур парчалар ҳам толиби тарих, толиби илмларга манзур бўлар, деган умидда қоламиз.

ТАРЖИМОН



виятнинг макон-мамлақати, маскан тутган олами ва ўрнашган тахти ДИЛдир. Саҳл Тустарий беҳудга «Дил арш, кўкрак курсидир» демаган. Лекин бунда Аллоҳнинг арш ва курсиси ирода қилинаётгани йўқ, чунки бу имконсиздир. Балки мурад — дил инсоннинг биринчи мамлақати ва барча тадбир-тасарруфларининг илк манбаи эканлигини таъкидлашдир. Бу мамлақат, бу манбанинг инсон ҳаётида (борлиғида) тутган ўрни эса арш ва курсининг Аллоҳ таолога нисбатан тутган мавқега ўхшайди. Бироқ бу ўхшашлик ҳам нисбий ўхшашлик бўлиб, ҳозир уни муфассал шарҳлаб ўтиришнинг мавриди эмас. Бас, шу айтганларимиз билан чегараланиб, қалб мавзусини давом эттирамиз.

## Ҳасад мазаммати баёни

### Ҳалок қилгувчи нарсалар — ғазаб, адоват, ҳасад зарарлари хусусидаги китобдан

Билинганки, ҳасад ҳам адоват натижаларидан бўлиб, адоват эса ғазабдан келиб чиқади. Демак, у ғазабдан униб чиққан тиканнинг бир шохи, ғазаб эса унинг асл томири экан. Энди ўз навбатида ҳасаднинг ҳам саноксиз мазмун (ёмон) шох-бутқоқлари бор. Ҳасад зарарлари ҳақида жуда кўп хабарлар ворид бўлган.

Пайғамбар алайҳис-салом айтдилар: Олов ўтинни егани каби ҳасад яхши амалларни ейди». У зот ҳасад, унинг сабаб ва оқибатлари тўғрисида яна шундай дедилар: «Бир-бирингиз билан ҳасад қилишманг, узилишманг, адоват сақламанг ва бир-бирингиздан юз ўгиришманг, балки, эй Аллоҳ бандалари, ўзаро биродар бўлинглар!» Анас шундай деган эди: «Бир кун пайғамбар алайҳис-салом ҳузурларида ўтирган эдик, у зот «Ҳозир мана шу дарадан сизларнинг олдингизга чиқиб келадиган киши аҳли жаннатлардандир», дедилар. Шу заҳоти ансор(Мадина шаҳридаги бир қабил) лардан бўлган бир киши кўринди. У чап қўлида кавуши, соқолидан таҳорат сувларини сачратганча келиб, салом берди. Эртасига расулиллоҳ кечаги сўзларини такрорлаган эдилар, яна ўша киши кўринди. Учинчи кун ҳам шу ҳол такрорланди. Пайғамбар алайҳис-салом ўтирган жойларидан туриб кетганларидан кейин Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ҳали кишининг ортидан бориб деди: «Мен отам билан тортишиб қолиб, уч кунгача унинг олдига кирмасликка қасам ичдим. Агар сен менга жой берсанг, борар эдим.» У киши «Яхши» деб жавоб қилди. Шундан кейин Абдуллоҳ уч кеча уникида ётиб юрди, лекин бирор кеча унинг ухламай ибодат қилганини кўрмади. Фақат у ётган жойида у ёнидан-бу ёнга ағдарилса ҳам Аллоҳни зикр қиларди. Аммо бомдод намозигача ўрнидан турмасди. Абдуллоҳ айтадики, «Ундан ҳеч ёмон гап эшитмадим.» Уч кун кечиб, унинг қилган амалларидан кўнглим тўлмагандан кейин айтдим: «Эй худонинг бандаси, отам билан орамизда ҳеч қандай жанжал бўлмаган эди. Магар мен расулиллоҳдан сен ҳақингда шундай-шундай гапларни эшитиб, қандай амаллар шарофати билан бундай баланд даражага мушарраф бўлганингни билмоқчи бўлдим, аммо сен тарафиндан бирор ортиқча амални кўрмадим. Энди ўзинг айтсанг, қай йўл билан бундай баланд мақомга эришдинг?» У айтди: «Ўзинг кўрганингдан ўзга сирим йўқ. «Мен бурилиб кетмоқчи бўлган эдим, у тўхтаиб деди: «Ўзинг кўрганингдан ўзга сирим йўқ, фақатгина мен бирор мусулмонга Аллоҳ таоло қандайдир неъмат ато қилган бўлса, унга нисбатан кўнглимда ҳеч қандай кудурат ва ҳасад топмайман». Абдуллоҳ айтади: «Мен унга, Сен кўтарилган олган, бизлар ета олмайдиган мақом шу экан», дедим.

Пайғамбар алайҳис-салом айтдилар: «Гумон, фоли бад (ёмон фол очиш) ва ҳасад деб аталмиш уч нарса борки, ҳеч ким ундан холи эмас. Мен сизларга бу уч балоодан қутулиш йўлини айтаман. Гумон қилсангиз, уни ҳақиқат деб билманг, фоли бад очсангиз (масалан: олдингиздан қора мушук ўтса), тўхтамай кетаверинг, ҳасад қилсангиз, зулм қилманг, яъни ҳасад қилган одамнингизга ёмонлик раво кўрманг». У улуг зот яна шундай дедилар: «Аввалги миллатларнинг иллатларидан сизларга ҳасад ва адоват ўтди. Адоват — даҳшатли қирғин, яъни дину иймон қирғинидир. Тангри номига қасамки, иймонли бўлмагунча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирингизни яхши кўрмасдан эса ҳаргиз иймонли бўла олмайсизлар. Бинобарин,

иймон билан яшашнинг йўли — ўз ораларингда дўстлик ва хайрихоҳликни ёйишдир». Яна шундай дедилар: «Камбағаллик кўфрга олиб бориши мумкин, ҳасад эса тақдири азалини енгиши мумкин».

Яна айтдилар: «Менинг умматимга ҳам илгари ўтганларнинг касали етиб келади». «Илгари ўтганларнинг касали не эди?» деб сўралди. Жавоб қилдилар: «Кибр-ҳаво, манманлик, молдунё орттиришдаги рақобат, бир-биридан четланиш ва зулмга, сўнгра эса бошбошдоқликка олиб борадиган ҳасадгўйлик».

Расулиллоҳ яна шундай деган эканлар: «Биродаринг бахтсизлигидан кулмагин, зеро, Аллоҳ унга бахт ато этиб, сенга балосини юбориши мумкин». Ривоят қилинадикки, Мусо алайҳис-салом Аллоҳ таоло ҳузурига бораётган чоғида Арши-аъло соясида бир кишини кўриб, унинг мартабасига ниҳоятда ҳаваси келди ва ўз-ўзига: «Шубҳасиз бу улуг зот тангри таолонинг севган, ардоқли бандасидир», деди. Кейин Аллоҳ таолодан у кишининг исмини билдиришни сўраган эди, парвардигор ўз пайғамбарининг саволига жавоб қилмай, бундай деди: «Балки сенга унинг амалларидан учтасини айтаман: у Аллоҳ ўз фазли-карами билан бандаларига берган неъматларига ҳасад қилмасди, оқпадар эмас эди, чақимчилик қилмаган эди».

Закариё алайҳис-салом айтдилар: «Аллоҳ таоло дейдики, ҳасадчи — берган неъматларимга душман, қилган ҳукимидан норози, бандаларим орасида қилган тақсимотидан хурсанд бўлмайдиган кимсадир». Пайғамбар алайҳис-салом шундай деганлар: «Умматим устидан энг кўп кўрқадиган нарсам, уларнинг мол-дунёлари кўпайиши натижасида бир-бирларига ҳасад қилиб, ўзаро низолар чиқишидир». Яна шундай дедилар: «Ҳо-жатларингга етиш йўлида уларни сир тутиш билан мадад сўранглар, зеро, ҳар бир неъмат эгаси ҳасадланувчидир». Яна айтадилар: «Шубҳасиз, Аллоҳ берган неъматларнинг душманлари бордир». «Улар кимлар?» деб сўрадилар. Жавоб бўлди: «Улар Аллоҳ таоло ўз фазлу карами билан берган неъматларга сазовор бўлган инсонларга ҳасад қилгучи кимсалардир.» Яна айтдилар: «Олти нарса касофатидан сўроқ-саволсиз дўзахга кирувчи олти тоифа бор». «Улар кимлар, ё расулуллоҳ?» деб сўралди. «Жабру-зулм қилган амирлар, миллатчилик қилган араблар, кибру-ҳавога берилган йўлбошчилар, хиёнат йўлига кирган савдогарлар, жаҳолатга юз бурган аҳли давлатлар, ҳасад қилувчи аҳли илмлар», дедилар. Салафлардан бири айтди: «Қилинган биринчи гуноҳ ҳасад бўлган эди: иблис Одам алайҳис-саломнинг мартабаларига ҳасад қилиб, у зотга сажда қилишдан бош тортди — ҳасад уни гуноҳга етаклади».

Ҳикоя қилинадикки, Авн ибн Абдуллоҳ Фазл ибн Меҳлаб ҳузурига кирди. Ушанда Фазл Восит шаҳрида ҳоким эди. Авн айтди: «Мен сенга баъзи нарсалар ҳақида ваъз-насиҳат қилмоқчиман». «Қандай ваъз?» сўради ҳоким. У деди: «Кибру-ҳаводан йироқ бўл, негаки тангри таолога қилинган биринчи гуноҳ кибру-ҳаводир». Сўнгра «Малоикаларга Одамга сажда қилинган деганимизда улар сажда қилдилар, фақат Иблис бош тортди...» оятини охиригача ўқиди. «Яна очкўзликдан сақлан, чунки Одамни жаннатдан чиқарган нарса очкўзликдир. Аллоҳ таоло унга кенглиги осмонлар ва ерга тенг келадиган жаннатни раво кўриб у жойдаги бор неъматлардан тановул қилишга изи берди, фақатгина бир дарахт мевасини манъ қилди. У эса очкўзлик қилиб худди шу дарахтдан еди ва натижада жаннатдан чиқарилди, деди сўнг, «Ундан (жаннатдан) ҳаммангиз тушингиз!» оятини охиригача тиловат қилди. Шундан кейин Авн насиҳатда давом қилди: «Яна ҳасаддан ҳазар қил. Зеро, Одам боласи ўз биродарини ҳасад сабабли ўлдирди», деб, кейин «Уларга Одамнинг икки ўғли хабарини ҳаққи-рост тиловат қилинг!» оятларини ўқиди ва шу сўзларни қўшимча қилди: «Расулиллоҳнинг саҳобалари ҳақида гап кетса билмасдан бирон нарса дейишдан ўзингни тий, қазо-қадар хусусида сўзланганда, юлдузлар тўғрисида гапирилганда сукут қил!»

Бакр ибн Абдуллоҳ айтди: «Подшолардан бирининг олдига келиб юрадиган бир киши бор эди. Одатда у ҳар гал подшоҳнинг рўбарўсида туриб, шундай дейди: «Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилгучига эса ёмонлик қилма, чунки қилган ёмонлиги ўзига қайтгусидир». Бу кишининг подшоҳ ҳузурдаги обрў-эътиборига бир кимсаннинг ҳасади келиб, подшоҳ олдида унга тўхмат ёғдирди: «Рўбарўингизда туриб ҳар хил гапларни гапирувчи ўша одам Сизни, оғзи бадбўй, деб юрибди». Подшоҳ сўради: «Сўзларинг ростлигини қандай би-лишим мумкин?» У айтди: «Сиз уни ёнингизга қақирасиз. У



Сизга яқин борганида, қочиб қўли билан бурнини тўсиб олади». Подшоҳ унга: «Кетавер, мен ўйлаб кўраман», деди. У кимса подшоҳ олдида чиқиб қўлиги кишини ўз уйига меҳмонга чақириб, саримсоқ солинган таомлар билан сийлади. Меҳмондорчиликдан сўнг у подшоҳ ҳузурига борди ва одатдагидек, унинг рўбарўсида туриб: «Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилувчига эса ёмонлик қилма, зеро, қилган ёмонлиги ўзига қайтгусидир!» деди. Шунда подшоҳ: «Ёнимга яқинроқ кел!» деди. У подшоҳнинг ёнига борди, саримсоқ ҳидидан подшоҳ озорланмасин деб, қўли билан оғзини тўсди. Подшоҳ ичида: «Фалончининг гапи рост экан-да», деди. Лекин ҳеч нарса сезмагандай қўлига қалам олиб, унга бир хат ёзиб берди ва амалдорларидан бирига олиб боришни тайинлади. Бу шохнинг шундай одати бор эди: бировга ҳада ёки мукофот бермоқчи бўлса, унга ўз қўли билан хат ёзиб беради. Аммо бу сафарги хатнинг мазмуни ўзгача эди: «Хатини олиб борган кимсани сўйиб, терисини шил ва ичига сомон тиқиб, менинг олдимга жўнат!» У киши хатни олиб чиқаётиб, ҳалиги тўхматчига дуч келди. Унинг кўзи хатга тушиб, «Бу қандай хат?» деб сўради. «Билмадим, подшоҳ бирор мукофотга ёзиб бердилар, шекилли», деди у. «Шуни менга ҳада қилгин», деб ялиди тўхматчи. Бу киши яқиндагина уникида меҳмон бўлганини ўйлаб, ичида «Йўқ десам уят бўлар», деб ўйлади-да, «Майли сенга бўла қолсин», деди. У хатни олиб, амалдорнинг олди-га чопди. Хатни очиб ўқиб кўрган амалдор: «Бунда ёзилишича, мен сени сўйиб, терингни шилишим керак экан», деди. Қўлга тушганини сезган тўхматчи жонҳолатда: «Худо ҳақи, бу хат меники эмас эди. Ишонмасанг, текшириб кўр», деб ялина бошлади. Амалдор эса: «Подшоҳнинг хати текширилмайди», деб уни сўйиб, терисини шилди ва ичига сомон тиқиб подшоҳ саройига жўнатди. Эртасига ҳалиги киши подшоҳ ҳузурига борди ва одатда айтадиган гапини яна такорлади. Подшоҳ уни тирик ҳолда кўриб, таажжубга тушди ва: «Хатни нима қилдинг?» деб сўради. У айтди: «Фалончи йўлимдан чиқиб, хатингизни ҳада қилишимни сўраган эди, унга ҳада қилдим». Подшоҳ айтди: «У кимса, одамларга «подшоҳнинг оғзи бадбўй», деб урганингни менга етказган эди». «Мен бундай демаганман», — жавоб берди у. «У ҳолда нима сабабдан менинг ёнимга келганингда бурнингни тўсиб олдинг?» — сўради подшоҳ. «Уша кимса мени саримсоқ солинган таомлар билан меҳмон қилган эди. Шу ҳид Сизга етишини истамаган эдим». Бу сўзларни эшитган подшоҳ: «Ёмонлик қилувчининг ёмонлиги ўзига қайтгусидир», деган сўзларинг чин ҳақиқат экан, сен ўз мартабангга муносиб экансан», деди.

Ибн Сийрин алайҳир-роҳма айтди: «Дунё ишларидан бирортасида ўзгага ҳасад қилмади. Чунки у зот жаннат аҳлларида бўлса, унинг жаннат неъматлари олдида жуда ҳақир бўлиб қоладиган дунёсининг нимасига ҳасад қиламан. Агар, у кимса дўзахилардан бўлса, унинг дўзахга киришига сабаб бўладиган дунёсининг нимасига ҳасад қилай». Бир киши Ҳасандан сўради: «Иймонли одам ҳасад қилиши мумкинми?» Ҳасан деди: «Албатта. Ахир Яъқубнинг болалари ҳақидаги ҳикояни унутдингми? Лекин қачон дилингда бировнинг бахтига ҳасад қилсанг, модомики, уни қўлинг ёки тилингда чиқармас экансан (яъни амалга оширмас экансан), сенга зарар етмайди».

Абу-Дардо айтади: «Банда ўлимни қанча кўп зикр қилса, унинг хурсандлиги ва ҳасади шунча кам бўлади».

Муовия деди: «Ҳаммани рози қилишим мумкин, фақат, неъматга ҳасад қилгувчини рози қила олмайман, чунки уни фақатгина неъматнинг кетиши рози қилади. Ахир айтилган-ку:

Ҳар қандай адоватни йўқ қилиш мумкин, вале  
Ул адоватга сабаб бўлса ҳасад, йўқолмас ҳеч».

Ҳукамолардан бири айтди: «Ҳасад тузалмас жароҳатдир, ҳасадгўйнинг ҳасад қилиши учун эса учраган нарса сабаб бўлаверад».

Аъробий деди: «Мен ҳасадгўйдан кўра мазлумга ўхшаганроқ золимни кўрамадим. Чунки у сенинг олдиндаги неъматни ўзига нисбатан зулм деб ҳисоблайверади».

Ҳасан айтди: «Эй одам боласи, нега биродарингга ҳасад қиласан? Агар Аллоҳ суйганлиги сабабли у бандага неъмат ато қилган бўлса, сен Аллоҳ суйган бандага қандай ҳасад қиласан? Агар унинг мол-давлат топшиига бошқа сабаб бўлса (яъни, ҳаром йўллар билан топган бўлса), оқибатда дўзахга элтувчи

бўлган мол-давлатнинг нимасига ҳасад қиласан?»

Тангри таоло барчамизни ҳасад балосидан асрагай!

## Саховат эгалари ҳақида ҳикоятлар

Муҳаммад ибн Мунқадир Ойшанинг ходимаси бўлмиш Умми Даррадан ҳикоя қилишича, Муовия Ойшага икки халтада бир юз саксон минг дирҳам ҳада юборди. Ойша у пулларнинг ҳаммасини бир товоққа тўқди ва одамларга улашиб берди. Кеч киргач, Умми Даррага «Эй жория, таом келтир!» деди. Ходима нон билан ёғ келтириб, «Бугун улашиб берган пулларингиздан ўзимиз учун бирор дирҳамлик гўшт сотиб олмадингиз-а», деганда, у шундай жавоб қилди: «Едимга солиб қўйганингда шундай қилган бўлардим».

Уббон ибн Усмон айтди: «Бир киши Абдуллоҳ ибн Аббосни бир боламоқчи бўлиб, Қурайш қабиласининг катталарига келиб, «Абдуллоҳ бугун сизларни нонуштага таклиф қилди», деди. Улар розилик билдириб, нонушта вақтига етиб бордилар. Абдуллоҳнинг ҳовлиси лиқ тўлди. Бу ҳолни кўриб, «Нима гап?» деб сўраган эди, меҳмонлардан бири уни бир чеккага тортиб бўлган гапни айтиб берди. Шунда Абдуллоҳ дарҳол мева-чева келтиришни буюриб, нон ва турли таомлар пистгунча меҳмонларни мевалар билан сийлади. Кетидан дастурхонлар ёзилиб, хилма-хил таомлар тортилди. Улар овқатланишиб, ўринларидан туришайтганда Абдуллоҳ ўз хизматкорларидан: «Шундай таомларни ҳар куни тайёрлай оламизми?» деб сўради. Тасдиқ жавобини олгач, меҳмонлардан ҳар куни шу ерда нонушта қилишларини илтимос қилди.

Муъсаб ибн Зубайр ҳикоя қилишича, Муовия ҳаж қилиб қайтаётиб Мадина шаҳридан ўтди. Шунда Ҳусайн ибн Али акаси Ҳасанга: «У билан учрашмагин ҳам, саломлашмагин ҳам», деди. Муовия шаҳардан чиқиб кетганидан кейин Ҳасан ибн Али ўзича: «Ахир зиммамизда қарзимиз бор-ку, бориб айтсам зора ёрдами тегса», деб ўйлади-да, унинг издан отланди ва етиб бориб, салом берганидан кейин устида қарзи борлигини арз қилди. Шу пайт уларнинг олдида қарилик ва устидаги юки оғирлигидан ниҳоят даражада ҳолдан тойган бир туяни ҳайдаб ўтиб қолдилар. Унга Муовияга тегишли бўлган саксон минг динар ортилган эди. «Бу кимнинг туяси?» — сўради Муовия. Унга айтдилар. «У ҳолда бу туяни устидаги юки билан Абу Муҳаммад (Ҳасан назардатутилади) уйи томонга ҳайданглар!» — буюрди у. Воқид ибн Муҳаммад ал-Воқидий ривоят қилди: «Отамнинг айтишича зиммасидаги қарзлари кўпайиб, тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етганида ўз арзи-ҳолини бир варақча битиб, халифа Маъмуннинг ҳузурига чиққан экан. Халифа аризани ўқиб кўргач, орқа тарафига бундай сўзларни ёзиб қўйибди: «Сенга саховат ва ҳаё хислатлари жамланган. Саховатинг қўлингидан бор нарсани кетишига сабаб бўлди. Ҳаё аҳволингни бизга билдиришдан сени манъ қилиб туради. Мен сенга юз минг дирҳам беришларини буюрдим. Агар сенинг хусусингдаги фикрларим тўғри бўлса, бундан кейин ҳам қўлинг янада очик бўлаверсин, лекин мен адашган бўлсам, унда сенга ўз сўзингни эслатиб қўйишга ижозат бер!» Едингдами, сен отам Ҳорун ар-Рашиднинг саройида қозилик мансабиде турганингда менга Муҳаммад ибн Исҳоқ аз-Заҳрийдан, у эса Анас ибн Моликдан ривоят қилган бир ҳадисни айтиб берган эдинг. У ҳадисда айтилишича, пайғамбар алайҳис-салом Зубайр ибн Аввома шундай деганлар: «Е Зубайр, билгилки, барча бандалар ризқларининг калитлари Аршда бўлиб, Тангри таоло ҳар бир бандага қилган харажатига қараб (ризқ) беради. Кўп харажат қилганга кўп беради, кам харажат қилганга оз беради. Яна ўзинг мендан кўра яхшироқ билгувчисан». Шунда отам айтган экан: «Тангрига қасамки, халифа мен билан ҳадис музокара қилиши унинг менга юз минг дирҳам ҳада қилишдан яхшироқдир».

Бир киши Ҳасан ибн Алидан (Аллоҳ улардан рози бўлгай) моддий мадад сўраган эди, у шундай жавоб қилди: «Эй биродар, сенинг мендан сўраш ҳуқуқинг бор эканлиги менинг зиммамга катта масъулият юклайди. Сенга лозим бўлган даражада ёрдам қила олмаслигини билишим эса мени қийнайди. Зотан, Оллоҳ йўлида ҳар қанча эҳсон қилинса оздир. Менинг қўлимда сенинг раҳматингга муносиб нарсанинг ўзи йўқ. Шундоқ бўлса ҳам мендан арзимас ҳадияни бериш бурчидан халос қилсанг ва мени зиммамдаги сенга лойиқ бўлган ҳадияни бериш



бурчидан халос қилсанг бажонидали кўлимдан келган ёрдамни берган бўлардим». У киши айтди: «Эй пайгамбар фарзанди, ёрдамнинг жоним билан қабул қиламан ва раҳмат айтаман. Агар ҳеч нарса бера олмасанг ҳам Сени маъзур кўраман». Ҳасан ўз вакилини чақириб, у билан қилиниши лозим бўлган харажатларни ҳисоблаб кўрса уч юз минг дирҳам экан. «Шундан органини келтир!» деди у вакилига. У эллик минг дирҳам ҳозир қилди. «Беш юз динор ҳам бор эди-ку?— сўради Ҳасан. «Олиб қолган эдим», деди вакил. «Уни ҳам олиб кел!»— буюрди у. Сўнг келтирилган барча динор ва дирҳамларни ҳалиги кишининг олдига қўйиб, «Энди бу нарсаларни кўтариб кетадиган одам топ!» деди. У киши иккита ҳаммол топиб келган эди, Ҳасан уларга кира ҳаққи учун ўз ридосини берди. Бу ҳолни кўриб турган хизматкорлар: «Худо ҳаққи, ўзимизга ҳеч вақо қолмади», дейишди. «Лекин мен умид қиламанки, Аллоҳ ҳузурини биз учун жуда катта ажр бўлади», жавоб қилди Ҳасан.

Абдуллоҳ ибн Аббос Басрада ҳокимлик қилиб турганида унинг олдига бир гуруҳ аҳли илм келиб, айтишди: «Бизнинг кундузларини рўза тутиб, кечаларини ухламай ибодат қилиб ўтказадиган бир қўшимиз бор. Ҳар биримиз унингдек бўлишни орзу қиламиз. Шу киши қизини ўз жиянига узатаяпти. Аммо у шу қадар камбағалки, қизига сеп қилиб бергудек ҳеч нарса-си йўқ». Абдуллоҳ ўрнидан туриб, уларни ўз уйига олиб борди, тахмондаги сандиқни очиб олди халта тилла олди ва «Унга олиб боринглари!» деди. Улар Абдуллоҳнинг саховатидан мумун бўлиб чиқиб кетаётганларида у: «Тўхтанглар, биз у кишига фақат ибодатдан қўядиган нарсалар бериб яхши иш қиламиз. Келинглари, яхшиси шундай фараҳли кунда унинг ёнида бўлайлик. Зотан, дунё бир мўъминни парвардигорга ибодатдан дўстига арзийдиган қийматга эга эмас, биз эса тангрининг дўстларига хизмат қилишдан орланадиган даражада мутакаббир эмасмиз», деди-да, улар билан бирга кетди.

Ҳикоя қилинишича, Абдулҳамид ибн Саъд Мисрда амирлик лавозимда турганда у ерда қаҳатчилик бўлди. Райятнинг аҳвалидан ниҳоятда изтиробга тушган амир: «Валлоҳи мен шайтоннинг душмани эканлигини билдириб қўяман», деб то арзончилик бўлгунча муҳтожларни чет қарамоғига олди. Лекин орадан кўп ўтмай у лавозимдан четлатилди. Мисрдан кетаётганида унинг зиммасида шу ерлик савдогарлардан минг-минг дирҳам қарзи бор эди. Шунинг учун ўз хотинларининг беш юз минг дирҳам қийматга эга бўлган зийнатларини уларга гаровга қўйиб кетди ва кейинроқ қарзларини уза олмаслигига қаноат ҳосил қилгач, савдогарларга ўша зийнатларни сотиб, ўз ҳақларидан органини унинг эҳсонларидан баҳраманд бўла олмаган бечораларга тарқатишларини сўраб мактуб ёзди.

Абу Толиб ибн Касир шиалардан эди. Бир киши унга «Ҳазрат Али ҳаққи ҳурмати менга фалон мавзедаги хурмозорингни совға қилмайсанми?» деди. У дарҳол жавоб қилди: «Совға қилдим. Яна У зотнинг ҳаққи ҳурмати сенга ўша хурмозорнинг ёнидагисини ҳам совға қиламан». Ҳолбуки, бу хурмозор аввалги сўраганига нисбатан бир неча марта катта эди.

Абу Марсад ниҳоятда саховатли киши эди. Бир шоир уни мадҳ этиб шеър ёзди. У шоирга деди: «Худо ҳаққи, менинг сенга берадиган ҳеч вақоим йўқ. Лекин сен мени қозининг олдига олиб бор-да, «Унда ўн минг тангам бор», деб даъво қил. Мен иқрор бўламан. Кейин мени ҳибс қил, қариндошларим мени маҳбус қилиб қўйишмас». Шоир унинг айтганини қилди ва ўша кун кеч кирмасданонга унга ўн минг дирҳам берилиб, Абу Марсад озодликка чиқди.

Маън ибн Зоид ироқликларнинг Басрадаги ҳокими эди. Унинг дарвозаси олдига бир шоир келиб, бир муддат Маъннинг ҳузурига кирмоқчи бўлиб турди, аммо унга руҳсат берилмади. Бир кун у Маъннинг хизматкорларидан бирига: «Амир боққа кирганида менга билдириб қўй», деб тайинлади. Кўп ўтмай хизматкор амир боққа кирганини хабар қилди. Шунда шоир бир тахтага икки мисра шеър битиб, уни боққа кирадиган ариқдаги сувга ташлади. Маън бу пайда ариқ ёқасида ўтирган эди. Оқиб келаётган тахтага кўзи тушгач, уни олиб қараса, шундай байт битилган экан:

Эй Маъннинг саховати, ўзинг унга ҳожатимни

етказгил.

Ёлғиз ўзинг таянчим, кел, бошимдан бу ғамимни

кетказгил.

Маън байтни ўқигач, «Бунинг эгаси ким?» деб сўраган эди, ташқаридан шоирни топиб келди. «Не сабабдан бунинг эдинг?»— сўради амир. Шоир айтди. Амир унга ўн халта танга беришларини буюрди. Шоир унга раҳмат айтиб чиқиб кетди. Амир эса ҳалиги байт ёзилган тахтачини гиламинг остига қўйиб қўйди. Эртасига уни олиб ўқиб, шоирни чақиртириб келиб унга яна юз минг танга берди. Шоир хурсанд бўлиб ҳадяни олди ва амир ўз қароридан қайтиб қолишдан қўрқиб, тезда чиқиб кетди. Учинчи кун амир яна тахтачини олиб ўқиди ва яна шоирни чақириб келишларини буюрди. Лекин уни излаб топа олмадилар. Шунда Маън айтди: «У мени шу даражада олийжаноб деб ҳисоблар экан, уни ёлғончи қилмаслик учун уйимда бирор танга қолмагунча ҳадя қилишим лозим эди».

Абу Ҳасан Мадоиний айтди: «Ҳасан, Ҳусайн ва Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳаж қилиш учун кетаётганларида зоди роҳилаларини (сафарда ейиш учун олган озиқ-овқатларини) йўқотиб қўйдилар. Очлик ва сувсизликдан қийналиб бораётиб, йўл четидаги бир чодирда ёлғиз ўтирган кампирга дуч келдилар ва ундан ташналикларини қондиргани бирор нарса сўрашди. У: «Бор», деди. Лекин улар чодирнинг ёнига боғлаб қўйилган бир қўйдан бошқа нарса кўрмадилар. «Ушани соғиб, сутини ичинглари», деди кампир. Улар сут ичиб бир оз ўзларига келгач, «Егулик нимангиз бор?» деб сўрашди. Кампир деди: «Шу қўйдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бирортангиз шуни сўйиб берсангиз, мен сизларга егулик пишириб берар эдим». Улардан бири туриб қўйни сўйиб, терисини шилиб берган эди, кампир таом тайёрлади. Овқатланиб, бироз дам олганларидан кейин меҳмонлар кампирга бундай дедилар: «Биз Қурайш қабиласиданмиз. Ҳаж сафарига кетмоқдамиз. Саломат қайтсак, биз томонларга ўтишингизни кутамиз ва биз ҳам Сизнинг хизматингизда бўлишни орзу қиламиз». Улар кетганларидан кўп ўтмай, кампирнинг чоли келди. Кампир унга бўлган воқеани айтиб берди. Чол унинг гўллигидан фиғони чиқиб, деди: «Улим бўлсин сенга. Танимаган-билмаган одамларга биттаю битта қўйингни сўйиб бериб юбориб, яна «қурайшликлар экан» дейсан».

Бир қанча муддат ўтгандан кейин чол-кампир тирикчилик важидан Мадинага қатнай бошладилар. Улар у ерга ўтин териб олиб бориб сотиб, ўшанинг пули билан кун ўтказардилар. Бир кун кампир Мадина кўчаларидан бирида кетаётган эди, баногоҳ уни бир уйнинг дарвозаси олдига ўтирган Ҳасан ибн Али кўриб, таниб қолди. Кампир ўзини танимай ўтиб кетганини кўрган Ҳасан унинг ортидан хизматкорини юборди. Кампир келгач, унга: «Эй Аллоҳнинг чўрисин, мени танияпсизми?» деди. «Йўқ», деб жавоб қилди кампир. Ҳасан деди: «Мен фалон-фалон кунда Сизнинг меҳмонингиз бўлганман». «Ота-онам сенга фидо бўлсин, сен ўшамми?»— ҳайрон бўлди кампир. Ҳасан тасдиқ ишорасини қилиб, унинг ҳол-аҳволини сўради ва хизматкорларига бозордан мингга қўй сотиб олиб, бу қўйларга яна минг динор пул қўшиб кампирга беришларини буюрди. Кейин уни хизматкорларидан бирига қўшиб, укаси Ҳусайннинг олдига жўнатди. Ҳусайн ҳам унга мингга қўй билан минг динор ҳадя қилди. Сўнг уни хизматкорига қўшиб Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳузурига юборди. Абдуллоҳ кампирдан Ҳасан ва Ҳусайн қандай ҳадя берганларини сўраган эди, кампир: «Икки минг қўй ва икки минг динор», деб жавоб қилди. Абдуллоҳ бир ўзи унга икки минг қўй ва икки минг динор беришларини буюриб, деди: «Агар мenden бошлаганингизда, уларни қийнаб қўйган бўлар эдим». Шундай қилиб кампир чолнинг ёнига тўрт минг қўй ва тўрт минг динор пул билан қайтди.

Абдуллоҳ ибн Омир ибн Қурайз масжиддан чиқиб ёлғиз ҳолда уйи томонга кетаётган эди, ёнига Сақиф қабиласидан бўлган бир йигит келиб, индамасдан у билан ёнма-ён кета бошлади. Абдуллоҳ ундан: «Менда бирор ишинг борми, эй йигит?» деб сўради. У деди: «Жонингиз омон бўлсин. Сизнинг якка-ёлғиз кетаётганингизни кўриб, ўзимча «Бу зотни қўриқлаб борамай», деб Сизга бирор ёмонлик етмаслигини тангри толодан тилаб ёнингизда келмоқдаман». Бу фидойиликдан мутаассир бўлган Абдуллоҳ унинг қўлидан ушлаб уйга олиб кирди ва ундан минг динор олиб унга бераркан, шундай деди: «Бирор ҳожатингга ишлатгин. Ота-онанг сени мунча яхши тарбиялабдилар».

Ҳикоя қилишларича, бир жамоа араблар саховатли кишилардан бирининг қабрини зиёрат қилгани бордилар. Олис сафардан ҳориб келганлари учун ўша жойда ётиб қолдилар. Шу кеча улардан бирининг тушига қабр соҳиби кириб, «Тузинг менинг зотдор отимга алмашмайсанми?» деяётганмиш. Уйкудаги киши: «Хўп», дебди. Дарвоқе, ухлаётган кишининг туяси,



қабр эгаси бўлмиш марҳумнинг эса зотдор оти бор эди. Урталаридаги савдо битганидан кейин марҳум ўрнидан туриб, туянинг тўшига пичоқ санчибди. Уйқудаги киши бу ҳолдан чўчиб уйғониб қараса, туясининг тўшидан қон оқаётганмиш. Шунда у ётган жойидан туриб, туяни сўйиб, гўштини тақсимлади. Сўнг уни пишириб, қоринларини тўйдиргач, уйларига қайтдилар. Йўлга тушганларнинг иккинчи куни уларнинг қаршисидан бир тўп отлиқ чиқиб, у отлиқлардан бири: «Сизларнинг қайси бирингиз Фалон ибн Фалон?» деб, туш кўрган кишининг номиини айтди. У киши: «Мен», деб жавоб қилди. «Сен Фалон ибн Фалонга бирор нарса сотдингми?» деб марҳумнинг исмини тилга олди отлиқ. «Ҳа, тушимда туямини унинг зотдор отига алмашганман», деди у киши. Отлиқ: «Мана унинг зотдор оти», деб унга бир кўркам отнинг жиловини тутқазди ва шу сўзларни айтди: «Уша отнинг эгаси менинг отам бўлади. Кеча тушимга кириб. «Агар менинг ўғлим бўлсанг, мана шу зотдор отимни Фалон ибн Фалонга бергин!» деб сенинг номингни айтди».

Қурайшлик бир киши сафардан қайтаётиб йўл ёқасида ўтирган, замон оёқдан қолдирган, хасталиқ ҳолдан тақдирган бир аъробийнинг ёнидан ўтди. У қурайшликка қараб, «Эй биродар, ҳолимга раҳминг келсин, ёрдамингни дарғ тўтма», деди. Қурайшлик хизматкориға: «Енингда қолган пулнинг ҳаммасини унга бергин!» деган эди, хизматкор аъробийнинг олдига тўрт минг дирҳам тўкди. Аъробий ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, кучи етмагач, ўқиб йиғлаб юборди. Бунга кўрган қурайшлик: «Нега йиғлаяпсан, берган нарсамиз озлик қилдимми?» деб сўради. У жавоб қилди: «Йўқ, билмакс, сендек саховатли зотларни ҳам ер ютишини уйлаб йиғлаяпман».

Абдуллоҳ ибн Омир Холид ибн Ақабадан бозор яқинидаги ҳовлисини тўқсон минг дирҳамга сотиб олди. Уша куни кечаси у Холиднинг болалари йиғлаётганларини эшитиб, «Уларга нима бўлди?» деб сўраган эди, «Ховлиларига йиғлаётдилар», дейишди. Шунда Абдуллоҳ хизматкориға буюрди: «Эй ғулум, бориб айт, пул ҳам, ҳовли ҳам уларга бўла қолсин».

Хорун ар-Рашид Молик ибн Анас алайҳирраҳмама беш юз динор юборди. Бу воқеани эшитиб Лайс ибн Саъд Моликига минг динор ўтказди. Бундан хабар топган Хорун ғазаланиб, «Мен беш юз берсам-у, сен менинг фуқаром бўла туриб минг динор берсанми?» деди. У жавоб берди: «Эй, амиралмўъминин, менинг кундалик киримим минг динордир. Шундай улус зотга бир кунлик фойдамдан ҳам озроқ ҳада қилишга номус қилдим». Ҳикоя қилинишича Лайс ибн Саъднинг кундалик кирими минг динор бўлишига қарамасдан унга ҳеч қачон закот вожиб бўлмаган экан. (Яъни унинг қўлида ҳеч қачон бойлик тўпланиб қолмаган экан).

Яна ҳикоя қилинадики, бир хотин Лайс ибн Саъддан озгина асал сўраганида, унга бир меш асал беришларини буюрди. Шунда одамлар: «Озроқ берсангиз ҳам бўлар эди-ку!» дейишганда у зот жавоб қилди: «У аёл ўз эҳтиёжига яраша сўради, биз эса ҳолимизга яраша бердик». Айтишларича, Лайс ибн Саъд ҳар куни уч юз олтимиш мискига садақа қилмагунча биров билан гаплашмас экан.

Аъмаш айтди: «Қўйларим касалга чалиниб қолдию Ҳайсума ибн Абдурахмон ҳар куни эрталаб ва кечқурун келиб уларнинг аҳволини сўрайдиган, «Емлари етарлими, сўт йўқлигидан болалар қийналмаяптими?» деб суриштирадиган бўлди. У ҳар сафар келганида ерга тўшалган биттаю-битта кигизга ўтирар, чиқиб кетаётганида эса: «Кигизни остидаги нарсани ол!» деб қўярди. Шундай қилиб қўйимнинг касали сабаб бўлиб менга у томондан уч юз олтимиш динор келди, мен эса ҳатто «Қўйларим «тузалмасайкан» деб орзу қиладиган бўлдим». Абдуллоҳ ибн Марвон Асмо ибн Хорисага: «Менга сенинг хислатларинг ҳақида кўп гапиришган. Шу хусусда ўзингдан ҳам эшитсак», деди. Асмо деди: «Кишининг хислати ҳақида ўзгалар гапиргани гўзалроқдир». «Мен ўзингдан эшитмоқчиман, гапира қолгин!» деди халифа. «Эй амирал-мўъминин, мен ҳеч қачон сўхбатдошим олдида обғимни узатган эмасман. Бирон таом тайёрлаб одамларни чорласам, албатта ўзим улардан кўра кўпроқ миннатдор бўлганман. Бирон киши мендан нимадир сўраса, албатта сўраганидан зиёдароқ қилиб қўшиб берганман», деб жавоб қилди Асмо.

Саид ибн Холид Сулаймон ибн Абдулмаликнинг ҳузурига кирди. Саид ўзи шу қадар саҳий киши эдики, муҳтожга бергани ҳеч нарса топа олмаса қўлига пул тушгунча унга тилхат ёзиб берарди. Унинг бу хислатидан хабардор бўлган Сулаймон унга қараб шу байтни ўқиди:

**Тонгла мен солсам қулоқ бир жарчига,  
Дерки, сен ёрдамчи бўл, ёрдамчига.**

Сўнгра «Не ҳожатинг бор?» деб сўради. «Қарздор бўлиб қолдим», деди Саид. «Қанча?»— сўради шоҳ. «Уттиз минг динор»,— жавоб қилди у. «Қарзинг ва яна шунча тилло сенга бўлсин», деди шоҳ.

Ҳикоя қилдиларки, бир куни саховат билан ном қозонган Қайс ибн Саъд ибн Убода оғриб қолди. Лекин ёр-дўстлари уни кўргани келишавермади. «Улар Сиздан қарзлари кўплиги учун келгани уяллатилар», дейишди хизматкорлар. Шунда у: «Дўстларнинг йўлини тўсадиган мол-дунёга тангрининг лаънати бўлсин!» деб жарчинни чақиртирди-да, унга буюрди: «Жар солиб айтгинки, кимда-ким Қайс ибн Саъддан қарздор бўлса, ҳозирдан бошлаб ҳамма қарзларидан озод!» Шундан кейин уни кўргани келганларнинг кўплигидан кечга бориб уйига одам сиғмай кетди.

Абу Исҳоқ айтди: «Бир қарздоримни излаб бориб, бомдод намозини Куфадаги Ашъас масжидида ўқидим. Намоздан кейин олдимга бир кийимлик газлама билан бир жуфт қавуш қўйдилар. «Мен бу масжид қавмидан эмасман», дедим, ҳайрон бўлиб. Масжид ходимлари жавоб қилдилар: «Ашъас ибн Қайс Киндий кеча Макка сафаридан келиб, шу масжидда намоз адо қилган ҳар бир кишига бир кийимлик газлама ва бир жуфт қавуш ҳада қилинсин!» деб буюрдилар».

Шайх Абу Саид Харкуший Найсобоурий алайҳирроҳмама айтди: «Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳофиздан бир ибратли ҳикоя эшитган эдим. Унга бу ҳикояни Макка шаҳрида диний ишлар мутасаддийси бўлган Шофий айтган экан: «Мисрда бева-бечоралар учун давлат аҳлларида иона тўплаш билан машхур бир киши бор эди. Одатда фақир-мискинлар ҳар хил эҳтиёжлари билан ўша кишига муурожаат қилар эдилар. Бир куни унинг олдига бир камбағал одам келиб, фарзанд кўрган, лекин болани кам-кўстини сотиб олишга пули йўқлигини айтиб, ёрдам беришини сўради. У «Мен билан юр!» деди-да, ёрдам сўраб келган одамни етаклиб бир неча боёнларнинг олдига олиб борди. Лекин улардан ҳеч нарса чиқмади. Шундан кейин у бир саховатли зот дафн қилинган қабрнинг олдига келиб ўтириб, деди: «Аллоҳ сени раҳмат қилгай, доимо ўзгаларга яхшилик қилар эдинг. Бугун мен неча одамнинг олдига бориб, гўдак учун бирон нарса беринглар, дедим, ҳеч қайсиси жавоб қилмади». Кейин ўрнидан туриб киссасидан бир динор чиқарди-да, иккига бўлиб, ярмини муҳтож одамга берди ва «Мана бу қўлингга пул тушгунча сенга қарз», деди. Ҳожатманд раҳмат айтиб пулни олди ва кам-кўстларини тўғрилагани кетди. Шу кеча ҳалиги кишининг тушига марҳум саховатли зот кириб, деди: «Ҳамма гапларингни эшитдим, ammo бизга жавоб қилишга изн йўқ. Сен менин уйимга бориб болаларимга айт, уйдаги ўчоқнинг тагини кавлашсин. У ерга бир ғилофнинг ичига жойлаб беш юз динор кўмиб қўйган эдим. Шунга олиб сенга берсинлар, сен ўша бечорага элтиб бергин!» Эртасига у киши марҳумнинг уйига бориб, унинг болаларига бўлиб ўтган воқеани ва кўрган тушини сўзлаб берибди. Улар айтилган жойни кавлашиб ўша пулларни топишибди ва унга келтириб беришибди. У киши: «Бу энди сизларнинг молингиз, менинг кўрган тушимнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ», деса, улар: «Отамиз ўлик ҳолида саховат қилса-ю, биз тирик ҳолимизда бахиллик қиламизми?» деб жавоб қилишибди. У киши ноилоҳ пулларни олиб ҳалиги фарзанд кўрган фақирга элтиб, бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда фақир у пулдан бир динор олиб иккига бўлибди-да, ярмини ҳалиги кишига қарзига тўлабди, ярмини ўзига олиб, «шу менга кифоя», деб қолганини камбағал-бечораларга садақа қилиб юборибди». Шайх Абу Саид ҳикоясини тугатар экан, шундай деди: «Мен уларнинг қайси бирлари саховатлироқ эканини билмай қолдим».

Ривоят қилишларича Шофий Мисрда ўлим тўшагидан ётганида: «Улсам, мени Фалончи ювсин!» деб васият қилган экан. Вафот қилганида мазкур кишига хабар берилибди. У етиб келиб аввало Шофийнинг ҳисоб-китоб дафтарини сўрабди. Очиб қараса, Шофийнинг бирозлардан етмиш минг дирҳам қарзи қолган экан. У бу қарзларни дарҳол зиммасига олиб, ўз ёнидан тўлабди ва «Мен уни ювиб қўйдим» дедди.

Абу Саид Воиз Харкуший айтди: «Мисрда борганимда ўша зотнинг уйини ахтариб бориб, ул зотнинг набираларини зиёрат қилдим. Уларда ҳам яхшилик аломатлари, фазилат белгилари кўриниб турар эдики, ўз-ўзимга дедим: «Буларга ҳам оталари-



нинг хислат, фазилатлари ўтибди. Худди Тангри таоло айтганидек: «Уларнинг оталари яхши киши эди».

Шофий алайҳирраҳма айтди: Ҳаммод ибн Абу Сулаймон эшагига миниб кетаётган эди, тўнининг тугмаси узилиб кетди. У тугмани қадапти олиш учун тикувчининг олдига бориб, эшагидан тушмоқчи бўлганда тикувчи: «Тушмай қўя қолинг», деб ўзи туриб келиб тугмани қадаб қўйди. Ҳаммод ёнидан ўн динор чиқариб тикувчига бериб, озроқ бергани учун ундан узр сўради. «Шу воқеани эшитганимдан буён Ҳаммодни яхши кўраман», деб Шофий ўзича мана бу шеърни ўқиди:

**Уртанар дил, молу дунё бўлса деб,  
То улашсам яхшиларга кун сайин.  
Чунки менадан сўрсалар йўқ нарсани,  
«Йўқ» дейиш менга ўлимдан-да қийин.**

Рабийъ ибн Сулаймон Шофий алайҳирраҳмадан ҳикоя қилиб, шундай деди: «Бир киши унинг отининг узангисидан ушлаб хайр сўраган эди, у: «Эй Рабийъ, сендан илтимосим, шу кишига тўрт динор бериб, менинг номимдан узр сўраб қўй!» деди. Яна Ҳумайдийдан эшитдимки, Шофий бир марта Санъодан Маккага ўн минг динор билан келиб, шаҳар ташқарисида бир жойга чодир тикибди. Кейин ёнидаги бор пулни бир дастурхонга тўкиб, эрта тонгдан то пешингача ёнидан ўтган йўловчиларга бир ҳовучдан тилло улашибди. Дастурхонда бирор тилло қолмангандан кейингина ўрнидан туриб, Макка шаҳрига кирибди».

Абу Савр айтади: «Шофий кўп мол билан Макка сафарига отланди. Саховати сабаб қўлида мол турмаслигини билганим учун унга дедим: «Бу молга ўзингиз ва болаларингиз учун ўша ердан бирор мулк сотиб олсангиз яхши бўлар эди». У кетди. Сафардан қайтганидан кейин нима сотиб олганини сўрадим. «Маккадан сотиб олгудек ер-мулк топмадим. Чунки у ерларнинг кўп қисми худо йўлида вақф қилинган, қолганларининг эса эгалари бор. Шунинг учун мен у пулга ҳаж қилиш учун борган биродарларимиз тушиб истироҳат қилсинлар деб Мино шаҳрида бир уй бино қилдирдим», деди у ва ўзича шу шеърни ўқиди:

**Талпинар кўнгли улуг ишларга лек,  
Ул улуг ишлар йироқ, етмайди қўл.  
Зиқна, мумсик бўлгали қўймак қилгин,  
Хайру эҳсон қилгали етмайди пул.**

Мухаммад ибн Уббод Меҳлабий отасидан ривоят қилиб, шундай деди: «Отам халифа Маъмун ҳузурига кирганида халифа унга юз минг дирҳам ҳадя қилди. У ердан чиққач, отам бу пулларни садақа қилиб юборибди. Бундан хабар топган Маъмун кейинги гал кирганида унга қаттиқ теккан эди, у шундай деб жавоб берди: «Эй амралмўминин, бор бўлиб туриб бермаслик — яратганга бадғумон бўлишдир». Бу гапдан мутаассир бўлган Маъмун унга икки юз минг дирҳам ҳадя қилди.

Бир киши Саид ибн ал-Осининг олдига келиб хайр сўради. Саид унга юз минг дирҳам беришни буюрди. Буни кўриб, у киши йиғлаб юборди. «Нега йиғлаясан?» — сўради Саид. «Сендай улугларни ютмаслигини тилаб ерга илтижо қилмоқдаман», деди у. Саид унга яна юз минг дирҳам ҳадя қилди.

Ривоят қилишларича, Толханин Усмондан (тангри улардан рози бўлмай) эллик минг дирҳам қарзи бор эди. Бир куни Толха унга: «Молинг тайёр, олгин!» деган эди, у: «Уша мол сенингу муруватларингга ёрдам бўла қолсин», деб жавоб қилди. Саъдо бинт Авф айтди: «Толханин олдига кирсам, ўйлаиб, хомуш ўтирган экан. «Сенга нима қилди!» деб сўрадим. У деди: «Уйимда анча кераксиз пул тўплайиб қолди. Шунинг ғамини еб ўтирибман». Мен унга: «Нега ғам чекасан, одамларга тарқатиб берақол», дедим. Шунда у менга раҳмат айтиб, хизматкорига бева-бечораларни чақириб келишни буюрди ва бор молини уларга улашиб берди. Мен хизматкордан: «Қанча эди?» деб сўраганим, «Тўрт юз минг», деди у. Аъробий Толханин олдига келиб, хайр ва ҳомийлик сўради. Толха айтди: «Ҳеч ким менадан ҳомийлик қилишимни сўрамаган эди. Менинг бир сотиладиган ерим бор. Усмон унга уч юз минг бермоқчи. Хоҳласанг, ўша ерни ўзини, хоҳласанг, сотиб пулини сенга ҳадя қиламан. «Пулини бера қол», деди аъробий. Толха у ерни Усмонга сотиб, пулини аъробийга берди.

Бир куни Али (тангри ундан рози бўлмай) йиғлаб ўтирганини кўришди. Бунинг сабабини сўраганларида у шундай деди: «Ётти кунки, уйимга биронта меҳмон келмади. Тангри даргоҳида беҳурмат бўлдимми, деб кўрқяпман».

Бир киши дўстининг ўнига келиб, тўрт юз дирҳам қарз бўлиб қолганини айтиб, ёнда ёрдам сўради. Дўсти унга дарҳол айтилган миқдордаги пулни топиб бериб жўнатди-ю, уйга қайтиб киргач, йиғлаб юборди. Хотини унга: «Бунчалик қийналар экансан, нега бердинг?» деди. «Унинг ҳолини сўрамай, уйимга ёрдам сўраб келишга қадар мажбур қилганим учун йиғлаяпман», деб жавоб берди у.

Мана шундай хислат эгаларини тангри раҳмат қилсин ва барчаларининг гуноҳларини мағрифат айласин!!!

## Хасислар ҳақида ҳикоятлар

Айтишларича, Басра шаҳрида бир хасис бой бор эди. Бир куни уни қўшини меҳмонга чақириб, олдига тухумли қуймоқ қўйди. У текис таомни кўриб роса еб, кетидан сув ичди ва ... бўкиб қолди. Қорни бураб оғриб, ўлими кўзига кўриниб кетавергач, ноилож табибнинг олдига бориб, бўлган воқеани унга айтиб берди ва «Ёрдам қилмасанг, ўлиб қоламан!» деди. «Ҳеч қиси йўқ, еганларингни қусиб юборсанг, қутулсан-қоласан», деди унга табиб. Бу гапни эшитиб, у шундай деди: «Ҳо, қуймоқни қусарканманми?! Яхшии ўла қоламан!»

Ҳикоя қилишларича аъробий бир кишининг уйига борган экан, у киши аъробийни кўриши билан дастурхонда турган анжир мевасининг устини тўни билан ёпиб қўйибди. Утирганларидан кейин уй эгаси: «Қуръон ўқишни биласанми?» деб сўрашган экан, у: «Ҳа», деб жавоб бериб, Қуръондаги «Анжир, Зайтун ва Синай тоғига қасам...» деган сўзлар билан бошланувчи сурани «Анжир» калимасини ташлаб ўқий бошлабди. Уй эгаси: «Анжир» қаерда қолди?» деган экан, у: «Анжири тўнининг тағида», деб жавоб берибди.

Бир киши дўстини уйига меҳмонга чақирибди-ю, олдига ҳеч нарса қўймай кечгача олиб ўтирибди. Меҳмон очликдан азобланиб, боши гаранг бўлиб ўтирса, уй эгаси қўлига удни олди: «Азизим, кўнглин қандай оҳангларни тилайди?» дермиш. «Капгир қозонга урилганда чиқадиган оҳангларни», дебди у.

Ҳикоя қилинишича, Мухаммад ибн Яҳё ибн Халид ибн Бармак ўлгудек хасис одам экан. Кишилар унинг яқин қариндошидан: «Мухаммад ибн Яҳёнинг дастурхони қандай?» деб сўраганда, у шундай деб жавоб берибди: «Дастурхонининг бўйи ҳам, эни ҳам бир қаричдан ошмайди, товоғидаги овқати ҳам сочилган кўкнор уруғларидек сийрак». «Бу дастурхонга ҳеч ким келадими?» — сўрашибди яна улар. «Ҳа, фаришталар келади». «Овқатни у билан ҳеч ким баҳам кўрмайдими?» «Нега энди, пашшалар у зот билан бирга овқатланадиларми». Улар яна: «Шундай зотнинг яқин қариндоши бўлатуриб, кийимларингни илма-тешиклигини қара», дейишса, у бундай деган экан: «Тангрига қасамки, мен ундан игна ҳам ололмайман. Мени-ку қўяверинглар, агар Мухаммад ибн Яҳёнинг Бағдоддан Нувбагача чўзилган бир уйи бўлиб, шу уй тўла игнаси бўлса, шунда унинг олдига Жаброил, Микоил фаришталарни етаклаб яққуб алайҳис-салом келиб Юсуфнинг йиртилган кўйлагини ямаб олиш учун бир дона игна сўрсалар, қасам ичиб айтаманки, улар ҳам қуруқ қайтган бўлардилар».

Айтадиларки, Марвон ибн Абу Хафса зиқналигидан иложи борица гўшт истеъмол қилмас, роса гўшт егиси келиб, ҳеч иложини топа олмай қолганда эса, хизматкорини юбориб, фақат калла гўшти келтиришни буюрар экан. Ундан: «Сен нега қишин-ёзин фақат калла гўшти ейсан?» деб сўраганларида, у шундай жавоб қилган экан: «Гўшларнинг зўри калла-да! Нега деганда унинг нархи маълум (яъни, энг арзон) бўлгани учун хизматкор мени алдаёлмайди. Яна ошпаз уни пишираётганда у ербу еридан еб қўйишидан ҳам хотиржамман. Чунки кўзини ейдими, юзини ейдими ёки қулоғини ейдими, дарров билиниб қолади. Бундан ташқари, калла гўштининг яна бир хосияти бор: унинг кўзи бир хил овқат бўлса, қулоғи бир хил овқат. Катта тили бошқа, кичик тили яна бошқа, мияси яна алоҳида бир овқат.



Демак, битта каллани есам, бир неча хил таом егандек бўланган».

Уша Мухаммад ибн Яхё бир куни халифа Махдий ҳузурига кирмоқчи бўлиб кетаётган экан, қариндошларидан бўлган бир аёл: «Агар, саройдан ҳада билан қайтсанг, менга қанчасини берасан!» деб сўрабди. «Агар, халифа менга юз минг дирҳам берса, сенга бир дирҳамини бераман», дебди у. Иттифоқо, халифа томонидан унга олтимиш минг дирҳам тегибди. Шунда у ҳалиги хотинга тўрт доник (дирҳамнинг олтидан тўрт улуши) берибди.

Бир куни қассобдан бир дирҳамлик гўшт олиб турган экан, бир таниши уйига таклиф қилиб қолибди. У дарҳол олган гўштини қассобга бир доник камига қайтариб бериб, «Исрофни ёмон кўраман», депти.

Аъмашнинг бир қўшниси бор эди. Қачон Аъмашни кўрса, уйига бир бурда нон ва тузга таклиф қиларди. Иттифоқо, бир куни Аъмаш қорни оч ҳолда келаётса, ўша қўшниси дуч келиб, одатдагидек бир бурда нон ва тузга таклиф қилди. Аъмаш бу сафар рад қилгиси келмай, «Хўп», деб унинг уйига кирган эди, уй эгаси дастурхонга фақат нон ва туз келтириб қўйди. Шу пайт бир гадо хайр сўраб келди. Уй эгаси: «Тангри берсин», деб уни қуруқ қайтарди. Бироз ўтган гадо иккинчи марта келиб, яна қуруқ қайтарди. Озгинадан кейин у учинчи марта келган эди, уй эгаси унга: «Худо ҳаққи, ҳозироқ кетмасанг таёқ өйсан!» деди. Шунда Аъмаш уни ёнига чақириб, «Эй бахтсиз гадо, кета қолгин! Тангри номига қасам ичиб айтманки, мен ундан кўра ваъдасига вафодорроқ кимсани кўрадим. Қанча вақтдан бери мени бир бурда нон ва тузга таклиф қилиб юрарди. Мана бугун уйига киргандим, ўша айтганидан бирор нарса зиёда қилмади», деди.

## Жоҳ маъноси ва моҳияти баёни

Билингни, жоҳ (обрў-мартаба) ва мол дунёнинг икки устунидир. Молнинг маъноси фойдаланиладиган нарсаларга эгалик қилиш бўлса, жоҳнинг маъноси итоат ва таъзим қилиб турадиган дилларга эгалик қилишдир. Худди бой одам дирҳам ва динораларга эга бўлганидек, яъни мол воситасида фараз мақсадларига, умуман, нафис хоҳлаган ҳамма нарсага етишга қодир бўлгани каби, жоҳ эгаси ҳам кишиларнинг дилларга эга бўлади, яъни ўша диллар воситасида уларнинг эгаларини ўз мақсад ва ҳолатларида ишлатишга қодир бўлади. Худди мол турли касб ва ҳунарлар билан топилганидек, диллар ҳам хилма-хил муомалалар воситасида эгалланади. Лекин дилларни забт этиш осон эмас. Диллар фақат таниш ва эътиқод қўйиш билан бўйсунishi мумкин, яъни дил бировнинг хислатларидан бирортасига эътиқод қўйса, у хислатнинг камолотига ва ўзининг унга нисбатан бўлган эътиқоднинг қувватига қараб, ўша хислат эгасига эргашади ва бўйсунеди. Аммо у хислат ҳақиқатан ҳам комил бўлиши шарт эмас: балки эътиқод қўйган дилнинг наздида комил бўлса бас, у бўйсунаверади. Зотан, дил гоҳо аслида комил бўлмаган нарсани комил деб ҳисоблаб, ўз эътиқодича, албатта унга эргашishi шарт деб билади. Бинобарин, дил ўз эътиқодда, маърифати ва тахайюли андозасида ўзгага итоат қилиши ўша дилнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятки, унга ҳеч ким, ҳатто ўша дилнинг эгаси ҳам дахл қила олмайди.

Энди мол-дунёга ҳирс қўйган киши хизматкор-қулларга эгалик қилишни истагани каби, жаҳ-мартабани суйган киши озод одамларни қулга айлантиришни, яъни уларнинг дилларини забт этиш билан ўзларини ҳам банд қилишни истади. Балки жоҳ эгасининг истаги мол-дунё эгаси бўлган қулдорнинг истагидан дахшатлироқ, чунки ҳақиқий қул қулдорга ўзи истамаган ҳолда, мажбуран итоат қилади, бинобарин, имкони бўлди дегунча итоатдан чиқishi мумкин. Мартабадор эса озод одамлар ўзлари хоҳлаб, хурсанд ҳолда қуллуқ қилиб, итоат этишларини хоҳлайдики, бу хоҳиш қулдорнинг истагидан кўп марта ортиқроқдир. Демак, жоҳ-мартабанинг маъноси кишиларнинг дилларини эгаллаш экан. Диллар жоҳ эгасига қанча эътиқод қўйса, шунча итоат қилади, қанча итоат қилса, унинг диллар устидаги қудрати шунча ортади, бу қудрат қанчалки ортса, унинг хурсандлиги ва жоҳ-мартабани бевиши ҳам шунча ортади. Жоҳ-мартабанинг маъно-моҳияти шудир. Энди мартабанинг турфа хил мевалари ҳам бор. Мартаба эгасига мадҳу санолаар айтиш,

унга бажонидил ҳар хил хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш, унинг шахсини мудом афзал деб билиш шундай мевалардандир. Чунки уни комил деб эътиқод қилган дил унга мақтовлар айтмай тура олмайди ва унга қўлидан келганча хизмат қилишини ўзига бурч билиб, гўё унинг қулига айланиб қолади. Натижада, мартаба эгаси билан ҳеч нарса талашмайдиган, аксинча, ўзининг нарсаларини жон деб унга тутадиган, доимо ундан аввал салом бериб, таъзим қилиб турадиган, қандай мажлис бўлмасин, уйнинг тўрнини унга берадиган бир мутеъ бўлиб қолади. Булар барчаси жоҳ-мартаба дилларни забт этишидан келиб чиқади. Мартаба дилларни забт этишининг маъноси — бир шахснинг камолот даражасидаги бирор хислати дилларни эгаллаб олишидир. Бу хислат — илм ёки зоҳидлик, гўзал хулқ ёки олий насаб, ё олий мансаб ё ҳусну-жамол, жисмоний қувват ёки одамлар камолот деб эътиқод қиладиган бошқа нарса бўлиши мумкин. Зеро, бунга ўхшаш хислатлар дилларда эъзолалиши шубҳасиз. Бинобарин, улар воситасида жоҳ-мартабага эришиш мумкин. Яна Тангри яхшироқ билгувчидир.

## Зухд аломатлари баёни

Билингни, гоҳо мол-дунё йиғишни тарк қилган ҳар бир киши зоҳид деб ҳисобланади. Холбуки, бундай эмас. Чунки зоҳид нолини олишни истаган ҳар қандай одам учун мол-дунёни тарк қилиш ва хароботий бўлиб кўриниш қийин эмас. Ахир, қулларини озгина таом билан қаноатланиб ўтказадиган, чиллаҳоналарга қамалиб олиб, фақат ибодат қилиш билан машғул бўладиган қанча кишилар борки, бирдан-бир мақсадлари — одамлар уларнинг тоат-ибодатларини кўриб ҳавас қилсалар, бошқаларга мақтаб гапирсалар... Бундай ҳўжақўрсинга қилинган тоат-ибодатлар, табиийки, зоҳидлик саналмайди. Балки зоҳид молу жоҳнинг ҳар қандай туридан воз кеча олиши лозим, токи дунёнинг барча неъматлари унинг учун беқадр бўлсин. Яна шундай жамоа ҳам борки, ўзларини қимматбаҳо, нафис кийимларга чулғаниб юрадилар-да, яна зоҳидлик даъво қиладилар. Бу каби муддайллар (даъвогарлар) хусусида Ҳавос шундай деган эди: «Кийиматбаҳо либосларга бурканиб олиб зоҳидлик даъвосини қилувчи кимсалар — кўзбўямачилардир. Улар бу ишлари билан «Бизга камағалларга қарагандай паст назар билан қараманг, мискинларга бериладиган арзимас садақалар берманг, балки ўзимиз кийгандек қийиматбаҳо либослар ҳада қилинг!» демоқчи бўладилар. Улардан ҳақиқий зухду тақво талаб қилинса, «Биз илм истаган, пайғамбар йўлидаги кишилармиз, дунёдан юз ўгирсак ҳам дунё ўзи ортимиздан эргашиб келяпти. Биз фақат ўзгаларга озор бермаслик учун ҳадыларини қабул қиламиз», дейдилар. Бу кимсалар — дилларини поклаш, ахлоқларини ўнглаш мақсадинан йироқ бўлган, дин ниқобини кийиб, дунё истаган кимсалардир. Улар бу ниқобни шундай ўхшатиб кийганларки, баъзи соддадил кишиларга бу ниқоб эмас, асл юз бўлиб кўриниб, адаштиради. Аслида эса улар дунёга қул бўлган, нафс-ҳавога қарам бўлган риёкорлардир».

Бизнингча, ҳақиқий зоҳидликни билиш шу қадар мушкул ишки, ҳатто баъзи зоҳидларнинг ўзлари ҳам унинг моҳиятига етиб бормайдилар. Зоҳидлик замирида уч ботиний белги мавжуд бўлади. Биринчи белги: Аллоҳ таолонинг «Токи сизлардан кетган нарсага афсусланманг, сизларга келган нарсага хурсанд бўлманг», деган қовлига амал қилиб, бор нарсага хурсанд бўлмаслик, кетган нарсага ғам чекмаслик, балки бунинг акси ўларок, мол-дунёнинг мавжудлигидан ҳафа, ҳеч нарсаи йўқлигидан эса хурсанд бўлмоғи лозим. Иккинчи белги: Зоҳид учун уни мақтовчи ҳам, мазаммат қилувчи ҳам баробар бўлишидир. Биринчи белги мол-дунёдан юз ўгириш аломати бўлса, иккинчиси жоҳ-мартабадан юз ўгириш аломатидир.

Учинчи белги: фақат Аллоҳ таолога ошно бўлмоғи ва қалбига ибодат қилишдан оладиган ҳаловат қолиб бўлмоғидир. Зеро, қалб ё дунё муҳаббатидан ё Аллоҳ муҳаббатидан ҳаловат топади. Инсон қалбида бу иккиси худди қадаҳдаги сув билан ҳавога ўхшайди. Яъни, қадаҳга қанча сув қуйилса, ундан шунча ҳаво чиқиб кетади — ҳеч қачон иккаласи бирга бўлмайди. Бинобарин, кимки Аллоҳ таолога ошно бўлса, ўзгадан юз ўгиради. Шунинг учун ҳам баъзи ҳақиқий зоҳидлар хусусида «Зухд уларни қандай ҳолга солди?» деб сўралганда, «Фақат Аллоҳга ошно бўлишга олиб борди», деб жавоб берилган экан. Демак,



бир вақтнинг ўзида ҳам дунёга, ҳам Аллоҳга ошно бўлиш мумкин эмас.

Аҳли маърифат айтади: «Иймон ҳали қалбининг тубига етиб бормаган одам дунёни ҳам, охиратни ҳам севади ва ҳар икки-сига етишга ҳаракат қилади. Энди иймон дилининг сувайдосини эгалласа, у дунёга боқмай ва интилмайд қўяди, балки уни ёмон кўриб қолади. Одам алайҳис-саломнинг дуоларидаги «Тангри, мен Сендан бутун қалбимни эгаллаб оладиган иймон сўрайман» деган сўзларнинг маъноси ҳам шудир».

Абу Сулаймон шундай деди: «Ким ўзига машғул бўлса, одамлардан юз ўгиради. Бу оддий бандаларнинг мақомидир. Ким парвардигорига машғул бўлса, ўз нафсидан юз ўгиради. Бу орифлар мақомидир. Зоҳид шу икки мақомдан бирида бўлиши чорасиздир. Унинг аввалги мақоми ўзи ўзи билан машғул бўлишидирки, бу мақомда унинг учун борлиқ-йўқлик, мақтов-мазаммат баробар бўлади. Лекин бу мақомдаги зоҳиднинг қўлида оз миқдорда мол-дунё бўлиши унинг зоҳид эмаслигини билдирмайди: Ибн Абил-Хаворий айтади: «Абу Сулаймондан, Довуд Тойи зоҳидлардан бўлганми, деб сўрадим. У: «Ҳа», деди. «Эшитишимча, унга отасидан йигирма динар мерос қолиб, бу пулни у йигирма йил давомида сарфлаган экан. Қўлидаги бор нарсани Тангри йўлида бериб юбормасдан ушлаб турган одам ҳам зоҳид саналадими?» дедим мен. У жавоб қилди: «Сен ундан зоҳидлик мақомларининг энг охириг чегарасини талаб қилма?» Дарҳақиқат, инсон нафсининг сифатлари беҳад кўп бўлгани сабабли зоҳидликнинг охириг мақомига етиш маҳол ишлардандир. Зоҳид комил бўлиш учун барча нарсадан юз ўгирмоқ лозим. Киши дилини поклаш, иймонини ростлаш ниятида дунё матоларидан қанчалик юз ўгирса, зоҳидлик томонга шунча қадам босган бўлади. Бу йўл то тангридан ўзга барча нарсани тарк қилиш мақомигача давом этадики, ундан мақоми топишга муяссар бўлган зоҳид, Масих алайҳис-салом каби бошига тошдан ёстиқ қўйишдан ҳам юз ўгиради. Биз Тангри таолодан зуҳд неъматининг ибтидосини насиб этишини сўраймиз, зеро, биз кабилар (гарчи Аллоҳнинг фазлу карамидан ноумид бўлиш гуноҳ саналса ҳам) зуҳднинг интиҳосига кўз тутишга жасорат қила олмайдим. Аммо Тангрининг бизга берган саноксиз ажойиб неъматларини мулоҳаза қилиб кўрсак, унинг учун ҳеч нарса мушкул эмаслигини англаб етамиз ва Унинг ҳар қандай ҳаддан ортиқ бўлган фазлу жувди (саховати)га суяниб энг улуг неъматларни сўрашга ўзимизча журъат қиламиз.

Мълум бўлдики, зоҳидлик аломати — қалбда Аллоҳнинг

муҳаббати ғолиб бўлиши натижасида фақр (камбағаллик) ва (ғино)бойлик, азизлик ва хорлик, мақтов ва мазаммат баробар бўлмоғидир. Бу аломатлардан шубҳасиз, дунёдан юз ўгириш, унга бепарво бўлиш каби бошқа аломатлар келиб чиқади.

Баъзилар бундай дейдилар: «Зоҳидлик аломати — дунёни борича тарк қилиш ва работ қурай, масжид бино қилай, демасликдир». Яҳё ибн Маоз деди: «Зуҳднинг белгиси, бор нарсани бериб юборишдир». Ибн Хариф айтди: «Зуҳднинг белгиси — қўлдаги нарсани беришдан роҳат топиш, яъни нафснинг дунёдан ҳеч қийналмасдан кеча олишдир». Абу Сулаймон: «Дағал кийим зоҳидлик белгиларидандир, бас, дилида беш дирҳамлик кийимни хоҳлаб туриб, уч дирҳамлигини кийиш дуруст эмас», деди.

Аҳмад ибн Ханбал ва Суфён Саврий айтдилар: «Зуҳднинг белгиси — беҳуда орзуни калта қилишдир».

Сарий айтди: «Зоҳид ўз нафсидан юз ўгирса вақти чоғ бўлмайди, ориф эса ўз нафсига машғул бўлса вақти чоғ бўлмайди».

Насробозий деди: «Зоҳид дунёда ёлғиздир, ориф эса охиратда ёлғиздир». Яҳё ибн Маоз айтди: «Зуҳднинг аломати учтадир: илинжсиз амал, таъмасиз гап, мансабсиз азиз бўлиш». Яна айтди: «Ҳақиқий зоҳид бўлган кишидан сирка ва қалампир ҳиди келади, орифдан эса мушку анбар иси келади». Ундан бир киши сўради: «Мен қачон таваккул (фақат Тангрига суяниш) хонасига кириб, зуҳд ридосини кийиб, зоҳидлар билан ҳаммажли бўла оламан?» У жавоб берди: «Нафсингни шундай ривозлар билан чиниқтиргинки, Аллоҳ сендан уч кун ризқини узиб қўйса ҳам нафсинг ожизлик қилиб, бесабрликка тушмасин. Модомики, шу даражага етмас экансан, зоҳидлик палосида ўтиришинг нодонликдир ва кейин шарманда бўлмаслигинга кафолат йўқдир». Яна айтди: «Дунё бир келинчак кабидир. Дунёни истаган одам унга қул бўлади: дунёдан юз ўгирган зоҳид унинг юзини қаро қилади, сочларини юлиб, либосларини йиртади; ориф фақат Аллоҳ билан машғул бўлиб, дунё—келинчакка боқмайди ҳам».

Фузайл алайҳирроҳма айтди: «Аллоҳ барча ёмонликларни бир уйга қамаб, дунёнинг муҳаббатини ўша уйга калит қилиб қўйди. Барча яхшиликни бир уйга қўйиб, дунёни тарк қилишни унга калит қилиб қўйди». Зуҳд аломатлари хусусида айтмоқчи бўлган гапларимиз шулардан иборат.

Тангри барчамизни дунёга қул бўлиб қолишдан асрагай!!!



«Элёр ака, сизга мингдан-минг ташаккур. Ҳар йили киши давомида шамоллай-вериб жонимдан безор бўлардим. Худога шукр, бу йил ҳечам шамолламадим, соппа-соғ ишлаб юрибман. Сизга раҳмат».

81 ёшли онажоним ҳам доимо дуо қиладилар сизни. Чунки на бирон дори, на укол, умуман ҳеч нарса фойда бермагач, ҳеч нарсасиз, сиз ўргатган оддий, аммо фойдали усуллар билан ўз-ўзимни даволаяпман. Қўпинча яхши натижа бермоқда. Дунё тургунча туринг».

Фарида Абдуллаева,  
Нарпай ноҳияси,  
Янгиработ қишлоқ совети

«Сиздан миннатдоримиз, Элёр ака! Дўхтурлар минг уриниб бош оғригимга сира даво топишолмаганди. Иккинчи бор бошимдан массаж олганимдаёқ оғриқдан фориг бўлдим. Еки қўлингизда сеҳр борми? Мингга киринг илоё.»

Норой Хундибоева,  
Арнасой ноҳияси,  
Тимошенко номли хўжалик  
ишчиси

Элёр Холмухаммедов экстрасенс шифокор. Ўзбекистон маиший хизмат но-зирлигига қарашли Тошкент шаҳрида-ги хайрли ишлар бюросида массажчи. Ўзбекчасига айтганда ходимчи. Бирқан-ча шогирдлари бор. Қўлида ҳар ойда ўнлаб беморлар шифо топади. Журнал ходими Собир Унар у киши билан муло-қотда бўлди.

— Элёр ака, ҳозирги вақтда экстрасенс шифокорлар кўпайиб кетди. Бунга сабаб, халқнинг уларга ихлоси кучайганидандир балки. Улардан шифо топаётганлар кўп. Аммо шифо топмаётганлари ҳам бор. Айтинг-чи, экстрасенс шифокор қайси касалликларни даволай оладики қайсиларини даволай олмайди?

— Келинг, аввало уларни экстрасенс эмас, хислатли шифокорлар дея қолайлик. Улар юқумли касалликларни, синикни, кандли диабет, мия ичи, бир қанча ич касалликларидан бошқаларини



даволай оладилар. Менимча, 60 фоиз касалликни тузатамиз.

— **Врачлар ва олимлар хислатлиликни исбот этилмаган нарса деб инкор қилишга уриндилар. Ҳозир ҳам бу қарашлар мавжуд. Сиз, масалан, хислатингизни қандай исботлаган бўлардингиз? У моддий нарса эмас-ку, тўғрими?**

— Биз фақат кўзга кўринадиган нарсаларга ишониб ўрганиб қолганмиз. Телевизорда бир киз чиқиб қўлига товокни ёпиштирганда, врач бу хислат эмас, магнетизм (оҳанрабо кучи) деди. Демак, у хислат эмас экан. Хўп, майли, ammo мен бундай исботлаган бўлардим. Оддий бир кишини ёнимга ўтқазаманда, унинг бадани яқинидан кафтимни теккизмасдан юргизаман, сўнг ундан нимани ҳис қилганини сўрайман. У шунда нимани ҳис қилганини айтиб беради. Бу — биоток. Ибн Сино уни одамдаги ҳайвоний куч деб атаган. Бу куч баъзи бировларда тўлқинли шамол тарзида, бировда иссиқ, яна бировда совуқ ҳаво тарзида учрайди. Умуман, қайсики бемор оғрир экан, унда ё совуқлик, ё иссиқлик кучаяди. Совуқлик кучайса унга иссиқ куч юборамиз. Иссиқлик кучайса, аксинча, кучини оламиз. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. «Биоток», «экстрасенслик» деган гаплар бугун пайдо бўлгани йўқ. У азалдан бор нарса. Қадимда, эшитган бўлсангиз, махсус силовчилар бўлган. Улардан ташқари уйингизда кимдир оёғим ёки белим оғриятти, уқалаб қўйгин, дейди. Уқаласангиз, ўша оғриғи қолади. Илгариги вақтда тағидан иситиладиган ҳаммомлар бўлган. У оёқ остидан шу даражада баданини қиздирганки, танангиздаги кўп дардларни ўша иссиқ кувиб чиқариб юборган. Ҳозир унақа ҳаммомлар йўқ. Иссиқ кунлари чаккасига гул, райҳон тақиб олган аёлларни учратгансиз. Бу ҳам тананинг иссиқлик даражасини изга туширадиган нарса, яъни ўша гул бошингиздан иссиқликни қабул қилиб олади. Сартарошхонага кириб чиққанингизда ўз ўзингиздан енгил бўлиб қолишингизни ҳис қиласизми? Бу енгиллик ўсган сокол ёки сочингизни олдирганингиздан эмас, сартарошнинг қўли юз, бошингизни силаганидан.

— **Демак, ҳаммада ҳам хислат бор экан-да?**

— Маълум даражада ҳаммада бор, фақат бировники кучлироқ, бировники пастроқ бўлади. Мана, ҳозир сизга икки пиёлада оддий краннинг сувидан бераман. Сиз пиёланинг бирини чап қўлингизга олиб, ўнг қўлингиз кафти билан бутун диққат-эътиборингизни жамлаб куч юборинг. Кафтингизни сувдан бир қарич баландликда юргизаверинг. 5—6 минут узлуksиз бажаринг бу ишни. Кейин иккала пиёладаги сувдан бир хўп ламдан ичиб кўринг. Таъмидаги ўзгаришни сезасиз. (Мен Элёр ака айтган амалини бажардим. Ҳақиқатан ҳам сувнинг таъмида ўзгариш сездим). Ана шу-



нақа, бу — танангиздаги ўзингиз сезмаган сирли имконият.

— **Ўзингиздаги хислатни қачон сезгансиз?**

— Сафонов деган врач бор. У бир гал Тошкентга келиб, кишиларни қўл кучи билан даволаётганда танишиб қолганман. Ушангайм ўн йилдан ошди. У одамга мен қизим Нигорани кўрсатдим. Шунда айтдики, йўқ, мен бу кизни даволаёлмайман, ўзинг даволайсан уни, деди. Қизимнинг юрагидан учта пороғи бор эди. Уни даволаш деярли мумкин эмас. Мен қандай бўлмасин, қизимни кутқариб қолишга, шунинг учун бор имкониятимни ишга солишга қарор қилдим. Сафоновнинг «Бўшлиққа йўл», «Ўлимдан кейинги ҳаёт» китобларини ўқиб, ўзимдаги энергияни сарфлашни ўргандим. Қизимни сақлаб қоламан, деб ҳарчанд уриндим. Бироқ у саккиз ёшида касалхонага тушди. Шу қўйи қайтиб чиқмади. Қизим ўлаётганда: «Дада, мени тузатолмадинг-ку, энди бошқаларни даволагин», деди. Шу гапи доим қўлоғимда жаранглаб туради. Лекин менга дастлаб устозлик қилган одам Тоир ака Салаев деган киши бўлади.

— **Даволашни қачон бошлагансиз?**

— Қарийб ўн йилча бўлди. Расман, салон очиб ишлаётганимга 3 йилдан ошди. Тузатиш методлари устида ишляяпман ҳозир.

— **Мутахассислигингиз врачми?**

— Йўқ. Иқтисодчиман. Шогирдларимдан анча-мунчаси олий маълумотли врачлар. Лекин мутахассислиги фақат

врач бўлиб массаж билан шуғулланиш шарт эмас деб ўйлайман.

— **Сиз даволашда умуртқани массаж қилиш усулини танилайсиз. Эшитишимга қараганда бу усулни Ўзбекистонда фақат сиз биларкансиз.**

— Фақат мен биламан десам нотўғри бўлади. Нисбатан тузукроқ ўзлаштирганман дейишим мумкин. Иттифокда кучли шифокорлар бор. Мен шу усулни 50 фоиз ўзлаштирганман, холос. Мен билан бирга ишлаётган ҳамкасбларим Зариф Муслимов, Нуриддинжон деган фарғоналик йигит, Муҳаббат опа деган шогирдларим ҳам билишади. Гарчи мен билан бирга ишламасаларда, яна талай ёшларгайм ўргатяпман. Қандай бўлмасин, бошқалар ҳам билсин, одамларга фойдаси тегсин. Аслини олганда ҳар қандай касаллик умуртқада билинади. Мен учун энг қулай даволаш усули шу.

— **Сизни фолбинлик ҳам қилади дейишади, шу ростми?**

— Йўқ, фолбинлик қилмайман. Лекин руҳлар билан гаплаша оламан. Мисол учун кўпинча қизим Нигоранинг руҳи билан гаплашаман. Бироқ бу қалтис иш. Қалтислиги шундаки, мен ўз руҳимни қизимнинг руҳи томон йўллайман, шунда кароқчи руҳлар менинг руҳимга қасд қилиши мумкин...

— **Бу хатарли ва бахсли мавзу экан. Яхшиси, биз ушбу суҳбатни ўқиган барча биродарларга тани соғлик, боши омонлик тилайлик.**

— Ҳеч кимни шифокорга муҳтож қилмасин.



## НАСР

ЕҚУТХОН. Оқ булутга ўралган гуноҳ. Ҳикоя. . . . .	15
Ражаббой ОТА ТУРК. Остона. Қисса. . . . .	23

## НАЗМ

Ҳамроқул АСҚАР. . . . .	8
ДИЛШОДА. . . . .	14
Аъзам УҚТАМ. . . . .	17
Инобат НОРМУРОВОДА. . . . .	32
Жамол СИРОЖИДДИН. . . . .	56

## ТАНИШУВ

Расул ЖУМАЕВ. Йўл. Ҳикоя. . . . .	58
Муҳаммад РАЖАБ. Улус ҳангомалари. Ҳикоялар. . . . .	19
Барнобек ЭШПЎЛАТОВ. Шеърлар . . . . .	61

## НЕВАРАКУЛЧА

Қадам САИД МУРОД. Шеърлар. . . . .	63
------------------------------------	----

## АСЛИЯТДАН ТАРЖИМА

Александр СОЛЖЕНИЦИН. Гулаг архипелаги. . . . .	33
---	----

## ПУБЛИЦИСТИКА

Жамол КАМОЛ. Дунёнинг саволлари. . . . .	10
Ойнамиз ҳақида. . . . .	64
Собир УНАР. Танангиздаги сирли имконият. . . . .	78

## ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Умарали НОРМАТОВ. Фигон. . . . .	50
Дўстмурод АБДУРАҲМОНОВ. Товушлар ва аъзолар. . . . .	66
Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ. Эрк ва жилов кураши. . . . .	67

## МАЪРИФАТ ЕҒДУЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Муножот. . . . .	4
Муҳаммад Абу ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ. Ихёу улумид-дин. . . . .	70

## САНЪАТ

Ҳамиджон ҲОМИДОВ. Устод Борбад. . . . .	62
ТИЛ САНДИҒИ. . . . .	7, 57
«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ. . . . .	49, 69



# ЕШЛИК

«Молодость»  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортиқ  
роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди.  
Бир босма табақчача бўлган асарлар муал-  
лифларга қайтарилмайди. Редакция ўз тавсия-  
сига кўра амалга оширилган таржима асарлар  
қўлёзмасинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 19.04.90 да туширилди.  
Босишга 23.05.90 й. да рухсат берилди.  
Р—07000. Офсет босма. 1 офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ.  
Шартли босма табақ — 8,82.  
Наشريёт ҳисоб босма табағи — 12,6. Шартли  
бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.  
315142 нусхада чоп этилади. Буюртма № 3013.  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси.

«Ешлик», № 6, 1990.  
Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти.